

# Китобга муаллифнинг сўзбошиси



**ГУЛЧЕХРА НУР**

**ЙИФЛАРМАН**

*Янги шеърлар тўплами*

*Toishkent*

Тонгда ёзганларим шомда ўчирдим,  
Милт-милт ёниб турган шаъмда ўчирдим.  
Ногоҳ очилди-ю кул босган кўзлар,  
Кул шеър, кул унвон, шон-да ўчирдим...

**ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК АЙРИЛИҚДАН КЕЙИН...**

**(Китобга муаллифнинг сўзбошиси)**

Охирги марта босилган шеърий китобим «Мұхаббатнинг сурати» бўлиб, у 1988 йилда чоп этилганди. Шундан бери ўн тўққиз йил ўтибди. Шу фурсат мобайнида ёзилган шеърларимни назардан ўтказиб, тўплам ҳолига келтирдим. Уни «Йиғларман» деб номладим. Назаримда, кейинги ёзилган шеърларга бундан бўлак ном мос тушмайдигандай туюлди.

Аслида ҳам бу йиллардаги умрим кўпроқ кўз ёшлари билан ўтгани рост.

Бу давр бошидаги қайта қуриш бизларни уйғотиб юборганди. «Бирлик», «Тўмарис» каби халқ ҳаракатлари тузгандик. Миллий истиқлол учун майдонга тушгандик.

Орадан кўп ўтмай, «Бирлик»ни ҳам, унга бошпана берган Ёзувчилар уюшмасини ҳам атайин иккига бўлдилар: халқнинг шиддатли ҳаракатини кучсизлантирилар. Шундан кейин эса, кучсизланган ҳаракатнинг ҳам, уюшманинг ҳам бошига етдилар... Найранг, ўйин, қатағонлар ошкор ишга тушди. Беасос айблар кўйиб судлаш, қамашлар одатий ҳолга айланди. Эндигина уйғона бошлаган халқнинг шашти шу йўсин қирқилди, жувонмарг этилди...

х х х х

Эришилган мустақиллик шахсан менга нима берди? – деган савол тез-тез хаёлимдан ўтиб туради. Аввало у мендаги уйғонишни, журъатни ўлдиришга тиришди. Мустақиллик бошланиши билан ҳәётимда илк бора суд қилиндим. Тошкентда тузилган «Қорабоғ қўмитаси» йиғинида шунчаки иштирок этиб, залда ўлтирганим учун... Мустақиллик йиллари номим қора рўйхатлардан сирайм тушмади, ҳар бир куним назоратда бўлди. Шеърларим деярли босилмади. Биронта китобим чиқмади...  
Кўз очган булоқ ўзига муттасил йўл излагани сингари, мен ҳам юрак туғёнларимни одамлар билан баҳам кўришни истардим. Оқибатда тўрт йил хорижнинг «Озодлик» ва «Америка овози» радиоларида мухбирлик қилдим. Халқимиз ҳаёти билан янада яқиндан танишувга муваффақ бўлдим. Сиёсий ўйинларни, алдовларни, атайин уюштирилган террорларни кўрдим. Қўлга киритилган мустақиллик фақат амалдорларники бўлганига бутунлай ишонч ҳосил қилдим. Мехнаткаш, беозор, халол халқим бекордан-бекорга террорчига чиқарилганига, унга экстремист номи берилганига, беҳудага  
қамоқларга ташлангани, қийноқларга солингани, бўйсунмаганлари ўлдирилганига, заҳм, сил, СПИД каби касалликлар маҳбусларга атайин юқтирилганига шоҳидликдан қон-қон ийғладим... Дарду ҳасратларим гоҳида эшиттириш бўлди, гоҳида шеърга кўчди, гоҳида ёш билан ичга ютилди...  
«Мұхаббатнинг сурати» тўпламидан кейин ёзилган шеърларни «Йиғларман» деб номлаганимнинг боиси шу.  
Онажон халқим, мен кўз ёшлари тўкиб, зора сенга озгина бўлса-да, таскин бўла билсан, зилдай ғам юкларингни енгиллата олсан... Ягона муродим – сенинг кўзларингда яшаш, яратиш завқини кўриш. Ниятим – сен йиғламасанг бас!

**Гулчехра НУР,  
2007, май.**

# 1987

ҚАЙТА ҚУРИШ – ЙИЛЛАР ТАЪҚИБ АЙЛАГАН  
ОЗОД ФИКРЛАРНИНГ ДАВР-У ДАВРОНИ...  
ҚАЙТА ҚУРИШ – ФАҚАТ ЎЗИН ЎЙЛАГАН  
НОПОК КИМСАЛАРНИНГ ЗИМДАН ИСЁНИ...

## ВАТАН

Менга оғриқмисан, оҳмисан менга,  
Майли, қўшиқ билсин куйлагувчилар.  
Нетайки, қўп бўлса сендай заминга  
Куйгувчидан кўра куймагувчилар.

Менга аждодлардан Каъбамисан, ё  
Мендан авлодларга ёнишлар-ўтлар...  
Нетайки, бағрингдан жой топган риё  
Она атай туриб, солса човутлар...

Сени ўйламаслик – БУЮК ҚОТИЛЛИК!  
Барчага бирдайнин ҳожатбарорсан.  
Пахта тераётган, қўллари тилик  
Ўғлим суратига кириб борарсан.

Сенга қарайман-у, заҳматкаш Ватан,  
Ўзимни кўмаман минг таъналарга.  
Қаро либос кийиб, тутайми мотам  
Ўғлим эшитмаган Муқанналарга.

Гарчи сени куйлаб, гул демок урф,  
Истехзо қўринди, кўзингга боксам.  
Куриётган Орол бошида туриб,  
Сочларини ёйган қорақалпоқсан...

Ёзу қиш пахта деб қад буккан воҳам,  
Тилаганим сенга – тақдир қуёши.  
Майлига, мен учун оғриқ бўлсанг ҳам,  
Омон бўл, омон бўл, кўзларим ёши!  
24. 11. 1987.

х х х х

Мен сиз каби кула олмасман,  
Мен сиз каби чалмасман қарсак.  
Махзунликнинг майидан мастман,  
Эгнимда ҳам ғам бичган мурсак.

Тилимдадир қисмати таҳир  
Фурсаларнинг оғриқ кезлари.

Нетай, нетай, нетайки, ахир  
Мен ҳаётнинг дардчил кўзлари...

19. 12. 1987.

Х Х Х

Юардик нопок-ла шеърда олишиб,  
Юардик ҳақиқат, адолатга оч.  
Қайта қуриш...  
Сендан кўнгил ёришиб,  
Ҳар бир хужайрага қайтди-ку ишонч.

Эътиқодлар қайтди...  
Булутли осмон,  
Ўйладим: зум ўтмай бўлгай мусафро.  
Шоҳсупага чиқар бегуноҳ виждон,  
Шоҳсупага чиқар эл-юртга вафо.

Қайта қуриш...  
Сенга тикиб жонимни,  
Дедим: «Мен уники, уники буткул...»  
Энди бўлса борим – хонумонимни  
Чирпирак этгудай, ёндиргудай ул.

Қайта қуриш – оппоқ бедорликка зеб,  
Иймон-диёнатга тегишли наасаб.  
Қайта қуриш – ҳақ деб, халолликни деб  
Хаста бўлган юрак, қақшаган асаб...

Қайта қуриш – йиллар таъқиб айлаган  
Озод фикрларнинг давру даврони.  
Қайта қуриш – фақат ўзин ўйлаган  
Нопок кимсаларнинг зимдан исёни...

Қиши кета қолмасдан, келолмай баҳор,  
Кунлар файз-тинчини йўқотган таҳлид,  
Имонлилар бедор,  
Имонсиз бедор...  
Ватан – жанг майдони бўлмишdir яхлит.

Мен ҳам майдон аро покланиш тараф,  
Ватан-боғ файзини ўйлаган қушман...

Тегмай қолди чоғи мендан бирор наф,  
Кечаги дўйстларим – бугунда душман...

Биламан: отгайлар маломат тошин,  
Истарлар номимни этмоқни қаро.  
Мен эса, ўлсам ҳам эгмасман бошим,  
Ўзимни билгайман саркашлар аро.

Тиловат қиласман: булутли осмон  
Чақмоқлар сүнгиди бўлсин мусаффо.  
Шоҳсупага чиқсин бегуноҳ виждан,  
Шоҳсупага чиқсин эл-юртга вафо...  
20. 06. 1987.

х х х

*Краснодарда бўлган пойгада Fиркўк  
лақабли отимиз бор кучини оёқларига тўплаб,  
марра сари югорди. Лекин, баҳтга қарши, судья  
Fиркўкнинг галабасини инобатга олмади. Сабаби:  
унинг чавандози йўлда икчилиб қолган ва маррага  
отнинг ўзи етиб келганди.*

### Нусрат РАҲМАТОВ

Фиркўк учар, Фиркўк учар,  
Шитоб учиб борадир.  
Унинг билан ер-кўк учар,  
Кўзлагани маррадир.

Энг биринчи бормоқ лозим,  
Бормаса, ор бўлади.  
Йўлда учган чавандозин  
Номуси ер бўлади.

Майиб руҳни тузатаркан  
«Енгдим» деган сўз фақат.  
Халқ бетоқат кузатаркан,  
От ҳам учар бетоқат...

... Қарсаклардан еру кўкнинг  
Тиниб кетар кўзлари.

Бошдан-оёқ ҳўл Фиркўкни  
Кучар «қойил!» сўзлари.  
Афсус, лекин олинмас тан  
Қарсаклар-у «балли»лар.  
Шундоқ бўлгай, ўлтиаркан  
Ҳакамликда даллилар.

Шундоқ бўлгай, ўзгаларни  
Ёрти-пачоқ кўрсалар,  
Бошни силай турган бўлиб,  
Зимдан пичоқ урсалар.  
Шеър ёзмадим руҳсизликдан,

Алам ёздим, ох ёздим.  
Нетайинки, ҳақсизликдан  
Ёнай, деса қоғозим.

Бўлса ҳамки гоҳи дардли  
Туйгуларим хатлари,  
Тик бошимдир ориятли  
Ўзбекистон отлари.

23. 07. 1987.

Х Х Х Х

Сиз орзу қиласиз:  
олимлар шундок  
асбоб ясашсаки,  
акс этса унда  
тегрангизда турган одам сийрати  
муҳаббати ила,  
нафрати ила,  
қувончлари ила,  
ҳасрати ила,  
ишchanлиги,  
шавқу ланжлиги ила,  
риёси,  
орзуси,  
ранжлиги ила...

Ўшал асбоб мавжуд, билсангиз агар:  
У – Ватан қўкига тўпланар булут,  
У – Ватан бошига тушар мусибат.  
Шулар айтиб бергай бекаму бекўст:  
мен кимман?  
Сиз кимсиз?  
Қандай одам у?..

1987.

Х Х Х Х

Бир пас хаёлларга боғланиб турдим,  
Турфа саволларга боғланиб турдим,  
Не бўлар, ўзинг айт, онажон юртим,  
Шоир рост сўзини айтмасдан қўйса?!

Бағрингни ёғийлар тұлдирмасмикин?  
Мехмон мезбонини үлдирмасмикин?  
Ёлғон юрт түрида үлтирмасмикин? -  
Шоир рост сўзини айтмасдан қўйса...

Эркин фикрларни сириш ортар-ку,  
Силлиқ рухсорларда тириш ортар-ку,  
Иймон-эътиқодда чириш ортар-ку,  
Шоир рост сўзини айтмасдан қўйса...

Одам одамлигин қўйгай унутиб,  
Лойқа талотумни бўлмас тинитиб,  
Соврилмоғи тайин, чарҳи дун йитиб,  
Шоир рост сўзини айтмасдан қўйса...

Минбар, китоблардан қилинг қувғинди,  
Увол эрур унга ҳатто ювинди,  
Майли, ғурбатларга бўлсин сифинди,  
Шоир рост сўзини айтмасдан қўйса...

Ғурбат ҳам жирканиб, атасин «хоин»,  
Ундан дариг тутсин бир парча жойин,  
Умрлик қисмати шу бўлсин доим,  
Шоир рост сўзини айтмасдан қўйса...

Яшноқ қўрай, дейман, юртим атласин,  
Ҳар жилоси унинг рост шеър ёдласин,  
Портлай қолсин замин, осмон портласин,  
Инсон рост сўзини айтмасдан қўйса...

29. 08. 1987.

x x x x

Номардларга айтар сўзим йўқ,  
Айтсан, қалби шерга айтаман.

«Мен ўзимни ўйламасман хеч,  
Халқникиман...» – дерга айтаман.

Шундайларни топмасам агар,  
Ёниб-ёниб шеърга айтаман.

Шеър ҳам менга қилмаса вафо,  
Унда қаро ерга айтаман...

23. 07. 1987.

## АЁЛЛАРГА

Эй сиз, бокиралар, эй сиз, гулсанам,

Тинмаган жонларим, малоҳатларим,  
Дунё қай бурчида яшасангиз ҳам,  
Дунё устунисиз, зебо қадларим!

Севмақ, севилмаклик – сизга қоида,  
Сизни мўъжиза, деб таниган очун.  
Бир бош паст турасиз эрлар ёнида,  
Мағрур бошларини эгдирмак учун.

Оlam яралмишки, ўтади улар  
Нафис гўзалликнинг қарамоғига.  
Овозингиз ипак. Боиси, дерлар,  
Дўрилдоқ овозлар эrimoғига.

Тийра кўз – «мустабид ҳоким»ларингиз  
Мафтун нигоҳларни доғлаш учунмиш.

Бунча узун, десам, кокилларингиз,  
Бекўним ҳисларни боғлаш учунмиш.

Қоматингиз шамшод. Одимлар майда -  
Зор-зор кутсин учун одими йирик.  
Қадамингиз етган, сиз бўлган жойда  
Танти кувонч бўлар, нур бўлар тирик.

Ҳайкиргим келади: меҳри беназир,  
Эй сурати латиф, сийрати латиф,  
Миллат нигоҳлари сизга мунтазир,  
Миллат оналигин қўйинг қўрсатиб.

Шу Ватан камоли, қудрати, кучи  
Сизларнинг тафаккур, ҳимматингизда.  
Тоғларнинг виқори қўксимга кўчиб,  
Мен эса бўлайин хизматингизда...

30. 08. 1987.

## ВИЖДОН

Рўпарамда кўз кўрмас девор,  
Ошиб ўтсан, бўлурман абор...

Рўпарамда кўз кўрмас парда,  
Азоб бўлар, очсан агарда...

Рўпарамда кўз кўрмас чизик,  
Босиб ўтсан, хаётим бузуқ...

Рўпарамда кўз кўрмас довчи,  
Сўзни, ҳатто кўзни терговчи...

Девор, парда, терговчи, чизик... -  
Домларида яшашим қизик...

Асирикда йўғу борлигим,  
Шу асирик – баҳтиёрлигим...

20. 10. 1987.

x x x x

## Бир дүстга

Дүстлик висолини билардим беҳишт,  
Күнгил бўшатишдан топардим ҳузур.  
Ниқобсиз кулгингиз менга эди хуш,  
Ниқобсиз юрагим сизга хам манзур.  
Кўргансиз қоронғу, ёруғ кунларим,  
Кўргансиз ёшларим, табассумларим.

Сизга кўз тушишин ўзи бир қувонч,  
Сўзлардим ҳар оним кечинмасини.  
Дилоро дардкашга мудом бўлиб оч,  
Топдим, деб билса дил, очилмасинми?!  
Мен учун таажжуб, менга нокерак  
Қулфи бор мамлакат, қулфи бор юрак...

Ўйлардим: манфаат дўстликка ҳаром.  
Бахт – дўсти руҳини дўсти бойитса,  
Сир тўла ҳаётда ҳар соат, ҳар он  
Жилға ўй қўшилиб, ўзни сой этса...»  
Шунда бизнинг юрак бир бўлмай қолди,  
Энди сизга айтар сир бўлмай қолди...

На қаро кийиндим, на чекдим нола,  
На тўсдим хайрона қўнгилнинг шаштин.  
Бахт-у омадларга айлаб ҳавола,  
Юрагингиз ила хайр-хўшлашдим.  
Гўллигидан кулди, ўзидан кулди,  
Вайрона қўнглимнинг иши шу бўлди...

Биласиз: тоғ тоққа дуч келмас ҳаргиз,  
Биз – тирик жонларга дуч келмоқ тайин.  
Ажаб, шунда менга нималар дерсиз?  
Ажаб, мен ўзим хам... Айтмоғим қийин...  
Билганим: назокат юзга кўрк бўлар,  
Лекин юрак энди буткул берк бўлар...

1986-1987.

x x x x

Ўйлар эдим: йўқ дардкашинг, бирон руҳдошинг.  
Ўйлар эдим: ҳасади мўл ағёrlаринг бор,  
Эй сен, боғим ўртасида тик тутиб бошин,  
Танҳоликни тақдир билган хаёлкаш чинор.

... Букун эса, ўйларимни, сенга бокқан чоғ,  
Тахрир айлаб, инқилоблар кирди сезгиға.  
Бошингда нур,  
бағрингда ел,  
пойингда ирмоқ  
Кўнглинг олиб, сенинг учун ўйнар «Лазги»га...  
1987.

х х х х

### У...га

Кўтаргувчи рухим, тъбимни  
Рост, покиза сўзга ташаккур.  
Тушунмади кўплар қалбимни,  
Тушунгувчи сизга ташаккур.

Танлаганман сизни, қаламни,  
Суюклиги кўзда намоён.  
Бунча тубан, десам одамни,  
Буюклиги сизда намоён.

Хасратим-ла ўрасам мунгга  
Юрагингиз вазнларини,  
Шодлик қўшиб тутасиз менга  
Бу ҳайтнинг назмларини.

Сиз – энг етук, покиза ижод  
Руҳиятим кўлкаларида.  
Турса керак тўкилмай хаёт  
Сиздайларнинг елкаларида...

21. 06. 1987.

х х х х

Ойижон, неча ой бора олмадим,  
Армоним айтмаган сўзимда пинҳон.  
Сизга дил ёрардим... Ёра олмадим...  
Йигилган ёшларим кўксимда пинҳон.

Дедим: «Дардли дунё, ҳасратли дунё...  
Баским, марҳумларни қийнамоқ нечун?»  
Ойижон, алвидо айтганмисиз ё  
Яшаш – азобланиш бўлгани учун?!  
«Йўқ-йўқ, хотиржамман, – дердингиз бизга, -  
Куйгунчак қалбларим – мардларим ила».Мен эса борайми хузурингизга  
Яккаш ҳасратларим – дардларим ила?!  
Нетай, ҳаёт нурсиз менга бу дамда,

Шоир айтганидай, дорми, ойижон?!  
Бўйи бўйимга мос қўпdir теграмда,  
Кўнгли кўнглимга мос борми, ойижон?

Истардим: эрқаклар баландбўй бўлса,  
Баланд ўйли бўлса, деярдим яна.  
Истардим: аёллар лоларўй бўлса,  
Тотув уйли бўлса, деярдим яна.

Йигит хаёлида замин-замонмас,  
Манманликни кўрсам, ерга кираман.  
Аёл турмушида тинчмас, омонмас,  
Вайронликни кўрсам, ерга кираман.

Тўкис муҳаббатим, бахтимдан хурсанд,  
Оёқни узатиб кетганингиз чин.  
Ох, мен ўз бахтимдан хотиржам юрсам,  
Қачон мукаммаллик топгай бу очун?!

Ойижон, олишув бормоқда ошкор  
Бўйи баланд, ўйи майдалар билан.  
Яхшилик нелигин билмаган зинҳор,  
Меҳрсиз, тош-метин дийдалар билан.

Чекимизга тушган қайта қуришлар, -  
Ватан йўлларини покламоқ иши.  
Зимдан қаршиликлар, суйиқасд ишлар...  
Шундан қизингизнинг бисёр ташвиши.

Неча ойлар ўтди...  
О, мен – бемехр...  
Зиёрат этмабман, меҳрибонгинам!..  
... Қандай одам бўлдим, ойижон, ахир  
Дардим билан келсан мархумларга хам...

21. 06. 1987.

x x x

## У...га

Томчи боғланибди симлар белига,  
Шўхлик боғланибди қушлар тилига,  
Мен эса... сизга...

Баҳорга тўймайди мавсумий гуллар,  
Қадамга тўймайди қадимий йўллар,  
Мен эса... сизга...

Кирғоқ азобларин қишигә очаркан,  
Бағрин ўйик күрган хешгә очаркан,  
Мен эса... сизга...

Күнгил бўшатаман, енгил тортаман,  
Андуҳим юкларин сизга ортаман,  
Азизим, сизга...

Мени, худбиним, деб койинг, арзирман,  
Ҳасратли куним, деб койинг, арзирман...  
Ажаб, койимассиз, бебаҳогинам...

27. 06. 1987.

## РИВОЯТ

Ўтган экан покдил одам,  
Яккаш меҳр-ганж экан.  
Бу қандайин телба олам:  
Кўрганлари ранж экан.

Ранжин ютиб, одамларни  
Тўғри йўлга соларкан.  
Кўрганида пок дамларни  
Кўнгли қарсак чаларкан.

Ўзи емас, ўзгага ҳам  
Едирмагай ҳаромни.

Шу боисдан талай одам  
Йўқотибди оромни.

Сир бой бермас.  
Сиз, деб, падар,  
Юкинаркан у каслар.  
Пойин ўпиб, ерга қадар  
Букиларкан у каслар.

Кулар экан феъли ювош,  
«Бу – азалий хат, – деркан, -  
Вақти келиб отарсан тош,  
Сал секинрок от», – деркан.

Ҳақғўйлиги у касларнинг  
Иzzат-нафсин букибди.  
Йигиб келиб хор-хасларни,  
Уст-бошидан тўкибди.

Ёзишибди шоҳга нома,  
Телба атаб донони.  
Дейишармиш: «Зўр хангома  
Тутар энди дунёни...»

Ишонибди чиппа шоҳ ҳам,

«Ёзганлари рост, – дебди, -  
Күпчиликки эмас маҳрам,  
Чиндан ақли паст», – дебди...

Шоҳ фатвоси нокасларга  
Беадад кўл келибди.  
Беришибди эрк дастларга,  
Ўлжалар мўл келибди.

Атроф қуриб, хазинага  
Тикишибди кўзларин.  
Кўзни очиб... Дор остида  
Кўришибди ўзларин...

Оломонни ёриб чиқиб,  
Калом айтмиш «девона»:  
«Холи шундоқ бўлар, кимки  
Иймонидан бегона.

Билсам ҳамки сизни бебош,  
Ғамларингиз евдим-а.  
Мана, қайтди сиз отган тош,  
Секинроқ от, девдим-а...»

...Ўйланаман неча аср,  
Неча йиллар берида:  
Бўлди экан қандайин сир  
Ул дононинг зорида?

Деган эди: «Секинроқ от!»  
Демаганди: «Отма, бас!..»  
... Одам аҳли, эвоҳ, наҳот  
Тош отмаса туролмас?!

27. 07. 1987.

## УЧРАШУВЛАР

Учрашдик...  
Нур эдинг, порлоқ нур эдинг,  
Ўн олти ёшиңгнинг хотамлигидан.  
Кувондим, суратинг, ажиб суратинг  
Хусну малоҳатга ватанлигидан.  
Шу дафъа  
Шеър тухфа этсайди илҳом,  
Унга «МЎҶИЗА» деб қўяр эдим ном...

Учрашдик...  
Нигоҳинг не учун ерда?  
Нечун чаракламас хуснинг қуёши?  
Шўхликлар қаерда? Сехр қаерда?  
Нима учун эгик латофат боши?  
Шу дафъа

Шеър тухфа этсайди илхом,  
Унга «ГУНОХ» дея қўяр эдим ном...

Учрашдик...  
Сен – сўзсиз...  
Мен ҳам сукутда...  
Каро кўзда қаро фарёдлар кўрдим.  
Ўзингни «маломат» аталмиш дардда,  
Ортингдан  
Хуснингга сайёдлар кўрдим.

Шу дафъа  
Шеър тухфа этсайди илхом,  
Унга «ТЕЗ ЁРДАМ» деб қўяр эдим ном...

Учрашдик...  
Сен эмас...  
Ёдинг-ла ногоҳ...  
Эсадалик – бўйнингни сиқкан дор қолди.  
Улгурмаган эдим тез ёрдамга... оҳ...  
Юрагимда армон, нола, зор қолди...  
Шу дафъа  
Шеър тухфа этса илҳомим,  
«ЭЗГУЛИККА ШОШИЛ!..» дермидим номин...

11. 08. 1987.

## ФАРИШТА ОДАМ

Ураганни атадингиз опа ё ака...  
Ураганни атадингиз ука ё сингил...  
Айтинг, айтинг, сувайдосиз нечун ойдака?  
Айтинг, нечун кўнгил бериб, топмабсиз кўнгил?

Қарайман-у кўзларимдан тирқирайди ёш,  
Яхшилизки, яхшиликка ташнасиз доим.  
Ўзгаларни ўйлар экан беозор, ювош,  
Ўзгалар ҳам ўйлагайми беозор ройин?

Индамайсиз...  
Сизникимас бешафқат олам...  
Жон куйдириш, фидо бўлиш, ўртаниш абас.  
Фариштасиз яшолмагай фаришта одам...  
Мен биламан: фариштангиз бу ерда эмас.

«Кетинг, – дейман, – бу даврага кетинг тупуриб.  
Маъқул, – дейман, – нокаслардан қутилмоғингиз...»  
Ўйланаман: кейин яна етмасми фириб?  
Кейин кимлар тўлдиаркин кўнгил боғингиз?

... Сиз кетасиз...  
Яна ҳамма опа ё ака...  
Сиз кетасиз...  
Яна ҳамма ука ё сингил...

Бу дунёни оппоқ истаб сиз ҳам ойдака,  
Яна бошдан қоврилгайсиз, фаришта кўнгил...  
10. 12. 1987.

## ТЎРТЛИКЛАР

1.

Ҳаёт яшаш илмин мендан яширди,  
Ҳамдамлар топ, дея шоши-шоширди.  
Топдим... Бошга қўйдим... Кўпларин пастлик,  
Ажаб, ўз-ўзидан ерга туширди...

25. 07. 1987.

2.

Дуч келган ҳар кимдан дўст-ёр изладим,  
Ҳар кун, ҳар сония бисёр изладим.  
Бу – менга тақдирнинг нечоғ ҳазили:  
Демаган эдим-ку: «Ағёр изладим...»

26. 07. 1987.

3.

Яхшилар, яхшиям борсиз ҳаётда,  
Юрагим соати биламан сизни.  
Ховликсам, тўхтасам ё қолсам ортда,  
Тинглашга тушаман зарбларингизни...

1. 08. 1987.

4.

Дўлворгинам, тентакчам – поклик,  
Ҳар кимсадан излайсан оқлик.  
Мен қўрқаман: шу атвор боис  
Тушмаса, деб, бошга ғамноклик.  
12. 11. 1987.

## КЕЛАЖАКНИНГ ОДАМИ

Қўлларига тушди сиз битган хатлар,  
«Афсус, тушумоғим даргумон...» – деди.  
... Сиз макр китобин ўқиган дамлар  
У меҳр китобин ёдлаган эди.

Кулоғига кирди ханжарли сўзлар,  
Лабларин тишлади, ҳайратда қолиб.  
... Сиз барбод илмига мук тушган кезлар  
У бунёд илмига бўлганди толиб.

Юксак эди унга бани одамлар,  
Унга бедоф эди кўкси доғ ҳаёт.  
... Сиз унинг заволин ўйлаган дамлар  
Тилаб юрган эди сизга камолот.

... Қани, айтольса-чи бирон сўз сизга...  
Сўзга айланмовди ундаги ғулув.  
Сўзсиз тикилди-ю рафторингизга,  
Ўгай даврангизни талоқ этди у.

Олди ўзи билан улуғ покликни,  
Сигиниб яшарди шу кимёсига.  
Сиз учун қолдириб ёқачокликни,  
Кетди у ардоқли ўз дунёсига...

27. 08. 1987.

x x x x

Сизнинг даврангизда қолмоқлик учун  
ярим юлғич бўлмоқ,  
ярим субутсиз,  
ярим айёр бўлмоқ,  
ярим ҳаёсиз,  
ярим мўлтони-ю  
ярим дилозор,  
ярим қўр,  
ярим кар,  
ярим савдойи... -  
қисқаси, куйгунчак бутун юракни  
ифлос яримларга булғамоқ керак,  
воз кечмоқлик керак ўзлиқдан буткул,  
мослашиб чиқиши-чун ҳар бирингизга...  
Мен-чи, қолмоқ истаб бутунлигимча,  
ташқари чиқаман, даврангиз ташлаб...

... Оҳ, қандай сокинлик, мусаффо ҳаво!..  
Кўксимни тўлдириб оламан нафас.  
Теграмга тикилиб қарайман.  
Ажаб?! -  
Бир-икки мендайлар ташланар кўзга.  
Таажжуб қиласман:  
нимадан сабабдан  
одамлари сийрак тоза ҳавонинг?!

16. 07. 1987.

x x x x

Куз ташвиши йўқдай шаҳарда,  
Пахтани деб ҳамма ҳашарда.

Мен оромин тилаган чоллар  
Пайкалларга тўлган қачонлар.

Мен китобга унданған гўдак  
Эрта тонгдан тутибди этак...

Булутларнинг лашкари тўқис,  
Қилсин, дерми, кузлигини куз.

Кор учқуни музлатар ичим,  
Омонмикин ўғлим-ҳашарчим?!

Телпак ғамин мен қайдан евдим,  
Совуққача қолмаслар, девдим...

Жиринглайди телефон шу чоғ,  
Газетадан менга қўнғирок.

Пахта ерда... Келаётир қиши...  
Даъваткор бир шеър керак эмиш...

12. 11. 1987.

## АЖАБЛАНИШ

### Абдулла ҚОДИРИЙГА

Сизга тегиш довруқ қўрмади сизни,  
Хабибликка лойик бўлмади ҳабиб.

Яшар эдингиз-ку нурлатиб сўзни,  
Яшар эдингиз-ку миллатга табиб.

Фақат сифинмоқ шарт ёруғ нигохга,  
Бағрингизда эди беминнат қуёш.  
Отар эдилар-ку мевали шохга,  
Ажаб, нечун сизга тегаверди тош?!

Насибангиз эди оламдаги баҳт,  
Юксак туринг эди бодомдай гуллаб...  
Кесилар эди-ку одаммас, дараҳт,  
Ажабо, нечун сиз кетдингиз қулаб?!

Сизни асрамоққа бўйлолмай молик,  
Журъат қайда эди, қайларда журъат?  
Истөъдод қисмати – наҳот танҳолик?!

Ҳақиқат қисмати – наҳот укубат?!

9. 09. 1987.

х х х

Тун ухлайди. Осмонда ҳилол.  
Букчайганча у шикаста дил,  
«Оҳ» уради. Ташлайди савол:  
«Гуноҳларим нимадир, айтгил?..»

Дейман: «Тунга тўнғич асира,  
Маҳзунлигинг эзди борлиғим.  
Мендан эмас, тухматдан сўра  
Бегуноҳнинг гуноҳкорлигин...»

15. 09. 1987.

## ШЕЪРГА ҚАЙТИШ

Орзум қушчалари, полапонларим,  
Измингизга қайтдим. Бормисиз омон?  
Сиздан йироқ кетган фурсат-онларим  
Кузги барглар каби, билдим, заъфарон.

Ҳаққа зор қалбимни англатмоқ истаб,  
Кимларга жовдираб боқмадим асти.

Билсам бўлмасмиди сизни, нафистаъб,  
Руҳим ҳабибаси, кўнгил пайвасти.

Кимларга улашдим, қиймалаб бағрим...  
Ўйловдим: азобим айланар бахтга.  
Тутсам бўлмасмиди муруват-баҳрим  
Сиздайнин содикқа, сиздай улфатга.

Сиздан айро тушган дамлар етимдай,  
Ўйларимда афсус, кўзларимда ёш...  
Мана, қайтиб келдим сизга бутунлай,  
Юксак пойингизга урмоқ учун бош...

15. 09. 1987.

x x x x

Қизим, қувонаман: танти табиат  
Ажиб юрак ила сени сийламиш.  
Сочдан тирноққача маъсума иффат,  
Сочдан тирноққача меҳр, ийманиш...

Ҳайратли бир савол мени айлар шод,  
Ширин бир ҳаяжон кўксимда зохир:  
Наҳот менга тегиш шундайин ижод?!  
Наҳот меникидир шундай жавоҳир?!

12. 12. 1987.

х х х х

### **Марҳаматга**

Андухларим кўрарсиз баҳам,  
Хасратимдан бағрингиз тилик.  
Сиз учун, о, билмагайман ҳам,  
Қилиб эдим қандай яхшилик?!

Бўларкансиз мен учун ҳамдард,  
Эриб, ёшга тўлар бу дийда.  
Бўлсам агар, қарздорман фақат  
Сиздай УЛКАН МЕХР олдида...

19. 12. 1987.

х х х х

Шамол тўрт томондан эсган тепалик.  
Ўзим ғишт узатган уй қадди баланд.  
Кушлар салом берар, оламан алик,  
Кўзим рассом кузак машқи ила банд.

Гулга ўч арилар тинимсиз ишда.  
Улар нечоғ аҳил, нечоғ дўст-ёрон...  
... Гўё умр бўйи ҳаёт саришта,  
Гўё дунёда йўқ ёвузилик, ёлғон...

Кизиллик сочилар гулбеорлардан,  
Қуёш куйдирмайди, ўпади, холос.  
... Гўё қалбим шундай осуда ҳар дам,  
Гўё ўртанишлар эмас менга хос.

Шоирлар чорбоғи – роботларида  
Мудом дастёрликда қуёш ила моҳ.  
... Бундай илтифотнинг қанотларида  
Ноҳуш кимсаларни эсламоқ – гуноҳ...

15. 09. 1987.

# **1988**

ЧАЛАЖОН ЁТАРКАН ҲУРЛИГИМ,

БҮГЗИМНИ БҮГАРКАН ХҮРЛИГИМ,  
УЙГОНИБ, УЙГОТДИ «БИРЛИГ»ИМ,  
ДҮСТАРИМ, ҲАЙҚИРГИМ КЕЛМОҚДА...

## АРМОН

Топилса-ю армонларнинг ногоҳ имкони,  
Кошки юртим бўла қолса тоғлар макони.  
Бургутлари боши узра айласа парвоз,  
Йигитлари бургутмисол бўлишса шоввоз.  
Кизларининг ақли расо, ғуури расо,  
Чоллари ҳам эллик ёшдан тутмаса асо.  
Биз яшасак, нуқул ерга букавермай қад,  
Куриб баланд тоғлар ила ўқтам мулоқат.

Топилса-ю армонимга ногоҳ имконлар,  
Кошки юртим ўрай қолса мовий уммонлар.  
Тўлқинлари хас-чўпларни ташласа суриб,  
Оромижон ҳаволарни турса уфуриб.  
Дарёлари қуrimаса ярим йўлида,  
Қирғоқлари сўйлаб турса она тилида.  
Биз яшасак, нуқул ерга букавермай қад,  
Куриб мовий уммон ила маъсуд мулоқат.

Топилса-ю армонимга ногоҳ имконлар,  
Кошки юртим бўлса эди адр-ўрмонлар.  
Майли, майли, подачининг бўлсам келини,  
Момолардан ўргансайдим шеърим тилини.  
Сигир соғсам, кувлар пишсам, ивitsам қатик,  
Қуртлар қилиб, болаларга айласам тортиқ...  
Улар – менинг оғриқларим, қийналган жоним,  
Пахтасидан эгик-букри, рангпар, нимжоним...  
... Биз яшасак, нуқул ерга букавермай қад,  
Куриб яшил ўрмон ила ширин мулоқат...

Кошки эди...  
21. 12. 1988.

## ХАЛҚИМГА

Мен учун азоб бу, мен учун тамуқ,  
Халқим, онажоним, кўзларинг юмуқ,  
Менинг сендан бўлак кўз тикарим йўқ,  
Кўзларинг очмасанг, юмилгай кўзим.

Пешлар улуғлигин не харлар бизга,  
Тутқазиб оғатлар, хатарлар бизга,  
Назокат сақлашни айтарлар бизга,  
Кўзларинг очмасанг, юмилгай кўзим.

Айтгил, уйингмикин осойиш қучок?  
Хар куни уч бора ёнарми ўчок?  
... «Манқурт эмасманми?» – деган бир сўроқ  
Кўзларинг очмаса, юмилгай кўзим.

Бардошим қолмади, кўравериб ёш,  
Нуқул кўравериб қобил, сербардош,  
Наҳот бошинг эмас, чидамларинг тош?!  
Кўзларинг очмасанг, юмилгай кўзим.

«Тобора баттарин...» – дердилар онам,  
Эртак эмас чоғи юҳо, жаҳаннам...  
Майли, мени қурбон қилиб бўлса ҳам,  
Кўзларинг очмасанг, юмилгай кўзим...  
26.12.1988 – 12.03.1995.

## ТОК ДЕЙДИКИ...

Ниҳол эдим, ўсгил, деб,  
Қўл-бўйнимдан чўздилар.  
Ўсган эдим, бас қил, деб,  
Хомток қилиб уздилар...  
26. 09. 1988.

## БОҒИМ

Боғимга келмайин ҳали баҳорлар,  
Дейиши: «Гуллари очилди пушти...»  
Дейиши: «Қуёши тунда ҳам порлар...»  
Ёлгонлар бўғзимдан бўғишига тушди, -  
Менга сўз беринг.

Боғим деворлари боряпти нураб,  
Ўтган ҳам, кетган ҳам босмоқда оёқ.  
Қор ёғса, корларин қўймаслар кураб,  
Куз келса, хазондан ҳазин ҳаммаёқ, -  
Менга сўз беринг.

Шарбатлари эди оромбахш, ширин,  
Шохин синдирилар, хосилин териб.  
Унинг афсонавий малоҳатларин  
Тунаб-топтамоқда жилмайган фириб, -  
Менга сўз беринг.

Боғим булбули ҳам тониб аслидан,  
Тўти азмойишин айлайди мақом.  
У жўшиб куйлаган гуллар васлидан  
Хайрон кўзларимга сачраётир қон, -  
Менга сўз беринг.

Оромда эмас, йўқ, аламда бу боғ,  
Дилрабо эмас, йўқ, манглайи ғижим.

Ахир битта эди оламда бу боғ,  
Бўлак меҳробим йўқ. Туролмасман жим, -  
Менга сўз беринг.  
08. 03. 1988.

## ХИЁНАТ КЎРГАНДА...

Кўзгу, мудом дугона кўзгу,  
Тўйдим, сенга боқищдан тўйдим.  
Сен – бетуғён, лоқайд, бетуйғу,  
Дўстлигингга ишонмай қўйдим.

Ишонмасман, асрий қуёш ҳам  
Эмас қувноқ, ошуфта бағир.  
У – дунёнинг кўксидаги ғам,  
У – гамларнинг гулхани ахир.

Ишонмасман, булут ҳам энди  
Баракамас, ерга эмас қут.  
У – осмонга ўгай, келгинди,  
У – кўксимдан кўтарилган дуд.

Хўш, ўзим-чи?.. Куярдим ҳаргиз  
Ҳар кўрганим дилхунга олдин...  
Ишонч боғим кўринар баргсиз...  
... Мен ҳам энди... мен бўлмай қолдим...  
14. 01. 1988.

х х х  
х

Бу кунимга ҳайратлар урф,  
Турфа-турфа никоблар кўриб...

Бу кунимнинг умиди ушоқ,  
«Лазги» йифлар, йифлайди «Ушшоқ»...

Бу кунимда изтироб-кадар,  
Зиё сарсон, зиё дарбадар...

Бу кунимнинг йўллари тийғоқ,  
Бу кунимнинг кўзлари йиғлоқ...  
30. 03. 1988.

х х х  
х

Ватан уқубатдан ўксиркан бот-бот,  
Кулогимдан кетмас сухбатдош доди:  
«Биз – ношуд... Биз – пачоқ... Биз – худбин авлод...  
Тугаб бўлган ахир жўмардлар зоти».

Зимдан солмоқдаман эътибор-разм  
Мехрим-муҳаббатим қўш зурёдига.  
Майли, жанозамда қурсинлар базм,  
Она бўлолмасам жўмард зотига...  
29. 09. 1988.

## ЧИНГИЗ АЙТМАТОВГА МАКТУБ

Салом сизга, руҳий инқилоб,  
Салом сизга, буюк аллома!  
Мухибалар гарчи беҳисоб,  
Журъат этдим битмоққа нома.

Ўтинаман: фахрдан денг сиз,  
Кўзларимдан томар бўлса ёш.  
Қувонч эрур, баҳт эрур тенгсиз  
Буюкларга бўлмоқ замондош.

«Кунда» бўйлаб чаппар тўкилди  
Дилни эзган минг оғриқларим.  
Тегрангиздан тутатгим келди  
Мўйинқумнинг исириқларин.

Ҳар юракка солиб мен изни,  
Сўрай, дедим қаридан, ёшдан:  
«Сиз «Кунда»ни ўқидингизми,  
Андак тиниб киндан, талошдан?»

Олатовнинг чиқиб бошига,  
Тўрт тарафга солгим келди жар:  
«Огоҳ бўлинг ҳасад тошига,  
Чингизимиз асранг, одамлар!

Ҳақиқатнинг азми мукаммал  
Бўлмоғи-чун, эй замондошим,  
Билармисиз, ошуфта аввал  
Қўйсин экан кундага бошин».

Кўнглим шундай бир мурод тилар:  
«Омон бўлсин қақнуслар жони.  
Жасурликка бошлагай улар  
Қўрқоқларга қолган дунёни».

Юрагимдан келади бир сас:  
«Бундай фотих бўлмовди сира.  
Ўртамасанг бўлар энди, бас,  
Алпомишни кўрган Гулчеҳра».  
19. 01. 1988.

x x x  
x

Қадим Самарқандга айлайман сафар,

Аждодлар ёдини соғиниб қолсам.  
Бинолар... Пештоқлар... Битиклари зар...  
Кошкийди бирма-бир ўқиб чиқолсам.

Истаб бағри бутлик, излаб ҳақиқат,  
Афсус ила бокиб бесар заминга?  
Аждодларим битмиш не мазмунда хат?  
Зарур не васият қолдирмиш менга?

Боболар сүзига бўлсам-да толиб,  
Ҳайҳот, тишим ўтмас шоҳ битикларга.  
... Самолётга қуруқ вужудни солиб,  
Сўнг учиб кетарман бўм-бўш кўкларга...

4. 03. 1988.

x x x  
x

### **37-йилларда отилганларга**

- Сиз қаёқقا?  
- «От», «қув»лар  
Тегиб кетди бу жонга.  
Кета қолай оққувлар  
Парвоз этар томонга.

- Сиз қаёқقا?  
- Дардлини  
Ташлашаркан чоҳларга.  
Кетар бўлдим мардликнинг  
Қадри бўлган ёқларга...

- Сиз қаёқقا?  
- Холислар  
Излаб кетдим, мунглигим.  
Яқин эмас, олислар  
Билар экан кимлигинг.

– Бунча олис орамиз?  
Айтинг, айтинг, қаёқقا?  
- Бизлар кетиб борамиз  
Қалбингизга қайтмоқقا...  
1988

x x x  
x

Куёш кўк токидан оёқ узаркан,  
Тинмаганин кўрдим заҳмат палланинг.  
Кизи бўлгим келмас кўзи қизарган,

Лекин саси чиқмас мушфик даланинг.

Кутиб, кутавериб, оқ тонгни кутиб,  
Тўлиб борар экан рухим латларга,  
УЛУФ БЕДОРЛИКнинг қўлидан тутиб,  
Киз тутингим келар жасоратларга...

10. 03. 1988.

## НОМУВОФИҚЛИК

Қошингизда бўлдим бир муҳлат:  
Мулозимат, эҳтиром қуюқ...  
Бўлолмадим лекин ҳамсуҳбат,  
Кўзингизда Орол ёши йўқ.

Ногоҳ келган омаддан мастсиз.  
Қайта қуриш – ҳар сўзда урф.  
Билдим лекин: йиғлай олмассиз  
Пахта терган гўдакни кўриб.

Сўзлашсак-да бир тилда, зотан,  
Бошқа-бошқа эканмиз бутқул.  
Кўксингизда тутмагай мотам  
Ўзбекистон йўқотган булбул.

Хатто тун ҳам бера олгай нур,  
Эшик очсан, уни чорласам.  
Тутинг маъзур, тутингиз маъзур,  
Сизни бўлак йўқлаб бормасам...  
08. 04. 1988.

## МАҲБУБАНИНГ ШЕРРИ

Мажнунтол паноҳин уй деб билайлик,  
Навдалар эшилган сочдай чиройлик.  
Кел.

Дил розин эшитса агарда улар,  
Бегона кўзларга дарпарда улар...  
Кел.

Онам, йигитларда вафо йўқ, дерлар,  
Анқо уруфини куйлармиш шеърлар...  
Кел.

Отам мени излаб чиққандир йўлга,  
Айланиб боряпман шабнамли гулга...  
Кел.

Кошки пешонангдан ўпсалар отам,  
Елкангга зарбоф тўн ёпсалар отам...  
Кел.

Юрак-юрагимдан бўлиб хурсанд мен,  
Ёнингда бошимни эгиб турсам мен...  
Кел.

Ох, отам кўринди... Авзойи бузук...  
Менинг сендан бўлак ғамгузорим йўқ...  
Кел.  
Кел!  
14. 10. 1988.

## ШЕЪР ЎҚИГАНДАН КЕЙИН...

Исьён қилса индамас само,  
Безбет булат йўқолса бирдан,  
Бўлмай қолса шафақ камнамо,  
Кийинишиша оқшомлар нурдан,  
«Мен оғудан ҳоли...» – деса ер,  
Тозалигин топиб олса сув,  
Тўлиб оқса Аму билан Сир,  
Орол узра кезмаса қайғу,  
Оналари баҳт нонин еган  
Гўдак иси тўлса ҳаётга,  
«Яшаш оғир ўлимдан», – деган  
Искандарлар тушмаса ёдга,  
Эгатларнинг аритиб шўрин,  
Бўлса СЎЗЛАР юракларга зеб,  
Сўрамоққа қолмаса ўрин  
«Нима учун шеър ёзасиз?» – деб...  
06. 03. 1988.

## ТАШРИФ

Ёзнинг лоҳас кунларидан сўнг  
Менга яна лутф айлади СЎЗ.  
Кўриб ўйчан кўзларимда мунг,  
Келган эди, тугаб танаффус.

Таъна қилди: «Ҳамон бенажот,  
Ҳамон оғу ютарми дала?!»  
Таъна қилди: «Кўролмай имдод,  
Тўшагида ётарми бола?!»

Таъна қилди: «Туарми тилинг  
Идоралар ташқарисида?!  
Мен наҳотки кўрсам қўй йилин  
Юртдошларинг ёш-қарисида?!»

Мулзам бўлдим... Тупроғим гарчанд  
Серандиша шарқонасига,  
Элтай энди меҳнат дафтарчам  
Хайқириқлар корхонасига.

Кўлга олмай зўравон хатни,  
Йўл бермайин сур ройишларга,  
Ишташлашга чорлай фафлатни,  
Чорлай СЎЗни намойишларга.

Чопай, ўпид таскин исини,  
Корбўроннинг илҳомларида.  
Совуққотсам, олай исиниб  
Бедорликнинг гулханларида...  
18. 09. 1988.

## ХОРАЗМ ЁЗИ

Бунда иқлим афсунгар нечоғ,  
Булутсиз қўк – мовиймас, лойранг.  
Кўнглингизни қиласар хира, дод  
Япроқларга дув ёпишган чанг.

Мажол етмас кўтармокқа бош,  
Олов ёғар биллониҳоя.

Гарчи қуёш – сиз учун юртдош,  
Гандираклаб, излайсиз соя...

Рухиянгиз чироғи сиёҳ,  
Бир чимдим завқ – топилмас дори.  
... Урилади димоққа ногоҳ  
Бирам ширин қовун ифори...  
21. 09. 1988.

x x x  
x

Ойнам очиқ Чирчиқ томонга,  
Димоғимда оғир, бўғиқ хид.  
Илтифотлар тутмоқчи менга  
Тозалигин бой берган муҳит.

Беҳи акси солланиб сузгай,  
Ариқ юзи – гул тушган сурп...  
... Юраккинам ачишди туздай,  
Шира ёқкан олмани кўриб...

Кўшним тунка қоқади так-так...  
Хаёт саси сифмас қўламга...  
... Хув, пастликда турар муаллақ  
Тутзор узра сариқ кўланка...

Нури – бигиз, нури – шокила,  
Мехр-у ғазаб қўк яллиғида...  
... Мен турибман илтифот ила  
Бешафқатлик ўрталиғида...  
27. 09. 1988.

х х х  
х

Умидим узилган бир чоғда  
Чақмоқлар чақилди қароқда.  
Бор экан үйғоқлик саслари,  
Мен, дўстлар, хайқиргим келмоқда.

Ўксикдан қийналган жон эдим,  
Ўз дарди ўзига тан эдим,  
Танидим, табибим танидим,  
Дўстларим, ҳайқиргим келмоқда.

Куйганди, тилларим куйганди,  
Не таъкиқ, не таъқиб туйганди,  
Уйғонди, ғуурлар уйғонди,  
Дўстларим, ҳайқиргим келмоқда.

Чалажон ётаркан хурлигим,  
Бўғзимни бўғаркан ҳўрлигим,  
Уйғониб, уйғотди «Бирлиг»им,  
Дўстларим, ҳайқиргим келмоқда...  
23. 12. 1988.

## 1989

БОШИНГИЗГА ЧИҚИБ ОЛГАНДАЙ,  
ЎЛТИРГАНДАЙ АБАДУЛ ТАХТДА,  
ОСТОНАНГИЗ ҚАДАР ҲАММАЁҚ  
ПАХТА, ПАХТА, МУСТАБИД ПАХТА...

### ФАЛАК

Сизни сарбонликка ўч этмиш фалак,  
Мени ҳайронликка дуч этмиш фалак.  
Сиз – сафо бандаси.  
Фароғатларни  
Маъюс кўзларимга пуч этмиш фалак.

Фармонар сизники. Минбар сизники.  
Менга уқубатни тож этмиш фалак.  
Пахта қули менман. Мансаб қули – сиз.  
Күнгил зуволангиз берч этмиш фалак.  
Тилимни топтайсиз... Қалбим ўртаниб,  
Фарёд айламакни бурч этмиш фалак.  
Сиз арши аълода ожиз-нотавон,  
Менга руҳдошларни зич этмиш фалак.  
Риёлардан тўйган халқим руҳини,  
Кўринг, инқилобий куч этмиш фалак!  
24. 01. 1989.

## СУФ

Толпинарман учмоқ истаб, беканот ҳар онга суф!  
Уй фақат тингловчи бўлса, нолайи афғонга суф!  
Не ўзи поклик, ҳаромлик? Қайдадир сарҳадлари?  
Рост либосин танга илган серфириб ёлғонга суф!  
Ер касал. Денгиз адo. Дарёлари нимжонлашар,  
Малҳами бўлмоққа ожиз ҳар йўриқ, фармонга суф!  
Бошидан ёғса заҳарлар, тўлса оғу ошига,  
Шунда ҳам мум тишласа, ул нотавон-нолонга суф!  
Халқини очликда кўрса, қандайин ухлар, ажаб?!  
Ўзни доно деб ҳисоблар раҳбари нодонга суф!  
Онажон ҳам ўз тилимдир, бағри қон ҳам ўз тилим,  
Ўз тилига соқчи эрмас шоири давронга суф!  
Эл учун бирлик – нажот, бирлик – таянч, Гулчехра, бил,  
Бирлигингдан юз ўғирсанг, сендайин инсонга суф!

24. 01. 1989.

x x x

x

«Орол ўлаётир!» – биз чекдик нидо,  
Нидо чекишлиардан сира толмадик.

Аччиқ оҳимиздан уйғонди дунё,  
Фақат раҳбарларни уйғотолмадик.

Босиб келаётир чексиз ерларни,  
Орол атрофида яйрайди ўлим.  
У томон йўлатмай мухожирларни,  
Беркитмоқ бўламиз муаммо йўлин.

Бизни босган ғафлат саройи баланд.  
Намойиш қиласиз ҳамон кўрликни.  
Куруқ қарорларга имзо чекиш билан  
Тўлдирмоқ бўламиз Орол шўрликни.

Кўзни очмоқ душвор, танқид қилиш жўн,  
Гарчи гиналарни кўрмасам-да эп,  
Ўйлайман, бугунги шеърхонликдан сўнг  
Яна битта қарор туғилмасми, деб...

Қайтармоқ истасак босган изига  
Орол бошидаги бор балоларни,  
Күрсатиб қүййлик дунё күзига  
Курук қарорларга мубталоларни...  
1989.

x x x  
x

Ким айтарки, “Күй халқим  
Ишлашларга туғилган.  
Пахта экиб, далада  
Қишлошларга туғилган...”  
Йүқ-йүқ, туғиб дуркунлар,  
Одил Ёкуб, Эркинлар,  
Қадоқ бўлган кўнглини  
Хушлашларга туғилган.  
Бир-бирига эл бўлиб,  
Дадаҳондан сел бўлиб,  
Афғон тинглаб, кўзини  
Ёшлашларга туғилган.  
Қиз исмига «хон» қўшиб,  
Ўғил кўрса, «жон» қўшиб,  
Анъанаси, урфини  
Ушлашларга туғилган.

Кимки чиқса бошига,  
Оғу солса ошига,  
Абдураҳим Пўлатдек  
Муштлашларга туғилган...

1989.

## НИДО

Майли, дардкашларин унутса Ватан,  
Майли, шоирлигим олмасалар тан,  
Ҳайратли, ҳасратли бу олам, зотан,  
Юрт тили бўлса бас онам берган тил.

Майли, ғийбатчилар фоли кўпайсин,  
Ҳасис-нокасларнинг моли кўпайсин,  
Қатлим истарга ҳам толе кўпайсин,  
Юрт тили бўлса бас онам берган тил.

Ағёрим унвони қўш бўла қолсин,  
Дўстларим ағёрга эш бўла қолсин,  
Майли, дастурхоним бўш бўла қолсин,  
Юрт тили бўлса бас онам берган тил.

Шоир сукунати хато бўларкан,  
Тилин ким йўқотса, гадо бўларкан.  
На фақат гадо у, адо бўларкан.  
Юрт тили бўлса бас онам берган тил.

Майли, мени қопса бирон-бир кўппак,  
Майли, ағёrlарим чалишса чапак,  
Юрак хитоб қилар, қонталаш юрак:  
«Юртим тили бўлсин онам берган тил!»  
1989.

x x x  
x

Юртим,  
сенинг каллакланган тутларинг сероб  
далалар бўйида,  
йўллар бўйида,  
дала ховлиларда,  
шаҳар ховлида...

Юрагим қон йиғлар, уларни кўриб...  
Бедор туғён каби янги навдалар  
атрофга энтикиб чўзса бўйинни,  
каллаклаб туришар ҳар йил баҳорда.  
Мен улар тагида ўлтирган кўйи  
азасин тутаман акажонимнинг -  
шу тупроқни куйлаб,  
унга сиғмаган,  
шу тупроқни севиб,

«хоин» аталган

акажонимнинг...

Ҳақиқатга ишонарди у,  
лекин унга ишонмадилар.

Одамларни бошига кўтарарди у,  
лекин уни ерга урдилар.

Топтадилар

севгиси,

ишончи,

ғурурини.

Топтадилар

ёшлиги,

эс-хуши,

катта бир халқ вакили эканини.

Эътиқод эгаси эътиқодсиз бўлиб,

севги ёшида севгисиз бўлиб,

нафрат бўлиб қайтди уйига.

«Ишонмайман» деган сўзни кўп такрорларди акам.

Мактабни тугатган синглисига берилган олтин медалга қувонмади.

Синглисингининг қувончларига қувонмади.

Умрининг ярмини яшаб-яшамай, оламдан ўтди.

Чидолмади – отам кетди ортидан.

Чидолмади – онам кетди ортидан.  
Улар ҳам «ишонмайман» сўзини тақорорлаб кетишиди.  
Мен эса...  
Ишонмасдан яшай олмасман.  
Каллакланган тутлар тагида  
акам,  
отам,  
онам  
азаларини тутаётиб, ишонгим келади.  
«Аякон, биз бор-ку...» – деб турган ўғлимга,  
қизимга ишонаман.  
«Ҳаётнинг таянч нуктаси – поклик», -  
деб турган уларнинг адажонисига ишонаман.  
Сиз ҳам мени ишонтириңг, ОДАМЛАР!  
Токи мен ёйиб солган соchlаримни турмаклаб қўяй.  
Токи одми аза қўйлагимни лола гуллисига алмаштирай.  
ИШОНТИРИҢГ, ОДАМЛАР!  
1989.

## ГИРЯ

Шу урушсиз кунларда ҳарбийдан  
фарзандининг ўлиги келган оналар  
фарёди

Қашшоқман, демасдим, сен ганжим эдинг,  
Куруқ нон чайнасам, юпанчим эдинг,  
Орқамда қолгувчи лапарчим эдинг,  
Кетсам бўлмасмиди мен сендан олдин,  
Орқамда қолгил, деб, орқангда қолдим.

Зор бўлиб, зорингда йифловдим, болам,  
Топгач, кенг оламга сифмовдим, болам,  
Мен сени ўлимга туғмовдим, болам,  
Оҳ, энди заққумлар ичиб турибман,  
Михланган тобутинг қучиб турибман.

Билдим разолатнинг зимданлигини,  
Кўрдим диённатнинг гумдонлигини,  
Англадим фириблар кимданлигини,  
Ишонганинг жаллод чиқса, нетайин?  
Энди бошим олиб, қайга кетайин?!

Дўст, дединг... Дўст сени бегона билди,  
Боринг еб, ўзингни девона билди,  
Фарғона оҳини Фарғона билди,  
Қўқоннинг қонлари каммиди, болам?!  
Умринг бир ёнишлик шаммиди, болам?!

Күзларинг очмоққа бўлсайдим қодир,  
Дердим: «Ёлғонларга ўт қўйгил, ёндири!  
Сенинг асл юртинг туркий Турандир!»  
Ёт эллар ўғлони бўлган болам-а,  
Тобути олисдан келган болам-а!

Нетарди, шу тобут меники бўлса,  
Кафандаги вужуд меники бўлса,  
Белин қийиқ билан боғлаб, олдинда  
«Онам»лаган йигит меники бўлса...  
... Мен энди жонимсиз қандоқ яшарман?!  
Жону жаҳонимсиз қандоқ яшарман?!  
23. 10. 1989.

## ПАХТАКОР АЁЛ

Биттаси мунг, биттаси умид,  
Кўксингизда икки хил қутб...  
Сиз яшайсиз ўртаниб-ёниб,  
Сиз яшайсиз муъжиза кутиб.

Сайл, ҳордиқ, тўкин дастурхон  
Ҳаётингиз айлаган талоқ.  
Топганингиз дунёга келиб, -  
Инжиқ ўғил, хаста қизалоқ...

Ҳадемай қиш, ҳадемай совук...  
Олмоқ керак иссиқроқ кийим...  
Суюнасиз пахтанинг нарҳи  
Ошганига арзимас тийин.

«Фарзандларим ризқин терай», – деб  
Қўл чўзасиз чаноққа илдам.  
Билмайсиз ҳам ногиронлигин  
Зурёдингиз захри қотилдан.

Сиз биласиз пахта деганнинг  
Захматлари мўл экинлигин.  
Билмайсиз ҳам, кун бўйи ишлаб,  
Меҳнатингиз сув текинлигин.

Бошингизга чиқиб олгандай,  
Ўлтиргандай абадул тахтда,  
Остонангиз қадар ҳаммаёқ  
Пахта, пахта, мустабид пахта...

Индамайсиз... Ишлайверасиз,  
Тишингизга босганча тишни.  
Билмайсиз ҳам: «Экмайман пахта.  
Мени адo қилди» дейишни.

... Токчангизда нимдош радио,  
Эртадан-кеч беради хабар:

«Пахтакорнинг кўллари олтин,  
Пахта – ғуур... Пахта – мұтабар...»

Отланасиз ҳар тонг далага,  
Куёш ҳали таратмай шуъла.  
Ортингиздан кузатиб қолар  
«Сен баҳтлисан» деган ашула...

Кирза этик судралар яна,  
Шамшод қадлар яна букилар...  
... Менинг эса, бу савдолардан  
Ўкраб-ўкраб йиғлагим келар...  
05. 12. 1989.

x x x  
x

### **«ТЎМАРИС»чи аёллардан бирига**

Кўриб ҳар қадамда кўкси кесакни,  
Беҳад қувонаман борлигингизга.  
Кўпгина шоирдан дариф юракни  
Оллоҳим армуғон айлабди сизга.

Оловми, бўронми, – отиласиз тик,  
Сизни чўчитолмас дўқлар, ҳиблар...  
Ёнингизда турсак, сиз – шаҳди етуқ,  
Кичрайиб қолгандай бўламиз бизлар.

Турмоғин истайсиз андуҳ-азасиз  
Аёлнинг рухсори кўнгил тоқида.  
Кўз ёшингиз томиб, шеърлар ёзасиз  
Кўз ёшлари шўрттанг она ҳақида...

Даҳшатга ботасиз, ғамга ботасиз,  
Оддий урф бўлса юртни ўмариш...  
Кўрмоқ насиб этса яна битта қиз,  
Исмин қўймоқчисиз албат Тўмарис...

Ватан кундуzlари бекундуз бўлса,  
Унга бурсам, дейсиз, йўлларин тонгнинг.  
... Агар сиздайлардан эллик-юз бўлса,  
Дарди қолмас эди Ўзбекистоннинг...  
03. 11. 1989.

### **КУЙЛАСИН**

**Дадаҳон ҲАСАНга**

Айтинг, чиндан булбулмикин бизга ардок булбуллар,  
Эмасмикин овози бор, андухи йўқ думбуллар?!  
Истармисиз мұжизадан сел бўлишин кўнгиллар,  
Унда бедод-бехушликдан зада жонлар куйласин,  
Юрак-бағри тилим-тилим Дадаҳонлар куйласин.

Десангизки, нечун ҳадеб бўрон-селда нурайин?  
Десангизки, бошлардаги ғам қорларин курайин,  
Десангизки, она халқим виждонини кўрайин, -  
Кўра қолинг: изғириндан зада жонлар куйласин,  
Навбаҳорга интиқ бўлган Дадаҳонлар куйласин.

Мотамзада Ватан нима? Уни қандоқ суйгайлар?  
Қодирийси, Чўлпонига нималар деб куйгайлар?  
Ўз ичидан ағёр чиқса, ўзни қайга қўйгайлар?  
Билмасангиз, мотамлардан зада жонлар куйласин,  
Оҳи бисёр, куйи бедор Дадаҳонлар куйласин.

Сўзларида жароҳати, кўзларида жоласи,  
Куйлагани қўшиқ эмас, тупроғимиз ноласи.  
Мана шундоқ бўлур асли ўзбекнинг бўз боласи.  
Бемуҳаббат, лоқайдликдан зада жонлар куйласин,  
Йифлаётган тори илиа Дадаҳонлар куйласин.

Куйлар экан, гулларини сочсин баҳор бошидан,  
Андалиблар шогирд тушсин, кета олмай қошидан,  
Бундай зотлар туғилгайдир юрт хунлари, ёшидан,  
Аритмоққа ёшни, ундан зада жонлар куйласин,  
Куйлайверсинг, куйлайверсинг, Дадаҳонлар куйласин!  
07. 12. 1989.

х х х  
х

Тошкент осмонида булуллар лак-лак,  
Фасллар ҳаддига йўқдай тарози.  
Айни саратонда момогулдирак,  
Айни саратонда ёмғир шарроси...

Бу қандай синоат? Бу қандай жунун?  
Бу – қобил иқлиминг не инқилоби?  
Дедилар: «Табиат Оролнинг хунин  
Талаб айлагани, дийдайи оби».

О, инсон, замондош, сенми ижодкор?  
Захми тафаккуринг фатҳидан лолман.  
Сен ғорат этмаган қай маъволар бор?  
Кўлларинг этмаган қай асрор қолган?

Сохта такаллуфлар бўлгандай арzon,  
Сохта меҳварида эмасми дунё?!  
Не борки, лукмадан то барги хазон,  
Суқмай қолган бўлса бошини кимё?

Дарахтлар қатағон... Дарё қатағон...  
Захри заққумлардан тупроғимиз шол...  
Юртим боши узра бу не каттакон  
Орқа-олдин билмас ёсуман завол?!

Шаҳар қурум ютар...  
Согиниб баъзан,  
Бесарҳад қирлардан сўргим келар ҳол.  
Сурув-сурув қўйми, қўзими, десам,  
Кичрайиб турибман ўзим ҳам, алҳол...

Нима қолди ўзи ҳеч емаган лат,  
Уринчоқ қавмимдан топмаган завол?  
Бузғунчи қўллари етмаган – фақат  
Боларилар экан – меҳнаткаш, ҳалол.

Ажабо! Не боис?  
... Ҳамроҳим айтар,  
Ҳайратларга солиб сұхбатдошини:  
«Кимнинг келтиргани бўлмаса нектар,  
Соқчи асалари олар бошини...»  
Эй, биз, одам қавми, соҳиби ақл!  
Қурувчи, дейми, ё бузувчи эй зот!  
Кўзларимиз очсин  
иттифок-ахил -  
Ариларга тегиш покиза ҳаёт.

Ватан – юрагимнинг танҳо замини,  
Тўлгил нектарларга – гулшираларга.  
Диллар оғриб сенга, ардоқлаб сени,  
Биз ўхшаб яшайлик ҳамшираларга.

Топган қўшиғимсан, юртим-муътабар!  
Мен сенга камолот тиларман фақат.  
Ногоҳ заволингта қўл урсам агар,  
Соқчи арилардай бўлгил бешафқат!  
1989.

х х х

х

Тунда оппоқ кийинмиш замин,  
Кўзга дарҳол ташланар қарға.  
Қарға рангли изтиробни мен  
Юрагимдан қиласай бадарға.

Ҳар номарддан бўлмай бетоқат,  
Яшай энди кузги сувга хос.  
Имонлига талпинай фақат,  
Шу тупроққа қўйганча ихлос.

Қорлар босиб, икки букилган  
Шоҳ қаддини кўтаратай ердан.  
Бу – бир баҳт-ку, маълул, ўқинган

Кувнаб нигоҳ ташласа бирдан.

Йўл устида питирлаб ётган

Полапонга узатай қўлим...

Шундай яшай, шундай яшайин,

То қабрга тикқунча ўлим...

15. 12. 1989.

## 1990

ЎЗБЕКНИНГ ШАЛЬНИГА ҲАР КИМ ТОШ ҚАЛАР,  
ҚУРУМЛАР СУРТИЛАР, ИСНОД ТАҚАЛАР.

НЕГА ЖИМ СИЗ КАБИ ОППОҚ ЁҚАЛАР?

КИМ ШАФҚАТ ШАЛЬМИНИ ЎЧИРДИ ЭКАН?

ОНАНГИЗ ҚАНДАЙ СУТ ИЧИРДИ ЭКАН?

### ЗАРРАБИН

Зарраларни кўрсин, дебми, каттароқ,  
Катта кўриб, топсин, дебми, завқ-мароқ,

Билолмадим, билолмадим сабабин,

Менга тортиқ айладингиз заррабин.

У орқали назар солдим ҳаётга,

Кўзим тушди сайдларга, сайёдга.

Маним, десам, руҳи ётлар кўринди,

Руҳи ётдан истибододлар кўринди.

Сўзи кўп-у, гапирмоққа тили йўқ,

Қули кўп-у, қулмиз, деган эли йўқ -

Кўринди юрт оёқларнинг остида,

Кўринди юрт қиронларнинг дастида...

Халқим забун!.. Халқим қашшоқ!.. Ё раббим!..

Кўрсатди сиз менга берган заррабин...  
07. 03. 1990.

x x x  
x

Амалдори бўлса безабон,  
Олимлари – муте, чорикор,  
Шоирлари – оғримаган жон,  
Келолмаса ёлғонга бакор,  
Куйчилари – қўрқоқ, бенаво,  
Кексаси ғўр,  
Гўл бўлса ёши,  
Ўша юртнинг бошида ғавғо,  
Тутилади мудом қуёши...  
25. 03. 1990.

## ВОЙ, БОЛАМ...

1990 йилнинг 25-апрел куни Тошкентнинг Ўқчи маҳалласига Улан-Удэдан оддий аскар – Ҳусниддин Маҳмудовнинг ўлиги келди. Халқ тобутни қўтариб, шаҳар марказидан ўтди. Тобут олдида бу гал қадимий миллий таомилни бузиб, аёллар ҳам «вой, болам»лаб боришди.

**Тўмарисчи Вазирахон Эгамбердиеванинг бутун йўл бўйи йиғлаб-йиғлаб айтганлари:**

Бу – қандайин истибодод,  
Не алам, деб йиғлайман.  
Соғ кетиб, ўлик қайтган  
Вой, болам, деб йиғлайман.

Беозорим, оппоғим,  
Қандай тияй ёшимни?!  
Не кўйларга солишли  
Етимгина бошингни?!

Юрагингга симларни  
Санчган қайси ваҳшийдир?  
Оҳ, уларни онамас,  
Ит туқканга ўхшайдир.

Дедиларми: «Ҳаётда  
Яшамоққа ҳаққи йўқ.  
Орқасида ҳимоя -  
Кўзи очиқ ҳалқи йўқ».

Дедиларми: «Ўзбекнинг  
Йигитлари қулдан хор».  
Шундайларнинг ўзлари

Бўла қолсин қўшмозор!  
Қатор-қатор тобутлар...  
Саноғингиз бунча қўп.  
«Гуноҳим нима?» деган  
Сўроғингиз бунча қўп.  
  
Бу юртнинг ўзи қотил.  
Ўзи – ўқ еган сийна.  
Ҳокимларин қўш қўллаб  
Арвоҳингиз урсин-а!  
  
На фақат юрт, хазина,  
Жон талон, деб йиғларман.

Соф кетиб, ўлик қайтган  
Вой, болам, деб йиғларман...  
03. 05. 1990.

х х х  
х

Гуноҳ бўлса Ватани севмоқ,  
Шундан бўлак гуноҳ қилмадим.  
Турк қавмимни соғиниб, эвоҳ,  
Туркияга боро билмадим.

Ерим ҳазин. Осмоним ҳазин.  
Осмонимга етмас овозим.  
Бўлса ҳамки ташриф қоғозим,  
Туркияга боро билмадим.

Рўпарамдан чиқди форатлар,  
Йўлим тўсди бедалил радлар.  
Тўсди қўрқоқ, тўсди номардлар,  
Туркияга боро билмадим.

Қай шум тўқди Фарғона ёшин,  
Қайси фитна узди Ўш бошин,  
Билинг, дердим, азиз қардошим,  
Туркияга боро билмадим.

Дедиларми: «Бахтга кирасиз,  
Сўнгра шиддат-شاҳдга кирасиз...»  
Бир ён – Рауф, бир ён – Миразиз,  
Туркияга боро билмадим.

Дилларимиз нурли дил эди,  
Сафардош ҳам зўр булбул эди, -  
Дадаҳоннинг оҳи мўл эди, -  
Туркияга боро билмадим.

Нур истаган ҳар ким қафасда,  
Ҳар сония, ҳар кун қафасда,  
Сўз қафасда, эрким қафасда, -  
Туркияга боро билмадим.

Кўнгил ярим. Айтар сўз ярим.  
Ўпмоқчиди нолон кўзларим  
Ота Туркнинг босган изларин, -  
Туркияга боро билмадим.

Бир кун келиб, кўлларда Қуръон,  
Бизлар – бир жон, бизлар – бир иймон,  
Кўзларимда уйғоқ Туркистон,  
Туркияни кезарман шодон,  
Гарчи букун йўл бермай нодон,  
Туркияга боро билмадим...  
01. 12. 1990.

## ШЎРО УРУШИ

*Ўи-Ўзган фожиаси муносабати ила*

Бу – на эртак, на даҳшат хаёл,  
На бирор уй, кўча шўриши...  
Уруш бўлди бешафқат, қаттол,  
Уруш бўлди – шўро уруши.

Рахбар кийиб хунолуд кўйлак,  
Хунрезликка қилди ишора.  
Ўш, Ўзганда қон оқди лак-лак,  
Ўлаверди ўзбек бечора.

Қассоб эди... Кўйдай сўйдилар...  
Гўштларини нимталаб кейин,  
Осдилар-да, ёзиб қўйдилар:  
«Сартнинг гўшти – бир сўм ўн тийин...»

Ота қўлин деворга қоқиб,  
Зўрладилар олти ёш қизин...  
Юбордилар сўнг уйни ёкиб...  
Дод ўрлади узундан-узун...

Зарба узра тушаркан зарба,  
Билмам, яна қанча дил майиб...  
Четда турган қоп-қора шарпа  
Кувончидан кўйди жилмайиб.

Кўлим чўзиқ сен томон, само,  
Хонам йиғлар шундай нидодан:  
«Бандаларинг кечирма, Худо,  
Улар ахир эмас-ку одам!..»

10. 12. 1990.

х х х

Ўзбекнинг бошига қора кунлар тушганида  
мум тишлигар коммунист шоирларга

Мискинман.

Демасман: «Мискинга зорман».

Билсангиз, сўзлари кескинга зорман,

Неча ой

мардона таскинга зорман,

Бешумор, бекарор боқишим шундан,

Ҳар кўзга умидвор боқишим шундан.

Қўқонда отилди жигарлар, жимсиз,

Бўка номусига тегарлар, жимсиз,

Номард дулдулини эгарлар, жимсиз,

Ғамгузор деб эдим, деб эдим, акам,

Энди сизни ким деб атайн экан?!

Беимдод йиғлади қонга ғарқ Паркент,

Етти ёт йиғлади – қонга ғарқ Паркент,

Коинот йиғлади, қонга ғарқ Паркент,

Ҳамроэлик – азалий, ҳамдардлик – қадим,

Эвоҳ, кўзингизда бир нам кўрмадим.

Ўзбекнинг шаънига ҳар ким тош қалар,

Курумлар суртилар, иснод тақалар,

Нега жим сиз каби оппоқ ёқалар?

Ким шафқат шаъмини ўчирди экан?

Онангиз қандай сут ичирди экан?

Сизнинг эътиқодни қўрдим – келгинди,

Кўрдим – юрагимга аёзлар инди,

Сиз аъзо сафлардан кетарман энди.

Фотихлар олдида букилган тизсиз,

Сиз – коммунистсиз!

1990.



# 1991

ЎТ ИЧИДА ФАРГОНА, ҚЎҚОН,  
ЎТ ИЧИДА БЎКА, ПАРКЕНТ, ЎШ...  
РЎЗНОМАЛАР ТАРҚАТАР ЁЛФОН,  
ХОНАНДАЛАР ЭКРАНДА САРХУШ...

x x x  
x

*Фожиали кунларда ҳукумат  
мукофотига сазовор бўлган шоирга*

Шон-шухратга ноилсиз.  
Бироқ -  
Бу ўжар қалб урфга боқиб тик,  
Қилмади ҳам сизга қўнғироқ,  
Ёзмади ҳам бир парча табрик.

Мен биламан: сиз ёна-ёна,  
Боқиб умр болқишиларига,  
Зор эмассиз биздай девона  
Кўнгилларнинг олқишиларига.

Эсга тушсак, дерсиз: «Тошбагир...»  
Балки дерсиз: «Ҳасад ҳоқони...»  
Шонингизга сачраган ахир  
Қўқон, Паркент, Наманган қони.

Сиз ўшанда индамовдингиз...  
19. 01. 1991.

## МАКРНИНГ СУРАТИ

*Фаргона-Қўқон, Ўши-Ўзган, Наманган-Андижон,  
Бўка-Паркент фожиалари... Ўзбекистон устида  
фожиалар қиличи кетма-кет кўтарилиб турган айни  
қора кунларнинг бирида бир гуруҳ ўзбек  
зиёлиларига республика Ҳамза мукофоти берилди.*

Тунни маҳкам ушлаган ғорлар  
«Тонг шу...» – дея сайраб туради.  
Жилови йўқ жинояткорлар  
Элни элга қайраб юради.

Үт ичидә Фарғона, Қўқон...  
Үт ичидә Бўка, Паркент, Ўш...  
Рўзномалар тарқатар ёлғон,  
Хонандалар экранда сархуш...

Барчинойлар бош ураган тошга,  
Тўмарислар заққум ютишар.  
Эс-хушини йиғмаган Тошкан  
Мукофотлар бўлишга тушар...

Пахтазордан чиқмайди этик,  
Осилса ҳам иссиқдан тиллар...  
Бегуноҳнинг оқ кўйлагига  
Қонли қўлин артар қотиллар...

21. 01. 1991.

## РАҲМАТ

У...за

Рахмат сизга, раҳмат сизни берган ҳаётга,  
Қафасда ҳам баҳт борлигин соларсиз ёдга.

Тутқунликдан зада юрак, кўнгли бўшингиз,  
Минг афсуски, бўлолмади ором қушингиз.

Боисиман оқ соchlарнинг... Тўкиб ёшимни,  
Арзир эди пойингизга қўйсам бошимни.

Арзир эди йиғлаб-йиғлаб, мен ичсам қасам:  
Фақат-фақат сизникиман, сизгаман, десам...

Мен бўлсам-чи... мен бўлсам-чи... девона қўнгил...  
Ўзим каби мунглуғларга опа ё сингил -

Ҳайдай, дейман, севган юртим босаркан қуюн...  
Ҳайдай, дейман... Кучим етмас... Йиғлайман юм-юм...

Куллигини танимаган юрт, деб йиғлайман,  
Ёвларини янимаган юрт, деб йиғлайман...

Маъзур тутинг, аёл кучи ёшига етса,  
Зора бу ёш сайёдларим бошига етса...

Рахмат, ёшли кўзларимга боссангиз дудок,  
Девонангиз асли сиздай қуёшга ютоқ.

Рахмат сизга, раҳмат сизни берган ҳаётга,  
Қафасда ҳам баҳт борлигин соларсиз ёдга...  
12. 03. 1991.

## САЙЛОВЧИ АЁЛ

Журъат ухлар, жасорат ухлар,  
Хақ-хуқуқнинг ухлар забони.  
Шу боисдан оппоқ шукухлар  
Танимайди сендей зебони.

Сени танир изғирин, аёз,  
Лабларингни ёришга уста.  
Сени танир ҳарсиллаган ёз,  
Мадори йўқ, жизгинак тусда.

Сени танир лой-тупроқ дала,  
Кўкси узра мудом изларинг...  
... Мени ўртар: изингдан яна  
Келаётир ўғил-қизларинг...

... Маъқуллашга маҳкум овозинг,  
Ақлинг таниб, шуни уқарсан.  
Тутқазишган сайлов қофозин  
Кутисига ташлаб чиқарсан.

Ўқимассан йўлига ҳатто,  
Сенинг учун чизган бўларлар.  
Фалокатми, чалкашми, хато -  
Умр режанг тузган бўларлар.

Мана шундай... суягинг қотган...  
Мана шундай... бўлолмай адл,  
Кўксингдаги донг ухлаётган  
Журъатингни этарсан қатл.

Шундан сени танимас шукух,  
Шундан сени ёнлаб борар баҳт.  
Оқшом уйга қайтарсан берух,  
Бўш ҳамёнга қўл солиб караҳт.

Кўниш фақат, сукунат фақат...  
Мени даҳшат босар дафъатан:  
Билмам, қандай ростлай олур қад  
Журъатларин йўқотса Ватан?!

19. 03. 1991.

## ЖАҲОНГИР

*Академик Мирзаали МУҲАММАДЖОНОВга*

Бу тупроққа баҳор келса агарда,  
Чигитларнинг униши-чун келади.  
Пайкалларда гулрухсорлар бепарда,  
Жазирада куйиши-чун келади.

Бу тупроққа келса агар саратон,

Таъкиқ айлар қувончларни, тўйларни.  
Кечаларни қисқартириб, отмай тонг,  
Далаларга ҳайдар парирўйларни.

Бу тупроққа келса агар куз фасли,  
Қашшоқ эли турган бўлар оёққа.  
Омон қолган боғлар тўлар ҳавасли,  
Тилик қўллар чўзилади чанокқа.

Қазноклари бўм-бўш қолар, дон-дунсиз,  
Бу тупроққа келганида қиш дилгир.  
... Сиз куясиз, ҳайкирасиз, дод, дейсиз,  
Жаҳонгирсиз, лашкари йўқ жаҳонгир...  
17. 11. 1991.

## БОЙМИРЗА ҲАЙИГА

Мисоли покликни соғинган иймон -  
Кўз тушган кунжакда ҳилпирад майса.  
Ногоҳ муз урмаса бўлгани, дейман,  
Ариқ бўйларида ялпиз жилмайса.  
Навбаҳор келтирса элга ифор-хид,  
Сиз ёдга тушасиз, Боймирза Ҳайит.

Майса кўзларида ўтинч, химоят,  
Кўраман ўн-ўн беш химоячи жон.

Тўйдан сўнг сурнайчи кўпаяр ғоят,  
Жангдан сўнг ҳамма зўр, ҳамма қаҳрамон.  
Юртим, жонбозларинг қуёш эт, ой эт,  
Уларнинг устози – Боймирза Ҳайит.

Баҳор қайтаётир биз томонларга,  
Уриниб-суриниб, баъзўр йўл очиб.  
Жонкуярин чорлай бу чаманларга,  
Ахир олишганди жонидан кечиб.  
Сўрсалар: «Жонкуяр қай бек, қай саййид?» -  
Дейманки: «Аллома Боймирза Ҳайит!»

Минг узр, биз кўрлар кеч топдик сизни,  
Жаннат олмасидай яширгандилар.  
Гуноҳларга йўйиб савобингизни,  
Сизда йўқ қусурни оширгандилар.  
Билсак-да, бу найранг иблисга оид,  
«У – одам», – дебмиз-а, Боймирза Ҳайит.

Бизни алдаганлар қочиб узлатга,  
Зимдан юракка кек жойлаётирлар.  
Тазаррулар битмай иймонли хатга,  
Ўтган кунларини пойлаётирлар.  
Кўр кўзлар очилгач, ким айлар харид  
Чиркин матоҳларни, Боймирза Ҳайит?!

Туркийлар тупроги баҳорли, ёзли,  
Кетгани рост бўлсин ундан совуқлар.

Фидойи зотлари бўлсин эъзозли,  
Сизни сиз орзуманд авлодлар йўқлар.  
Туркий тупроқ битсин шохона байт,  
Сиз устозлик қилинг, Боймирза Ҳайит!

1991.

# 1992

ИЧ-ИЧИМГА ҚОТИЛЛАР  
ҒАМ СУРАТИН МИХЛАЙДИ.  
ТОЛИБЛАРИМ ОТИЛАР,  
ШОИРЛАРИМ УХЛАЙДИ...

х х х  
х

*Тошкентда отилган талабалар -  
менинг бегуноҳ оққушларимга*

Тепасида юлдузлари – ўқ,  
Хилоли – ёй... Инграп бу диёр.  
Оҳларингиз эшитувчи йўқ,  
Эшитади факат тўрт девор.

Бу сим-сиёҳ, изтиробли дам  
Чорасизлар ичра чорасиз,  
Серфифонлик, беимконликдан  
Шамдай ёниб, тугаб борасиз.

Тингларканман қилич оҳларни,  
Кўз олдимга СОТҚИН келади.  
Тепамдаги юлдуз – ўқларни  
Хилол-ёйдан отгим келади...  
17. 01. 1992.

## ТЕЛБА ДУНЁ

Пушти, қизил гул севиб,  
Сафроларга йўлиқдим.  
Ватан севиб, эл севиб,  
Балоларга йўлиқдим.

Мардим банди жаллодга,  
Сўзи забун, нетайин.  
Ҳокимларим «ур», «от»га  
Тамошабин, нетайин.

Яширай, десам, оҳим,  
Борлиғимдан билинار.

Қазиб таназзул choхин,  
Адибларим бўлинар.

Ич-ичимга қотиллар  
Ғам суратин михлайди.

Толибларим отилар,  
Шоирларим ухлайди...

... «Баҳт берарман Туронга,  
Тўқтирмасман кўз ёшин...» -  
Кўлин қўйиб Куръонга,  
Қасам ичар юртбошим...  
25. 01. 1992.

x x x  
x

Кўй билдимми бўрини,  
Кимга очдим дардимни?  
Тутиб бер, деб ўғрини,  
Ўғрига ёлбордимми?  
Бошин уриб тошларга,  
Хўрлашдими мардимни?  
Дуч келиб сел ёшларга,  
Чинқириб юбордимми?  
Қон қусдими фидойи,  
Ёлғон босиб гардунни?  
... Ўзинг қўлла, Худойим,

Биз – соддадил мардумни...  
28. 01. 1992.

## ЁДГОР ОБИДНИНГ ЭВАРАЛАРИГА АЙТГАНЛАРИ

Тиловатдан бенасиб,  
Мухожир урфлар касб,  
Ў, бу халқим... наҳс босиб  
Ётишларни кўрганман...

Кулок қулоқмас балким.  
Сўзлаб қурирди ҳалқум.  
Шаҳаншоҳми?.. Ўз халқин  
Отишларин кўрганман...

Эрк – қуёшим, ойимдир,  
Йўл – қиёмат қойимдир,  
Ҳибсхона – жойимдир,  
Ётишларни кўрганман...  
  
Карсак урдик ногоҳ биз,

Мустақиллик очди юз,  
Қаттиқ нонини бесүз  
Тотишларни күрганман...

Боқсам, ҳамма қаҳрамон,  
Талаш лавозим, унвон,  
Четга, бўлиб қатағон,  
Кетишларни күрганман...

10.02.1992–1995.

## ТУРКИСТОН

Шарқ машъали сен ўзингсан, дедилар,  
Алдаб-алдаб, бўлиб-бўлиб едилар,  
Куйганларинг ер остида эдилар,  
Осмонимда кемтик ҳилол Туркистон,  
Тўлиша қол, тўлиша қол, Туркистон!

Холинг кўриб, йиғлай-йиғлай соч ёйдим,  
Ўнгланмадим, тоя бердим, кўп тойдим...  
Бўлинганлар бўлармикин ҳеч ойдин?  
Бўлинишлар нурга завол, Туркистон,  
Бирлаша қол, бирлаша қол, Туркистон!

Исми гул-у, гули сўлғин қул – менман,  
Қуллигини билмай ўтган гўл – менман,  
Айтишим-чун исму жисми гул – менман,  
Ўзинг нажот, ўзинг аъмол, Туркистон,  
Бирлаша қол, бирлаша қол, Туркистон!

Бўлмай-бўлмай, битта ўрай сочимни,  
Лочин бисёр. Ҳамдам кўрай лочинни,  
Йўқса, босқин босаверар очунни,  
Зорланади мунглуг аёл, Туркистон,  
Бирлаша қол, бирлаша қол, Туркистон!

13. 02. 1992.

x x x  
x

Кетай, яшаш – хою хавас, сайлмас менга,  
Йўлингизга тўсиқ бўлмоқ – майлмас менга.  
Сизни кутар мартабалар, шоҳона базм,  
Мени эса – мунгли туроқ, йиғлаган вазн.  
Сизни кутар оқ ёқалар, майнин қарашлар,  
Кўл сикишлар, такаллуфлар, шонга ўрашлар...  
Ҳеч ким мендай «Ҳақиқат!» – деб, тутмас ёқадан,  
Даврангизда сўзлар босик, осуда қадам.  
Адолатнинг ҳаққи учун бўлмайди жанглар,  
Руҳингизни аллалагай хушхол оҳанглар.

Үқ еган қүш – талабалар олинмас тилга,  
Балки қадаҳ тутарсиз ҳам олий қотилга.  
Балки сизга тортиқ бўлар янги унвонлар,  
Кўринмагай менинг каби юраги қонлар.  
«Ватаним...» – деб урарсиз ҳам кўкрагингизга,  
Ташвишланманг, кирмагайман кўкламингизга.  
Мен борарман, чидай олмай юртим оҳига,  
Очлик эълон қилганларнинг қароргоҳига.  
Юзим заъфар, сочим тўзғин, уст-бошим юпун,  
Лекин руҳим... О, бу руҳим эмасдир забун.  
Лавозимлар, унвонларни босиб борарман,  
Фарёдларни кўкрагимга осиб борарман.  
Ўйламангки, умри кемтиқ, вужуди ярим,  
Сафи оз-у, ори кўплар – юракдошларим.  
Ва ногаҳон... келсам агар сиз-ла юзма-юз,  
Маъзур тутинг, ўтар бўлсанм, айтмай бирон сўз...  
14. 02. 1992.

## МАҚСУДАГА

*Фарғоналиқ дилбар шоура Мақсуда Эргашева Хонқиз қишилогида 19 ёшли Ҳамида исмли келинчак ўзини ёқиб юборганини, қўргонтепалик 22 ёшли Раъно Ҳаётхон ва Саётхон исмли икки қизалоги ила ўзини поезд тагига ташлаганини, шоура яшаётган Оқбўйра қишилогида 23 ёшли Маҳбуба ҳам 8 ойлик чақалогини бешикка боғлаб қўйиб, ўзи поезд тагига ҳалок бўлганини айтиб, дардли шеър ёзиди ҳамда шоирлардан андак ўпкаланибди.*

Пахта ила боғлиқ, дейми  
Ўзбекистон ерлари.  
Оташ, дейми, оғриқ, дейми,  
Мақсуддининг шеърлари.

Сингилгинам, руҳга табиб  
Хонишингдан ўргилай.  
Ҳамида, деб, Маҳбуба, деб,  
Ёнишингдан ўргилай.

Шаҳид кетган Раъно учун  
Гадоси бўлсанг баҳтнинг,  
Навбатдадир халво учун  
Шоирлари пойтахтнинг.

Сингилжоним – покиза рух,  
Бирлик – сенинг тож-тахтинг.  
Нетайники, гурух-гурух  
Шоирлари пойтахтнинг.

Лол боқарман гунг дарёга,  
Ёшга қориб шеърларим.  
Суви йўқдир, Сирдарёга  
Айтай, десам, сирларим.

Шаҳидларим бисёр-бисёр,  
Қотиллари ким, дейин?!

Қозиси бор, ҳокими бор,  
Одиллари ким, дейин?!  
Йиғлагайман, чин қаҳрамон  
Кўксин кўрсам яроли.  
Куримасми, деб қўрқаман  
Ориятлар Ороли.

Севмасалар Ўзбекистон -  
Сувайдоли бу юртни,  
Ҳамидадай бўлиб гирён,  
Чертгим келар гугуртни.

Кел, Мақсадам, фаришта дил,  
Илтижога қўлинг оч.  
Алпомишин топсин бу эл,  
Биз бўлайлик Қалдирғоч.

Ўтказайлик никоҳ тўйин  
Юрга харидор баҳтнинг...  
... Бўлинсалар майли кейин  
Шоирлари пойтахтнинг...

1988 – 1992

x x x  
x

### Бирликчи дўстларимга

О, дўстларим, сиз ўзингиз пойгакда қолиб,  
Елвизаклар сирқиратиб вужудингизни,  
Мени бўлса уй тўрига қўш қўллаб олиб,  
Имтиҳонлар режасини тузувдингизми?

Назар солсам, укпар ёстиқ, юмшоқ поёндоз,  
Оппоқ, ҳарир дарпарданинг гуллари қуюқ.  
Осиқ турар наволари бирам шоён соз,  
Ботирларим, уй тўрида фақат сизлар йўқ.

Ўлтирганлар сурилишиб, бўшатишар жой,  
Мулозимат, тавозедан бўламан мустар.  
Исмим айтар ҷоғларида қўшиб «хон»у «ой»,  
Эвазига бедор қалбим суғурмоқ истар.

Исташарки, мен улардай тушиб узала,  
Бемор дунё ташвишидан кетсан узоқлаб.  
Кўзим олса тахмондаги гулгун сўзана,  
Яшай қолсан лоқайдлиг-у ёлғонни ёқлаб.

Тафаккури уйғоқларга бегона улар,  
О, дўстларим, тўрдагилар ўхшамас сизга.  
Туғён ўлар, унда мардлик, адолат ўлар...  
... Шитоб туриб қайтаяпман пойгагингизга...  
17. 02. 1992.

## АРБОБ АЁЛ

*Биз – бир гурүх тўмарисчи аёлларни арбоб аёллар мулоқотга чорладилар. Уларнинг бошлиги, касаба қўмитасининг котибаси: «Нима, бу «Тўмарис» сўзи «тумор» сўзидан олинганми?» – деди.*

Уйғонасиз оппоқ чойшабда,  
Тунги кўйлак – тунга исъён – ок.  
Этак гирён оёқ тарафда,  
Ковушчангиз қиммат, ялтироқ.

Деразангиз олдида узум,  
Эгилгандай сизга гардани.  
Келинчакнинг очгандай юзин,  
Кўтарасиз ҳарир пардани.

Оппоққина дастурхон тўшаб,  
Келтирасиз асал, қаймоқлар...  
Сизни босмас лашкарга ўхшаб  
«Нима ейман?» каби сўроқлар.

Ўғлон ухлар қўшни хонада,  
Мамнун ташлаб қўзнинг қирини,  
Сиз тўхтайсиз жавон олдида:  
«Кийсам экан қайси бирини?»

Бўлмасангиз ҳамки маст-аласт  
Навоидан, Бобур сатридан,  
Кўнгил ўсиб турар ҳар нафас  
Қимматбаҳо фаранг атридан.

Кўйлагингиз қуёш тўқиган...  
Кўзингизда мамнунлик ўти...  
Кўчангиздан «нон» деб ўқ еган  
Талабанинг ўтар тобути...

Хассакашлик сизга бегона,  
Авом ичра ўрин олмассиз.  
«Вой, болам»лаб соч юлар она,  
Кўзларига кўринолмассиз.

Бузмасайди, юз буриб сиздан,  
Кайфингизни бирон «бетамиз» ...  
... Чикиб орқа эшигингиздан,  
Машинага кириб кетасиз...  
18. 02. 1992.

## САККИЗЛИКЛАР

Х Х Х  
Х

## **Дадахон Ҳасанга**

Оҳ уарда қиёсингиз кўрсайдим,  
Бир бор хандон қарошингиз кўрсайдим.  
Қуёшларни уйғотади додингиз,  
Кошки кўзда қуёшингиз кўрсайдим.

Хофизсиз-у, мунг, аламга сифмассиз,  
Шоирсиз-у, сўз, қаламга сифмассиз.  
Қачон кўрган сиздайларни бу тупроқ,  
Оламсиз-у, кенг оламга сифмассиз...  
15. 02. 1992.

x x x  
x

Ватан йиғлар кўзим қорачигида.  
Ватан йиғлар, лекин бузмаслар пинак.  
Шу боис кунларим қуёш тифида,  
Ёзда ҳам, қишида ҳам бирдай жизғинак.

Барчага уч ахир биттагина бўз\*,  
Шундан тақдирдошмиз кулгу, йиғида.  
Андак бедор бўлинг, қаршимдаги дўст,  
Ватан йиғлар кўзим қорачигида...  
16. 05. 1992.

- Раҳматли онам: «Ҳаммамиз – бир бўзнинг учимиз», -дердилар.
- 

x x x  
x

Эшигимнинг олдида пойлаб,  
Тун соқчилик қиласи ҳар кун.  
Деразамдан юлдуз-у ойлар  
Айғоқчилик қиласи ҳар кун.

Улар эркин рухимдан маним  
Эркни сиқиб чиқармоқчилар.  
... Бунчалар гўл бўлмаса ғаним,  
Хомхаёлчи бунча соқчилар...  
16. 05. 1992.

x x x  
x

**...га**

1.

Билардингиз мунглуғ күксимга  
Боларилар күйганин уя.  
Улар түгён солар күзимга,  
Эшик андак очилса қия...

Билардингиз: уларни қувмоқ  
Менинг учун ўлим билан тенг.  
Била туриб, күксим айланг чок,  
Била туриб, «Кувмайсизми?» – денг...

2

Дедингизки: “Сизга не керак?  
Тинчийсизми?..”  
... Муз бўлиб қотдим.  
Бошим узра йиқилгил, фалак,  
О, мен бу кун дўстни йўқотдим...

Майли эди, бузмай ҳаловат,  
Беаламлар тинчиса-тинса...  
... «Тинчийсизми?..» – айлар маломат  
Кўкси мендай кемтик бир кимса...

17. 02. 1992.

x x x  
x

Шимол ёқдан келган совуқлар  
Қовжиратди кўк баргларимни.  
Қалам йўқлар, виждоним йўқлар  
Бевакт сўлган дилбарларимни.

Қўлим – косов, сочим – супурги,  
Оスマқ учун янги кўк барглар...  
... Энди бўлса мени йиқмоқчи  
Ўз тоғимдан келган совуқлар...

17. 05. 1992.

x x x  
x

Ё раб, ок-у қора олишар мангур,  
Мангур олишади баландлик-пастлик.  
Ярим аср умрим хулосаси шу:  
Кутқара олади дунёни ростлик.  
Руҳим – хас-кепакни ажратар элақ,

Пок бўлсанг, бу жоним садқа, эй одам!  
Менинг ёвим йўқдир ниқобдан бўлак,  
Ёвим йўқдир бўлак ёлғон-риёдан...

17. 05. 1992.

x x x  
x

Билмадим, юксакка чиқдингиз қандай?  
Ўзни күёш билиб, кўқда порларсиз.  
Мехр изларканман қаххор замонда,  
Мехр кўрсатиб сиз, ёнга чорларсиз.

Майли, майли, мени нодон атангиз,  
Бемор йўлингизни тута олмасман.  
Хунхорлик – онангиз, ғазаб – отангиз,  
Сиз томон қон босиб ўта олмасман...  
17. 05. 1992.

x x x  
x

Илк бор кўрганимда кўзи кулганлар  
Кейин куюк бағрин менга очарлар.  
Илк бор кўрганимда мард туолганлар  
Кейин номард чиқиб, жангдан қочарлар.

«Бахтлисан» деб қўйиб бахти қарога,  
Атаб қўйган бўлиб номардларни мард,  
Шошиқалоқ кўз билан боқиб дунёга,  
Кейин мен юрарман лол-у хижолат...

17. 05. 1992.

x x x  
x

Мен меҳр илмини яхши биларман,  
Жонимни тутарман иймони бутга.  
Айтинг, меҳрларим нима қиласман,  
Юлғич қўллар тўлса мен севган юртга?!

Бу юртга тилайман меҳрибон қўёш,  
Нуридан нигоҳим ойлангувсидир.  
Лекин юлғич қўллар тутар бўлса тош,  
Рухим қилич қўлга айлангувсидир...

17. 05. 1992.

x x x  
x

Хакгүйдан ўзгасин тан олмас нигох,  
Нигох қўрқоқлардан тонмоғи тайин.  
Мен сизга жория бўларман, деб, ох,  
Мен сизни йўқотиб қўйдим, нетайин.

Дўзах бу – мен дўстни йўқотган пайтим.  
Нетай, боқмассангиз риёга тикка.  
Қайтинг, дўст, таъмадан иймонга қайтинг,  
Мен ҳам қайтажакман жорияликка...

17. 05. 1992.

х х х  
х

Бўлар эди рўзгорга шўнғиб,  
Кашта тиксам, гулга сув қуйсам.  
Бошга ҳарир рўмолим танғиб,  
Хоналарни яшнатиб қўйсам...

Ўртамасди ўшанда бағир,  
Билмасдим ҳам: ким дўст, ким ғаним...  
... Яшолмасман бу асно. Ахир  
Туркийларим – рўзгорим маним!

18. 05. 1992.

х х х  
х

Омон бўлинг, соғ бўлинг,  
Кўксимга тиғ урганим.  
Рўшноликнинг бор йўлин  
Сизда бўлсин кўрганим.

Озор йиққан дарахтнинг  
Гарчи битта баргиман,  
Қайсар мардга бадбаҳтлик  
Тиламоғим даргумон.

Омон бўлинг, соғ бўлинг...  
18. 05. 1992.

х х х  
х

Ёв дарсин уқмагил, жон болам,  
Ёв дарсин олади қўрқоқлар.  
Қўрқмагил, қўрқмагил, жон болам,  
Ватансиз қолади қўрқоқлар.

Оқ сутим ўтингчи – қонингда,  
Юпанчим, муродим – қон аро.

Энг қаро ёвларинг – ёнингда,  
Ёндаги юртсизлар – энг қаро.

Күркмагил, күркмагил, жон болам!..  
18. 05. 1992.

x x x  
x

Аввал сўқир эди, аввал кўнувчан  
Дунё оғриқларин жо этган қалбим.  
Энди қилаётир ҳар кун битта жанг  
Менинг кўзим очиб, мингларча алпим.

Ажаб, алплар томон тухматга ўраб,  
Тошлар отишади пана-панадан.  
Не учун юзма-юз олишмас, ё раб,  
Эр бўлиб тугилган эса онадан?!  
19. 05. 1992.

x x x  
x

Бармоқларни йифиб, мушт қилсам,  
Чор атрофни ахил дўст қилсам,  
Ва оқибат она Туркистон  
Оғриқларин фаромуш қилсам...

Юволмаса сел кўкламимни,  
Уролмаса дўл кўкмагимни,  
Бармоқлари мушт бўлган қўлим  
Муштламаса ўз кўкрагимни...  
19. 05. 1992.

x x x  
x

Кеча эдингиз қувғин,  
Кеча у зот тахтдайди.  
Жойин олсангиз бугун,  
Бугун сизни мақтайди.

Тегрангизда жонфидо,  
Кўнгил хушлар биринчи...  
... Йиқилсангиз мабодо,  
Сизни тишлилар биринчи...  
19. 05. 1992.

х х х  
х

Мартабаси баланд қүёшнинг,  
Риё нима – билмаганидан.  
Ноилидир мамнун қарашибнинг,  
Икки юзли бўлмаганидан.

Мехри ошкор, нафрати ошкор,  
Хар одими эл назарида.  
Сақич қилиб чайнолмас зинхор  
Хеч ким уни гап бозорида...  
23. 05. 1992.

х х х  
х

Мактаниш, десалар, майли, ихтиёр,  
Ўз-ўзим тифлашга буқун қодирман.  
Ёзган китобимни варақлаб бедор,  
Қалбим бўйлаб пичноқ тортаётирман.

Сатрларим менинг, адашган, тахир...  
Йиртаман, йиртаман... Қанчангиз хира...  
Чидаш беринг, буқун ўрнимда ахир  
Ўз-ўзига жарроҳ, янги Гулчеҳра...

23. 05. 1992.

х х х  
х

Сизнинг маҳкамангиз жуда ҳам улкан,  
Дарвозаси қўш-қўш, девори харсанг.  
Биллур равоқлари қуёшга тўлган,  
Кичрайиб кетарман, олдига борсам.

Соқчилар пойлашар таманно билан,  
Гидирсиз қалбимни тирнайди ғашлар...  
... Сизнинг маҳкамангиз қурилган баланд,  
Чўкиб кетсин учун менга ўхшашлар...  
24. 05. 1992.

х х х  
х

*1991 йилнинг 29-30 августида бўлиб ўтган Олий Совет сессиясида Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Лекин зал бу хабардан жумбушига келмади, қарсак чалмади...*

Менинг халқим учун кўп бўлди фириб,  
Менинг халқим учун кўп бўлди найранг.  
Қилманг маломатлар, кўча тўлдириб,  
Мустақиллик кунин қилмаса байрам...

Тарихда бисёрдир оғзин қуиши,  
Андуҳ чиқаверар, ҳолини сўрсак.  
Қилманг маломатлар, сизга баҳт қуши  
Унга кўринмасдан, урмаса қарсак...

23. 05. 1992.

x x x  
x

Кўра туриб кўзда намимни,  
Ношукурга йўяр эмишлар.  
Учратсалар агар номимни,  
Чизик тортиб қўяр эмишлар.

Ҳайрат қони ҳайрон қаламга  
Чак-чак томар жон ярасидан.  
Мен яшайман, боқиб оламга  
Чизикларнинг панжарасидан...  
24. 05. 1992.

x x x  
x

Букун чулғар экан кураш дунёни,  
Мен яшаш дарсини бермай қумримга.  
Аза очмоқдаман, сезмай риёни,  
«Шу дунё яхши» деб ўтган умримга.

Ўкиниб, ўртаниб, чекиб надомат,  
Қалбдан изтиробга жой бермоқдаман.  
... Умр ўтаётир суйгун, аломат,  
Мен яна ёмбини бой бермоқдаман...  
06. 06. 1992.

x x x  
x

Салом, майса, зангори нигоҳ,  
Оёқлари кишан, рухи ҳур.  
Этганинг-чун баҳордан огоҳ,  
Пок ташрифинг учун ташаккур.  
Сен биздан-да зийрак ва юксак,

Сен биздан-да топқирсан, ишон.  
Сендай баҳор элтмоқчи бўлсак,  
Оёқлар хур, руҳларда киshan...  
06. 06. 1992.

x x x  
x

Бизнинг юракларга тўкиб дард-алам,  
Йиллар ўтиб борар, чопади кунлар.  
Майли, шеър ёзмасанг ёзмабсан, қалам,  
Шеърни нима қилсин очлар, юпунлар?!

Нажот излар экан беимкон кўзлар,  
Имконлар ахтариб, куйишлар-ку – шеър...  
Ватан қил устида турган шу кезлар  
Дардин лиbos қилиб кийишлар-ку – шеър...  
06. 06. 1992.

x x x  
x

Учар чоги энтикиб кўрдим:  
Озодлик бор от ёлларида.  
Сенинг эркинг топташди, юртим,  
Лубянка\*нинг подвалларида.

Кўрганларинг энди нур бўлсин,  
Юртим, мовий осмонларингда.  
Хунхорларинг чидолмай ўлсин  
Гулчехранинг достонларида...  
06. 06. 1992.  
\*Лубянка – Москвадаги машхур қамоқхона.

x x x  
x

Шафтоли ниҳоли муниса, майин,  
Унга соя солса баланд оқ қайин,  
Ниҳол фарёд қилса, оғриқ кўксимда,  
Мен ёруғ дунёга қандай боқайин?!

Бағри лолалардан қон-қон адрман,  
Тўрт томоним – тоғлар, мен сирма дилман.  
Тошлилар кўчиб тураг тоғдан кўксимга,  
Шу боис най эмас, чилдирмадирман...  
06. 06. 1992.

х х х  
х

Ёзган эдим, кўриб кўланка,  
Тота олмай эркинлик таъмин:  
«Ўзбекистон – занжирбанд ўлка,  
Ўзбекистон – ярадор замин...»

Қачон, қачон, айтингиз, қачон  
Занжирлари тўкилгай экан?!  
Яраларин боғламоқ учун  
Камалаклар эгилгай экан?!  
06. 06. 1992.

х х х  
х

...га

Гарчи маломатлар юрар изма-из,  
Ортдан бигиз қиласар кимлар кўлларин,  
Сиз яхши биласиз, яхши биласиз  
Ўзни муҳофаза этмоқ йўлларин.

Биз қачон қўрмайлик. «куйгайсиз» чандон,  
Сизни ким бадхўга йўёлсин экан?  
«Куиби», итарасиз ҳақгўйни ёндан,  
«Куиби», юрагига қадайсиз тикан...  
07. 06. 1992.

х х х  
х

Ҳеч ўйламай ўтказдим  
Изтиробни бошимга.  
Мен умримни тутқаздим  
Кувончиммас, ёшимга.

Ватан номли изтироб  
Бошимда оқ қор бўлди,  
Кўзларимда намакоб,  
Кўксимда викор бўлди...  
07. 06. 1992.

х х х  
х

Най бўлишни сизга қолдирдим,  
Эй, куи-ла андармон юрак.  
Кучоқ бўлиб, Ватаним гирдин  
Мен оғушлаб олмоғим керак.

Тикиларкан бисёрдан-бисёр  
Бу тупроққа бегона кўзлар,  
Соқчи бўлсақ, ёмонми, дилдор,  
Сиз най бўлиб куйлаган кезлар...  
07. 06. 1992.

х х х  
х

Толлар мажнун бизим андуҳимиздан,  
Тутлар бужур юрак чандигимиздан.  
Тошлар кўмирларга кетмиш айланиб,  
Қат-қат оғриқ тўла сандигимиздан.

Андуҳдан йўлларни, оҳ, узолмасмиз,  
Чандиқни табибга боқизолмасмиз.  
Биз шунча ношудми, шунчалар ношуд,  
Сандиқни сувларга оқизолмасмиз...  
07. 06. 1992.

х х х  
х

Хижолатдан лолман, ўтмишим  
Кўзларимга бир пас тикилса.  
Кимман ўзи? Билмаслик – ишим,  
Билмасликдан мен – баҳтли кимса.

Жавохир деб юрдим шишани,  
Машъал билдим, кўрсам парча нур.  
Кечир, Ватан, қўлинг кишани  
Сўқирлигим тортиғи эрур...  
07. 06. 1992.

х х х  
х

Соҳиб бўлармишсиз яна бир шонга,  
Агар бу юрагим курашдан тинса.  
Мана, ола қолинг уни нишонга,  
Мувакқат тўрдаги муваққат кимса.

Сизга ҳеч гап эмас унга ўқ отмоқ,  
Сүнг алвон күксимга оёқ босмоқлик.  
Менга ҳеч гап эмас қадни тик этмоқ,  
Ва сизнинг номингиз қон-ла ёзмоқлик...  
07. 06. 1992.

х х х  
х

Захри қотил кемирган руҳим  
Бирдамлиқдан даволар излар.  
Кўшиқлари кемтик шукуҳим  
Азоблардан наволар излар.

Шу кисматни тақдири азал,  
Ажаб,раво кўрмишdir бизга.  
Нетайликки, кўрқокқа ҳазар,  
Ношукурмиз бағри тўқисга...  
07. 06. 1992.

х х х  
х

Менинг руҳдошларим тоғларда яшар,  
Табиий, покиза, озод гул бўлиб.  
Чўққилардан ошар, сойлардан ошар,  
Битта орзу бўлиб, битта дил бўлиб.

Мени ҳудудида сақлайди шаҳар,  
Тоғларга тушолмас махбус йўлларим.  
Сизга толпинарман, сиз-чи, бехабар,  
Табиий, покиза, озод гулларим...  
07. 06. 1992.

х х х  
х

*«Бирлик»ни ва ёзувчиларни бўлганларга*

Ишонувчан юрагим сизни  
Баландда, деб ўйлаган эди.  
Ёндан қўшиб мақтавингизни,  
Дуч келганга сўйлаган эди.

Куриб юксак хаёл кўшкини,  
Деган эди: «Покиза, ўқтам...»  
... Сидирди-ю кўздан ашкини,  
Замин узра тушди у кўқдан...  
12. 06. 1992.

х х х

х

«Үйга қачон борасиз?» – деб келган үглига жавобан очлик эълон қилиб ётган Ботир Норбойнинг айтганлари:

Майдон аро кирибман,  
Тиканлари йўлимда.  
Баланд дорда турибман,  
Лангари йўқ қўлимда.  
Пастга боқсам, қонли кўл,  
Наҳанг изғир кўлинда.  
Фарёд қилар ўнг-у сўл,  
Таваллолар элимда.  
Уят-ку жим турмагим,  
ХУНХОР номи тилимда.  
Қўрқма, болам, қўрқмагил,  
Бир бошга бир ўлим-да...  
23. 02. 1992.

х х х

х

Элатлар ўз даҳосини  
Талотум кезда кўрсинлар.  
Шаҳаншоҳлар баҳосини  
Ёш оққан кўзда кўрсинлар.  
Разолатми – қучоқлашни,  
Шижаатми – пичоқлашни,  
Йифиб эл, ўзни оқлашни  
Узокмас, ўзда кўрсинлар.  
Шуаро, шеърга рағбат бор,  
Шоҳона уйда куйлаш ор.  
Бу дунё қанчалар хунхор,  
Қон оққан сўзда кўрсинлар.  
Улуснинг қиймати қандай?  
Зулмнинг тийнати қандай?  
Қабоҳат сийрати қандай?  
Шўришми?.. Бизда кўрсинлар...  
23. 02. 1992.

х х х

х

Сен айтгил: «Орият – танҳо раҳбарим.  
Бўлмасман пичоққа бош тутар қўйдай...»

Күзларимга қайтиб шамс-у моҳларим,  
Мен эса пойингга бошимни қўйай.

Сен айтгил: «Эртага ҳамма бўлар мард.  
Бугуннинг ростиши шу бугун сўйлай...»  
Байрамга дуч келиб бу чехрайи зард,  
Мен эса пойингга бошимни қўйай.

Мунис баҳорига орзиқсан пайт гул.  
Элга мардлик қайтсин соғинчли, суйгун...  
«Муқаннаман», – дегил... «Широқман», – дегил...  
Йўқса, мен кундага бошимни қўйгум...  
07. 03. 1992.

## СИЙРАТ

Такаллуф-ла айламанг хитоб,  
Ўйларимга осон кирарсиз.  
Сир эмасман. Мен – очиқ китоб,  
Сиз bemalol ўқий берарсиз.

Қўлим, сочим, кўзимни ўқинг,  
Улар дағал, эмас ҳалима.  
Минг ўқиманг, чиқади нуқул  
«Ярадорман...» деган калима.

Номим йўйиб сокин маънога,  
Уқтирманг ҳам гул эканимни.  
Уйғонганман... Айтай дунёга  
Мен алданган қул эканимни...  
16. 05. 1992.

x x x  
x

Қаршимда сухбатдош кута бошлайди:  
Руҳий тинтувлардан қолсайдим ҳориб.  
Ватанли юрагим тита бошлайди  
Кўксида Ватани бўлмаган ғариб.

Қонун китобидан моддалар ўқиб,  
Не-не гуноҳлар-у, не айбни такир...  
... Мен сўзлай бошлайман... Кетади чўкиб  
Кўксида Ватани бўлмаган факир...

Ифтихорга тўлиб аржумандимдан,  
Мен унга баттарин толиб кетаман.  
Ватансиз, халқизлар анжуманидан  
Халқим, Ватанимни олиб кетаман...  
19. 05. 1992.

х х х  
х

Маснадидан мамнун, мағрур бош ила  
Сиз борсиз шу суюқ, ёруғ ҳаётда.  
Күзидаги аччиқ-аччиқ ёш ила  
Мен борман шу куюқ, оғриқ ҳаётда.

«Сабр! Сабр!!» – дейсиз, улкан сабрлар  
Бўлиб борар экан тобора жимит.  
Сизни йиғлатмайди нечун қабрлар?  
Қандай ёрлиқларни қилгайсиз умид?

Кўрган эдингиз-ку мен тўккан қонни,  
Айтинг бир ошкора, бир мардона сўз:  
Кўрмасликка олиб қақшаган жонни,  
Қандай ёрлиқларга тикмоқдасиз кўз?  
19. 05. 1992.

х х х  
х

Маломатлар узун-узунлашмоқда,  
Қабоҳатлар тизим-тизимлашмоқда.

Тик бошларни эгмоқ иштиёқида  
Ажаб, қай кимсалар «ўзим»лашмоқда.

Юраксизни полвон, жўмардни эса  
«Шуҳратларга ўч» деб исмлашмоқда.

Бир ён – ақли қисқа, дасти узунлар...  
Бир-бирин «сиз»лашиб, базмлашмоқда.

Бир ён «халқим» деган оғриқли саслар  
Насрлашмоқдадир, назмлашмоқда.

Кошки эди, айтсан: «Адл-у адолат  
Шукур, она юртда расмлашмоқда...»  
30. 08. 1992.

х х х  
х

Азоб ичдинг ютум-ютум,  
Тўкилгани бағрингда.  
Куйламайсан... Созинг бутун,  
Умринг кечар яримта.

Чирқираган «оҳ»ларинг мўл,  
Куйлайверсанг бўларди...

... Ўқ отмаса соз чертар қўл,  
Фотих қандоқ ўларди.

Букун эса тўй-тўйлайди  
Масрур-масрур қўшиқлар,  
Пана излаб кураш пайти,  
Энди жасур қўшиқлар.

Жилмаясан истеҳзоли,  
Сўз айтмоқни ор, дейсан.  
Умрни бут айлар толе  
Бизларга ҳам бор, дейсан.

Нечоғ хуштаъм, нечоғ хушбахт,  
Ойдан, кундан ёруғ у.  
Кўкармоққа кутар фурсат,  
Тупроқдаги уруғ у...  
30. 08. 1992.

х х х

х

Ҳаво булутланиб, қовоқ уяди,  
Чақмоқ замзамасин кўнглим сужди.

Ёмғир шаррос қуйиб, деразам тўсар,  
Рухим майсалари қиқирлаб ўсар...

Шамол эшигимни очиб ёпади,  
Мени меҳр ила ошно топади...

Тун бостириб келар, чўчитмоқ бўлиб,  
Мен пешвоз чиқаман қошига қулиб...

ГУЛнинг иштиёқи, НУРнинг шаҳдиман,  
Қасдма-қасд ўсувчи тут дарахтиман...  
30. 08. 1992.

## ФОЛ

Ёғдулари тилло-ю кумуш  
Кечангизнинг, кундузингизнинг.  
Беталофат буржларда, демиш  
Мунажжимлар юлдузингизни, -  
Тун ичидан шодон чиқасиз.

Омадлисиз. Чўлда сардоба  
Сизни чорлаб, чиқмагай сароб.  
Яшаркансиз, тутиб зардоблар,  
Тегрангизда қурбонлар сероб, -  
Хун ичидан сарбон чиқасиз.

Тасир-тусир... Қий-чув... Оҳ-воҳлар...  
Ҳаёт – банди илинган япроқ...

Изғир ёлғон, изғир гуноҳлар...  
Не-не қилмиш гувоҳи – тупроқ... -  
Дом ичидан ҳоқон чиқасиз.

Буюкликка соҳиблар сероб.  
«Маним» – дейсиз бундай толени.  
Адолатнинг кўзига қараб  
Айтар бўлсан сезгим фолини,  
Шон ичидан бешон чиқасиз...  
Курбон чиқасиз...

04. 09. 1992.



# 1993

ЯХШИ-ЁМОН ЎША-ЎШАДИР,  
РОСТУ ЁЛГОН ЎША-ЎШАДИР.  
ТУЛПОРЛАРИМ МУНКИЙДИ, ЭВОХ,  
ЙЎЛЛАР ҲАМОН ЎША-ЎШАДИР.

## БИРИНЧИ ЯНВАР ШЕЪРИ

Тошлар тегавериб, қонталаш сийнам  
Мени тўшагимдан юлқийди сахар.  
Ташқари боқаман. Дараҳтлар шийдам.  
Оппок қорга муштоқ сим-сиёҳ шахар.  
Юлдузлар bemажол. Юлдузлар сариқ.  
Маъюс сатрларни шивирлайди тил...  
... Ақалли қорни ҳам тутар-да дариф,  
Бўсағамда турар кулиб Янги йил...

4. 01. 1993.

х х х  
х

Кечаги ниҳоллар дараҳтдир буқун,  
Кечаги маҳзунда фараҳдир буқун,  
Менинг тафаккурим караҳтдир буқун,  
Сен ҳамон гўдаксан, кўнглим-а, кўнглим.

Озроқ табассумга эҳтироминг бут,  
Ишончинг неча бор қақшатса-да хут,  
Кечаги кўрганинг фириблар унут,  
Сен ҳамон гўдаксан, кўнглим-а, кўнглим.

Дунёга меҳрни кўчирсан, дейсан,  
Шафқат булоғидан ичирсан, дейсан,  
Топтаб хўрладилар – кечирсан, дейсан,  
Сен ҳамон гўдаксан, кўнглим-а, кўнглим.

Насиб бўлгаймикин кўрку малоҳат?  
Насиб бўлгаймикин таъбу тароват?  
Насиб бўлгаймикин дуркун балоғат? –  
Гўдаксан, гўдаксан, гўдаксан, кўнглим.

4. 01. 1993.

## АЛЬБОМИНГИЗГА

Сиз каби бўлгандай мен нур адоси,  
Мен каби сизга ҳам торми кенг маъво?

Мен-ку эркинликнинг мажнун гадоси,  
Сизга маҳбусликни кўрайми раво?!

Йўлларингиз очик, азизим, очик.  
Исталган хоҳишга қайта берингиз.  
Менми?.. Ўйламангиз... Мен – маҳзун қўшиқ...  
Сиз шод қўшифингиз айта берингиз.

Дунё кемтигидан юрагим кўмир,  
Дунё сийратига тиларман исмат.  
Йифлаб-йифлаб севмоқ – менгадир умр,  
Йифлаб-йифлаб ёзмоқ – менгадир қисмат.

Кимда кўрап бўлсам маҳзуна боқиши,  
Оҳин оҳим билан ўчирсан, дейман.  
Мен – қалби тузокда питирлаган қуш,  
Сизни кенгликларга учирсан, дейман...

4. 01. 1993.

## ХАДИК

Йўлнинг чалғишидан ҳадигим,  
Халқнинг қарғишидан ҳадигим.  
Боғимга оралар зарпечак,  
Барглар сарғишидан ҳадигим.

Гул бош эгмоғидан ҳадигим,  
Афсус чекмоғидан ҳадигим.  
Истиқтол юз очган юртимга  
Итлар тегмоғидан ҳадигим...

6. 01. 1993.

x x x  
x

Уфқ қизаради тўқилган қондан,  
Ўзига ўт қўяр муроди сароб.  
Сен эса ожизсан, куйсанг-да чандон,  
Бағринг ғажий бошлар вахший бир азоб.

Қайдадир мусоғир юрибди дарддош,  
Бошин хижолат-ла кўтарар офтоб.

Ичинг куйдиради кўзга қалқмас ёш,  
Сени ғажий бошлар вахший бир азоб.

Нега? Нега?? Нега??? – сўрайсан ҳар он.  
Хисобсиз саволлар мулзам, бежавоб.

Қафасдаги қүшдай бўлассан гирён,  
Бағринг ғажий бошлар ваҳший бир азоб.

Сенга ачинаман, куйгунчак қумрим,  
Охи – оқар дарё, лойқа, сершитоб.  
... Билолмадим, қанча қолдийкин умринг,  
Ахир мудом ғажир ваҳший бир азоб...

6. 01. 1993.

х х х  
х

Ботқоқ зумда қуриган мисол,  
Мурда гўрдан кўтартгандай бош,  
Бир мўъжиза рўй берса, алҳол,  
Юз кўрсатса юз бурган қуёш,  
Нур, ҳаяжон югурса илдам  
Қадим Турон далаларига,  
Оқ либослар тикилса гулдан  
Муродимнинг болаларига,  
«Ўзбекка ҳам борми иноят?» -  
Бўғиларкан шеър ҳижоларим,  
Кошки, кошки бўлса ижобат  
Йиллаб айтган илтижоларим,  
Улуғвор рух, шукуҳли ҳисдан  
Қўрқоклар хам бўлсалар ботир,  
Айта олсам: « ОТА ТУРКИСТОН  
ЎЗИН ТАНИБ УЙГОНАЁТИР!»

6. 01. 1993.

х х х  
х

Не боис дил ғамга ғарқ? – деб ёзгандим,  
Борми қўхна ғамга шарҳ? – деб ёзгандим.

Кўнгил осмонимда кўринар-ку барқ,  
Нечун ғамим қувмас барқ? – деб ёзгандим...

... Ҳамон ўшал мақом, тарҳ, деб ёзяпман,  
Ҳамон бад манглайи ярқ, деб ёзяпман...  
Бесаноқ жавоҳир соҳибаси-ю  
Қачон ёшин артар Шарқ? – деб ёзяпман...

6. 01. 1993.

х х х

х

Оқшом қўнар ним-нимгина,  
Фурсат ўтар ўқинмай...  
Кир юваман жим-жимгина,  
Асабларим тўкилмай.

Баҳмал парда салқиларин  
Текислай, деб тортаман.  
Хозир ювган санчқиларни  
Сочиқ олиб артаман.

Ювган кирим – уюм-уюм,  
Дазмоллашни бошлайман.  
Ўтар туним... Оғрир ўйим...  
Саҳарга кўз ташлайман.

Ўқинтириш – машқи экан,  
Фурсат ўтар ўқинмай...  
Кимдир: «Умр – китоб», – деган...  
... Китоб қолди ўқилмай...

8. 01. 1993.

х х х

х

Гулдурак, чақинлар кўкимга тушди,  
Ярамга туз сепмоқ чекимга тушди.  
Бани кимса бирдай чекса, девдим, ох,  
Ажабким, оҳ оҳи тўкинга тушди.  
Улкан дардларимни мазах айламоқ  
Дарди ушоқларга текинга тушди.

Илтижо айладим, шиддат бўлинг, деб,  
Нигоҳим нигоҳи сукунга тушди.  
Ажаб, наволарим бенаволарга,  
Ажаб, муҳаббатим ҳукмга тушди.  
Озми дилни дилга кавшарлагувчи?.. -  
Кукун-кукун бағрим кукунга тушди.  
Ноумид, оғриниб, кўзимни олсан,  
Кўзларим полапон эркимга тушди.  
Кеча уҳлоқ эсам, айб айлама, дўст,  
Қалбим инқилоби буқунга тушди...

9. 01. 1993.

## **ИТОАТНИНГ ИСТИБДОДГА АЙТГАНЛАРИ**

(«*Сиз... Сен... У...*» туркумидан)

Сизга шаъни маликми қисмат?!  
Салом эмас, алики қисмат?!  
Бизга – айтар ҳасрати ичда,  
Ўксиги пардалики қисмат?!  
Сизга – кибри етти қат осмон,  
Озори ердалики қисмат?!  
Бизга – кўзи қасидаларда,  
Юраги дарддалики қисмат?!  
Сизга – макр, бизларга эса  
Умиди марддалики қисмат?!  
Чидам охир демасми сизга:  
«Етар, саркардалики қисмат?!»

10. 01. 1993.

## **ЯНА АЛЬБОМИНГИЗГА**

Ачинманг, азизим, ачинманг сира,  
Ногоҳ тиниб қолса кўксимда дукур.  
Оҳ, нечоғ доносиз, нечоғ бокира,  
Оҳ, нечоғ телбаман, нечоғ ношукур...

Озорларим сизга бўлди зиёда,  
Мунис кўзингизда кўринмасин нам.

Бу бемор дунёда, қаттол дунёда  
Нима бўпти, битта кажбаҳс бўлса кам?

Шеърий вазнимизда боқийдек аруз,  
Тавозе – урфимиз қадимдан-қадим.  
Оҳ, лекин чиқмади мендан дилафрўз,  
Нетайки, мажнунтол бўла билмадим.

Шахд айтинг, қоп-қаро либосин кийиб,  
Ёдингиз ёдимга бўлганда банди:  
«Ҳаммага баҳт тилаб, ҳаммага куйиб,  
Битта менинг баҳтим бўлолмаганди...»

11. 01. 1993.

Х Х Х  
Х

Сиз умрингиз оғриқ кунларин  
Күшиб-бичиб оширмагайсиз,  
Хамда унинг ёруғ кунларин  
Ёмон кўздан яширмагайсиз.  
Ошкор барвақт уйғонганингиз,  
Шу тупроқни суйғанларингиз,  
Ҳамроҳингиз сўзига учиб,  
Макри боис тийғонганингиз...  
Юрагингиз оҳи ҳам ошкор,  
Кўзларингиз моҳи ҳам ошкор.  
Ҳамроҳингиз боёнлик истаб,  
Сизга қазган чоҳи ҳам ошкор.  
Жигар-бағри ўйилган найсиз,  
Шу фарқ биздан ўздирган сизни.  
Шоирсиз-у кўп ҳам ёзмайсиз,  
Ёлғон шеърлар бездирган сизни.  
Орингиз бор бир Ватанчалик,  
Бир халқчалик қарорингиз ҳам...  
Ақлингиз бор олқишига молик,  
Сиздан дуркун ағёрингиз ҳам...  
Сизга буқун боқмагай замон,  
Буқунингиз руҳсиз, барорсиз...  
... Ўқинмангиз, эртангиз томон  
Улкан бўлиб кетиб борарсиз...

11. 01. 1993.

х х х  
х

Шу парча вужуднинг муштдай жони бор,  
Шу муштдай жонига қанча моне бор.  
Айтари қўшиқмас, беадад фифон,  
Куйлаган они йўқ, куйган они бор.

Умр наҳри агар ол бўлса, билинг:  
Дил-дили ёввойи тиғлардан тилим.  
Яшаш – сирли сўқмоқ, тиш ўтмас илм,  
Бағридан наҳрига оқсан қони бор.

Онглар тўқислиги – унинг муроди,  
Йўллар текислиги – унинг муроди,  
Диллар эгизлиги – унинг муроди,  
Дастурхонда қотган парча нони бор.

Қанча йил яшади овози майиб,  
Тугабди экан, деб қўймангиз айб,  
Кошки кичик қалби кетса кенгайиб,  
Ахир унинг улкан Туркистони бор.

13. 01. 1993.

## **ЯНА ТАГИН АЛЬБОМИНГИЗГА**

Сиз жуда тозасиз, сиз жуда сезгир,  
Мени ўзимдан ҳам яхши билурсиз.  
Сизсиз атрофимда истибдод изғир,  
Рухимга ҳурликни ўргатган ҳурсиз.

Келинг, кела қолинг... Мусофир оним  
Сизни қаршилайин Ҳизр ўрнида.  
Сиз – менинг суюнчим, жон-у жаҳоним!..  
Яна нима деяй узр ўрнида?!

13. 01. 1993.

## **СОВҒАЛАР**

*(болалар учун ҳазил)*

Турмушимиз тинч, тўкин,  
Пешонамиз силашар.

«Ойнайи жаҳон» ҳар кун  
Бизга совға улашар.

Ҳамма кичик одамга  
Катталарнинг раҳмати,  
Акам билан адамга  
Каспаровнинг шаҳмати.

Бувимиз ва бобомиз:  
«Концерт бизга...» – дейишар.  
Ойимиз ва опамиз  
«Бурда моден» кийишар.

Мен ва боғча синглимга  
Ўзбекнинг «учар от»и.  
Бели оғрир бувимга  
Об-ҳаво маълумоти...

14. 01. 1993.

## **ЧУМЧУҚЧА**

1.

Емак излаб, сакрай-сакрай,  
Сарсон бўлдинг, чумчуқча.

У ён, бу ён қарай-қарай,  
Гирён бўлдинг, чумчуқча.

Келиб қолдинг, излаб-излаб,  
Гавмиш сигир остига.  
Надир тушди ногоҳда «тап»  
Ушоқ тананг устига.

Жимиб қолдинг.  
Ўлмоқми жўн?! -  
Ерга сингиб ётардинг...  
Қимирладинг бироздан сўнг,  
Бошингни ҳам кўтардинг.

«Чирқ-чирқ»ладинг...  
Фарёд-алам  
Дов эмас-ку, чумчуқча.  
Барча сени булғовчи ҳам  
Ёв эмас-ку, чумчуқча...

2.

«Чирқ-чирқ»ладинг...  
Ўз-ўзингни  
Кўйдинг зумда фош этиб.  
«Чирқ-чирқ»ладинг...  
Овозингни  
Мушук қолди эшитиб.

Эшиитди-ю зорларингни,  
Елиб келди қошингга.  
Ўз ёнингга чорларингни  
Билиб келди қошингга.

Панжа чўзди...  
Бўлма хуррам,  
Севинма, бас, чумчуқча.  
Барча қўлин чўзгувчи ҳам  
Дўстинг эмас, чумчуқча...

3.

Чангалида олтин бўлдинг,  
Кумуш бўлдинг мушукка.  
Кушандангни кейин билдинг -  
Емиш бўлдинг мушукка.

Кўтарардинг оёкни ҳам,  
Бошингни-ку кўтардинг...  
Оҳ, чумчуқчам, эҳ, чумчуқчам,  
«Чирқ-чирқ» қилиб нетардинг?!

## **ЯНА БОЙМИРЗА ҲАЙИТГА**

*«... мени Ватандан құвладилар. Истиқолол  
байрого остига кириб олған неокоммунистлар  
(эски коммунизм ҳақида «ғириң» дея  
билмаганлар) менга, Ватандан кет, дедилар...»*

### **Боймирза ҲАЙИТ**

Зиё сочар ҳадемай офтоб,  
Тошкент сизсиз уйгонаётір.  
Сизга бунда таҳқирлар сероб,  
Тақдирларга лойиқ эй ботир!

Шахар яшар, тинглаб әрта-кеч  
Мусиқалар, ҳамд-у санони.  
Бизга малол, ўртаркан ўқинч  
Олисдаги сиздай синони.

Жандасининг устидан шаҳар,  
Байрам тузиб, кияр зарбоф түн.  
Таажжуб-ла деманг: «Алҳазар!..»  
Ниқобланмоқ бизда шундай жүн.

Шахар битар ҳар кун мадхия,  
Иймон атаб шонга шайдони.  
Қувғиндадир, изламанг сира  
Үзингиздай марди майдонни.

Шиддатлисиз. Шиддат күрмай: «Ох,  
Бу ўлимтик шаҳарми?!.. – дерсиз...  
Битта сирдан айласам огох,  
Сиз – келажак одамидирсиз.

2. 02. 1993.

x x x  
x

Ярқираган тонглар суратланади,  
Чирқираган онлар суратланади.  
Ғолиблигим эмас, мағлублигимдан  
Кувонгувчи жонлар суратланади.  
«Кимсан ўзи?.. – дейсиз... Менга елқадош,  
Эътиқодга хонлар суратланади.  
Биз энди бегона. Бир пайт сиз билан  
Бирга еган нонлар суратланади.  
Куйиб-ёнғанларим, сизга бўлсин, деб

Талашганим шонлар суратланади.

Узр, кетолмадим сўқмоғингиздан,  
Сиз оқлаган қонлар суратланади...

24. 02. 1993.

х х х

х

Тўфонлардан толиққаним чин,  
Қирғоқ сари ҳайда, қайиқчим.

Изтиробим, сабрга айлан,  
Қирғоқда бор кимсасиз чайлам.

Чарчоқларим қувмоқ – хоҳиши,  
У – мен учун таскин оғуши.

Қиёқзорлар эмас тутқунда,  
На истасам, айтарман унда.

Соғинганим – тўғридил терак,  
Гар суюнсам, бўлади тирак.

Ялпизларни тавоф этарман,  
Майсаларга сингиб кетарман...

Унда мени эркинлик қутлар,  
Унда йўқдир жонга човутлар.

Юрагимга тушмагай гурзи, -  
Йўқ тўфоннинг ҳокимлик ҳирси.

Кезарман-у осойиш боғим,  
Мард қайиқчим қўмсарман тағин...

24. 02. 1993

## ТЎРТЛИКЛАР

1.

Ўртанди у юртин туғи устида,  
Хар битта жароҳат, йифи устида.  
Айбламанг, оромни сизга қолдириб,  
Яшар-ку ҳанжарнинг тифи устида...

2.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Эзгулик – шарорим, деманг, уяламан,  
Адолат – шиорим, деманг, уяламан.  
Канча ҳақиқатнинг тўсдингиз йўлин,  
Ҳақиқат – қарорим, деманг, уяламан...

3.

Бахтингизни дардга ўртоқ кўрмасайдим,  
Топган омадингиз чўлтоқ кўрмасайдим.  
Дуч келдим ялтоқлар салтанатига,  
Ақалли сизни мен ялтоқ кўрмасайдим...

4.

Саф-саф ҳарфларнинг унлиси менми?  
Мунгли юракларнинг мунглиси менми?  
Айтинг, айта қолинг, қулоғим сизда:  
Алпларнинг опаси, синглиси менми?

5.

Ажаб, дунё тўла шеърбоп ўйлар,  
Кўркоқлар матонат қўшиғин куйлар.  
Кўнглим, ҳар ҳайъатга ишонаверма,  
Ўғрилар ўғрини «пиrim» деб сийлар...

6.

Кўксимни БЕАРМОН тилгувчи бўлди,  
Устимдан БЕИСЬЁН кулгувчи бўлди.  
Мен учун ўртаниб, мен учун ёниб,  
Кўнглимни БЕИМКОН олгувчи бўлди...

7.

Ўз-ўзингга суял. Онангга суял.  
Суял ўқтам ёринг, дониш отангга.  
Қадам босаркансан, ўғилжон, ҳар гал  
Албатта суянгил муnis Ватанга.

8.

Күнгил, баҳт излагил риёзат ила,  
Күнгил, дүст излагил фаросат ила...  
Биродарлик бекор, тотувлик бекор,  
Бўлса у куч ила, сиёсат ила...

9.

Ёлғиз ўзинг очсанг эшикни,  
Ёлғиз ўзинг ёпсанг эшикни...  
Бу – не азоб, бу – не укубат?! -  
Кошки йиқиб тепсанг эшикни...

10.

Маҳзун кўзларимни кўкка қолдирманг,  
Бошимдан ўтмоқда чакка, қолдирманг.  
Азизим, бир лаҳза, ҳатто бир лаҳза  
Мени АНДУҲ ила якка қолдирманг...

11.

Илоҳим, дилтангга сен дилшод бергил,  
Илоҳим, беморга сен имдод бергил...  
Демасман: безабон, бедилга рутба,  
Кўрқоқ-у жоҳилга истеъдод бергил...

12

Дилхунман... Дарё-чи, яллалар айтар...  
Беморман... Ёмғир-чи, аллалар айтар...  
Ё раб, наҳот ёшли қўшиқларимни  
Менга насиб бўлмас паллалар айтар?!

13.

Сиз тўйиб ҳидладингиз,райхон берилганида,  
Куйладингиз, нигоҳи жайрон берилганида...  
Майдон бўлса, шаҳд ила от сурарман, девдингиз,  
Сарбадорни кўрмадик майдон берилганида...

14.

Рұхимга ҳамаллар эга чиқишиди,  
Сочимга шамоллар эга чиқишиди.  
Азоб-ла ясовдим қувонч балдоғин,  
Кувончга заволлар эга чиқишиди...

15.

Бас, юзинг ёшларга ювма, болажон,  
Сакра, ўйна, гувран, кувна, болажон.  
Дунё ширинлиги ўзингсан, эркам,  
Аччиқ андухларим қувла, болажон!

16.

Кўркувдан дарз олди зиндондаги одам,  
Фирибдан дарс олди зиндондаги одам...  
Ўзи чиқиб олиб алал-оқибат,  
Чикдик, деб жар солди зиндондаги одам...

17.

Осмонда оқ, оппоқ сурп турибди,  
Ортида қоп-каро фириб турибди.  
Маъюс кўзларимга қайда тасалли? -  
Алмисоқ тегирмон юриб турибди...

18

Сел ёғмиш. Кўриб, ўзни кўрмаганга оларсиз,  
Дил хомуш. Кўриб, ўзни кўрмаганга оларсиз.  
Ташлай қолинг, чавандоз, йигит тўнин елкадан,  
Алпомиш кўриб, ўзни кўрмаганга оларсиз...

19.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Демам: «Куйларимнинг ғаними – сенсан.  
Ёр-ёр тўйларимнинг ғаними – сенсан...»  
Озод ўйлар – менинг ганжи хазинам.  
Озод ўйларимнинг ғаними – сенсан!..

20.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Сүзлашда салобат, салмоқ бўларсиз,  
Рухимга сукунат солмоқ бўларсиз.  
Сизга ҳаловатим керакмас асло,  
Бедор қалбим юлиб олмоқ бўларсиз...

21.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Оғриқлар кўзимдан сизиб чиқмасми?!  
Нафратлар меҳрдан ўзиб чиқмасми?!  
Ажаб, азобларим ҳайдайсиз ичга,  
Бир кун дараҳт бўлиб ўсиб чиқмасми?!

22.

Ташвиқ кўксин кериб юради,  
Уйга босим кириб туради.  
«Ухлашга ҳам қўймайсан», – десам,  
Уйқу дори бериб туради...

23.

Бош яланг. Оёқлар ташвиш корида.  
Юраклар осилган ҳадик дорида.  
Эй дўст, кечамиз ҳам бир нави экан,  
Юргандик ҳур ўйлар чангальзорида...

24.

Яхши, ёмон ўша-ўшадир,  
Рост-у ёлғон ўша-ўшадир.  
Тулпорларим мункийди, эвоҳ,  
Йўллар ҳамон ўша-ўшадир...

25.

Соялар ҳилолни дуто қиласми?!  
Захмат тўлинликни ато қиласми?!  
Юлдузлар бенуқсон, фаришта, дейсиз,  
Юмуш қилмаганлар хато қиласми?!

26.

Ўқирдим диловар китобингизни,  
Севардим тановар рубобингизни.

Қайданам мен сизга бўлдим рўбарў? -  
Улоқтиргим келар никобингизни...

27.

«Гувоҳсиз...»  
Бегуноҳ ойга гувоҳман,  
«Эвоҳ»га гувоҳман, «вой»га гувоҳман.  
Буқун қуёш нурин тўсгувчи соя,  
Хадемай маснади лойга гувоҳман...

28.

Ёмғир осар абрга дорлар,  
Ношуд мени сабрга чорлар.  
Тезроқ қўрсам эди эркимни,  
Фурсат елиб, «қабрга бор»лар...

29.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Ўйламанг: юлдузни кўзлаб яшарман,  
Ўйламанг: ўксиниб, музлаб яшарман...  
Кўп экан ҳаётнинг жинкўчалари,  
Уларда руҳдошлар излаб яшарман...

30.

Армонларим кўп менинг,  
Афғонларим кўп менинг.  
Кўпни яна кўп этар  
Арконларим кўп менинг...

31.

Шамолнинг эс-хуши – «ўйна-ўйна»да,  
Ҳамалнинг гўл иши – мазах-майнада.  
Ағёrimга боқиб, ушлайман ёқа:  
Руҳимни қўрсатар қийшиқ ойнада...

32.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Келдинг, аммо келмади баҳор,  
Кулдинг, аммо кулмади рухсор,  
Қолдинг, аммо қолмади охор,  
Кетсанг, зора кетсайди озор...

33.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Таънага қўмарлар, шукур қилмасам,  
Истарлар: қалбимни зикир қилмасам...  
Истарлар: қўлимни қўксимга қўйиб,  
Куллуқ қилаверсам, фикр қилмасам...

34.

Майли, ағёримча ёмон от бўлай,  
Майлига, бесамар хаёлот бўлай.  
Бир тутам изтироб, бир тутам армон -  
Диллар оғриғидан хотирот бўлай...

35.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Зора бўлса, девдик, ўйингиз обод,  
Худди ой, қуёшдан нурланган робот.  
Оҳ, қайдан билибмиз, қайдан билибмиз:  
Сўзингиз бунёд-у ишингиз барбод...

36.

Мени пар айлади бедорлик,  
Диловар айлади дилдорлик.  
Фазогир руҳимни ер билан  
Баробар айлади хунхорлик...

37.

(«Сиз... Сен... У...» түркүмидан)

Бизим жарохатлар – сизга тиловат,  
Бизим харобатлар – сизга ҳаловат,  
Бизим надоматлар – сизга фарогат,  
Бизим шижаатлар – сизга ҳалокат...

38.

Фаровон шамларга тиларман соғлик,  
Чароғон дамларга тиларман соғлик.  
Шоирлари йиғлар юртга келгай баҳт,  
Нолон қаламларга тиларман соғлик...

39.

Маломат юракка ўрлайверади,  
Адолат күмакка чорлайверади.  
Йўлбошчим күёшдир. Ана, у кўқда,  
У тоза. У мудом порлайверади...

24 – 26. 02. 1993.

## СУЛАЙМОНБАЛИҚ

1.

Бу улкан дунёнинг сир-асрорлари  
Улкан ҳайрат солар жимит қалбимга.

Ҳайрат қўли битган армон-зорларим  
Кўнгил зорим бўлсин она ҳалқимга.

Ҳалқки, сўзлаганда, менинг тилим лол,  
Ҳалқки, назар солса, нигоҳим ерда.  
Куйчимас, куйгувчи буқун, эҳтимол,  
Мингдан бир армонин шарҳлагай шеърда.

2.

Елдай ўтган умрим, – ҳувиллаган йўл,

Ярим аср чангин ютмиш қош-күзинг.  
Сенга бокиб, күрдим салтанати чүл -  
Сийратким, фигони узундан-узун.

Сенга оңг тааллуқ, фаҳм тааллуқ,  
Қанчалар меҳринг бор Ватан – гүшангга.  
... Билармисан, надир сулаймонбалиқ?  
Яшай олармисан, ўхшаб ўшанга?

3.

Күз очиб күрганинг бўлса-да Ватан,  
Сут билан кирмади унинг поклиги.  
Бағри сафоларга эса-да хотам,  
Ёприлди макрухлар иттифоклиги.

Фаҳминг етмади ҳам, тушиб басталик,  
Юртни қотил наҳси шитоб босганда.  
... Билсанг, кўзин очар сулаймонбалиқ  
Фақат дарё боши – тоза масканда...

4.

Эс кириб, ётлардан ўргандинг удум,  
Эс кириб, ножинсга айладинг тақлид.  
Шунга маҳкум эди аъмолинг, дидинг,  
Руҳинг бўлолмади тоғлардай яхлит.

Буюк ўзлигингдан олмадинг озиқ,  
Дондай тафаккуринг ўсар онида.  
... Билсанг, камол топар сулаймонбалиқ  
Фақат тоза сувли ўз ошёнида.

5.

Ватан фалсафасин англамоқ бўлдинг,  
Босиб ўтолмадинг лекин сарҳадин.

Ватан орзулатин тингламоқ бўлдинг,  
Лекин билмас эдинг дониш дастхатин.

Фикр кўзаларинг эмасди тўлиқ  
Шиддатли, тўлқинли, суурубахш дилдан.  
... Билсанг, чашмадаги сулаймонбалиқ  
Энди дарё бўйлаб йўл олар илдам...

6.

Қолғанди авлоддан сенга армугон  
Буюк тафаккурнинг буюк денгизи.  
Лекин сенинг учун эди ноаён  
Ақллар, ҳикматлар – дурлар тенгсизи.

«Қани, – демадинг ҳам, – уммони солих?»  
Яширган касларни яшадинг «сиз»лаб...  
... Билсанг, дарёдаги сулаймонбалиқ  
Энди кетиб борар денгизни излаб...

7.

Туркий тупрок эди сен учун Макка.  
Туркий забон эди буюк сарватинг.  
Манфур ёғийларинг этди калака,  
Ўзларича чизиб юртинг сарҳадин.

Сенга таъқиб бўлди буюк шевалик -  
Юртдошлар чорламоқ юрт бўстонига.  
... Билсанг, денгиздаги сулаймонбалиқ  
Жуфт бўлиб қайтади илк ошёнига.

8.

Ўзгалар измида ўзни унутмоқ -  
Кунларинг шу йўсин тартиб олдилар.  
Дилингдан эътиқод, кўлингдан байроқ,  
Кўксингдан Ватани тортиб олдилар.

Ақлинг солиқ бўлди, умринг ҳам солиқ...  
Сендан зийнатланди фотиҳлар арши.  
... Билсанг, юртим, дея сулаймонбалиқ  
Кўксин тутиб борар оқимга қарши...

9.

Алдов, фирибларга йўлинг дуч эди,  
Барин тутқазишди сохта даҳонинг.  
  
Пахтангга эгилдинг, сенга бурч эди  
Нафсини қондирмоқ тўймас юҳонинг.  
  
Оқ пахта захридан умрлар сариқ.  
Форат маҳкумлари – борки зурёдинг...  
... Билсанг, юртга қайтган сулаймонбалиқ  
Пок чашмада бошлар насли бунёдин.

10.

Үртаниб, түлғаниб тутардинг мотам,  
Етмоқ истар әдинг сен ҳам толега.  
Қайтгани рост бўлсин кўксингга Ватан,  
Боринг фидо унинг истиқлолига.

Сой бўл, шалола бўл тоза манбаълик,  
Элга нисоринг йўқ ўзингдан ортиқ.  
... Билсанг, куни битган сулаймонбалиқ  
Лошин ҳам қавмига айларкан тортиқ...

11.

Бир ҳайрат баҳона, этсам сарҳисоб,  
Умр, армонимсан, аччиқ ёдимсан.  
Ватан – бир балодан қутилган офтоб,  
Ватан, кўксимдаги эътиқодимсан.

Шу тансиқ ганжимга тиларман ёлқин,  
Ўтинчим бажо эт, Дунёйи Ҳолиқ;  
Сен учун, Ватаним, сен учун, халқим,  
Кошки бўла олсам сулаймонбалиқ...

Феврал, 1993.

## ИЛТИЖО

Соҳиби адолат, соҳиби дунё,  
Шиддаткор учқурни учоқсиз қилма.  
Қаршимда яроғин ўқталар риё,  
Мулойим сўзимни пичоқсиз қилма!

Яроғим йўқ ахир сўзимдан бўлак,  
Мутеликка исён кўзимдан бўлак.  
Умр – ҳамма назар солгувчи йўлак,  
Шафқат йўлагимни чироқсиз қилма!

Истагим: замона иймонни уқса...  
Бетавфиқ дунёга ўт кетсин йўқса...  
Кўрқса, одам фақат Худодан қўрқса...  
Эркак юрагини чақмоқсиз қилма!

Улар-ку бизлардан кучли, чайирроқ,  
Кўрмоқни истайман уларда Широқ.  
Худойим, эркакни шиддатдан йироқ,  
Худойим, эркакни белбоғсиз қилма!..

25. 02. 1993.

# 1994

СИЗГА ҚОЛСА, ЮТИБ МУНГЛАРИМ,  
ОВОЗИМНИ ҚУВНОҚ КҮРСАТАЙ...  
... БУ САРҒАЙГАН КУЗАК КУНЛАРИН  
ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БАХОР ДЕБ АТАЙ?!

х х х х

Бахор. Қуёш. Ҳайбатли тоғлар...  
Үнг-у сүлда ястанган харсанг...  
Сен соғинган ғуж қизғалдоқлар...  
Энтикиш-ла қошига борсанг,  
Майсаларни билиб паттилам,  
Майса рухинг отсанг устига,  
Шеър ўқиса баҳор шавқ билан  
Баҳормижоз сендай дўстига,  
Майса узра чалқанча ётиб,  
Кўзларингни юмсанг бир зумга,  
Ҳаво латиф, сукунат латиф...,  
Бир латиф кўл тегса юзингга...,  
Кўз очмаёқ англасанг: сенга  
Мехр тутиб турар қуёшинг...,  
Эллик ёшли хорғин уйингга  
Олиб қайтсанг ўн саккиз ёшинг...

18. 05. 1994.

х х х х

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Сизга қолса, ютиб мунгларим,  
Овозимни қувноқ күрсатай...  
Бу сарғайган кузак кунларин  
Қандай қилиб баҳор деб атай?!

Битта-битта қилдилар қувғин,  
Бўм-бўш қолди бургут инлари...  
Тунд булатлар самода турғун,  
Эсаётир изғириналари...

29. 10. 1994.

# 1995

ШИДДАТ ЭДИ МЕНГА АРДОҚЛИ, САРА,  
ШИДДАТ ЭДИ МЕНИНГ САЙРОҚИ ҚУМРИМ.  
... ДЕРАЗА ОЛДИДА БИР ХИЛ МАНЗАРА:  
АЛДАМЧИ СУКУНАТ ЧҮЗАР ЫЗ УМРИН...

х х х  
х

Умримга чидамни метин истарман,  
Күксимга тафаккур ўтин истарман.  
Мени шикаста, деб қилманг маломат,  
Фам чекиб, бахтингиз бутун истарман...

7. 02. 1995.

х х х  
х

Уфкларда яраланди нур,  
Мен мажнунвор күйига тушдим.  
Йўлда қувонч араз-ла янур,  
Йўлда омад тугади муштин.

«Сен учун йўқ ўзгача тақдир... -  
Шивирлайди лабим муттасил. -  
Шифокорин кутаётири нур,  
Бўл ақалли улар биттаси...»

Кетаяпман... Шилади пўстим  
Чакалаклар, очганча қучоқ...  
Қалам – менинг камсуқум дўстим,  
У ҳам емиш бошидан пичоқ...

7. 02. 1995.

х х х  
х

Нимадан норози, нимага исъён? -  
Кўкни тўлдирибди қушлар лашкари.  
Титради дарахтлар... Тўкилди хазон...

Хаммада бесарлик, мендан ташқари...

Чумолилар ташлаб мүким йўлларин,  
Буткул пароканда, дайдиб қолдилар...  
Кун бўйи изгувчи болариларим  
Инларин бегалва жой деб қолдилар...

Шитоб ёмғир ёғди. Ёғдими хатар?  
Қайга ғойиб бўлди қушлар лашқари?!

Борки жон панада бикиниб ётар,  
Хаммада қўникиш, мендан ташқари...

Шитоб ёмғирларга юз тутсам, дейман...

7. 02. 1995.

x x x  
x

Бир қизалоқ тураг йўлим бошида:  
Бошяланг, бўзкўйлак, сочи жамалак...  
Мовий само кулар унинг қошида,  
Кулар атлас рангли нафис камалак...

Бир қизалоқ тураг йўлим бошида:  
Гўё у қондаги ажиб анъана:  
Ҳаммага меҳр бор кўз қарашида,  
Ҳаммага ишонч бор кўксига яна...

Бир ҳадик бўрони руҳимда учар,  
Тўхта! – дер, олдинга бир қадам ўтсам...  
Гўё қашшоқликка бўлурман дучор,  
Ўшал қизалоқдан олислаб кетсам...  
27. 02. 1995.

x x x  
x

Олиса тинмаган булоғим, салом!  
Тегрангизда бормиш янтоқ, тиканлар.  
Йўлингиз беркитмоқ қасдига мудом  
Тушган эканлар.

Қуёш ўпар эмиш юзларингизни,  
Ўзин топар эмиш баҳор сизлардан.  
Булоғим, Худойим асрасин сизни  
Ёмон кўзлардан...

4. 03. 1995.

x x x  
x

Беёғин, беукув, сийрак булутлар  
На кетмас, на кўкни ўраб ўрамас.

Мен беҳад севгувчи шиддатлар, ўтлар  
Холим сўрай, демас, ҳолим сўрамас.

ШИДДАТ эди менга ардоқли, сара,  
ШИДДАТ эди менинг сайроқи қумрим...

... Дераза олдида бир хил манзара:

Алдамчи сукунат чўзар ўз умрин.

04. 03. 1995.

х х х

х

Боқаман... Боқаман... Кўзларим оғрир,  
Излаганча майса, чечак, хандалар.  
Менга бу муҳитнинг ҳавоси оғир,  
Оғир ғилофдаги жумбоқ бандалар.

Яшарлар, айбларин олиб панага,  
Руҳан етукликни руҳдан соқитлаб,  
Хона ҳавосини қамаб хонага,  
Ўз сассиқ ҳидларин ўзлари ҳидлаб...

4. 03. 1995.

х х х

х

Айб менда, тинчингизни буздим билмайин,  
Айб менда, солиб қўйдим сизни йифига.  
Юрак буни кўтаролмас. Кетмоғим тайин...  
Омонатман кўзингизнинг қорачиғига.

Сиз кўзгусиз. Мен ўзимни кўп кўрдим унда,  
Яшарканман кескин, сиздай юкиниб эмас.  
Мардлигини ёстиқдошга пичирлаб тунда,  
Кундуzlари ҳадиклардан тўкилиб эмас...

Балки дерсиз: «О, сўзлари ўқ отар сўз-ку...»  
Сиз-чи, мени ўлдираисиз қул бўлиб... сассиз...  
Омонатман – қаршингизга қўйилган кўзгу.  
Нечун унга бундоқ боқиб, ўзни кўрмассиз?..

5. 03. 1995.

х х х

х

Яшабман-ку очик, дея, юмуқ қалбимни,  
Йиллар гуноҳ-хатосини ололмай уқиб.  
Энди билсам, яратибди яккаш қабримни  
Йиллардаги қанча ёлғон, қанчалар никоб.

Мен бўлсам-чи, сира кўрмай мардум ёшларин,  
Ёзганмидим у йилларга гоҳо қасида?!  
... Энди қалбим алам билан юва бошладим  
Охор истаб умр шомин бўсағасида...

6. 03. 1995

x x x  
x

Умр ўтиб борар баландлаб, пастлаб...  
Узун туюлади бизга у дастлаб,  
Бўлмас, яшамасанг ақлингни ростлаб...  
Умр ўтиб борар...

Алдов ичра яшаш – қанчалар сағир...  
Нодон етагида – яна-да оғир...  
Куйинг чал, куйинг чал, куйинг чал, бағир,  
Умр ўтиб борар...

7. 03. 1995.

x x x  
x

Сизни десам, хотирамда мукаммал сиймо:  
Битта бўлиб кўринарди сурат ва сийрат.  
Сиз – жасорат. Сиз – маҳорат, эътиқод, иймон...  
Сиз – Навоий байтидаги насталиғ бир хат...

Йўллар бизни бир-бировга танитди ҳаргиз...  
Сезгандирсиз нималарга қилганим имо.  
Узоклашинг... Узоклашинг... Хотирамда сиз -  
Ақли расо, жасур, латиф, мукаммал сиймо...

8. 03. 1995.

## РУБЕНС ХАТЛАРИНИ ЎҚИБ...

Мактуб эмас, нуроний юз, ҳалим сўзлар у,  
Ҳакимларнинг малҳами-ю серлатофат гул...  
Одамларга меҳр ила боқар кўзлар у,  
Пойгак бўлиб, сизни тўрга чорловчи кўнгил...  
Бизлар бўлсак... Юраклари айланмиш тошга,

Манфаати орқасидан югурмиш илдам...  
Бизлар бошқа... Бизлар бошқа... Биз бутқул бошқа...  
Ох, айрилиб бўлибмиз-ку ҳалим кўнгилдан...

9. 03. 1995.

x x x  
x

### **Хориждаги бирликчи дўстларимга**

Хона маҳбусиман. Занжирбанд руҳим  
Эзгин хаёлларнинг бағрига инди.  
Эй, сиз, жўмардларим, умрим шукухин  
Менга топиб бериб, қайдасиз энди?

Ўзгалар панага ўтганда пусиб,  
«Тилим» деб, тиллари қайрилганларим...  
Саф-саф темир тобут йўлларин тўсиб,  
«Элим» деб, элидан айрилганларим...

Шу тупроқ умрига тиляб истиқлол,  
Шу тупроқ бағрига сифмаган жонлар,  
Мен учун энг ёруғ, энг оғриқ хаёл,  
Мен учун ифтихор, менга армонлар...

Ўзи шундай доим... Дунёни таниб,  
Бошин эгик кўрдим – мардликдир, ҳақдир.  
Буюк жасоратлар, орлардан тониб,  
Сизни қай кунжакка иргитди тақдир?!

Умр боғларингиз қанча оралай,  
Сиз учун азобни хотам кўряпман.  
Ва лекин, офарин, қачон қарамай,  
Ёниқ кўксингизда Ватан кўряпман.

Аввал ғуурланиб, кейин айрилиб,  
Сизни соғинади ўксиган Ватан.  
Қайта топган куни кўзёшлар қилиб,  
Маҳкам босгувсидир кўксига Ватан.

Бир йўла ой боқиб, кун боқиб сизга,  
Кўнгли яримларим, тўлиб қолгайсиз.  
Сингиб кетажаксиз бир-бирингизга,  
Ватан – сиз, сиз – Ватан бўлиб қолгайсиз.

Ўшал саодатга буқунда туриб,  
Хонанишин ҳолда назар ташларман.  
Хаёлий шавқларга кўксим тўлдириб,  
Буюк учрашувга интиқ яшарман.

10. 03. 1995.

х х х  
х

## Шоирлардан бирига

Сүзланг, дедим. Жим турдингиз... Сүзлөмадингиз...  
Сездим: титраб, қай оғатдан олдингиз ҳадик.  
Гүё башда тиғ тутганды у кезлар Чингиз,  
Күпларимиз күркүвларга қул бўлган эдик.

Нари кетдим... Чанқоғимни қондирди ўзга...  
О, ўшал мард... Арзир кўзга сурсам пойини...  
Шундан сўнг мен ихлос қўйдим беҳадик сўзга,  
Шундан сўнг мен иймонимда билдим жойини.

Беҳадик сўз оҳор олиб келди буқунга.  
Ажаб, унинг арқоғига энди ҳамма – бўз...  
Сўз айтасиз... Лоқайд қулоқ тутаман унга...  
Сўз айтасиз... Мен зор кезлар айтилмаган  
сўз...

10. 03. 1995.

х х х  
х

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Сиз – мен учун мубҳам бир хилқат,  
Сўқмоқлари – қоронғи, узун...

Сиз – мен учун янги бир хилват,  
Хилватки, ҳеч кўрмаган кўзим...

Манманлиқдан тутгансиз қалқон,  
Манманлиқдан кийгансиз совут.  
На ўқ ўтар улардан бирон,  
На уларни куйдиради ўт.

Ақл-у фаҳм – сиз учун абас,  
«Мен-мен»лашдан топасиз шукух.  
Ким айтарки, чириган эмас  
Совутингиз ичидаги рух...

10. 03. 1995.

х х х

х

Хаёт сизни юрар эди қүшдай учириб,  
Оғушига босар эди онадай мунис.  
Сархуш-сархуш шарбатларин сизга ичириб,  
Дабдабалар қаршингизда чўкар эди тиз.

Ажаб, буқун булар бари – туш каби гўё,  
Ажаб, буқун сизга боққан изтироблар мўл...  
Ўйланг: кимга бўлгандингиз оғриқли дунё?  
Ўйланг: қандай гуноҳларга ургандингиз қўл?

10. 03. 1995.

## СТАЛИН ВА УНГА ЎХШАГАНЛАРНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Қаранг, оқ келажак яқин, шоирлар,  
Илҳом чамбарини тақинг, шоирлар,  
Мендан мукофотлар, мендан унвонлар,  
Менга ҳамд-у сано ўқинг, шоирлар.

Дориламонларни чиқаринг йўққа,  
Мендан ўзгаларни тиқинг балчиққа,  
Биргина ўзимман даҳо борлиққа,  
Менга ҳамд-у сано ўқинг, шоирлар.

Мақтовдан толсам-да, буюксиз, дея,  
Сўзлашдан қолсам-да, буюксиз, дея,  
Каллангиз олсам-да, буюксиз, дея,  
Менга ҳамд-у сано ўқинг, шоирлар.

Йўлларим сиздайлар супураверсин,  
Мадхия, қарсаклар кўпираверсин,  
Майлига, келажак тупураверсин,  
Менга ҳамд-у сано ўқинг, шоирлар...

12. 03. 1995.

х х х

х

Қоп-қаро тун – усти-боши чанг,  
Бошим узра ўлтирмоқчимиш.  
Менинг тоза, азиз, курашchan  
Кундузимни ўлдирмоқчимиш.

Нафратимни шахт айтдим тунга,  
«Үзни сенга бермасман», – дедим.  
Ахир мен бу курашчан кунга  
Умр бўйи орзуманд эдим...

18. 04. 1995.

## МАЪСУМА

«Ўшами?..» – деб бокманг беписанд,  
У – дунёлар бахтига молик.  
Берган тонгги саломларига  
Фаришталар олишар алик.

Кулоғига турар урилиб  
Сиз эшитмас жаннатий саслар.  
Сал «оҳ» чекса, ғамгузор бўлиб,  
Осмон пастлар, юлдузлар пастлар.

Ўзингизча шарҳин сўйламанг,  
Кўриб кўздан дув оқар ёшин...

Тун олдида хам, деб ўйламанг  
Нур олдида эгилар бошин...  
У – дунёлар бахтига молик...

19. 04. 1995.

## БАҲОР. ДАЛА ХОВЛИДА

Ёмғир куни билан ёғиб муттасил,  
«Эрта ҳаво очик», – девди кунботар...  
Қуёшда нозланиб келинчак фасл,  
Анҳор қирғоқлари буғланиб ётар.

Гўё бу оламда йўқдайин алам,  
Гўё мунг руҳимни этмаган қамал...  
... Яланг оёқларим ювади шабнам,  
Хоргин яноқларим ўпади шамол...

19. 04. 1995.

## ИККИЛИК

Олис бўлмоқ суллоҳ таъмадан -  
Туморликка арзирли маъдан...

19. 04. 1995.

**x x x**

**x**

Умр йўлдир. Мендай басир йўқ.  
Яна мендай унга асир йўқ.  
Мен – йўл узра барг тўкар дарахт,  
Одамлардан яширас сир йўқ...

**19. 04. 1995.**

**x x x**

**x**

Мен қайрағоч қулогига айтмагайман сир,  
Оҳим тошдай дийдасига этгайми таъсир?!  
Юрагимни яширгайман ёнғоқлардан ҳам,  
Пўсти қаттиқ... Дардларимни кўролмас баҳам...  
Мағрур, найнов терак ила қилмам мулоқат,  
Юкоридан боқишиларга йўқ менда тоқат...  
Эркалагим келган маҳал bemиннат баҳтим,  
Кучоқлайман анжирни... У – менинг дарахтим...

**21. 04. 1995.**

**x x x**

**x**

### **Яна бирликчиларга**

Қайда ўксик кўрсам ҳақлиknи,  
Кўрдим сизда жонхалакликни.  
Сиз – равона оқар сувнимас,  
Танлагансиз чархпалакликни...

**21. 04. 1995.**

**x x x**

**x**

Қават-қават ердай юрагим,  
Қандай конлар пинҳон – билмасман.  
Пармаларга тутиб ўз таним,  
Неларнидир топмоқдан мастман.  
  
Эзгуликка тўймагай дилим,  
Тер тўкаман бетаъма, холис.

Билмам, сизга кондан топганим  
Күрғошинми, олтинми ё мис?!

21. 04. 1995.

x x x  
x

Сенгина ҳормайсан, қуёшим, хушлан!  
Қолган умрим каби ҳилол бир тишлам...

Уфқда кўринмас шафақлар рақси,  
Икки яноғимнинг ўчгандай нақши...

Юлдузлар милтиллар митти ва беҳол,  
Чақноқ кўзларимдан кетгандай мажол...

Булут яхлит эмас, минг қийқим нусҳа,  
Ёзган шеърим мисол бўй-басти қисқа...

Сенгина ҳормассан, қуёшим, хушлан!  
Қолган умрим каби ҳилол бир тишлам...

24. 04. 1995.

x x x  
x

Ерни кўриб бефайз, беҳусн,  
Бахор кўзларини ёшлайди.  
Дараҳт, қирғоқ, адр... лар юзин  
Йифлаб-ийғлаб, ўпа бошлайди.

Нечоғ меҳр истарди тупроқ,  
Эриб, дилни эритади ёш... -  
Ва дараҳтлар ёзади япроқ,  
Ва майсалар кўтаради бош...

26. 04. 1995.

## КАФТ ЧИЗИҚЛАРИГА БОҚИБ...

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Жирканасиз олтин кузнинг хазон-хасидан,  
Ўтмагайсиз тор кўчалар баланд-пастидан.

Ўтлар босган сўқмоқлар ҳам буткул бегона,  
Силлиқ шаҳар шоҳкўчаси манзур ягона...

Ақл таниб, биронтага бермагансиз ён,  
«Ҳақман» деган муқим қараш муқим ҳукмрон...

Сизга ёқар юмшоқ курси, тавозе, жимлик,  
Сиз – дабдаба токчасида ўсган ўсимлик...

Бўлса ҳамки қадам эгри, иштаҳа ўғри,  
Сизнинг тақдир чизигингиз нечоғлик тўғри...

Бирон ерда узилмаган, бўлмаган камон,  
Сизни элтгай тўппа-тўғри... НАФРАТЛАР томон...

**29. 04. 1995.**

х х х  
х

Бирдан ҳаммаёқни тутиб унлари,  
Бирдан шаҳд келтириб қўрқоқ ғашини,  
Нечоғ хуш кўраман, баҳор кунлари  
Момақалдиrokлар гумбурлашини...

Кейин шаррос ёмғир... Томчилар яйраб,  
Ёпиқ деразам-ла «тук-тук»лашади...  
Кейин найкамалак... Нечоғ сахий қалб...  
Рух боғим бир зумда кўм-кўклишади.

Зумда ғариба дил кетади бойиб...

**30. 04. 1995.**

х х х  
х

О, қушларим, бунчалар сиз меҳрибон юрак,  
Пастлаб учиб, ёмғирлардан берасиз дарак.

О, дараҳтлар, баргларингиз тўкиб уч-учдан,  
Огоҳлайсиз қаҳратон қиши – қаҳрли кучдан.

Юракларнинг меҳроби деб билгайман сизни,  
О, одамлар, дараҳт, қушча бўлолмайсизми?!

**30. 04. 1995.**

х х х  
х

Сўзи бошқа, иши бошқа юракларга зид, чапман,  
Товонтешар тошли йўлда оёқяланг кетяпман.

Кечар эди кунларим тинч, ёзмасам-да қасида,  
Ёлғонларга «оқ йўл» десам ҳаёт чорраҳасида..,

Ўзгалардай муросага кўна қолса куй-сайдим,  
Иғволарни иғво деган тилгинамни тийсайдим..,

Алдовларни кўра туриб, кўрмаганга олса кўз,  
Ситамларга лутф айласам: «Сизда, хоқон, йўқ мугуз...»  
Йўқ-йўқ... Асло... Худоси йўқ юракларга зид, чапман,  
Эркин қушлар хузурига хузур қилиб кетяпман...

**30. 04. 1995.**

х х х  
х

Чимён чўққилари турар оқариб,  
Савр кесолмабди қорларнинг кучин.  
Бир ҳафта кўрмовдим, кетибди қариб  
Узум япроқлари ток оши учун...

Иzlайман... Шимолга солиб йўлларин,  
Турналар хайр-хўш айтиб бўлибди...  
Аслини соғиниб атргулларим  
Наъматак ҳолига қайтиб бўлибди...

...Хурлик довонлари мудом чорлар-у  
Яшасанг бутун ҳалқ енгиб пайдар-пай,  
Савр эритмоққа ожиз қорлар-у  
Аслига қайтолган атргуллардай...

**2. 05. 1995.**

х х х  
х

### **Ҳадича опамга**

Кулоқ тутар асаларига,  
Туюларми «виз-виз»и «Ушшоқ»...  
Бўғот тўла каптарларига  
Ҳар кун тонгда сепади ушоқ.

Томчилардан тинглайди садо,  
Ёмғир ўхшар ёмғирмас, ёшга...  
Хонқизини кўрса мабодо,  
«Бахт рамзи», – деб, қўяди бошга.

Ҳақиқ гилос узра ёприлар  
Дайди қушлар – гала, очофат...  
«Шуларнинг ҳам ризқи-ку», – деяр,  
«Кишт»ламоққа тополмайди ҳад.

Эзгуликка қўйганча ихлос,  
У яшайди мўъжиза кутиб...  
...Хонқизисин ўлдирманг бехос,  
Каптарларин қўйманг ҳуркитиб...

**4. 05. 1995.**

**x x x**

**x**

Юраман... Йўл иссик... Манзилим олис...

Чидайман ғамда кўп, баҳтда камликка.

Шунданми, нозиктаъб, оқкўнгил Қавс

Мени танлаб олган хамқадамликка.

Қиши ёзнинг, ёз қишининг қаҳрин ютади,

Ўқиймиз умрнинг нурли хатини.

Қавс менга оппоқ қор завқин тутади,

Мен эса Саратон ҳароратини...

**5. 05. 1995.**

**x x x**

**x**

Қучоқлар, ардоқлар,

Ўпар тонгларим

Лолақизғалдоклар -

Болажонларим.

Улар – мен ичиккан

Суурли тақдир.

Улар – менинг чеккан

Оҳимга таҳрир...

**5. 05. 1995.**

**x x x**

**x**

«Баҳор – дилгинамнинг дилдораси», – деб,  
Севинган онимда қуйиб берди сел.

«Сен – умид уйининг вайронаси», – деб,

Чирқирашга тушди шунда мажруҳ дил.

Шунда оҳларимдан ёш оқди чак-чак,

Шунда чўкиб кетди самбитдай қаддим.

Шеъргинам, қалбимни бир сендан бўлак

Ўзага тузукроқ англатолмадим...

«Йўлдошлар кулфатда бир бўлса...» – дедим,

Сўзларимда ўтинч, сўзларимда ёш.

Бетаъма, беозор қўл чўзган эдим,

Чўзиқ қўлларимга ташладилар тош.

Шунда бўронларга тўлди дил воҳам,

О, бўлди ерпарчин эгилган қаддим.  
Шеъргинам, қалбимни ҳатто сенга ҳам  
Англатолмадим...

5. 05. 1995.

## МАҲЗУНЛИКНИ ЕНГИШ УЧУН АҚЛТАРБИЯ

Беандиша, беибо айём  
Юрагингни янчиб ўртади...  
Бош кўтаргил:  
Фаришта аёл  
Бир бурчакда тасбех тортади...

Бош кўтаргил:  
Шамалоқ гилос  
Шоша-пиша бўлибди қизил...  
Бош кўтаргил:  
Наъматак қийғос...  
Барг остида довучча тизим...

Тикка юргил.  
Тарқалгай дудлар,  
Йўқса умринг наҳангдай ютар...  
Тикка юргил...  
Қара: булуллар  
Оппоқ туғин кўтариб ўтар...

5. 05. 1995.

x x x  
x

Тақдирим битмишлар тор қўли ила,  
Қалб қўзим очмишлар ор қўли ила.  
Очмишлар баҳтига бекиёс фидо,  
Баҳтига бекиёс зор қўли ила...  
Қанчаларни билдим: бўлмиш жувонмарг  
Қилвир зулм қўли, дор қўли ила...  
Ўзни чўқقا урдим, эрк кўрмоқ учун,  
Дўст-у аҳбоб қўли, ёр қўли ила.  
Қолди баланд орзу, очолмай юзин,  
Азмida истибодод бор қўли ила...  
Ёраб, асаббузар режаларин қишиш  
Бажармоқда совуқ, қор қўли ила...

6. 05. 1995.

х х х

х

Кўнглингизга елимланиб ёпишар озор,  
Миянгизга ғувурларин тўлдирап бозор.

Озорингиз мен беозор ола билсайдим,  
Бозорингиз камёб моли бўла билсайдим.

Бўлолсайдим кўзларингиз ғамхонаси мен,  
Таскин топган сўзларингиз шукронаси мен...

Маъзур тутинг, юртдошларим, озори лак-лак,  
Яролмадим корингизга, йиглашдан бўлак...

**6. 05. 1995.**

х х х

х

Сиз бу муҳит маҳсули эмас,  
Намойишга келгансиз гўё.  
Қилсин, дея, одамлар ҳавас,  
Мўъжизасин кўрсатмиш дунё.

Сизга бўлган парилар доя,  
Энагангиз малаклар балким.  
Мехрингизга йўқдир ниҳоя,  
Сўзларингиз шакарким, болким, -

Мен девона, тикиламан лол,  
Мен мастона, эшитаман жим, -  
Дилдошликка арзимай, алҳол,  
Йўлдошиликнинг билмай иложин...

**7. 05. 1995.**

х х х х

Бу баҳор баҳорга ўхшамас сира,  
Ваъдалари бисёр, ёмғирлари йўқ.  
Шабадаси эмас сарин, бокира,  
Соялари эмас оромбахш, қуюқ...

Иссиқ танангизни қиласи лоҳас,  
Саврга кўчгандай асаднинг шахди.  
... Туккан ғўраларин дув тўкиб бехос,  
Куриб қолмасайди умид дарахти...

**7. 05. 1995.**

# 1996

ҮТИБ БОРМОҚДАМАН. АЗИЗ ЮРТДОШГА  
БАХТ-У ҚУВОНЧЛАРДАН ТОҒЛИК ТИЛАРМАН.  
ҲАДЕБ ЁҒАВЕРМАЙ МУШКУЛЛАР БОШГА,  
ЁРУҒ КУНЛАРИГА СОҒЛИК ТИЛАРМАН...

x x x  
x

Менда ажиб ҳолдир, азизим,  
Тилим забун, лолдир, азизим.  
Ҳабибимдан кетди ҳабиблик,  
Гарчи тили болдир, азизим.  
Тиғлар санчди. Чақиргил табиб,  
Юрагимдан олдир, азизим.  
Захри ёмон... Демаган эдим:  
«Мени дардда толдир, азизим!..»  
Күз ёшларим оқар ичимга,  
Бу қандайин ҳолдир, азизим?!  
Тўйдим дунё эрмакларидан,  
Мени шеър-ла қолдир, азизим.

15. 04. 1996.

x x x  
x

Ногаҳонда, эй тупроқдош,  
Озор тусаб, ўч тусаб,  
Сиз ҳам отманг кўксимга тош,  
Отганлари бехисоб.

Бу юракка мунис ўлкам  
Суратини ўйғанман.  
«Юртдошим» деб, мен сизни ҳам  
Унга жойлаб қўйғанман.

Мен учун бу тупроқ азиз,  
Удир менга бир жаҳон...  
Сиз отар тош ўз бошингиз  
Ёрмасайди ногаҳон...

17. 04. 1996.

x x x  
x

Рухимиз ўқитиб, рухимиз ўқиб,  
Шундоқ ҳақиқатни олганмиз уқиб:

Күйганимиз муқим бир йўлга ихлос,  
Бораримиз муқим бир отни ниқиб...

17. 04. 1996.

x x x  
x

Чақмоқдай шиддат-ла келиб кетдингиз,  
Кўксимга оқ байроқ илиб кетдингиз,  
Мени мажнуншиор қилиб кетдингиз,  
Туғёнли кунларим.

Бўлиб қолдингиз-ку юрагимда ишқ,  
Ҳаётимда маъно, тилимда қўшиқ,  
Гар бўлсам, биргина сизга мен ошиқ,  
Бўронли кунларим.

Хаёлимдан сира қўймаслигим бор,  
Қайтарсиз, барибир тўймаслигим бор,  
Сизни сўймасларни сўймаслигим бор,  
Туғёнли кунларим,  
Исьёнли кунларим,  
Достонли кунларим!..

19. 04. 1996.

x x x  
x

О, у фасл – ҳаётингнинг тожли дамлари:  
Мұхаббатга жориялик, унга бекалик...  
Қувгин бўлиб юракларнинг кўст-у камлари,  
Сенга насиб афсонавий шодлик, эркалик...

Гўё энди туғилгандай туярсан ўзни,  
Гўё олам сен мисоли ўн саккиз ёшли...  
Бахт қўлида турган каби ҳаётинг изми,  
Йўлинг ёруғ, қўксинг баланд, кўзинг қуёшли...

Кейин эса... баҳор қайтар, эвоҳ, қайтмас ул.  
О, у фасл, ширин тушлар, фирмавсларга хос...  
... Қолган умр – у фаслнинг ёди-ла машғул,

Колган умр – унинг хира шуъласи, холос...

22. 04. 1996.

x x x

x

Биз томонда баҳорлар қисқа,  
Ёз кунлари узундан-узун.  
Етишсин, деб, ҳар кимса ризкқа,  
Тонг ҳам зумда очади кўзин.

Биз томонда каслар тўрт қўлли,  
Қўймас борни юлмагунича.  
Кўзлари ҳам тўймас шекилли,  
Тупроқ билан тўлмагунича...

24. 04. 1996.

x x x

x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Сизга хуш келардим, эшиитмасданоқ  
Айтар сўзларингиз бажара берсам.  
Кўнглимда не шаҳар, не овул, не боғ,  
Хоҳиш-майлингизга ижара берсам...

Сизга хуш келардим, юрсам мабодо  
Елдан ҳам беовоз, майсадан ҳам паст.  
Мадҳга ўчрайингиз бўлиб муддао,  
Саркаш кимсаларга тикласам қафас...

Сизга хуш келардим, алмаштиурсам гар  
Чаққон елпатакка ҳайронангизни,  
Бадбўй кўчангизни билсан муттар,  
Қаср деб кўрсатсан вайронангизни...

Шунда бўлар эди йўлларим текис,  
Фароғат – харидор, омадлар – жазман...  
... Эвоҳки, эвоҳки, эвоҳ, билсангиз,  
Сизга хуш келишга муҳтоҷ эмасман...

25. 04. 1996.

х х х

х

Нима бўпти, шеърга чўзиб даст,  
Кутмас бўлсам эҳтиромини.

Мария\* ҳам шоир бўлибмас,  
Қалпоқ тўқиб, топган нонини...

Нима бўпти, иқболим матни  
Умрим бўйи турмаса яхлит.  
Гоҳ яшасам, танлаб хилватни,  
Хонанишин Анна\*\*га тақлид...

Нима бўпти, боғласа минг ип,  
Чирмаб олса само висоли,  
Мен яшасам, эркимни севиб,  
Севгипараст Сапфо\*\*\* мисоли...

Балки дерсиз: «Яратган шоҳид,  
Йўлламассан уларга сира...»

Нима бўпти, қолипларга зид,  
Мен яшасам, бўлиб Гулчехра...

25. 04. 1996.

- – *Мария Цветаева, \*\* – Анна Ахматова – машҳур рус шоиралари.*
- – *Сапфо – қадимий юнон шоираси.*

•

## ҚОТИЛЛИК

(достон)

1.

Ажойибот, ғаройиботдан  
Ёза билмас митти қаламим.  
Оддийгина кулбали, зотан,  
Сўз оламим, хаёл оламим.  
Буролмасман дарёлар сари  
Ярқираган ойли ирмоқни.  
Эплолмасман кўплар сингари  
Қизик қилиб сўзлаб бермоқни.  
Билганларин, шундай бўлса ҳам,  
Айтмоққа ўч хаёлкаш қалам.

2.

Үн еттига кирган Дилобар

Сулувликда мислсиз эди.

Сочи күйлак билан баробар,

Кўрганларнинг кўнгли «жиз» эди.

Қоп-қора қош-кўзлари, алҳол,

Қаймоқ юзда «мана мен»ларди.

Ўнг яноқда турган дона хол

Қорачикдай жойни энларди.

Кимдир суқин солган эканми?!

Қорачифи қолган эканми?!

3.

О, қиз юрса... О, қиз юрганда,

Сарви сумбул айлар хиромон.

Йигит кўзлар ногоҳ қўрганда,

Дерки: «Эвоҳ, жаннат ароман...»

Бунча ҳусн, малоҳат, ибо

Бир руҳсорда ҳеч зухур бўлмас.

Хур қизлар ҳам бунчалар зебо,

Парилар ҳам бунча хур бўлмас.

Ўз зоти ҳам боқаркан гирён,

Онасида бормикин армон?!

4.

Йигитларни ўртарди малак,

Ўртар эди мулзам бўлишлар.

Билолмасдан кўплар жонҳалак:

Бу қиз қандай умрдош хушлар?

Қайтишганди остонасидан

Талайгина совчилар қуруқ.

Бир бор кўрагар ё кўрмасидан

Қиз жавоби бўлар эди «йўқ».

У қалбидан тутғён кутарди,

Тутғёнга бек ўғлон кутарди...

5.

«Кутганим шу...» – ўйлади гўзал,

Бошин эгиб турганида алп.

Айтмади у сеҳрли сўзлар,

«Мен, – демади, – ошуфтаҳол қалб»...

«Майлими?..» – деб, қиз раъян сўраб,

Сўнг бошлади қабристонга у.

Қабртошга лаб босди, ё раб,

Бу соҳир кўз, бу латиф туйғу!

Сўзларининг жодуси борми?  
Қиз орзуманд ёғдуси борми?

6.

«Бувижоним, айлангиз дуо,  
Шу қиз менинг оқ гулим бўлсин!  
Уни баҳтли кўрмоқ – муддао,  
Севгим бўлсин, севгилик бўлсин!  
Майли, қабрим тўлдирсин илон,  
Ишқ фармонин бажо этмасам.  
Буви, сизнинг руҳингиз билан  
Севги учун ичаман қасам.  
Шу париваш истаги бўлай,  
Мен ҳам унинг меҳрига тўлай...»

7.

Қиз дегани қадим-қадимдан  
Дил бўлади, дилдор бўлади.  
Ипак тортиб қатим-қатимдан,  
Гул бўлади, гул ёр бўлади.  
Йигит эса, нигохи чақмоқ,  
Мард бўлади, мардон бўлади.  
Қиз кўксини айлагувчи тоғ,  
У гуркирар майдон бўлади.  
Шу бўларки қиссадан ҳисса,  
Жаннат бўлар, икков севишса...

8.

«Яқин эмиш Дилобар тўйи», -  
Хабар зумда тарқалди-кетди.  
Кимлар боши эгилди қуйи,  
Кимлар қалбин ўқинч чок этди...  
«Куёв киммиш?»  
«Кўшни қишлоқлик  
Шариф деган муаллим эмиш...»  
Махалла-кўй кўнглида оқлиқ,  
«Икков қўша қаришсин», – демиш.  
О, сен – менинг дуогўй халқим,  
Тоза ният, тоза ўй халқим!..

9.

Лабларида қип-қизил чечак,  
Баҳор чирмаб юз-у қўзини,  
Оқ кўйлаклик оппоқ келинчак  
Гўшангада кўрди ўзини.

«Жоним...»  
Гўзал кетди сесканиб:  
Ё раб, бу не бегона товуш?!  
«Ие, сиз... сиз... Шарифжонмасми?..» -  
Киз бошидан учди буткул хуш.  
«Мен қўрқиб рад этмоғингиздан,  
Дўстим кўнгил олганди сиздан...»

10.

Ўлди, ўлди, қиз кўзидағи  
Қайноқ-қайноқ меҳрлар ўлди.  
Ўлди, ўлди, нарғизидаги  
Булоқ-булоқ сеҳрлар ўлди.  
Сийнасида эди, ўлди, ох,  
Одамларга ишонч каптари.  
Гул эмас, йўқ, кул бўлди ногоҳ  
Ишқ дафтари, умр дафтари.  
Номард атаб куёвни қалам,  
Ёзолмади ҳатто номин ҳам...

11.

Бир нуқтага тикилганича  
Ўлтириди қиз бир кеча-кундуз...  
Осмонидан тўкилганича  
Ниҳон бўлди куёш, ой, юлдуз...  
Кейин деди: «Қотилсиз... Лекин  
Обрўйингиз тўка олмасман.  
Эл-юртга ош тортгансиз буқун,  
Номусингиз бука олмасман.  
Чиқмагайман остона босиб,  
Лекин сизга... бўлмасман насиб...»

12.

Нима қилиб қўйдинг сен, макр?!

На айтиб, на солиб бўлар дод.  
Иккови кирав эшик биттадир,  
Иккови юрак айродир, ҳайҳот!  
Аросатга ўхшар робита,  
Топталган қалб неларга қодир:  
Ўртадаги дастурхон битта,

Фотихалар буткул айродир.  
Кун келарми шифоли, нурли?  
О, бу дўзах қанча умрли?

13.

Бошда куёв қилганди хаёл:  
«Кун, ой ўтар... Қолгай қиз кўниб...»  
Йўқ! Йўқ!!  
... У мунг тўқди bemажол...  
Зор қақшади... Кўрди юкиниб...  
Йўқ! Йўқ!!  
Ёниб, минди ғазабга...  
Қилиб кўрди дағдаға-ю дўқ...  
Изн берди титроқ асабга...  
Куч кўрсатди...  
Барibir... Йўқ! Йўқ!!  
Найранг кўксин поралаган қиз  
Асаб, кучга букарканми тиз?!

14.

Бу – шундай дард, бу – шундай сазо,  
Икки дилни айларди ғариб.  
Топиб бўлар на унга қазо,  
Ва на бўлар уйдан чиқариб...  
Чиқарсангиз... Бу юҳо-ютоқ  
Кўзларингиз баттар ёшлигай:  
Қиз-иффатни айлагай-да доғ,  
Эр-номусни букиб ташлагай.  
Иффат – ҳижоб, фариштага хос,  
Номус эса йигитга либос.

15.

Кунлар ўтар, ўтар ой-йиллар,  
Қиз алдовни кечира олмас.  
Бир афсуски, ўкрап, чийиллар,  
Йигит дилдан ўчира олмас.  
Бу – ҳаётмас, томирлардаги  
Борки қонни сўргувчи каззоб.  
Уқубатнинг кўринмас таги,  
Тугагувчи эмас бу азоб.  
Ўлиб сурур, ёшлик – тик қоя,  
Яшар фақат икковда соя.

16.

Йигит борар тобора нураб,  
Дилни дилга пайванд этолмай.

Юпун қалбни қўймайди ўраб -  
Қиз, алдовни ёнлаб ўтолмай.  
Йигит ўхшар тугаган шамга,  
Нурни тунга кўчиролмасдан.  
Қиз эса-чи, содик қасамга,  
Хийлаларни кечиролмасдан.  
Алдов, макр кечирилса гар,  
Хаёт тугар, коинот тугар.

17.

Алдов, макр кечирилса гар,  
Тўлмагайми зулматга борлиқ?!  
Залолатлар бўлиб мўътабар,  
Зарофат, деб олмасми ёрлиқ?!  
Касофатнинг ошиғи олчи,  
Хиёнатнинг тиллари узун...  
Адолат-чи, ҳақ-чи, ҳалол-чи  
Забунликда кўрмасми ўзин?!  
Қайда ҳаёт бенур, албатта,  
Билингизки, разолат тахтда.

18.

Бўларкансиз «Ёр-ёр»ларга сас,  
Эй янгалар, келинчакка сиз  
Остонаси тилло уй эмас,  
Қалби тилло ёрни тилангиз.  
Самоларнинг кўклигин тиланг,  
Тиланг яна юксаклигини,  
Мардлиги, чин сўзлиги билан  
Энг покиза юраклигини.  
Поклик – ахир ҳаёт устуни,  
Келин-куёв сеп билсин уни.

19.

Куёвлик тўн тўзиди, бироқ  
Тўзимади бедаво охи.  
Янгиларди ҳар соат, ҳар чоғ  
Дилобарнинг маъюс нигоҳи.  
Янгиларди муттасил, тинмай

Хатто саси, ҳатто шарпаси.  
Эр күкракка тушар пайдар-пай  
Хатосининг чўқмор зарбаси.  
  
Насиб этмай жаннатий васл,  
Зарбалардан йигит бўлди сил...

20.

Қабр турар қабрлар аро,  
Тупроғини шамол юлқийди.  
Ўтлар босган... бейўл... бедуо...  
Кўрган кўздан савол силқийди:  
Ким ётиби?  
Жувонмарг орзу,  
Муҳаббатнинг ботилимикан?  
Тубанликка, алдовга кўзгу -  
Ишқ-у ишонч қотилимикан?  
Худо билар: эҳтимолки, ул  
Ҳам қотил-у ҳам мақтул, мақтул...

28.04-4.05. 1996.

x x x  
x

Фақат тушда жайрон кўрсанг, майлига,  
Хилватларда хайрон юрсанг, майлига,  
Аҳволингдан нодўст хурсанд, майлига,  
Лекин ўзни ёлғонларга берма, дил.

Шохмассанки, буташлардан пастлашиб,  
Кетаверсанг ҳар иқлимга мослашиб,  
Юролмас бўл алдов илиа дўстлашиб,  
Чақноқ кўзни армонларга берма, дил.

Сендейларга таъқибларнинг дasti бор,  
Чидаш бергил, назарларнинг пасти бор,  
Нолимагил, кенг осмоннинг ости бор,  
Эркин сўзни унвонларга берма, дил.

Берар бўлсанг, юрагингни оққа бер,  
Эндиғина таниганинг Ҳаққа бер,  
Едирап-у ўзи емас халққа бер,  
Лекин ўзни ёлғонларга берма, дил,  
Унвонларга, армонларга берма, дил.

4. 06. 1996.

х х х

х

Үтиб бормоқдаман. Азиз юртдошга  
Бахт-у қувончлардан тоғлик тиларман.  
Хадеб ёғавермай мушкуллар бошга,  
Ёруғ кунларига соғлик тиларман.

Уларники бўлсин бокира тузум,  
Қадди тик, ҳиммати баланддан-баланд.  
Йўқса, изтироблар юмдирмас кўзим,  
Йўқса, ўтолмасман кемтик дил билан...

4. 06. 1996.

х х х

х

Ташларканман кўксимга назар,  
Кўрмаслик-чун қон силқар изни,  
Сотқинликдан қилганча ҳазар,  
Хотирамдан ҳайдайман сизни.  
Найрангидан отилар лаъва,  
Кувончимга маҳфий ғаним – сиз.  
Танимасдан қўл чўзганим ва  
Синамасдан ишонганим – сиз...

10. 09. 1996.

## МЕНИНГ ҚАҲРАМОНИМ

Юрт осмонин тутса қаро булутлар,  
Кор, ёмғир ўрнига ситамлар ёғса,  
Темир тобутларга тўлса йигитлар,  
Оналар соч юлиб, эсидан оғса,  
Босиб келаверса бало-қазолар,  
Суянчлар суянчиқ бўлмаса жонга,  
Уй-уйига қочса казо-казолар,  
Менинг қаҳрамоним тушар майдонга.

Кўкка қайта бошлар қуёш, ойлари,  
Кўзга қайта бошлар малоҳатли ранг.  
Юрак ағонлари, дилнинг «вой»лари -  
Ўрнин эгаллайди ҳаётбахш жаранг.

Энди кўкрак керар кечаги қўрқоқ,

Жонин ҳовучлаган ҳайқирап: «Халқим!..»  
Кеча эл бўзига бўлмаган арқоқ  
Ўзин «фидойи» деб айлайди талқин.  
Номдорлар кўпаяр соат, кун оша,  
Ботирлар пиёда, кўркоқлар отда...  
... Бу ҳаёт саҳнини қилиб тамоша,  
Менинг қахрамоним турар бир четда...

11. 09. 1996.

х х х х

Сочса қуёш майин зиёсин,  
Нафис еллар қанот ёйсалар,  
Бу сурурнинг топмай қиёсин,  
Ҳаяжонга тўлар майсалар.

Кўнгил, йўллар сени этса зик,  
Тўлқин-тўлқин майсага қара.  
У – ҳаётдан мовий бир қўшик,  
У – ҳаётдан нафис манзара -  
Овунтироқ бўлгандай сени...

11. 09. 1996.

х х х х

Дилларга синчиков боққан маҳалим,  
Бениқоб дардкашга ташна, зор кезлар,  
Кўрдим фоҳиша тун сўзларин ҳалим,  
Кўрдим рутубатда юлдузли кўзлар.

Мағрибдан кўринган сокин булутлар,  
Дебмидим, бошлайди қиёмат-қойим.  
Тегса ловуллатар газанда ўтлар  
Чорбоғим четида турар мулойим.

Арида куйчилик, гулда бенишлик,  
Теракда тўқислик ниқобин кўрдим.  
Елда беозорлик, сувда хонишлик,  
Сўқмоқда текислик ниқобин кўрдим.

«Сен ҳам юрагимнинг кўкмаги», – девдим,  
Тилишди янтоқлар оёқ-кўлимни...  
Шивир-шивир куйчи ёмғирни севдим,  
Халқоб-халқоб бўлиб, тўсди йўлимни...

Неча бор ўртаниб, ёшланди кўзлар,  
Неча бор қалтираб, тугилди муштим...  
Қандай тушунсангиз – ихтиёр, дўстлар,  
Мана, мен бениқоб ўртага тушдим...

13. 09. 1996.

# 1997

ЖАМИ ДАВРАДОШНИ УЛФАТГА БУРСАНГ,  
ЮРТ, ДЕБ КУЙМАСЛИКНИ ИЛЛАТГА БУРСАНГ...  
ҚАБРДА ТИНЧ ЁТМОҚ МУДДАО ЭРСА,  
ЖОН-У ЖАҲОНИНГНИ МИЛЛАТГА БУРСАНГ...

x x x  
x

Бу не бокира кун, -  
Оппоқ кийинган.  
Шоҳ-шаббалар дуркун,  
Момиқ куй инган.

Боқаман. Ўранар  
Оқликка рухим.  
Кўзга сургим келар  
Январ шукухин.

Мехр чанқоқ сўзга,  
Завқ-ла биттаман.  
Мендан араз дўстга  
Қорхат битаман...

26. 01. 1997.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Ўйлайсизки, кўргай хорликлар,  
Кетиб саркаш, хавфли сўқмоқдан.  
Шум қоялар тикка жарликлар  
Чарчамагай ғамга тиқмоқдан...»

Ўйлайсизки: «Тилимлаб дилин,  
Яшар энди зор бўлиб нурга...»  
Мен бўлсам-чи... Бекишан йўлим  
Алишмасман ҳеч бир сууруга...

2. 02. 1997.

х х х

х

Сизга шаҳд қисматни кўрмасман раво,  
Гарчи у оғрикли, оловли даво,  
Ҳамманинг бахтига талабгор наво...  
Сиз унга талабгор бўлолмагайсиз...

Юксак парвозларнинг парвонаси – сиз,  
Манманлик буржининг сайёраси – сиз,  
Ердаги оғриклар бегонаси – сиз,  
Дилхунга дилафгор бўлолмагайсиз...

Шаҳд қисмат – юртига қайишганларга,  
Оқлик, иноқлик-ла суйишганларга,  
Кўкси ноҳақликдан увишганларга,  
Сиз унга талабгор бўлолмагайсиз...

Сизга шаҳд қисматни кўрмасман раво...

2. 02. 1997.

х х х

х

Ишонаман: юрагинг бир кун  
Севинчидан карсак уради.  
Муродларинг кўз-кўзлаб кўркин,  
Борлифингда шоён туради.

Ишонаман: маъюс кўзларинг  
Маъюсликдан ғолиб чиқажак.  
Қайтиб келар шўхчан кезларинг,  
Кўлларингни қувонч сиқажак.

Боқиб бу кун лоқайдлигига,  
Кўриб бахтнинг нишонмаслигин,  
Мен эртангнинг сербаҳтлигига  
Мумкин эмас ишонмаслигим...

Ёришар-ку қоронғи ой ҳам,  
Ватан.

2. 02. 1997.

х х х

х

Суюнма, ёнсам-у оҳингда,  
Оҳимни Аллоҳга йўлласам...

Куйинма, овунган чоғингда  
Сўзингда, кўзингда бўлмасам...

Хайрат-ла демагил: «Ох, кимсан?..» -  
Дардингга жарроҳлик кезларим.  
Сен – менинг азобли бағримсан,  
Мен – сенинг оғриқли күзларинг,  
Ватан!

6. 02. 1997.

х х х  
х

Ғирчиллайди чархпалак ўқи,  
Эговлади таранг асабни.  
Сувдонлари – ўйинбузуки,  
Кўтаринки холат тусабми -  
Новга қуяр чала-ярим сув,  
Ярмин тўкар олган жойига...  
... Синган тик шоҳ мук тушибди-ку  
Танасининг шундоқ пойига...  
... Самбиттолнинг чилвир қамчиси  
Савалашга маҳталдай узун...  
... Ёғиб ўтган ёмғир томчиси  
Дорга осмиш бирма-бир ўзин...  
Йиғлоки кўк кайфидан қўшган  
Сатрларим қовоқ осарлар...  
... Газеталар ёшлиқда тушган  
Хандон суратимни босарлар...

6. 02. 1997.

х х х  
х

Тақдир сизни айлаб пиёда,  
Рухингизни ғижимлаб қўймиш.  
Айтинг, ким ҳам одил дунёда  
Хоинликнинг нонига тўймиш?!

Яширмайман: хаёлимда сиз,  
Қувончларга эмасман банда.

«Ким бўпсан?» – деб никқанларингиз  
Наҳот бу кун қилсам писанда?!

Нигоҳимга хаёл тун чизган,  
Менинг-да руҳ либосим ғижим.  
Хоинликнинг сизга тутқизган  
Жазосига куйинаман жим...

6. 02. 1997.

х х х  
х

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Сермaloҳат, оромбахш узлат  
Кўзга таскин, кўнгилга надим...  
Менга ногоҳ кўрсатиб иззат,  
Чорладингиз... Бора қолмадим...

Бошқа бўлса... қиларми қуллук...  
Бошқа бўлса... борарми учиб...  
Эҳ, менга-чи... хаёллар улуғ,  
Шод юрибман, сукунат ичиб...

Нечун ғамга тутқазмоқ барни?  
Надоматда нечун кўз ёшлиш?..  
... Ўйин сизга не кимсаларни  
Аввал чорлаб, сўнг туфлаб ташлаш...

8. 02. 1997.

х х х  
х

Мудом бергайсиз изн,  
Қай ҳавасга бойлансан.  
Чидарманми, азизим,  
Майсаларга айлансан?!  
Тургайман беҳол-беҳол,  
Фонийлиқдан бўлиб хат.  
Бош устимда мажнунтол,  
Атрофимда сукунат...

Севганим атргулдан  
Экар, эҳтимол, қизим.  
Балки ўшандада чиндан  
Гул бўлгайман, азизим.

Саркашлиқдан бегона,  
Нафиса гул, маъсум гул.  
Ифорларга дугона,  
Билганлари таъзим гул.

Кўрмагайсиз, оҳ, бироқ,  
Оҳ, кўрмоққа бўлсин йўл...  
Биз икковлан – қўш сўқмоқ,  
Бир-бирига етмас қўл...

Тинглаб тиловат сўзин,  
Бехад меҳрни таниб,  
Йиғларман-ку, азизим,  
Майсаларга айланиб...

11. 02. 1997.

## ҚОРСИЗ ҚИШ

(«Сиз... Сен... У...» турқумидан)

Шип-шийдам дов-дарахт кайфияти паст,  
Қишининг авзойида лоқайдлик битик.  
Кўнгил, сен илҳомсиз қунга қасдма-қасд  
Баҳор учун оппоқ кўйлакларинг тик.

Қорсиз қиш курсисин кўтаришар даст,  
Санауб уни оппоқ, атаб уни бут...  
Кўнгил, сен елпатак сўзга қасдма-қасд  
Улоқтирилаламни, айлай қол сукут...

25. 02. 1997.

## ТЎРТЛИКЛАР

1.

Кун келар-да, носоз тузалар,  
Бетаъмир ҳам бир кун безалар.  
Фақат қалбим келар жумбушга,  
Барбодни гар обод, десалар...  
03. 03. 1997.

2.

Куз. Япроқлар битта бўлмиш ер ила,  
«Ўлик-тирик меникидир», – дер ила.  
Мен-чи, шукур, яна тағин биргаман  
Меҳр ила, куёш ила, шеър ила...

3.

Тонгда ёзганларим шомда ўчирдим,  
Милт-милт ёниб турган шаъмда ўчирдим.  
Ногоҳ очилди-ю кул босган кўзлар,

Кул шеър, кул унвон, шон-да ўчирдим...

4.

«Ўт кетсин!» – дейди ким аччик дод ила,  
«Тўйдим...» – дер қай йўлчи хоргин от ила.  
Ўтга сув, отга куч бўла қолгил, қалб  
Ақалли илиқ сўз – илтифот ила...

5.

Жами даврадошни улфатга бурсанг,  
Юрт, деб куймасликни иллатга бурсанг,  
Қабрда тинч ётмоқ муддао эрса,  
Жон-у жаҳонингни миллатга бурсанг...

25. 09. 1997.

6.

Сизни тутди селлар ёғини,  
Ёзолмади дил япрогини.  
Сиз – бўлиқ дон, тополмаган дон  
Ўз иқлими, ўз тупроғини...

7.

Илк бор унда топдим онам, отамни,  
Унда топдим меҳри бисёр хотамни..  
«Она», – деб, ўғлоним, чорласанг мени,  
«Онажоним», – дея чорла Ватанни...

8.

Бирни ўйлагувчи – сурати одам...  
Ўнни ўйлагувчи – шунчаки кимса...  
Мингни ўйлагувчи – иймони бардам...  
Элни ўйлагувчи – байроққа лойик,  
Уни бошда тутса арзир халойик...

9.

Излагаймиз юзлардан навбаҳорлар тусини,  
Хидламоққа ташнамиз атргуллар исини.  
«Ҳаёт ширин», – деймиз-у яшаётирмиз унинг  
Совуғидан ғужанак, чақинида исиниб...

10.

Баҳормас, куздаги баргда хаёллар,  
Кўксидан қувончлар таркда хаёллар...  
Ҳашамлар тарафга чорламанг, ҳабиб,  
Девори, томи йўқ эркда хаёллар...

26. 09. 1997.

# 1998

ШЕЬРИЙ КУЗ КУНЛАРИН СОФИНДИК,  
РҮШНОЛИК ТУНЛАРИН СОФИНДИК.  
ДҮЛЛАРДА ЭЗИЛИБ, СЕЛЛАРДА ИВИБ,  
МИЛЛАТ УСТУНЛАРИН СОФИНДИК...

x x x  
x

Үкирган осмондан сапчийди юрак,  
Тизза-бармокларга түлар титроқлар.  
Бүрөн бодом шохин этар чирпирак,  
Бандидан узилмиш гүдак япроқлар.

Узилмиш меҳрдан, ориятдан ип,  
Атрофдан мосуво салом-у алик.  
Янгигина келган баҳорни қувиб,  
Хаммаёқда ҳоким дўлвор-телбалик.  
  
Кўзлар мардга муҳтоҷ. Топилмайди мард.  
Ғижим руҳсорларга андуҳлар тўлган...  
- Қани андак дардга бўлгувчи ҳамдард?  
- Шоирлар, дейсизми?.. Шоирлар... ўлган...

13. 02. 1998.

## ТЎРТЛИКЛАР

1.

Шавқнинг хубоблиги шеърда кўринди,  
Дилнинг рубоблиги шеърда кўринди.  
«Зарофатли, – девдим, – шеър ила дунё»,  
Дунё хароблиги шеърда кўринди...

3. 03. 1998.

2.

Оғирқадам, залвор изтироб  
Пок юракка турар тиз тираб.  
Ул юракка имдод бўлолмай,  
Аросатда мунглуг биз – туроб...

3.

### **Толиб акага**

Кўксингизда буюк севги сақлаб сиз,  
Маломатлар совуғида яхлабсиз.  
Мен – ҳайрона, мен – вайрона, мен лолман,  
Ахир қачон сиз «ўзим...» – деб «оҳ»лабсиз?!

7. 03. 1998.

4.

Боқсин боққанича замон чапдастга,  
Иқтидор ўзини пулласин касга.  
Мен эса, қаламим, сұяның сенга,  
Инсон маснадимни туширма пастга...

8. 03. 1998.

5.

«Аралашманг...» сўзини хушлаб,  
Мунглуг дилни турар у ушлаб.  
Кун ўтказса керак бу ёғи  
«О, фалак!...» – деб, осмонни муштлаб...

11. 03. 1998.

6.

Таъб оппок, оқ қушни яхши кўради,  
Кўз майин бокишни яхши кўради.  
Дил-чи? У кексадай айтади ҳикмат:  
«Сув эркин оқишни яхши кўради...»

7.

Бедорлигинг ўтаркан сўзга,  
Баҳорлигинг кўчаркан қизга.  
Армон эса дастхатларини  
Ўчмас қилиб ёзаркан юзга...

8.

Хамманинг дардини чекар ҳабибам,  
Хуш сўзга борини тўкар ҳабибам...  
Мен эса қўрқаман: андак елга ҳам  
Кўнглининг кемаси чўкар ҳабибам...

9.

Бир сўзни эъзозлаб, хаёл толмагай,  
Усиз шавқ-шукуҳлар қувват олмагай.  
Ватан бу! Сурати ўйилган қални  
Ўзга юрт кучоги қувнатолмагай.

10.

Дараҳти пойига барглар бош урап,  
Анҳор тиниклигин чандон оширап.  
Ё раб, бу қай фасл, қандай қўналға? -  
Қадам секинлашиб, фикр шоширап...  
12. 03. 1998.

11.

Кўрдим сўқмоқ ўтларининг кўк тасмасин,  
Ажриқларнинг ўсишдаги басма-басин.  
Замондошим, ҳасратгўйим, ўтинаман:  
Сўқмоғимдан ўтиб тургил, ўт босмасин...

12.

«Дўст», – дейман. Нозиктаъб бергил, Худойим,  
Бир қараш, бир матлаб бергил, Худойим.  
«Эл», – дейман. Унутмай биронтасин ҳам,  
Фақат широқча қалб бергил, Худойим!

13.

Пок кўринган оқ қиши кузни йиқитди,  
Чимрилган бир қарашиб сўзни йиқитди.  
Ажабо, ҳайратдан ушлайман ёқа:  
Биз кўтарган томлар бизни йиқитди...  
13. 03. 1998.

14.

Ғамни янчиб юролсанг, кўнгил,  
Афифликка ўралсанг, кўнгил...  
Эҳтиромим беадад сенга,  
Тож киймаган қиролсан, кўнгил...  
17. 03. 1998.

15.

Йўл сўнггида турган пайтим, дейинми?  
Шеър – ўтган умрдан қайтим, дейинми?  
Дўст, рози қилдингиз бир умр мени,  
Рози қилолдимми, айтинг, дейинми?..

16.

Кўзлардан довдираб, кўзга қайтганман,  
Сўзлардан толиқиб, сўзга қайтганман.  
Оғриниб, робита ипларин узиб,  
Дўст, яна барibir сизга қайтганман...

17.

Парвоз орзуларим қушга кўчибди,  
Ошкор мавзуларим тушга кўчибди.  
Оламча оғриғим битта тўртлик-у  
Оламча нафратим муштга кўчибди...  
21. 03. 1998.

18.

Баримас, ой чиққан тунлар умр экан,  
Бахайбат қувонч-у мунглар умр экан.  
Борки яшалгувчи йиллар эмас, йўқ-йўқ,  
Ватан, сенга фидо кунлар умр экан...

19.

Захмати йўқ билаклар – гадо,  
Рағбати йўқ тилаклар – гадо.  
Бизни қашшоқ ўйламанг, ҳабиб,  
Севолмаган юраклар – гадо...

20.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Фурсатга имконни тадбиқ этсангиз-чи,  
Забонга ёлғонни таъқиқ этсангиз-чи.  
Рауф юракларни ағдар-тўнтар этмай,  
Сиз ўз юрагингиз тадқиқ этсангиз-чи...

21.

Дўлга қолмасайди майса кез, болам,  
Ёйга дўнмасайди мағурур тиз, болам.  
Эриб йўқолмоқлик тақдирда бўлмай,  
Қорга тушмасайди борки из, болам...

22.

Девдим: «Ким маслақдош бўлолса, у – дўст».  
Маслақдош топмоқ ҳам ширин орзу, дўст.  
Сени чироқ билиб, қувонган эдим,  
Сўқирнинг кўлига тушибсан-ку, дўст...  
22. 03. 1998.

23.

Меникисан, моҳина, моҳим,  
Аритолса охларни оҳинг,  
Ҳамон тинчлик бермаса агар  
Қачонлардир қилган гуноҳинг...

24.

У кўнган гулбоғда олмасман хордик,  
Маҳзун дафтаримни очмасман ортиқ.

Бахтиёр айларкан азобим уни,  
Бундай бахтни унга этмасман тортиқ...

25.

Гарчи дасти толмассан,  
Гарчи зеҳни олмоссан,  
Хурлик – кўкда учар қуш,  
Уч, йўқса тутолмассан...

26.

Борки ранжларингиз сабримга қолсин,  
Борки меҳрларим абримга қолсин.  
Шундай яшайинки, ўкситмай сизни,  
Ўксир онларингиз қабримга қолсин...

27.

Менга танқид-таъна – сиз,  
Мендан кутмас таъма – сиз...  
Ногаҳонда йиқилсам,  
Суягувчим – яна сиз...

28.

Бедарду бетуғён созга – истеъфо!  
Шамол измидаги сўзга – истеъфо!  
Меники эмассиз, меники эмас,  
Бефикр лаҳзалар, сизга истеъфо!

23. 03. 1998.

29.

Рағбат ўзиб бораверади,  
Иллат эзиб бораверади.  
Истасак-да узоқ умрни,  
Faфлат кесиб бораверади...

30.

Ростдан жудоликнинг жавоби ҳам бор,  
Юртга фидоликнинг тавофи ҳам бор.  
Бугунга бўлмаса, охират учун, -  
Ҳаққа адоликнинг савоби ҳам бор...

31.

Түгёнларим турганда,  
Гирёнларим турганда,  
Пастни нечун олқишли? -  
Осмонларим турганда...

32.

Изгирин чўчитган гулга соқчиман,  
Чироги узилган йўлга соқчиман.  
Менга дашномларинг бас қилгил, нодўст,  
Сенга ўхшамасдан яшамоқчиман...

33.

Хаяжонли сойлар сачради,  
Сурайёлар, ойлар сачради...  
От чоптириб ўтаркан КИБР,  
Уст-бошимга лойлар сачради...

34.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Номатлуб озорга тўлган косасиз,  
Номахбуб зарда-ла сўзни кесасиз...  
Кўнгил майналарин чўчишиб нечун,  
Кўнгил майсаларин нечун босасиз?..

35.

Осмонимда моҳ ёлғиз,  
Юрагимда «оҳ» ёлғиз...  
Ёлғиз билмангиз мени,  
Кўксимда Аллоҳ ёлғиз...

36.

Кўзларни ўкситар кўзгудан кечдим,  
Шаҳдга айланмаган орзудан кечдим.

Дарё ирмоқ-ирмоқ шимилди қумга,  
Агар шундай бўлса, эзгудан кечдим...

37.

Қарзлар тўлов ила чиройли,  
Дарзлар қалов ила чиройли.  
Во ажабо, қароқчи учун  
Хаёт талов ила чиройли...

38.

Ифори, тикони бут гул – муҳаббат,  
Махрингга тушганман буткул, муҳаббат.  
Адашиб юрмайнин... Қабргача то  
Чўзиқ қўлларимдан тутгил, муҳаббат...

25. 03. 1998.

39

Ўтни ўтга фидо тутқазди,  
Дардни дардли нидо тутқазди.  
Сиздай майнин, нилуфар қалбни,  
Сўраб эдик, Худо тутқазди...

40.

Саёз қалб тубида дур бўлмас эмиш,  
Нодон – хато қули, хур бўлмас эмиш.  
Балки зари бўлар, зўри бўлар-у,  
Бетавфиқ юзида нур бўлмас эмиш...

41.

Харид тиллоларинг мен соф тиларман,  
Харис кўзларингга офтоб тиларман.  
Мени рақибига йўйган рафиқим,  
Сенга ҳам Аллоҳдан инсоф тиларман...

42.

Қошинг, күзинг гунохинг күрди,  
Лабинг, юзинг гунохинг күрди...  
«Күрмади», – деб бўларми экан?!  
О, минг битта гувохинг күрди...  
26. 03. 1998.

43.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Йўлда бир кимса-ку, минг фириб борар,  
Чўзилган ҳар шохни синдириб борар.  
Алҳазар, бийлатмай фаришталарни,  
Елкага шайтонни миндириб борар...

44.

Чарчатмангиз – орзу бу хаёт,  
Чўчитмангиз – оҳу бу хаёт.  
Кийнамангиз, қийнаманг зинхор,  
Йўқса, ногоҳ оғу бу хаёт...

45.

Ғийбат изингдан чопар,  
Ҳасад итлари қопар...  
Эй фидойи, барибир  
Иzzат, албатта, топар...

46.

Навбаҳор иклимли жойга тушганди,  
Қуёшга тушганди, ойга тушганди...  
Қаддини тиколмай, ғужанак энди,  
Бошга чиқмоқ бўлиб, пойга тушганди...

47.

Кимлар мени «эркин» демиш. Учқур баҳтга тутқунман,  
Эркинликдай, эътиқоддай тожу тахтга тутқунман.  
Тутқунлигим рӯшноликка, ошноликка, дўстликка,  
Садоқатга, саодатга, муҳаббатга тутқунман...

48.

Мехр йўли узун-узун фариштам,  
Шеърий фасл – суйгун кузим, фариштам,  
Абгор эдим, вужуд ичра бевужуд,  
Топиб берган менга ўзим, фариштам...  
27. 03. 1998.

49.

Ватанларнинг нурланиши – шеър,  
Миллатларнинг ҳурланиши – шеър.  
Ўқиб-ўқиб, англаганим шу:  
Юракларнинг тирналиши – шеър...

50.

Сир-у асрорингни дилдора айтгил,  
Ранж-у озорингни садпора айтгил.  
«Уйим жаннат бўлсин», – десанг, забоним,  
Хар кун «севаман»ни юз бора айтгил...

28. 03. 1998.

51.

Йиллар ўтиб борар... Ишонч – истехком...  
Йиллар ўтиб борар... Мехр мустаҳкам...  
Сизга қараб шундай дегим келади:  
«Асал айнимайди, йиллар ўтса ҳам...»

29. 03. 1998.

52.

Майлимиз кўчманчи турнадек, Аллоҳ,  
Фараҳли бу дунё – турмадек, Аллоҳ.  
Ё раб, қай бандалар йўлидан юриб,  
Сенинг йўлларингдан юрмадик, Аллоҳ...

30. 03. 1998.

53.

Тоғлар дара билан тизилди,  
Оқ юз яра билан бузилди.  
Бир-бирига ёндош баҳт-у ғам  
Оққа қора билан ёзилди...

54.

Күзимда мунг нами, моҳитобоним,  
Күр дили нимтани, моҳитобоним.  
Дардкаш бўлолмагай бағри бутунлар,  
Кўнглинг яримтами, моҳитобоним?!

55.

Тоқлик тахти талотум бўлар,  
Тоқлик баҳти каро тун бўлар.  
Фаришталар ўқиса никоҳ,  
Икки ёрти бир бутун бўлар...

56.

Йўлларнинг соҳиби – ҳам ғайрат, ҳам хоб.  
Минг хил қувонч унда, минг хил изтироб...  
Мен ҳам бу йўлларни боряпман босиб,  
Кўксимда зардоб-у орзумда офтоб...

57.

Баҳор, дерлар куз кунларини,  
Илиқ, дерлар муз кунларини.  
Минг мақомга йўрғалашар-да,  
Бериб қўйгач тизгинларини...

58.

Ўғлон, иймон нури сенга бош бўлсин,  
Ёринг кулсанг – кулгу, куйсанг, ёш бўлсин.  
Офтоб ила моҳтоб дилбандларинг-у  
Осмон тўла юлдуз қариндош бўлсин.

59.

Хар кун, хар дам уни севганди,  
Билиб малҳам, уни севганди.  
«Болам» девди, балолар чиқди,  
Аллоҳдан ҳам уни севганди...

60.

Кажлик матосидан лиbosлар киймиш,  
Ўзини ардоқлаб, ўзига куймиш.  
Мироб бўлиб олиб буутга шамол,  
Дов-дараҳт ризқини қийганча қиймиш...  
31. 03 1998.

61.

Ширин болаларим, орқамда қолинг,  
Шеърий далаларим, орқамда қолинг.  
Кетсам, мен кетайин. Дафтаримдаги  
Маъюс нолаларим, орқамда қолинг.

62.

Қонунсизлик агарки ғовлар,  
Эзгуликни залолат овлар.  
У олғирнинг безбет отларин  
Фақат ошкоралик тушовлар...

63.

Ўғлим, сийламиш толе,  
Яшноқ фикринг ниҳоли.  
Тезроқ дараҳт эт уни, -  
Бу фасл интиҳоли...

64.

Асаб устунлари ташлаб бўлди тоб,  
Кўтармоқ – муаммо, имкон энди соб...  
Ё раб, изтиробга керакман мудом,  
Лекин керак эмас менга изтироб...

65.

Күйим, созим, қаримагил ҳеч,  
Күпмас, озим, қаримагил ҳеч.  
Үзим майли... Сүзимда бўлсанг,  
Эҳтиросим, қаримагил ҳеч...

66.

Никоҳ нима? Оқ дилга тортиғи оқ шекилли,  
Мехр тотмоқ шекилли, заҳар тотмоқ шекилли.  
Сузишни билармисан, билмасмисан, барибир  
Таваккал дарёсига ўзни отмоқ шекилли...

1. 04. 1998.

67.

Бодроқ-бодроқ гули оппоқ қуш фасл,  
Хайрат-ҳаяжони кўм-кўк ниш фасл,  
Ойнамдан олмагул қўлинг чўзибсан,  
Бу не баҳт!.. Бўлдингми мендан хуш, фасл?!

68.

На кўндириб, кўндингиз...  
На тиндириб, тиндингиз...  
Эгилмоқни хушламай,  
Эгаман, деб синдингиз...

69.

Чарчоқ-чарчоқ оламга малоҳат, тин – аёллар,  
Бўйсизга бўй – аёллар, энсизга эн – аёллар.  
Ёридан пастакларим, оқила юракларим,  
Ёрлар қўтарсагина, уларга тенг – аёллар...

70.

Тарқоқ уйқуларим, ассалом,  
Чақноқ туйгуларим, ассалом!  
Дилдан учиб, шеърга қўнибсиз,  
Байроқ қайгуларим, ассалом!

71.

Күзлар боқмас бизлар ёққа, азизим,  
Бегоналик құнмиш боққа, азизим.  
Нима қилсам экан, ўзни англатиб,  
Сизни англамоққа, азизим?!

3. 04. 1998.

72.

«Омин!», – денг. Оқ бўлсин шу она замин,  
Ҳеч ким рўшноликка бўлмасин зомин.  
Ватанга халоллик қайтсин-у хушҳол -  
Умргузаронлик қилайлик, ОМИН!

5. 04. 1998.

73.

На хусни баркамол юз керак шу лаҳза,  
На илм-у урфонда из керак шу лаҳза.  
Тураркан бу қўнгил мунғайиб, ўкиниб,  
Биргина қуёшли сўз керак шу лаҳза...

8. 04. 1998.

74.

Оқ ювиб, оқ тараrim, жоним,  
Юрагим-ла ўрарим, жоним,  
Борки меҳрим хирожи учун  
Хайриҳоҳлик сўрарим, жоним...

75.

Сўник боқишдайдим, ўт ташлаб кетдилар,  
Қаҳратон қишишдайдим, хут ташлаб кетдилар.  
Ойдай сўзладилар, кундай сўзладилар,  
Кўксимга бир ёруғ юрт ташлаб кетдилар...

76.

Ёлғоннинг қотили – пок сўзлик экан,

Түкислик душмани – ноқислик экан.  
Хар не яралмишки, бор күшандаси,  
Мени кемиргувчи – ҳақсизлик экан...

77.

Ташвишни елкага илаверамиз,  
Азоб-ла юракни тилаверамиз.  
Киз – она. Ўғил ҳам ота. Воажаб,  
Оналиқ, оталик қиласверамиз...

78.

Уфқимизда шафақлар әмас,  
Фатхимизда оғоқлар әмас.  
Лекин биздан бадастури йўқ,  
Ўртамиизда нифоқлар әмас...

79.

Куяр бўлсанг, дилим, мантиқинг бўлсин,  
Сўзлар бўлсанг, тилим, мантиқинг бўлсин.  
Сен – балки умримга умр қўшгувчи,  
Ё балки қотилим, – мантиқинг бўлсин!

9. 04. 1998.

80.

Тақдир севиб сизни, шеърга туширди,  
Учқур қанот ила бирга туширди.  
Яқин турсин, дея, биздай ғарибга,  
Нилий кўқдан яна ерга туширди...

10. 04. 1998.

81.

Уммон уммон сари толпинар,  
Иймон иймон сари толпинар...  
Биз – қўш ирмоқ битта бўлганмиз,  
Армон армон сари толпинар...

82.

Висолман, висолман... Ҳажр билмангиз,  
Тунга туташ оқшом... Фажр билмангиз.  
Асло йўлингизга босмасман чимлар,  
Минбаъд бўйиндаги занжир билмангиз...

83.

Демас: «Азобларим тўқис эди-ку...»  
Демас: «Юрак-бағрим куқун эди-ку...»  
Айтар, бошга тошлар теккан маҳали:  
«Бундан ҳам ёмони мумкин эди-ку...»

84.

Дараҳт дардин аришини кутаркан,  
Дард дараҳтнинг ҳоришини кутаркан.  
Қаранг, дараҳт остидаги ниҳоллар  
Унинг тезроқ қаришини кутаркан...

11. 04. 1998.

85.

На нур ва на нурхона эди,  
На дур ва на дурдона эди.  
Йўқотдилар. Бўлак топилмас  
Кўнгил эди. Бир дона эди...

86.

Кўксимида мудроқ мизғир, эй доно,  
Бошимизда калхат изғир, эй доно,  
Хосили бўлакча, хирмони бўлак, -  
Биз минг сўйлаклик-у сиз – бир, эй доно...

87.

О, бу бош соҳтамас, аслга интиқ,  
О, бу ёш сершиддат наслга интиқ.  
Қишининг булутлари остида қолиб,  
Куёш инқилобий фаслга интиқ...

88.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Күш орзуси – бир кафт доним ўмариш,  
Касники – менда йўқ шоним ўмариш.  
Ўғрибошига-чи, барибир экан  
Оғзимдаги сўнгти ноним ўмариш...

89.

Кези келса энкайиб, ерга теккан бошгинам,  
Кези келса тиккайиб, қўкка етган бошгинам...  
Энкайиб ҳам нур кўрдим, тиккайиб ҳам нур кўрдим,  
Заминда дилдошгинам, осмонда қуёшгинам -  
Сиз...

90.

Қувонсам руҳимнинг хур, эрклигига,  
Ғурур дараҳтимнинг шаҳд, тикилгига,  
Танбех бериб ақл: «Қараб қўй, – дейди, -  
Сермева шохларнинг эгиклигига...»

91.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Бедард, «Мен – гирён...» – деб оғиз йиртавер,  
Хилват, «Мен – сурон...» – деб оғиз йиртавер.  
Тепкилаб-эзгилаб туркий заминни,  
Номард, «Туркистон!..» – деб оғиз йиртавер...

92.

Ҳиссизни дуторнинг торлари оссин,  
Номардни, бўлса гар, орлари оссин.  
Осар бўлса мени, элга бенаф, деб,  
Баланд ақлларнинг дорлари оссин...

93.

Түқлар даврасимас, очлар бизники,  
Ёйиқ, мотамсаро сочлар бизники.  
Кимлар бузиб юрса иймон деворин,  
Асадан тўланар божлар бизники...

12. 04. 1998.

94.

Аlam-андуҳимга монеъ – сиз,  
Қувончимнинг тани-жони – сиз,  
Ўғлим, қизим – бир жуфт қабутар,  
Ғуруримнинг Регистони – сиз...

95.

Том бошида қўш-қўш тоғора,  
Остонада карнай, ноғора...  
Супрада-чи, бир кафт ун – анқо,  
Бу – қандайин сирли моғора?!

96.

Ҳайратлар дафъаси, бунча кечикдингиз,  
Ҳимматлар нафаси, бунча кечикдингиз.  
Ёза бошлаяпман, қўлларим титраб,  
Умр фалсафаси, бунча кечикдингиз...

97.

Хусн қийғос-қийғос бунча ҳам,  
Ақл олмос-олмос бунча ҳам.  
Берса Худо, бераркан бирдан:  
Исл жисмга мос бунча ҳам...

98.

Умрин тафтиш этаётган – мен,  
Дилда борин битаётган – мен,  
Бола кўнглин маҳкам қучоқлаб,  
Момоликка кетаётган – мен...

99.

Боғингиздан мен хас олмасман,  
Созингиздан бир сас олмасман.  
Ростин айтсам, сиз билан бирга  
Бир даврада нафас олмасман...

100.

Бу офокда меҳр сардорми?  
Бу офокда адолат борми?  
Билар бўлсанг, жавоб бер, қалам,  
Шоир кўпми, лаганбардорми?

101.

Бағрим тешолмаган ўқлар ўртансин,  
Ғийбатлар, ҳasadлар, суклар ўртансин.  
Мен нега ўртанай, шеърим-ҳабибам,  
Кўксида Ватани йўқлар ўртансин...

102.

Жозиб нақл, менга қўл узат,  
Мендан оқил, менга қўл узат.  
Бу дафъа мен – ловуллар гулхан,  
Совуқ ақл, менга қўл узат...

103.

Қаттол сўз ўртага девор тиклади,  
Қаттол сўз юракка алам юклади.  
Оҳ, нечоғ малъун у, нечоғ ситамгар,  
Оқ севги либосин зумда кўклади...

104.

Юрагимнинг дориси,  
Қувончимнинг вориси -  
Набирамда – жонимда  
Мен кўрмаган баҳт иси...

13. 04. 1998.

105.

Мехри осмон эди. Ер, дедик.  
Нури афшон эди. Кир, дедик.  
Ғажиб бўлиб, йўқотиб бўлиб,  
Ёвқур сиртлон, дедик. Шер, дедик...

14. 04. 1998.

106.

Читми, зарбоф – кийганларингиз?  
Ёвми, аҳбоб – қуйганларингиз?  
Балки бошга қўйишга лойик,  
Балки дорбоп – суйганларингиз...

15. 04. 1998.

107.

Мадад тиланади йигит яроғдан,  
Мехр тиланади қароғ қароғдан.  
Мен ҳам – икки кўзи гадо бир кимса:  
Шеър тиланаман гулдан, япроқдан...

16. 04. 1998.

108.

Кас кибрни қўйма айлар. Куюдиган – сиз.  
Бад меҳрни қўйма айлар. Куюдиган – сиз.  
Бу ҳаётнинг баланд-пости, оқ-қорасига,  
Водариф-э, куймагайлар. Куюдиган – сиз...

109.

Эътиқодга кўз-кулоқ ўзингизми?  
Дил матоси минг улоқ ўзингизми?  
«Қайга кетди Мингбулоқ?» – деб сўрасам,  
Бахтимдаги Мингбулоқ ўзингизми?

110.

Үйинг офтоб ичра, малагим,  
Умринг тавоф ичра, малагим.  
Паримисан, фариштамисан  
Оппоқ ҳижоб ичра, малагим?!

111.

Қонни қиздирап шеър. Унга тараф йўқ.  
Завқда суздирап шеър. Унга тараф йўқ.  
Ажаб, ноқислигим, беуқувлигим  
Сассиз сездирап шеър. Унга тараф йўқ...

112.

Шеърий куз кунларин соғиндиқ,  
Рўшнолик тунларин соғиндиқ.  
Дўлларда эзилиб, селларда ивиб,  
Миллат устунларин соғиндиқ...

113.

Кеч келибсан. Эрта кетма, мухаббат,  
Мунг торимни черта кетма, мухаббат.  
Тилаганим сенга – фақат парвозлар,  
Ерда кетма, ерда кетма, мухаббат!

114.

Юрагимга келиб ўлтирди,  
Кўзларимга хайрат тўлдириди.  
Хайҳот, дўстга «алвидо» девдим,  
Мени меҳр ила ўлдириди...

115.

Бу юрт сўник тортса, сиз ўт тутқазарсиз,  
Виждон тутқазарсиз, субут тутқазарсиз.  
Ёр, диёрдан бўлак сизга йўқ хонумон,  
Лозим бўлса агар, вужуд тутқазарсиз...

116.

Фазл керак. Фасоҳат керак.  
Мехр керак. Маҳорат керак.

Тисарилиб борар бу юрга  
Адл керак. Адолат керак...

17. 04. 1998.

117.

Иймони бутуним, кўнгли яримсиз,  
Беибо дунёда ибо, шарм – сиз.  
Олов ичингизда. Олов ичидা -  
Менинг ўтда куймас самандаримсиз...

118.

Қаймоқ бўлсин учун сутни сузуб бердим,  
Бир оловни, бир оташни тузуб бердим.  
Бўзлар бўлсан, боиси бор оғриғимнинг,  
Жонни жондан ахир сизга узуб бердим...

119.

Тизимга суялдим йиқилганимда,  
Сўзимга суялдим йиқилганимда.  
«Қаддин тикладим», – деб айтарлар балким,  
Ўзимга суялдим йиқилганимда...

18. 04. 1998.

120.

Осмон ўзим... Нур сизга фидо.  
Асрор ўзим... Сир сизга фидо.  
«Аёл жони қирқта», – дейдилар,  
Қирқтаси ҳам бир сизга фидо...

121.

Чаҳ-чаҳ қушлар сайрашар шоҳ-бutoқда,  
Яшил барглар шивирлашар қучоқда.  
Чиноримсиз, азизгинам, ишқилиб  
Куламангиз мен кутмаган бир чоғда...

122.

Ғажий олмас дард, йиғи,  
Химоям – киприк тифи.  
Ахир мен беркинар жой -  
Күзингиз қорачиғи...

123.

Қаҳр буюк-буюк... Меники эмас.  
Меҳр суюк-суюк... Меники эмас.  
Нима айтар бўлсам, элимдан айтдим,  
Бағир куюк-куюк... Меники эмас...  
19. 04. 1998.

124.

Шалоласи бор қўшиқ... Зилоласи бор қўшиқ...  
Ғурури бисёр қўшиқ... Сурури бисёр қўшиқ...  
Бунча юракни ушлаб, мунгаясиз, одамлар,  
Бахтли этолмаса-я шунча баҳтиёр қўшиқ?!

20. 04. 1998.

x x x  
x

Кўзларимдан томди-ку томчи,  
Туташди-ку бағрим ўтларга,  
Оққушларим – кўнгил қувончи,  
Кетдингизми ўзга юртларга?!

Куйлар бўлсам, овозим яrim,  
Сўзлар бўлсам, тўлмайди оғиз.  
Оққушларим – оқ қўшиқларим,  
Соғинчимни этармисиз хис?

Поклигингиз мен учун тумор,  
Соғинаман даврангиз бетин.  
Сизсиз Ватан – қаровсиз bemor,  
Сизсиз Ватан – ташландик, етим,  
Оққушларим – оқ қўшиқларим...

11. 03. 1998.

х х х

х

Не фасл, не замон ўша-ўшасиз,  
Хатолар беомон, ўша-ўшасиз.  
Доно айларди-ку алам-оғриқлар,  
Не учун сиз ҳамон ўша-ўшасиз?!

Сакрамассиз, йўлни ариқ тутаркан,  
Ўқрамассиз, боғни сариқ тутаркан.  
Ўзни бериб қўйиб оқимга, дейсиз:  
«Худо бахтни биздан дариф тутаркан...»

Бахт ҳам бир тупроқ-ку, ёмғирга муҳтоҷ,  
Мехри, заҳматлари маъмурга муҳтоҷ.  
Кўхна обида у, кўхна обида -  
Ҳар кун, ҳар соатлик таъмирга муҳтоҷ.

Сиз эса... сиз эса... ўша-ўшасиз...

27. 03. 1998.

х х х

х

Номаҳбуб юзимга тикилар,  
Доғ излаб, изимга тикилар,  
Ёш қўмсаб, қўзимга тикилар,  
Тийилинг, тийилинг, ёшларим.

Гарчи мен оғриққа дугона,  
Ёшлига ёш тўкиб садпора,  
Мен учун сиз буткул бегона  
Туюлинг, туюлинг, ёшларим.

Энди-чи... тор ила биргаман,  
Ҳасрати бор ила биргаман,  
Ҳамдардга зор ила биргаман,  
Қуиилинг, қуиилинг, ёшларим...

31. 03. 1998.

х х х

х

Қанча ҳаловатни ўқ олиб кетди,  
Қанча оташ нидо қўчмади оққа.  
Қанча маъсуд ишонч йўқолиб кетди,  
Қанча маъсум қувонч тушди титроқка.  
Дучор изтиробдан ёш тўкиб дув-дув,

Урилганим қолди оловга-чүкқа.  
Шоирлик қисмати ёнмоқ экан-ку,  
Хавас қилғанмидим, ваҳ-ваҳ, тамуққа...

22. 04. 1998.

х х х

х

Сўз йиқилса, қўрқув билмас сўз -  
Гуллар иси, боғ иси бўлган,  
Сўз йиқилса, ҳеч йиқилмас сўз -  
Ғуурларнинг боиси бўлган,  
Талтайганча бундай шукуҳдан,  
Қаро ўзин эълон этса оқ,  
Битта эмас, бесаноқ руҳдан  
Дув тўқилиб, тўзғиса аҳлоқ,  
Қотар бўлса тиллар танглайды,  
Қулоқлар кар, кўр-басир кўзлар,  
Тизза букиб чўкса, лалайса  
Қолган-кутган бурди йўқ сўзлар,  
Ожизликлар ожизлик туғиб,  
Банд айласа ҳаммани пинақ,  
Борки журъат, мадорни йиғиб,  
Сўз бўла қол, эй шоир юрак!  
Ҳар мушкул чоғ, ҳар ожиз фурсат  
Шоирига суялгай миллат!..

24. 09. 1998.

х х х

х

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Баҳор эзгин руҳим қилас-ку таҳлил,  
Мустар умрим таҳлил қиласди-ку куз,  
Нега дил кўзимга тортмоқчисиз нил?  
Нега рух чўққимни яниб турибсиз?

Билмас эдингизми, минг карра тилим...  
Кўрмас эдингизми, мард ила аҳил...  
Сезмай сезимларин, англамай тилин,  
Нега юрагимни қиласиз таҳлил?!

х х х

х

Ковжиратса қаттол чархи дун,  
Ковжиратса зақкум ғам-алам,  
Менга ҳомий – қаноатли тун,  
Менга ҳомий – қоғоз ва қалам.

Ялмоғиз дун ўтга отаркан,  
Пари илҳом сепа бошлар сув.  
Жаллод ситам тиғдай ботаркан,  
Осуда тун түшайди парқу.

Муқиммасман дўзах комида,  
Муқиммасман жаннатга қайтиб...  
Бахт-у ғамнинг истеҳкомида  
Яшаяпман билганим айтиб...

24. 09. 1998.

x x x  
x

Минбарга ишондим, ишларга боқмай,  
Минбарда мунаввар бир юртни кўрдим...  
... Энди мен ўзимни қандайин оқлай?  
Кўзингта қандайин тик боқай, юртим?

Ҳасратинг зиёда... Оғриғинг бисёр...  
Ёмғирдан тўйиб сен, қорга тутилмиш...  
Бир гала калхатга ҳаётинг дастёр,  
Бир ҳовуч очкўзга ғуруринг емиш...

Қандай яшаш мумкин, иймондан тонмай?  
Қандай олса бўлар алдовлар ўчин?  
... Мен энди минбарга қўйдим ишонмай,  
Юртим, кўзларингга тик боқмоқ учун...

27. 09. 1998.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Аравангиз ғилдираксиз... Отларни никманг,  
Исьёнларни – қўндимликка ётларни никманг,  
Вулқон бўлиб отилажак додларни никманг,  
Йўқса, сабр тугагувси, умр тугамай...

Гул ҳаётни сақламоқقا гул юрак лозим,

Фаросатни уйғотмоққа гулдурак лозим,  
Отлар учун қамчи әмас, ғилдирак лозим,  
Йүқса, сабр тугагувси, умр тугамай...

Мехр нима? – юрақдаги жавоҳир-лаълким,  
Уни сиздан тополмади, афсуски, халқим,  
Сизга манзур бу кунларни чўзарсиз балким,  
Даҳшат! – сабр тугар бўлса, умр тугамай...

Истайсизки, бўлса сизга борки тавозе,  
Бизга бўлса кўндингликнинг оғир ҳавоси.  
Ўйланг, ўйланг: айтаримнинг шу индаллоси:  
Даҳшат! – сабр тугар бўлса, умр тугамай...

Аравангиз ғилдираксиз... Отларни никманг...

1. 10. 1998.

# 1999

ИЙМОН, ДЕВДИМ, ЭРКАК ЖОНЛАРИ,  
ИФФАТ, ДЕВДИМ, АЁЛ ҚОНЛАРИ...  
БҮЛАЁТИР ЮЛГИЧ-ХАРИСЛИК  
ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ...

x x x  
x

Эй, менинг сарватим қаттол ҳаётда,  
Тансиқ саодатим, ёруғ қисматим,  
Ногоҳ кўз юмсангиз ортда,  
Эслашга бўлгайми бирор ҳислатим?

Мен-чи, сўнаётиб, чидарманми, о,  
Йитсам-да, сийнамда «оҳ» қоларига,  
Саҳовати танҳо, вафоси танҳо,  
Суяниб юрганим тоғ қоларига...

x x x  
x

Нигоҳимда серюлдуз осмон,  
Биласизки, завқидан мастман.

Қулоғимда чуғурчук қушлар,  
Биласизки, кўнглимни хушлар.

Димоғимда бинафша хиди,  
Биласизки, мен – завқ муҳити.

Юрагимда шиддаткор отлар...  
Билмагайсиз: соғинчим додлар...

25. 01. 1999.

## ТҮРТЛИКЛАР

1.

Бизга увол сознинг шеърий торлари,  
Бизга увол халқнинг оҳ-у зорлари.  
Оҳким, бўломадик, бўла олмадик  
Хаёт жароҳатин шифокорлари...

25. 01. 1999.

2.

Сирим йўқ... Хонишга ё созга тутдим,  
Ёшга, мунғайишга, ё розга тутдим.  
Ўраб-чирмар экан кимлар қалбини,  
Мен эса ошкора... қофозга тутдим...

3.

Ажаб, кимсиз? Мажнун севги жунбушлари сизда йўқ,  
Қўш булатнинг чақмоқ ёқиб, сингишлари сизда йўқ.  
Кўзларингиз қуёшида, шиддатингиз ўтида  
Куйиб ғам-у андухларнинг, ўнгишлари сизда йўқ...

4.

Ўзни маҳзун-маҳзун ўйга урибман,  
Юзни эзгин-эзгин қўйга бурибман.  
Оёқ остим хазон – сап-сариқ хазон,  
Кўнгил ғамларини босиб юрибман...

5.

Бўла олсанг, баҳт нигори бўл,  
Бўла олсанг, дардга дори бўл.  
Бўла олсанг, магар, юрагим,  
Эзгуликнинг мардикори бўл!

6.

Сигса баҳт танамга, жондайин сигсин,  
Сигса шавқ-ҳарорат, қондайин сигсин.  
Сигмай қолар гоҳо дардим дунёга,  
Муштдай юрагимга қандайин сигсин?!

7.

Сиз бор – мени сүйгай бу дунё,  
Сизсиз мендан күйгай бу дунё.  
Күрсатмасин... Мендан ҳам аввал  
Қаро кийгай, кийгай бу дунё...

8.

Тошбағир қиши тош айлади сувларни,  
Хар тирқишидан ошириди «ғув-ғув»ларни.  
Шумшук бўлиб кўринишдан чўчибми,  
Бир кечада ёғдирди оққувларни...

9.

Кўрдим: аямажиз юҳоси бўлак,  
Етишдим: илиқ кун баҳоси бўлак.  
Куртаклар ошиқар зумрад бўлмакка,  
Энтиқдим: баҳорнинг даҳоси бўлак...

10.

Лутфим, сен сипороқ, майнроқ кийин,  
Қалбим, сен дард тўла қалбларга куйин.  
Англаганим шуки, қанча йил яшаб:  
Яшаш жуда қийин...

11.

Сукунатга чўмган қора ҳам, оқ ҳам...  
Индамаслик – азоб. Азоб айтмоқ ҳам...  
Ажабо, туармиз йўл ўртасида,  
Юриб юрмоқ ҳам йўқ, қайтиб қайтмоқ ҳам...

26. 01. 1999.

12.

Ташқарида аёз.  
Ташқарида тун...  
Юрагим йиғлайди:  
Дараҳтлар юпун...

13.

Кўринг атроф ярқироқлигин,  
Кўринг қорнинг оқ чироқлигин.  
... Фақатгина қора қарғалар  
Бузиб турар руҳнинг оқлигин...

27. 01. 1999.

14.

«Баҳорим!..» – деб нидо бўлса,  
«Жаҳоним!..» – акс-садо бўлса...  
Мухаббат ибтидо бўлса,  
Мухаббат интиҳо бўлса...

15.

Расо от, дегандим... Ёлсиз қолибсиз,  
Сўзда қаҳрамоним, ҳолсиз қолибсиз...  
Бир ён – дўст, бир ёнда маснад кўринди.  
Сиз маснадни танлаб... ёлғиз қолибсиз...

28. 01. 1999.

16.

Тақдир, дил боғимни токзорлик этгил,  
Олма, беҳи, анор, нокзорлик этгил...  
Кибрни йўлатма хоналаримга,  
Бани зийнатларин хоксорлик этгил...

29. 01. 1999.

17.

Қачон бўлмиш ўйламасдан еганга осон?  
Қачон бўлмиш ўйламасдан дегангага осон?  
Терсни ўнглаш, мушкулларни осон айламак -  
Ёлғизгина, ёлғизгина Эгамга осон...

30. 01. 1999.

18.

Букун шоҳсупада турар шотирлар...  
Букун остин-устун ёдлар-хотирлар...  
Кеча нон евдилар чўққини мақтаб...  
Букун масҳаралаб еяётирлар...

19.

Чечак – мароқларнинг оҳор олари,  
Шабнам – чанқоқларнинг гуҳар олари...  
Булут қанотсиз-у учгай кўнгилдек,  
Шамоллар – эркинлик фуқаролари...

20.

Ёмғир хузур қилас, кўриб шарросин,  
Кўзлар ўпид тўймас кўзлар чаросин.  
Мен ҳам ҳимматларинг кўрарманми, СЎЗ,  
Дерманми: «Бу – нечоғ хушбаҳт маросим?!»

21.

Чақмоқ чақмоқ эмас, нафрат хатлари,  
Момогулдураклар – осмон додлари.  
Нечоғ юракларга ўхшайсан, само:  
Камалак – меҳрнинг илтифотлари...  
31. 01. 1999.

22.

Билмас, надир ором-тин, гала тўлқин,  
Елиб-югуради минг гала тўлқин.  
Майнин-майнин ўпид оёқларингиз,  
Сизга маҳрам бўлар жингала тўлқин...

23.

Иймон, девдим, эркак жонлари,  
Иффат, девдим, аёл қонлари.  
Бўлаётир юлгич-ҳарислик  
Замонамиз қаҳрамонлари...

24.

Вазминлик бобида сиз – сокин денгиз,  
Хайрати тобида, журъати тенгсиз.  
Адолик күрсами, фидолик күрса,  
Мен – ёшини шитоб совиргувчингиз...

2. 02. 1999.

25.

Хушбичим бўлдингизми,  
Сиз ичим бўлдингизми,  
Тўртлик, саккизликларим,  
Эл учун бўлдингизми?

3. 02. 1999.

26.

Суманбар қор ёғар, малак қор ёғар,  
«Киш адо бўлди», – деб, халак қор ёғар.  
Уялдими осмон қиш бўйи қорсиз,  
Шитоб, йирик-йирик – лайлаккор ёғар...

5. 02. 1999.

27.

Кўм-кўк туғилган барг хазон кетаркан,  
Балогардон юрак вайрон кетаркан.  
Ров келган касаллик кетаркан-да суст,  
Осон келган давлат осон кетаркан...

10. 02. 1999.

28.

«Оҳ»ларига дуч келаркан қай бандаларнинг,  
Сезиб қолдим қўзидағи ним хандаларни.  
Ногаҳонда сергак тортдим: ажабо, «оҳ»и  
Ноласига ўхшайди-ку гиряндаларнинг...

11. 02. 1999.

29.

Кай кимда қай иллат бўлса, кулгаймиз,  
Кай дилда азият бўлса, кулгаймиз.  
Кулмоқ – бизга аҳком. Биздан ўзгада  
Бизда йўқ фазилат бўлса, кулгаймиз...

22. 02. 1999.

30.

Нодонга мақтовлар, санолар – шикор,  
Хоқонга ўзидан донолар – бекор.  
Айб этманг, тўрт қулоқ бўлиб эшитсан,  
Менга мен билмаган маънолар даркор...

11. 03. 1999.

31.

Йиллаб тутдим қалам, – мукаммал эмас,  
Йиллаб босдим қадам, – мукаммал эмас.  
Мукаммал бўлмоққа уннаб асрлар,  
Хануз насли одам мукаммал эмас...

32.

Гўдакка эп бермайди тутқич,  
Вақтини еб, бермайди тутқич.  
Кексага-чи, қўймас ҳам қараб,  
Каридинг, деб, бермайди тутқич...

33.

**(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)**  
Нетарман, сизга мос рух тузолмасам,  
Боридан ўзгача хулқ тузолмасам...  
Танлаганим – шафақ, танлаганим – тонг,  
Нетарсиз, тун ила сулҳ тузолмасам...

18. 03. 1999.

34.

Оппоқ фаришталар насга боқмагай,  
Дорда кетаётган пастга боқмагай...  
... Боқса, ёрилгувси ўтака ўттиз,  
Макр, лўттибозлик ростга боқмагай...

35.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Истайсан: шеърда, қўшиқда қолсанг,  
Бор икром, бор эъзоз, бор ишқда қолсанг...

Гирдобрлар яратиб фитна-фужурдан,  
Гирдоб ичидаги бўшлиқда қолсанг...

20. 03. 1999.

36.

Тоғнинг кўчар сангидан қўрққил,  
Фаҳмларнинг тангидан қўрққил.  
Қўрқар бўлсанг яна, болажон,  
Яллоларнинг сўнгидан қўрққил...

23. 03. 1999.

37.

Ўқиб қувнай, деса, баҳт китоби йўқ,  
Бир-бир ёзай, деса, дил хитоби йўқ.  
Кунларин неларга совурди экан,  
Дилин очай, деса, дўст-аҳбоби йўқ...

25. 03. 1999.

38.

«Овозим – сиз», – дейинми?  
Дейинми: «Созгинам – сиз!»  
Топмай, сизни ёзгандим,  
Топиб ҳам ёзганим – сиз...

29. 03. 1999.

39.

Нур истаманг ғаддора тундан,  
Рух шикаста. Дил пора тундан.  
Берилган-да одамга уйку,  
Безмасин, деб, қоп-кора тундан...

31. 03. 1999.

40.

Қарға бор... Оққувлар, яхшиям сиз бор.  
Сиртлон бор... Охулар, яхшиям сиз бор...  
Мудом қочсангиз-да, тутқазмай барни,  
Самовий орзулар, яхшиям сиз бор...

41.

Үтака ёргудай күк қалдириғи,  
Бурама қамчинли селлар яроғи.  
Ажабо, бўларкан бетимсол ваҳм  
Бетимсол гўзаллик – баҳор тўлғоғи...

2. 04. 1999.

42.

Ақлингиз жавоҳир. Сўзингиз латиф.  
Латифлик лаззатин кўрсайдим тотиб.  
Мунгли руҳингизга кирсам сездирмай,  
Мунгларин сездирмай қўйсам тарқатиб...

5. 04. 1999.

43.

Ўқсикли, титрокли бир холат бўлди,  
Ҳеч кимда йўқ хоҳиш ижобат бўлди.  
Фаришта эдингиз. Тобутга жойлаб,  
Ўлимнинг ўзи хам ҳижолат бўлди...

44.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Юҳо, ҳарис ҳислар аҳдларда ошкор,  
Аҳднинг дастхатлари шаҳдларда ошкор.  
... Ўйлар у, қилмишим пинҳон қолар, деб...  
... Илдиз тўла куртлар шоҳларда ошкор...

45.

Умр – адолат деб адо бўлмоқлик,  
Умр – муҳаббат деб фидо бўлмоқлик.  
Адо бўлолмасанг, фидо бўлолмасанг,  
Лоақал, лоақал дуо бўлмоқлик...

6. 04. 1999.

46.

Тоғларингнинг булоги бўлсам,  
Йиртиғингнинг ямоғи бўлсам...  
Ҳеч бўлмаса, Ватан-онажон,  
Узугингнинг улоғи бўлсам...

15. 04. 1999.

47.

Сиз меники, мен сизники, азизим,  
Мехрники, рост сўзники, азизим.  
У кунларнинг ғамин ейлиқ, маҳшарда  
Иккимиз ҳам ўз-ўзники, азизим...

19. 04. 1999.

48.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Борки умидимни узиб кетганман,  
Ишонч ниҳолларим эзив кетганман.  
Сен оёқдан чалар тўп майдонига  
Қайта кирмагайман, безиб кетганман...

23. 04. 1999.

x x x  
x

Серифор ялпизгина,  
Қанд-у новвот қизгина,  
Қизгина-ёлғизгина -  
Дилноза.

Орзуларнинг куртаги,  
Ота-она эртаги,

Уч аканинг эрмаги -

Дилноза.

Тоат-тилакдан қайтим,  
Эмаклаш, деса, – дайдим,

Келинлигинг кўрсайдим,  
Дилноза...

26. 01. 1999.

x x x

x

Ширин-ширин бўса тутиб ҳар бир онимга,  
Мендан бўса ололмаган қунлар ўтдилар.  
Ўт қўйгудай бу ширин жон – хонумонимга,  
Бахтни четга суриб, кўпроқ мунглар ўтдилар.

Ўтган қунлар ўйларимни қилас-да таъкиб,  
Чиқаверар, чиқаверар таъна-арзлари.  
Тарозига солиб кўрсам, ортимга боқиб,  
Қарзлари кўп, қарзлари кўп, менда қарзлари...

Холбуки, шаҳд йифиб бўлган борки тортигин,  
Холбуки, шом... Мажолсизлик кўзлари катта...  
Холбуки, тан беҳолгина... Сўрап ҳордигин...  
Холбуки, мен тургандайман сўнгти бекатда...

26. 01. 1999.

x x x

x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Сизга осон

Кайфиятни минг қийим этмоқ,

Сизга осон

Равон йўлни кўп қийин этмоқ...

Бизга осон

Вужудимиз нидога солмоқ,

Бизга осон

Сиз золимни Худога солмоқ...

27. 01. 1999.

х х х

х

Яхши қүшиқ, тикдингми күзни  
Эътиборнинг назарларига?!  
Ороланиб, солдингми ўзни  
Манфаатнинг бозорларига?!

Тизза букиб, илтифот тўкиб,  
Сен ўзингча иззат ундиридинг.  
... Суйкаланиб, қилпиллаб, чўкиб,  
Яхши қўшиқ, мени ўлдиридинг...

1. 02. 1999.

х х х

х

Гоҳ ғижиниб, гоҳ ўзни алқаб,  
Шукур қилиб умр боридан,  
Сени олиб чиқмоқдаман, қалб,  
Бу ҳаётнинг чангалзоридан...

Бўлмагил, деб, ўта нозиктаъб,  
Чидагил, деб, тўқмоқларига,  
Сени яна ташлагайман, қалб,  
Бу ҳаётнинг сўқмоқларига...

2. 02. 1999.

х х х

х

Ногоҳ юрагимда уйғонди ўқинч,  
Изтироб айланди минг сипоҳимга.  
Ағёр ўзга эди... Ўйламовдим ҳеч  
Қўлни силтарман, деб, ҳамтупроғимга.

Ўйловдим: отиб муз, қувиб таъқибни,  
Хурлик елларига тўлгай боғларим...  
Нетай, ёғийларим англаған қалбни  
Англай олмасалар ҳамтупроқларим...

3. 02. 1999.

х х х

х

Эгилмаган тизликлар,  
Билмам, қандай изликлар,  
Юрагимнинг парчаси -  
Тўртликлар, саккизликлар.

Кошки бўлсангиз сўлим,  
Кошки фикрати тўлин,  
Сиз – элга чўзган қўлим -  
Тўртликлар, саккизликлар...

3. 02. 1999.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Беҳад илтифотин тутганда ҳаёт,  
Қанча умидларни пичоқлаб сўйиб,  
Қанча истеъдодга бўлдинг сен жаллод,  
Қанча фарёдларни симирединг тўйиб...

Бир кун шаъминг ўчар... Бу – элга шараф!  
Энди маҳринг бўлгай ўқинчлар сарғиши.  
Тупуриб ўтарлар қабрингга қараб,  
Сокин лаҳатга ҳам ёприлгай қарғиши.

Мехр-муҳаббатни, эъзозни ёнлаб,  
Шундай бир қисматни олмишсан танлаб...

3. 02. 1999.

x x x  
x

Менинг завқим, табрикларим, олқиши-таъзимим  
Эътиқоди талотумдан белат чиққанга.  
Фикр етиб битганларим – юрагим-назмим  
Юрагидан тоза Ватан, миллат чиққанга.

Менга ёғий, менга нафрат – алдоқчи, маккор,  
Билиб-бilmай ҳатто ўзим айландим ўққа.  
Яратганим насиб этса, отилмоғим бор  
Юрагида тоза Ватан, миллати йўққа...

5. 02. 1999.

х х х

х

...га

Сизни журъат ила сийламиш ҳаёт,  
Наҳотки саналса фазилат – хато?!

Кўриб феълингизни шарттаки, шаддот,  
«Яшашни билмас...» – деб қўярлар хатто.

Журъат қуюнлари айлар бетоқат,  
Сизга ор забтидан бўлмоқлик халос.  
Тил тўла хайқириқ – майдон йўқ фақат,  
Юрак тўла оташ – йўқлов йўқ, холос.

5. 02. 1999.

х х х

х

Улуг Бек Ойбекка тегиш чорбоғда  
Кундузлар меҳнаткаш, беором тунлар.  
Фидойи юракда, нурли қабоғда  
Улкан соғинч тунар, эътиқод тунар...

Соғинч энтиқади, соғинч тўлғанар  
Чорбоғ қўйнидаги овлоқ мухитда.  
Эътиқод кунма-кун пишар, улғаяр,  
Ва лекин либоси доимо битта.

Бунда «Нечун?» деган кескир сўроқнинг  
Бургут нигоҳидан нопоклик изза.  
... Улуг Бек Ойбекка тегиш чорбоғнинг  
Рухи мудом баланд, мудом покиза...

7. 02. 1999.

х х х

х

Сел қуяр... Ютгудай дарахт, уйларни,  
Мен туриб қоламан том панасида.

Оқизгим келмайди тоза ўйларни  
Бўтана оқимнинг пўртанасида.

Фаслнинг бетийиқ саркашлигидан  
Четроқ тура қолсин тегса сўлар рух.  
... Ўткинчи шумликнинг шаррослигидан  
Ахир қанча кўнгил қўйлаги доғ-дуғ...

9. 02. 1999.

х х х  
х

Хой чечагим, хой чечак,  
Күёш чечак, ой чечак,  
Сен тенгма-тeng турибсан  
Киш, қор ила, бойчечак.

Гулбаргларинг жим-жима,  
Кучинг гүё ним-ним-а...  
Қордан ғолиб келишлар  
Лекин сенга ҳеч нима.

Кўзингда маънолар бор,  
Кўзимда санолар бор.  
Миттигина тугмачам,  
Шахдингда дунёлар бор.

Сассизгина қайнаб тур,  
Дилга шаҳдни бойлаб тур.  
Мана шундай, бойчечак,  
Бизни мулзам айлаб тур.

Сабоғинг тинглаётиб,  
Айтай: «Мен – сенга котиб...»

х х х  
х

Еллар яйраб япроқ нозидан,  
Бўса олар, беникоҳ олар.  
Қўш булатнинг эҳтиросидан  
Осмон кўзи чараклаб қолар.

Сипо қоя, шаддот шалола  
Туришади кўнгилни хушлаб...

... Уялгандан никоҳли лола,  
Лабларини қонатар тишлиб...  
10. 02. 1999.

х х х  
х

Сен – шундай жозиба қадимдан-қадим,  
Сен шундай табиба надимдан-надим,  
Мудом ичдим сени, мудом чанқадим,

Ишк, десам, у сенча муттасил эмас,  
Сенингдек бир умр, түрт фасл эмас.

Сенийукламаган биронта жон йүк,  
Сенсиз ҳаёт тийин, сенсиз жаҳон йүк,  
Сенга шайдоликка асти поён йүк,  
Мен ҳам бир кемтикман, фатҳингга толиб,  
Бунча жаҳонгирсан, бунчалар ғолиб...

«Бас, етдим...» деганда, яна бир бошдан  
Ойдан ёғду олиб, олиб қуёшдан,  
Бўлиб ойдин вужуд, бўлиб қуёштан,  
Олисда чарҳ уриб порлайверасан,  
Тўлинсан, тўлмоққа чорлайверасан...

Сен – масрур қўшиқлик, шодон дуторлик,  
Кунларим олдиндан хандон этарлик,  
Гоҳи кўл етмаслик, гоҳи этарлик,  
Шундай мўъжизасан, шундайин қисмат,  
Жаннатий нафасли, фаришта хислат...

Йўқ эсанг, мушкуллар бизни ермиди,  
Оғриққа эш кунлар бизни ермиди,  
Ўқсиклар, тушкунлар бизни ермиди,  
Хаётга олтин ҳал сурар ўзингсан,  
Суманбар кўрсатар, кўтар – ўзингсан...

Сен – менинг мангулик йўлдош ҳунарим,  
Ҳеч завол билмасим, доим унарим,  
Ҳамма сўниб бўлгач, охир сўнарим,  
«Ўлим» деган сўзга доимо зидсан,  
УМИДсан, УМИДсан, ширин УМИДсан!

Эй кўнгил – самовий рангин камалак,  
Синдир, умидсизлик шохларин синдир!  
Букун фақат ростни тавоф айламак,  
Букун – умидларга суянар кундир.

11. 02. 1999

x x x  
x

Мен лол ҲИММАТ маҳоратига:  
Ана сарв-у ана санобар...  
Гулрў сурат малоҳатига  
Ноқис ақлим қилолмас бовар...

... Мен лол ҒОРАТ харобатига:  
Кувғин ҳаё, қувғин садоқат...  
Бадхў СИЙРАТ жаҳолатига  
Ноқис ақлим қилолмас тоқат...

13. 02. 1999.

х х х  
х

О, бу ақл!.. Тортган каби қобил, хотиржам,  
Ташлагандай беоромлик либосин ечиб...  
Сабр ухлар... Нафрат ухлар... Овлоқ чодирчам...  
Яшаяпман кунларни еб, кунларни ичиб...

О, бу юрак!.. Пармалайди ҳар кун танамни,  
Жимжит, ношуд соҳибадан кетгувдай кечиб...  
Яниб ғамни, тилиб дилни, койиб қаламни,  
Кун ўтказар у мени еб, у мени ичиб...

13. 02. 1999.

х х х  
х

Сенга гул ярашар, ақл ярашар,  
Сахийлик ярашар, баҳорим, жуда.  
Фасллар шоҳи, деб, сенга қарашар,  
Сел, дўл бўлаверма худа-бехуда.

Сени ўйлаганда, кўрмай танглиknи,  
Латифлик киради шоир тушига.  
Жаъми зулм, қаҳр, беписандликни  
Кўшиб юборсанг-чи қиши улушкига...

11. 03. 1999.

х х х  
х

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Кўрмоқдамиз, қаҳратон қиши, найрангларингни,  
Ҳаммадан ҳам навбаҳорга қайраяпсан тиш.  
Боиси: у оқ қордаги ой рангларингни  
Эритди-ю, кўзга ботди шумшук кўриниши.

Деразага чизган безак-суратларинг ҳам  
Бўғотдаги шокилалар бўлмади санъат.  
Дув тўкилди, куёш юзин очаркан қўклам,  
Эриб битди, оқиб бўлди, нуради талъат.

Бизга қучоқ очар экан баҳор-гулойим,  
Кўк либосда кўрарканмиз она масканни,

О, сен қаттол, сокингина тортиб мулойим,  
Ямлаб қўйдинг бир кечада унган-ўсганни.

Не ҳам дердик, югуравер гўшалар оша,  
Омад қулиб, давринг келиб қолмиш ҳарқалай.  
Бу ҳам бизга битта сабоқ, битта тамоша,  
Кўзасидан чиқкан жинни кўрганмиз талай...

24. 03. 1999.

х х х  
х

Руҳият осмони, вужуд замини  
Нечоғ дилрабо-ю нечоғ оғрикли.  
Дўзах ўтларидаи куйдирап мени  
Ҳар битта нопоклик, ҳар бир қийиқлик.

Кўзда қулгуларим, кўзда ёшларим,  
Баҳт, ғам қоришмаси замин-у фалак.

... О, гўдак кўнгил-а... Тупроқдошларин  
Барини фаришта кўрсам, деб, ҳалак...

24. 03. 1999.

х х х  
х

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Қўпоргувдай борки денгиз кўксини ғулув,  
Олдга чопар, қўкка сапчир, қайнар, ўкирар...  
Сувлигини йўқотгандай денгиз тўла сув,  
Тўфон, гирдоб, сел бир бўлиб шиддатга кирап...

Ўзин отар ҳар томонга бесамар, бехуд,  
На саломни билади у ва на аликни.  
... Мен бўлсам-чи, қирғоқда бу жунбушга шоҳид,  
Ҳайрат ила кузатаман девоналиқни...

24. 03. 1999.

х х х  
х

Бу кунлар алдоқчи, кунлар бежуръат,  
Мақтоловларин, қўнгил, билаверма рост.  
Биздан авлодларга не тутар фурсат?  
Қай асно сийратлар қолгувси мерос?

Эвоҳ, ҳар биттамиз бир кафтгина хок,  
Ёндирилган умрнинг хазонларини.  
Ясамоқ бўламиз ўзимиздан тоғ,  
Тан олмай фурсатнинг мезонларини.

Бу кунлар алдоқчи, кунлар бежуръат...

29. 03. 1999.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Сизга боқар бўлсақ, чехрангиз хандон,  
Буқун умрингизнинг ғолиба фасли.

Очилиб боряпсиз кун сайин чандон,  
Хушсурат мухитли, хушхол нафасли.

Тамойиллар янги... Илтифот катта...  
Амрингизга муштоқ теграда юзлаб...  
... Э, бизми? Маликчўл – бийдай хилватда  
Юрибиз Изкандар қудугин излаб...

30. 03. 1999.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Қўй, дўстим, интилма ҳашам тарафга,  
Гуллар ифоридан бўлолмассан масти.  
Буткул етти ётсан бу айри сафга,  
У маҳсус тантана сеники эмас.

Улар асъасадан сармаст, ҳойнаҳой,  
Улар учун тийин манфаат-коринг...  
Жинлар ўйини бу... Асрасанг-чи, ҳой,  
Кийшайиб қолишдан афти-ангординг...

30. 03. 1999.

х х х  
х

Ер маҳзуна. Ер ранги синиқ,  
Хавода ҳам рутубат, туман.  
Ҳар нигоҳда ўқсиш, хўрсиник,  
Ҳар лаҳзанинг заҳри – ёсуман.

Шарқироқ сув – занжирбанд, ҳалқоб,  
Ариқларнинг йўқ кўнғироги.  
Илтифотлар бўлган каби соб,  
Табиатнинг бисёр фироғи.

Ўт-ўланлар – супринди, чирик,  
Буткул ғойиб кечаги фараҳ.  
Харобалик ишғоли йирик,  
Мунғаяди шип-шийдам дарахт.

Ер истарди: кўринса шириң,  
Туйса умр зарифлигини...

... Учқунлаган оппоқ қор, ернинг  
Беркита қол ғариблигини...

31. 03. 1999.

х х х  
х

Бошим узра феруза само,  
Оёқ остим – гуландом баҳор.  
Улар ила бигтаман гўё,  
Нигоҳимга қуийлар оҳор.

Чор атрофим кўм-кўк оғушда,  
Майса ўқир севги хатини.  
Гўёки мен кўргандай тушда  
Қабоҳатлар салтанатини.

Гўё андуҳ бўлиб оқизоқ,  
Симираман поклик шукухин.  
Кўкси баланд, тилаклари оқ  
Кушлар учар... Учади руҳим...

Осмон ерга қўл чўзар, ёки  
Осмонига бош урарми ер...  
... Умрим бино бўлиб, гўёки  
Битганларим – ошиқона шеър...

Шу тупроққа ишқман, ихлосман,  
Тутгим келар менинг-да оҳор.  
... Бошим узра феруза осмон,  
Оёқ остим – гуландом баҳор...

4. 04. 1999.

## ДҮСТГА ТАСКИН

Бехудага күк чақар гугурт,  
Қалдироқлар осмонга устун.  
Бехудага йиғлайды булат,  
Бехудага ғамгинсиз, дүстим.

Күкда чақин... Күнгилда чақин...  
Садолари серваҳм, тихир...

... Нигоҳингиз ёритай, бокинг,  
Бехудага сўнмасин меҳр.

Сочилсин-да хушхоллик зулфи,  
Бахт гуллари очилсин қийғос.  
Жудо бўлмоқ – шу куннинг урфи,  
Фидо бўлмоқ – қадимдан мерос.

Ўтар фурсат... Ўтмоқда тезоб,  
Ғам юқмасин ўйларингизга.  
Бу дунёнинг бўлгани – азоб,  
Арзимайди куймагингизга.

Бизда меҳр бир эмас, икки...  
Бизда меҳр кемтиқ эмас, бут...  
Тушқунликни ҳайдаб, дейлики:  
«Бехудага йиғлайди булат...»

9. 04. 1999.

## САРОЙ ШОИРЛАРИНИ ЎҚИБ...

Бекиёс дардкашлик хиёбонида  
Кезгувчи шоирин севар-ку очун.  
Йўқ экан бу ҳатто шоҳ имконида,  
Шоҳлар хузурида эмаклаш нечун?

Бу айри истеъдод дасталарида  
Аллоҳ назари-ю қаломи яшар.  
Оҳ, уларни ёрлик расталарида  
Арзимас чакага нечун пуллашар?!

21. 04. 1999.

x x x  
x

Ногоҳ кайфиятим ғуборин артиб,  
Қўлимда жилмайди пушти атргул.  
Вайронা кўнглимга беролди тартиб,  
Ломакон таскинга макон бўлди ул.

... Кунлар юрагимга андуҳлар ташир,  
Еб қўймоғи аниқ шоқол ғам-алам...

... Атргул тутмоққа кодирмисан, шеър?  
Кодирмисан таскин бўлмоққа, болам?

21. 04. 1999.

## 80-ЙИЛЛАРНИНГ ОХИРИ...

Мен ўшал кезларда изтироб бўлдим,  
Томири кесилган кун эди кунлар.  
Мен ўшал кезларда хок-туроб бўлдим,  
Мунг эди, мунг эди, мунг эди кунлар.

Шеърлар ёзолмадим... Ёза олмадим,  
Додларни, «оҳ»ларни, қонларни босиб...  
Лекин РОСТЛИК эди мен учун надим,  
УЙФОҚ ХАЛҚни кўриш бўлганди насиб...

21. 04. 1999.

x x x  
x

Ҳар кўрганим, кўрмаганимда  
Мен истаган толе бўлсайди.  
Бирга юрган, юрмаганимга  
Шеърларимнинг боли бўлсайди.

Ҳар кимсанинг зийнати – субут,  
Ҳар кимсанинг суянгани – юрт,  
Юрт қизларин кўзларида ўт,  
Йигитларин ёли бўлсайди...

Ҳар миллатдош – сўзимга меҳроб,  
Ҳар қари-ёш – кўзимга сухроб,  
Дейман ихраб, ўйлайман ихраб:  
«Юзларининг оли бўлсайди...»

Умрин узун кўрсам ёлқиннинг,  
Сехрин фузун кўрсам талқиннинг,  
Ёзганларим она халқимнинг  
Таржимаи ҳоли бўлсайди...

22. 04. 1999.

х х х  
х

Кўксига қўш умр заҳматин осиб,  
Заррача сўз очмай азоб, ҳоришдан,  
Менинг ўттиз йилим бағрига босиб,  
Иситган, яйратган оппок фариштам,  
Менга ҳадя этган қўш жуфт қоракўз,  
Кўзларки, нуридан энтикар юрак!..  
... Ҳасадлар, қарангиз, ғамлар, қарангиз,  
Не бахт шундай сурур кафтида турмак!

22. 04. 1999.

х х х  
х

Қуёш нури – ипак кокила.  
Иккимизнинг зиё – жонимиз.  
Қия, ҳарир дарпарда ила  
Безаб қўйдим шабистонимиз.  
  
Бахт уфурар, шеър уфуради  
Меҳмон ойдан, меҳмон шамсдан.  
Ёруғ хавас боқиб туради  
Қия, ҳарир дарпардамидан...

23. 04. 1999.

х х х  
х

О, бу риёкорлик, о, бу разолат... -  
Чандон яшамоққа уринаверар.  
Сиз минг бошин ёринг, айланг жароҳат,  
Майда бутунларга бўлинаверар.  
  
Ўсиб катталашар... давомли... жўшқин...  
Ким унга пойдевор, ким унга ҳомий?  
... Мана шундан куйган Навоий, Пушкин,  
Мана шундан куйган Арасту, Жомий...

23. 04. 1999.

х х х

х

Ташвиш чекмасинлар: узлат оғуши  
Хали урганча йўқ кўнглимга маним.  
Сокинлик лаззати, хаёл оққуши  
Кувнатар кўзларим, яйратар таним.

Ташвиш чекмасинлар: кўрган-кечганим  
Ҳар кун юрагимга энг азиз меҳмон.  
Мухаббат, муҳаббат... – эшик очганим,  
Улкан бойлигига тикилган шоҳман...

23. 04. 1999.

## КУЗ МАНЗАРАСИ

Тоғлар кордан оқарди буқун,  
Куёш тафти синиқлашади.  
Оқар сувлар кексайдимикин,  
Фикрлари тиниқлашади.

Базўргина тизгинлаб бардош,  
Қаро булут солланиб борар.  
Сарикликка эгмагандай бош,  
Ўрик барги олланиб борар...

Дилдирайди толлар – чилвирсоч.  
Ачинганча дейман: «Бечора...»  
... Ўкинмасдан ўзга йўқ илож,  
Тўкилмасдан ўзга йўқ чора...

24. 04. 1999.

х х х

х

Хозир ҳамма бизда айтади қўшиқ...  
Ҳамма рақсга тушиб, учирар елка...  
Бу юрт – фақат куйлар тўлдирап бўшлиқ,  
Бу юрт – фақат рақслар ўсгувчи ўлка.

Менгина уқувсиз, менгина ношуд...  
Оққуш йўқ руҳимнинг бўйи-бастида...  
... Балки уқувларим бўлгандир нобуд  
Ялпи сархушликнинг оёқ остида...

26. 04. 1999.

х х х  
х

Шундай шеър ёзсамки,  
Шундай шеър ёзсам,  
Бағри ўт бўлса...  
Юракка боссангки,  
Ярангга боссанг,  
Баргизўт бўлса...

26. 04. 1999.

х х х  
х

Бузмадингиз, умримга кириб,  
Эски яшаш тамойилимни.  
Мен барибир қўйдим ўчириб  
Сизсиз ўтган ойим, йилимни.

Сизли бўлди борки бу хаёт,  
Сизли бўлди борки бу йиллар.  
Зеро, сизсиз фикр йўқ дилшод,  
Зеро, сизсиз умр йўқ дилбар.

Айтар бўлсам кўнглимни холис,  
Диёнати, меҳри қойимсиз.  
Ҳатто ўзим сақлашга ожиз  
Юрагимни қўяр жойимсиз...

26. 04. 1999.

х х х  
х

Орқага қайрилиб, тан олмоқ лозим:  
Мискин кунлар бўлди бисёрдан-бисёр.

Иншооллоҳ, энди учгай овозим,  
Иншооллоҳ, бўлгай тасалли дастёр.

Ақалли, бошимда муҳаббат паноҳ...  
Ақалли, қўксимда тиловат-тоат...  
Ақалли, руҳимга эркинлик ҳамроҳ...  
Ақалли, жиринглаб уйғотмас соат...

26. 04. 1999.

## **УЧЛИКЛАР**

1.

Хақиқат, сендадир жаннат ифори,  
Лекин йўлинг чағир, сўзинг тўпори,  
Ёлғон эса, худди мойдай мулоим...

2.

Дунё хурдир. Кимсаларин ҳур, деб бўлгайми?  
Дунё сирдир. Қилмишларин сир, деб бўлгайми?  
Топилади сирни очар котиблар доим...

3.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Қалбингиз кафтингиз устида,  
Кўнглингиз шон-шуҳрат қасдида...  
Ўлибманми сизни танимай...

4.

Фақат олисларга тикиб у нигоҳ,  
Фақат олислардан бўлиб у огоҳ,  
Оёқ остидаги тошга қоқилди...

5.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Пешво билиб юрагингизни,  
Шоҳсупага чиқардик сизни.  
Туширолмай, энди биз ҳалак...

6.

Мен сизга келгандим хавотир ила,  
Шунчаки бир ташриф, юз-хотир ила...  
Шукур, ҳаётимга тўлди гунафша...

7.

(«Сиз... Сен... У...» түркүмидан)

Мард, девдилар... Қарокчи чиқди...  
Пок, девдилар... Алдоқчи чиқди...  
Айтилмасми чўпчак болага?!

8.

Узок йиллар ипи боғлаган бизни,  
Чийралиб боғлаган икковимизни.  
Менга хўп ёқади шундайин тузоқ...

9.

(«Сиз... Сен... У...» түркүмидан)

Харис, сурбетликни бош илм қилиб,  
Сонсиз юракларни минг тилим қилиб,  
Тарих эшигини қандоқ қоқар у?

10.

Дейишади: «Бўлгани ғам, бўлгани жафо,  
Дунё қаттол. Дунё совуқ. Дунё бевафо...»  
... Кўрсат, аёл, шу дунёнинг муҳаббатлигин...

11.

Менга меҳр эмас, нафрат бўл, болам,  
Сен юлиб олинган бағримга шу дам  
Нафратни кўз-кўзлай, ўлмаслик учун...

12.

(«Сиз... Сен... У...» түркүмидан)

Аллоҳ улашаркан камсуқумликни,  
Ростгўйлик, диёнат, безуғумликни,  
У юҳо юрганди қайда ивирсиб?

13.

Фақат биздан қилмоқда фарёд  
Фақат биздан қолдиргувси от,  
Фақат бизга тегиш кун, ойлар...

14.

Нигоҳим-ла тоза юрак, соф руҳни силай,  
Сиздан юқиб, пок ниятга мен ҳам осилай,  
Қалдирғочлар, келиб қўнинг бўғотимизга...

15.

Кор эриди қуёш боқиши билан,  
Ер қуриди қуёш боқиши билан...  
Хар кимнинг қуёши ёришсин экан...

16.

Гўдак аёлингиз овута қолинг,  
Гулдак аёлингиз овута қолинг, -  
Борки гуллар кейин сизники бўлар...

17.

Касбингиз аввало кўнгил бўлгайми?  
Сиз боис кўнгилга енгил бўлгайми? -  
Садоқат кирмоқчи ишхонангизга...

18.

### **ДЕҲҚОН**

Сабри узун, қўллари қисқа,  
Уни талар минглаб қумурсқа...  
Имконида бори – хўрсишиш...

19.

### **ХАЁТ**

Соб этади риёси,  
Азоблайди дунёси...  
... Лекин совимоқ қайда...

20.

Серзиё кундузлик, зим-зиё тунлик,  
Нечоғ гулгунлик-у нечоғ дилхунлик...  
Бу сенми, оппоғим, шеърият?

21.

Күёшини йўқотгани чоғ  
Қора ғамдай кўринади тоғ...  
... Бундан шафақ ўлардай хижил...

22.

Тушдим кўнгил аробасига...  
Кунларимнинг харобасига  
Гулкўчатлар эммоғим керак...

23.

Умрим бўйи тақдиримга букким тиз,  
Умрим бўйи нигоҳимда бўлсангиз,  
Азизим!

1999.

x x x  
x

Сиз кириб келасиз.  
Чиқар хонамдан  
Ноҳуш эсдаликлар,  
Қора хаёллар...  
Сиз кириб келасиз, -  
Руҳимга ҳамдам  
Бўлиб қолар зумда  
Поклар, ҳалоллар.

Сиз оппоқ чўққисиз  
Тоза нафасли  
Мендай руҳи синик,  
Мендай асовга.  
Сиз – менга умримнинг  
Биллурга фасли,  
Сиз -  
Менга қисматдан  
Шоҳона совға!

7. 05. 1999.

х х х  
х

Эзгуликка, покликка толиб,  
Нурлар, гуллар ичра битганим,  
Үзларига ўхшатиб олиб,  
Фаришталар севиб тутгани -  
Қизим, боқсам, сен-ла эгизак  
Орзум бўлган покиза муҳит,  
Сийратингга бўлибди безак  
Мехр, хаё, шоҳона бир дид.  
Фидоликка очасан қучоқ,  
Парвоналик, жоним, сенга хос.  
Мен ҳаётни севардим нечоғ,  
Шукур, севгим бўлибди мерос.  
Видо кезиб ўнг-у сўлимда,  
Сўнгги нафас сўраса изн,  
Мен бўлай-да оппоқ қўлингда,  
Кўзларимни юма қол, қизим...

15. 05. 1999.

х х х  
х

Ўн йиллик соғинчим қолгай-да бошлаб,  
Эгатга эгилган элга бораман.  
Бахтсиз баҳтиёрик ниқобин ташлаб,  
Бениқоб дил илиа дилга бораман.

Далалар – ирода. Далалар – сабр...  
Чанг-тупроқ йўл бўйлаб тераклар бўйчан...  
Осмон тўла қуёш. Осмон – беабр...  
Хориган чошгоҳнинг нигоҳи ўйчан.

«Жазира» аталмиш битта сўзга жо  
Саратонга оид борки сир, афсун.  
Иссик авж пардасин этади ижро,  
Салқинга қочолмай, ғўзалар маҳзун.  
  
Она гўдагига тутади кўксин  
Серчандик тут таги, пайкал бошида...  
«... Наҳот шулар бўлса, – ўйлайман ўқсиб, -  
Шоирлар куйлаган ажиб нашида?!»

16. 05. 1999.

х х х  
х

Йүқотганча бардош-түзимни,  
Оғриқлари узун бўлгим йўқ.  
Йифлаб-ийфлаб, яна ўзимни  
Овитгувчи ўзим бўлгим йўқ.

Сароб баҳт-ла бежаб орзумни,  
Сероб озорларни қуварман.  
Ажин босган чарчоқ юзимни  
Марям\* сувларига юварман.

Хаёт шоми бўлса-да ҳамдам,  
Толибаман исъён битикка.  
Соб умрни чўзиб бўлса ҳам,  
Кўргим келар ҳалқимни тикка...

04. 11. 1999.

\*- *Марям дарахти – ёввойи мурч. Унинг барг ва навдаларининг қайнатмаси, ёзишларича, ажинларни кетказар экан.*

х х х  
х

Алдовлари, фириблари йўқ,  
Бағри тўкин, ғариблари йўқ,  
Булут тўсган ғурублари йўқ, -  
Гўзал эди хаёл ўлкаси.

Хар одами одам, деб яшар,  
Қўнглим маним – олам, деб яшар,  
Йўламагай алам, деб яшар, -  
Гўзал эди хаёл ўлкаси.

Суйдим, суйдим, мен уни суйдим,  
Туйдим, кейин фириблар туйдим,  
Улар ичра йўқотиб қўйдим, -  
Гўзал эди хаёл ўлкаси.

Дунё – бир кам. Мен ҳам бир камман,  
Юрап йўли доим тиканман,  
Уни қайта топармиканман? -  
Гўзал эди хаёл ўлкаси...

5. 11. 1999.

## **2000 – 2002**

БИРЛИК ИСТАБ,  
ҒҮРЛИК ТОПГАН – МЕН,  
ХУРЛИК ИСТАБ,  
ХҮРЛИК ТОПГАН – МЕН...

x x x  
x

Мен – маккор ўқлардан безган жайрона,  
Мен – қилвир андухдан түзган вайрона,  
Мен – сўзи ярадор, кўзи хайрона,  
Ёнимда бўлинг.

Кўряпман: дунёси – бетизгин, фосиқ...  
Одам-ку одамга улкан баҳт, тансиқ...  
Ҳеч кимга чўзилмас қўлларим чўзиқ,  
Ёнимда бўлинг.

Беором хилқатнинг савдоси – икков,  
Ярадор юраклар садоси – икков,  
Бедаво кўнглими давоси – икков,  
Ёнимда бўлинг.

Нетардим, дил ёлғиз, ўт билмаганда,  
Умримга сиз эҳсон этилмаганда...  
Ўтиб кетмоғим бор кутилмаганда,  
Ёнимда бўлинг...

11. 01. 2000.

x x x  
x

Кўнишиб кетдим ҳам, серҳадик кўзлар  
Кўриб кўрмасликка олишларига.  
Айтмасам, кўксимда минг маҳбус сўзлар  
Виждонни не кўйга солишларига...

Менга ачингандар айлашар талааб:  
«Ҳар боб-ла урилмай, терсликни ташла...»  
... Маҳбус сўзлар эса, кўксим татараб,  
Хурлик, эркинликка, о, нечоғ ташна!..

22. 11. 2000.

х х х  
х

Буюк эди менга ҳақиқат,  
Тоза эди орзум булоги.

Мантиқ дерди: «Ҳар бир дақиқанғ  
Жоиз эрур гүзал бўлмоғи...»

Булогимга супринди ташлаб,  
Ҳақиқатни этдилар сургун.  
Мен нетайки, шу ондан бошлаб  
Оҳим бўлди дуркундан-дуркун.

Умидларим қолди пучмайиб,  
Қувончларим айтди хайр-хўш.  
Сўзим ёшли, сўзларим майиб,  
Қаршимдаги йўл эса бўм-бўш.

Бу йўллардан сургун ҳақиқат,  
Куриб борар орзум булоги...  
Ваҳоланки, ҳар бир дақиқам  
Жоиз эди гүзал бўлмоғи...

11. 12. 2001.

### **ҲУРЛИККА ДЕГАНИМ**

Излаганим, кўзлаганим, сўзлаганим,  
Изларини топа олмай музлаганим,  
Қачон сенга айтаркинман «Ассалом!» деб?..

3. 12. 2001.

х х х  
х

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Менга аён пинхон дардингиз:  
Кўйиб берса, мени ердингиз  
Иштаҳа билан...

10. 12. 2001.

## **ИККИЛИК**

Мен шеърда юлдузга, ойга учарман...  
Ерда ер тишилаган элга дучорман...

2001.

## **АЁЛНИНГ 8-МАРТ КУНИ АЙТГАНЛАРИ**

Йилда бир бор байрамим менинг,  
Тутилган ой – ойларим менинг...

2001.

## **ХАЁТ ЙЎРИГИ**

Чириган барг, хаслар айтишса лапар,  
Виз-визак шамолнинг най саси билан,  
Ернинг пўпанагин қиши қори ёпар,  
Баҳор ёпар гул-у майсаси билан...

2001.

## **ЯХШИГА АЙТГАНЛАРИМ**

Ўнгга юрдим... Чапга юрдим... Эгилдим «оҳ»дан...  
Таскин топдим биттагина сизнинг даргоҳдан...  
Исириқлар осиб қўйинг дарвозангизга...

20. 11. 2002.

x x x  
x

Бирлик истаб,  
ғўрлик топган – мен,  
Хурлик истаб,  
Хўрлик топган – мен...

2002.

x x x  
x

Ватан – тўкин, адл боғим,  
Ғурбат эса – қатлгоҳим...  
2002.

Х Х Х

Х

Хали уйқусидан турмаган қүёш  
Менинг юрагимдан күттаргувдай бош...

2002.

Х Х Х

Х

Ү... -

(«Сиз... Сен... Ү...» туркумидан)

Энг қисқа ишонч-у энг узун офат,  
Бир кичик янглиш-у улкан касофат...

2002.

## 2003

ҚУЁШИ ТУТИЛГАН ЙОРТ,  
НУРЛАРИ ЮТИЛГАН ЙОРТ...  
ВО АЖАБО, БУ ЙОРТДА  
ИЙМОН-ЭТЬИҚОД УНУТ...

х х х  
х

Үқидим... Үқидим... Шеър – махбусхона...  
Ундан фақат оҳ-воҳ, андуҳ таралар...  
Борми дардсиз шеърни кўрган замона?  
Наҳотки шоирлар ғамдан яралар?!

Шеър битдим... Мени ҳам буткул ёнлаган  
Кувноқ вазн-у оҳанг, шодон маросим...  
Борки шоир ёзиб тугатолмаган  
«Оҳ»дан бўлак, э воҳ, йўқми меросим?!

28. 06. 2003.

## **УЧЛИК**

Кўриб қўйисин тўқислар:  
Фижим руҳни текислар  
Фижим қўнгил – меники...

28. 06. 2003.

х х х х

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Кўрган-билганларим кўз ёши бўлди,  
Кўз ёши шеъримга сўзбоши бўлди...  
... «Гадонинг душмани – гадо», – дердилар,  
Ажаб, менга эса... юртбоши бўлди...

28. 06. 2003.

## **ИККИЛИК**

Хар куннинг бор ўз улуши:

Ё миси, ё зар-кумуши...

28. 06. 2003.

х х х

Менинг руҳимга мос йиғлади осмон,  
 Қон йиғлади осмон неча кун-тунлар...  
 Мен ҳам осмон каби охи шарросман,  
 Бу – қандай тузум-у бу – не тутумлар?!

Нимани ҳам кўрди элим эл бўлиб?  
 Наздимда, баҳт уни буткул йўқотган...  
 Дунё булулари бошига тўлиб,  
 Дунё тўфонлари кўзида қотган...

Мен-ку истар эдим: шу муниш халқим  
 Андуҳларин бир-бир юрсам супуриб...  
 Гулгун чехрасини этолсам талқин,  
 Кувонч ифорлари турса уфуриб...

Мен-ку истар эдим буюк покликни,  
 Ним-ним кўнглим эди ҳаммадан бойрок.  
 Тасаввур этолмай ёқачокликни,  
 Орзумда учарди оққанот байроқ.

Мен уни кўксимдан тополмай халак,  
 Мен уни чехрамдан тополмай сўлдим.  
 Кўрганим – фириблар... О, кўхна фалак,  
 Ўлдим! Ўлдим!! Ўлдим!!! Тириклай ўлдим!!!

... Лопиллаб бораркан мен ётган тобут,  
 «Ким?» – деб танимаслар сўрса мабодо,  
 «Бир ғариб, – деб айтинг, – озод, тоза юрт  
 Орзусида ўтган ғариб бир гадо...»

28. 06. 2003.

Х Х Х

Х

Кўзларимга кумлар қадалди,  
 Қаро-қаро тунлар қадалди,  
 Жоним, сени суйганим учун...

Маломатлар емишим бўлди,  
 Оҳ-у зорлар демишим бўлди,  
 Жоним, сенга қўйганим учун...

Мени сендан ситмоқчиларми,  
 Сени менсиз этмоқчиларми,  
 Сени қалбга қўйганим учун,  
 Ватан?!

7. 07. 2003.

х х х  
х

## Гавҳарбегим ОРИПОВАГА

Сознинг мунгли тори учун туғилган,  
Элда армон бори учун туғилган...  
Айтмасалар майли, баҳтли аёл, деб,  
Зор-зорларнинг кори учун туғилган...

Чорикорми, мардикорми аёллар?!  
Танин сотган тарки орми аёллар?!  
Ташландиқми, хор-у зорми аёллар?! -  
Шундайларнинг ори учун туғилган...

Боқишилари сирлигина, сиргина,  
Жозибаси нурлигина, нургина...  
Гавҳарим у! Ватан деган биргина -  
Биргинага дори учун туғилган...

4. 08. 2003.

## ЁР-ЁР

Авж-авжига бадкорлик  
Чиқмиш жуда, ёр-ёр.  
Ёлгон ила маккорлик  
Бўлмиш қуда, ёр-ёр.

Юртни босмиш кўпкари  
Тараллоси, ёр-ёр.  
Келинчакнинг сеплари  
Юрт тиллоси, ёр-ёр.

Тўйхонанинг тўрида  
Навохўрлар, ёр-ёр.  
Куёвтўра тўнида  
Жавоҳирлар, ёр-ёр.

Эл ёмон-у топгани  
Яхши эмиш, ёр-ёр.  
Тўйчилар-чи, ўлканинг  
Нақши эмиш, ёр-ёр.

Кўнглин, улар иргишилаб,  
Чоғ қилмоқда, ёр-ёр.  
Эл уларни қарғишилаб,  
Оқ қилмоқда, ёр-ёр.

Бу дабдаба, бу савлат  
Чўкар бир кун, ёр-ёр.  
Оқ қилинган қай сумбат  
Кўкардийкин, ёр-ёр...

4. 08. 2003.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Сизга, кам, дейдилар, «муттаҳам» сўзи,  
Сизга, кам, дейдилар, «манфур», «мунофик»...  
Тепкилаб, бошларда турволса ўзи,  
Айтинг, бундайларга қай сўз мувофиқ?  
Сиз кимсиз?

Сизга, кам, дейдилар, «иблис» каломи,  
Хатто ундейларга бермишсиз сабоқ.  
Бошларга ёғдириб не кур балони,  
Ажаб, айтармишсиз ўзни яна оқ.  
Сиз кимсиз?

Бошга лойик Ватан тушди оёққа:  
Суллоҳдай ямламай ютарсиз борин.  
Бир сиз кўрингайсиз, боқмай қаёққа,  
Сиздан бўлак яна борми ағёrim?!  
Сиз кимсиз?

Аён-ку муаррих қандай ёзмоғи  
Ватаннинг гирёна, бу ўксик пайтин...

Аён-ку сураткаш қандай чизмоғи...  
Келинг, эр бўлсангиз, ўзингиз айтинг:  
Сиз кимсиз?

4. 08. 2003.

x x x  
x

Бир мунис бор, бир дилкаш бор, бир моҳир бор,  
Юрагимнинг туб-тубида жавоҳир бор.

Менинг ўшал ноёбимга жоним фидо,  
Ёлғизимга, офтобимга жоним фидо.

Сўлсам ҳамки, уни яшноқ кўрсам, дейман,  
Бўла қолсин фақат ўша хурсанд, дейман.

Лекин унинг қузғулардан бағри пора,  
Ўқсиклардан, зуғмлардан бағри пора.

Уни тортиқ этган эди онам, отам,  
Хор айлашди...

Аlam мени ер дафъатан...

О, у – Ватан,

О, у – Ватан,

О, у – Ватан!..

4. 08. 2003.

x x x  
x

Сенинг сочинг оқартирган ғам  
Қаро этди менинг оламим.  
Эвоҳ, дастим қисқа бўлса ҳам,  
Ғаддорингга узун аламим,  
Онажон!

Ғам гуркираб борар кунма-кун,  
Ажаб, улус кўрни сайларми?!  
Не тамойил, бу қандай жунун,  
Онани ҳам зўрлагайларми,  
Онажон?!

О, кўзингда, қаро кўзингда  
Мунг бозори... Бахтлар мозори...  
Эвоҳ, яна мажрух кўксингда  
Минг-минглар... Йўқ, милёнлар зори,  
Онажон!

Яниб ғамни яшнатганларни,  
Тош отганга дод отсам, дейман.  
Бу ғамларда тош қотганларни  
Йифлаб-ийфлаб уйғотсам, дейман,  
Онажон-Ватан!

4. 08. 2003.

## ЯНА САРОЙ ШОИРЛАРИГА

Сиз шон-у шухратга кўнгил тутибсиз,  
Сиз баҳт-у қувончни сингил тутибсиз,  
Сиз мушкул ҳаётни енгил тутибсиз,  
Сизнинг оламларга сиғармидик биз?!

Күзга бало билиб юлғични, бадни,  
Үюм-уюм бўлса оҳимиз матни,  
Англай олмасангиз биз битган хатни,  
Сизнинг оламларга сиғармидиқ биз?!

Эл-у улус битта. Дардимиз бўлак.  
Сизга торлик қилар биз юрар йўлак.  
Лахта қонлардан доғ биз киймиш кўйлак,  
Сизнинг оламларга сиғармидиқ биз?!

Бизлар етти ёт, о, бизлар бегона...  
Бизга андуҳ – доя, изтироб – она,  
Эзгин-эзгин куйлар бўлиб дугона,  
Сизнинг оламларга сиғармидиқ биз?!

Беёғду дилларга ёрликлар ила,  
Зорларнинг баҳтига зорликлар ила,  
Оташда қовурдоқ борлиқлар ила  
Сизнинг оламларга сиғармидиқ биз?!

О, бизнинг бу олам жўшқиндан-жўшқин,  
Биз ёқда кўрарлар рост сўзнинг кўшкин,

Ёлғон оламларга хайрким-хўшким,  
Сизнинг оламларга сиғармидиқ биз?!

Бизнинг оламларга сиғармисиз сиз?!

4. 08. 2003.

## **БИР АМАЛДОРГА ДЕГАНЛАРИМ**

Менинг сиздай яшагим келмас,  
Чувалчангни наҳангшоҳ атаб,  
Ситамгарни шаҳаншоҳ атаб...

Менинг сиздай яшагим келмас,  
Азиз бошни ёлғонга букиб,  
Темир-терсақ, унвонга бўкиб...

Менинг сиздай яшагим келмас  
Кимларгадир сўқтириб падар,  
Орим баланд осмонлар қадар...

Ҳақни кўриб, деёлсам: «Ҳақсан!..»  
Эл кўзига доим тик боқсам...  
Менинг шундай яшагим келар...

4. 08. 2003.

x x x  
x

О, не күргилик бу: майдонлар түлин...  
Қадр сотиш учун турсалар...  
... Сенинг күз олдингда, кишанлаб қўлинг,  
Ёсдиқдошинг ечинтирсалар...

... Ажаб, чапин ўйса ўнгда турган кўз...  
Бу – қай иблис ижоди – иллат?!  
Шундок бўлгач, «биз...» – деб керилма, улус,  
... Биз – халқ эмас...  
Биз – эмас миллат...

8. 08. 2003.

x x x  
x

Бахт, дегани юрар адашиб:  
Фозилгамас, фосихга борар.  
Кун, дегани тунларни ташиб,  
Низомини бузиб юборар.

Нурни соя этар асира,  
Мен бу ҳолдан ҳайрона, караҳт...  
... Кўз кўярар-у қўл етмас сира,  
Уфқдаги шафақ каби бахт...

Жоним Ватан, ёниб кетяпман...

8. 08. 2003.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Сизга не ҳаддим бор? Айламанг фараз,  
Миттигина барглар, бўлинг хотиржам.  
Келиб-келиб сиздан қиласми араз,  
Бўла олмади, деб, шулар ботирчам?!

Гарчи гадосиман юртфидоликнинг,  
Сиздан фидоликни қандоқ сўрайин?! -  
Топмоқ мушкул бўлса мард нидоликни,  
Топмоқ осон бўлса қўрқоқлик рапийин...

Ҳар кун муъжизавий кутиб хабарлар,  
Дераза олдида турсам мен караҳт,  
Сиз эмас, сиз эмас, жонсарак барглар,  
Кайфим кемирмоқда чириган дараҳт...

16. 09. 2003.

х х х

х

Мен беморман.  
Тасалли керак:  
«Куртаклар уйғонди» деган тасалли,  
«Юраклар тұлғонди» деган тасалли...

Мен беморман.  
Тасалли керак:  
«Тутам ел бўронга айланди» деган,  
«Сукунат суронга айланди» деган...

Мен беморман.  
Тасалли керак,  
Яъни ҳар гўшадан чиққан журъатлар,  
Тўмарис келбатлар, Широқ келбатлар...

Йўқса, бу хасталик тузалмай ўтар,  
Йўқса, оёқларим узалмай кетар,  
Йўқса, очиқ кетар очиқ кўзларим...

Унда кетарман-ку халқи йўқ каби...

16. 09. 2003.

х х х

х

Эл роҳат кўрмайин, на роҳат кўрдим,  
Ғамнинг сарҳадларин бесарҳад кўрдим,  
Умр битикларин мунглуг хат кўрдим,  
Худойим!

Тарқоқлик уруғи унгандан унди,  
«Ўзи бек» деганинг англашим энди,  
Бошга ғам, кўксимга ўқинчлар инди,  
Худойим!

Эл кўзи жиққа ёш.. Эл кўкси яғир...  
Нега сас чиқармас бу халқ – қонбағир?  
Андуҳ эмас, унга баҳт тансиқ ахир,  
Худойим!

Ичи моғор, ялт-юлт сиртдан уялдим,  
Сўздаги ясама бурддан уялдим,  
Элдан кўтарилиган қутдан уялдим,  
Худойим!

Наҳот гул аталиб, гулсиз юргайман?!  
Наҳот кеча-кундуз охлар ургайман?!  
Наҳот гўримда ҳам тикка тургайман,  
Худойим?!

16. 09. 2003.

x x x  
x

Нафис най навоси тўқиган ғазал,  
Қўйни-қўнжи тўқис, камоли тўқис,  
Ҳусни ҳам, ақли ҳам етилган гўзал -  
Бальзак аёлларин эслатади КУЗ...

20. 10. 2003.

x x x  
x

Қайда қолди кўнглимнинг  
Ман-ман деган чўққиси?  
Ўзимнинг ўзимга саволим  
Чўққиларим бор эди тўқис...  
Энди эса... Минг бор уринмай,  
Чор-атрофим турар теп-текис,  
Чўққиларим қолди кўринмай.

Оқиб ётар ҳасрат дарёси,  
Мен улардан чиқолмай ҳалак.  
Ўйламангки: қувонч шарроси,  
Сув эмас, мунг тўкар чархпалак.

Чўққиларга интиқ, толибман,  
Излагайман фарёдлар тўкиб.  
Ё кўрмасман, жарда қолиб ман,  
Ё чўққилар кетишган чўкиб...

Изтироблар – мисоли булоқ,  
Оҳлар эгиз, фарёдлар эгиз...  
... Сахроларга тутганча қулоқ,  
Ўзбекистон турар теп-текис....

2. 11. 2003.

## ЯНА КУЗ ҲАҚИДА

Табассумдан холи, викордан холи,  
Атроф руҳияти шикаста, майиб.

Куз – янги бўшанган аёл мисоли,  
Чўзилиб ётибди беҳол, сарғайиб...

Бошидан ёғади ёмғир майдалаб,  
Эзилган кайфини эзгувдай багттар.  
Ҳидларин шамолга топширмиш алаф,  
Қайда қолди ғуллар атри муаттар?!

Дарахтлар туришар шийдам, низоли,  
Бузилиб қолгандай гўё ораси.  
КУЗ – янги бўшанган аёл мисоли,  
Ўлик туғилгандай жигарпораси...

3. 11. 2003.

х х х  
х

Бўй-бўй қизга кўзёш – сеп...  
Ёш йигитга зиндан – эп...  
... Онам мени туққанми  
«Мушфиқ элга куйгил...» – деб?!

«Дод» тайёрdir босмоққа,  
Дор тайёрdir осмоққа...  
... Қалам менга текканми  
Фақат ғамни ёзмоққа?!

Доим дучман шўришга,  
Бўлинишга, бўлишга...  
... Берилганми бу умрим  
Халқни дилхун кўришга?!

Халқим – жонгинам онам,  
Рўшноликка бегонам,  
Ташлади-ку мени еб  
Оҳинг – қашқир ҳамхонам...

Тузуми – бузук-бузук...  
Чизиги – узук-узук...  
... Халқим, қуриб, қоқсуяк  
Қўлларим сенга чўзиқ...

18. 11. 2003.

х х х  
х

Далага пахтамас, дард экар халқим,  
Тўрт фасл чекинмас дард чекар халқим,  
Маошига дашном, дўқ тегар халқим,

Яна нималарни кутарсан?!

Дийдираб келди-ку кузагинг, онам,  
Танангга ёймиш у сўзагин, онам,  
Ўзингники узар ўзагинг, онам,  
Яна нималарни кутарсан?!

Ёлғизим, заҳматлар ичра қолганим,  
Талонлар, қаҳатлар ичра қолганим,  
Оқибат – лаҳатлар ичра қолганим,  
Яна нималарни кутарсан?!

Шамоллар томингга булутлар сурмиш,  
Бахтинг куртакларин совуклар урмиш,  
Ҳатто юзин сендан Аллоҳ ҳам бурмиш,  
Яна нималарни кутарсан?!

18. 11. 2003.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

«Қайтар дунё...» – деманг, боғламанг қўлин,  
Бўғманг ҳам бўғзини, чатнаб аламдан.  
Йўқ, сиз бу маҳлуқقا тутқизманг ўлим,  
Осон кетмасин у ёруғ оламдан.

Элтиб дор тагига, олмангиз жонин,  
Тўппонча тираманг пешонасига.  
Фақат ташлаб қўйинг, қайнатиб қонин,  
Хайвонот боғининг бир хонасига...

У ердан узилмас, зеро, қадамлар,  
У ердаги ўлим – узун ва руҳан...  
Тупуриб ўтса бас унга одамлар,  
Тупургани каби қавмига у ҳам...

Панжарага уриб, қонатсин қўлин,  
Тишин ғижирлатсин минг бир аламдан...  
... Йўқ, сиз бу маҳлуқقا тутқизманг ўлим,  
Осон кетмасин у ёруғ оламдан...

18. 11. 2003.

x x x  
x

Куёши тутилган юрт,  
Нурлари ютилган юрт...

Во ажабо, бу юртда  
Иймон-эътиқод унут.

Дарёси қуриган эл,  
Ёш-қари ҳориган эл...  
Во ажабо, ғам қолиб,  
Иқболи ариган эл...

Пахтаси момиқ Ватан...  
Супраси қуруқ Ватан...  
Во ажабо, халқининг  
Кўзлари юмуқ Ватан...

20. 11. 2003.

x x x  
x

Совун кўпиклари ялтирап гўзал...  
Совун кўпиклари товланар хим-ҳим...  
Лекин ким кўрмишдир азалдан-азал  
Бундай гўзалликнинг қадри-ю нарҳин?!

Оҳ, мени ўртайди, ёшларим тўкиб,  
Бой бергани ҳолда ҳуқуқин-ҳаққин,  
Кўпик ёлқинига кўзларин тикиб,  
Кўпик жилвасига ишонган халқим...

20. 11. 2003.

x x x  
x

Қарасанг, азиз дўстим,  
Аъмоли остин-устун...

Кўй етови – бўрида,  
Ўғрилар юрт тўрида...

Ботирлари қўлсиздир,  
Йўлбошчиси йўлсиздир...

Фикратида йўқ сумбат,  
Тўраси пулга уммат...

Шоирлари соқов-лол,  
Бичилгандир, эҳтимол...

Қадри чақа илмнинг,  
Тили кесик тилимнинг...

Зиндонбанд дин-у иймон,  
Ёлғон десам, осийман.

Қаерда бор бундай юрт? -  
Йүқолган барака-кут...

Зулм етди ҳалқумга,  
Сиғмагай у талқинга...

Сабр тугаб бўлмиш-ку,  
Ўзига хос йўлмиш бу...

Шунаقا, азиз дўстим,  
Аъмоли остин-устун...

20. 11. 2003.

## ЎЗИМГА ДЕГАНЛАРИМ

Сен пулга ишонма. Пулнинг сероби  
Бир кун қотилга ҳам қолгай айланиб.

Тортлиб ўшанда бойлик суроби,  
Ўлтиргайсан тақдирни яниб...

Мақтовга ишонма. Мақтаб беармон,  
Қабрга тиқарлар сени олдинроқ.  
Ўйламагил, рутба бўлгай, деб, дармон,  
У ҳам эрур надомат, ингроқ...

О, ўшал надомат кунлар олдида  
Ташлагай ҳаттоқи илонлар ҳам пўст...  
Бу «синов» аталмиш қайноқ водида  
Топгил иймон,

Топгил ҳалол дўст...

20. 11. 2003.

## ИНТУИЦИЯ

Таталарди ични ит,  
Этганича тамом хит,

Зарра қолмовди умид  
Кўнглимнинг бир четида.

Ногоҳ шафақ ройини,

Сербулут тун ойини,  
Сездим умид жойини

Күнглимининг бир четида.

Бир инқилоб, бир отқин  
Доим бўлмагай тутқун,  
Аланга олгай учқун  
Кўнглимининг бир четида.

Тугаб мунгли боқишлиар,  
Бу Ватанни оғушлар  
Пайдо бўлган оққушлар  
Юртимнинг бир четида...

Иншооллоҳ...

21. 11. 2003.

## ИЛҲОМ

Кифоя этгандай пуфлашнинг ўзи  
Ўргимчак тўрининг сўкилмоғига,  
Қокиёт укпари бир зумда тўзиб,  
Симдаги томчилар тўқилмоғига, -  
Мен ҳам илҳом билан турганда якка,  
Бўла олмоқ учун шеърга доя,  
Симдаги томчидай турган юракка  
Бир нигоҳ,  
бир оҳанг,  
бир сўз кифоя...

21. 11. 2003.

x x x  
x

Элларга сочили элатим,  
Қашшоқлик, жоҳиллик – иллатим...  
Ўзлигинг қолгайми, миллатим?! -  
Йиглайман,  
Йиглайман...

Ақллар – не алплар кетмоқда,  
Чидолмас пок қалблар кетмоқда,  
Тўп-тўплар, саф-сафлар кетмоқда...  
Йиглайман,  
Йиглайман...

Қолганлар: «Биз зўрмиз...» – дейишар...  
Қолганлар бир-бирин ейишар...  
Қолганлар исъёнин тийишар...  
Йиглайман,  
Йиглайман...  
Бу миллат бунча қад буккан-а...

Бу иллат қаёқдан теккан-а?!

Күзёш ҳам соб бўлмас экан-а... -

Йифлайман,

Йифлайман,

Йифлайман...

24. 11. 2003.

## МАҚТАЙДИЛАР

Гадойлари сероб,  
Эл-улуси хароб,

Уламоси туроб... -  
Шоҳин мақтайдилар...

Гўдаклари чиллак,  
Қозилари туллак,  
Миршаблари лак-лак... -  
Шоҳин мақтайдилар...

Уруғ-аймоқ юрти,  
Зулм-қийноқ юрти,  
Ҳибс-қамоқ юрти... -  
Шоҳин мақтайдилар...

Тўрт томонда таъкиб...  
Бўлсалар-да воқиф,  
Сўлаклари оқиб,  
Шоҳин мақтайдилар...

Юртда халол нафас  
Бўлса бўлсин абас,  
Унвон берилса бас, -  
Шоҳин мақтайдилар...

25. 11. 2003.

x x x  
x

Кўз очдим...  
Кўрганим – қаровсиз сўқмоқ...  
Фақат мушкулларда ўсиб-улғайдим...  
Ақл-у хушим таниб: «Нечун мен уйғоқ  
Элга қиз эмасман?!» – дея мунғайдим...  
Ҳамон қанотини ёзолмайди СўЗ,  
Юлинар-топталар ҳамон гул-майсам...  
Сиз айбга буюрманг, ҳамон: «Очиқкўз

Элга қиз эмасман...» – дея мунғайсам...

26. 11. 2003.

Х Х Х

Х

Кўриб орзуларни қатл дорида,  
Увол умидларнинг тутдим мотамин,

Бир тўп қароқчилар ихтиёрида  
Талон бўлар экан азиз Ватаним.

Эй доно, айт менга, садағанг кетай,  
Аввал узатгил-да юракдоридан,  
Айтгил, қутқариш-чун Ватани, нетай,  
Бир тўп қароқчилар ихтиёридан?

27. 11. 2003.

Х Х Х

Х

*Тошкентдаги феврал портлашларида Муҳаммад Солиҳни айблаб кўрсатма берган, 10 йил озодликдан маҳрум этилган Зайниддин Асқаров 2003 йилнинг 27-ноябр куни хорижий радиолар – «Америка овози», «Би-Би-Си», «Озодлик» орқали ўз халқидан, Муҳаммад Солиҳдан кечирим сўради...*

Узр сўраш, кечирим сўраш  
гўзал бўлармикин шунчалар,  
шунчалар ҳам оҳанграболи...  
Чироқли,  
мароқли,  
фараҳли -  
севинч ёшин оқиши қадар...

Узр сўраш, кечирим сўраш  
бўлармикин шунча шифобахш...  
Жондан кечиб айтди ул маҳбус...  
Бу – байрам...

Бу – байрам...  
Бу – байрам... -  
Йиқилгандай бирдан жами ёв,  
кутилмаган мўъжиза бўлиб,  
от мингандай чўлдаги яёв...

Узр сўраш, кечирим сўраш  
Бўлармикин шунчалар буюк,  
Интиқ-интиқ юраклар учун...

Бу – нолон...  
Бу – иймон...  
Бу – исъён...

Бу – учқуни тансиқ ёлқиннинг...  
Улуг кунлар арафасида  
Покланиши шудир халқимнинг...

28. 11. 2003.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

«Номи қуриб кетсин!» – айлаб тавалло,  
Юракларнинг оқар фатоси.  
Сен ким? – бошимизга келган бир бало...  
Сен – онангнинг улкан хатоси...

28. 11. 2003.

## УЧЛИКЛАР

1.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Ўз қонунинг, ўз йўлинг тузиб,  
Хаммаёқни ташладинг бузиб...  
Қийин-қийин, бизларга қийин...

2.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

«Халқимни севаман», – дегандим шодон,  
Лекин сен саноққа кирмассан, нодон...  
Ахир ким иблисни одам ҳисоблар?!

3.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Шўринг қурсин...  
Бесабр, гирён,  
Аксарият бир тан-у бир жон  
Сенинг хотимангни кутарлар...

28. 11. 2003.

4.

Ингранар, ўртанаr хазонрез фасл,  
Уни соғинтираr баҳорий васл...  
Мен ҳам худди шундай... Мен ҳам худди шу...

5.

(«Сиз... Сен... В...» түркүмидан)

Номингни тилимга олмасман,  
Номингни шеъримга солмасман,  
Таҳоратим бузилмасин, деб...

29. 11. 2003.

x x x  
x

Тўқис бўлгай булуллар  
Шаррос бўлиб, сел бўлиб.  
Тўқис бўлгай умидлар  
Бўронларга эл бўлиб.

Тўқис бўлгай дастхатлар,  
Ола берса машқини.  
Тил топишгай масҳадлар,  
Жиловланса тошқини.

О, бу миллат!.. Эвоҳ, биз  
Қачон бўлгаймиз тўқис?!

29. 11. 2003.

**2004**

БЕКАТМАНМИ МЕН, ОНА,  
ФАМЛАР МЕНДА ТЎХТАЙДИ.

## ПОРТЛАШЛАРДАН ВАЙРОНА ДАМЛАР МЕНДА ТҮХТАЙДИ...

х х х  
х

Бирма-бир, бирма-бир  
сүзимни таъқиблар шухратга жазман,  
шафқатни билмас...  
Барибир, барибир  
мен қор остидаги майса эмасман,  
эгилгим келмас.

Бирма-бир, бирма-бир  
кор сўйлар бесамар қажлик ҳакида:  
«Буни дерлар «қиши».  
... Барибир, барибир  
Менга ёт  
жимгина,  
қорнинг тагида  
баҳорни кутиш...

24. 07. 2004.

х х х  
х

Мен сени қалбимга қўйганман, девдим,  
Мен сени қалбимга ўйганман, девдим,  
Янглишган эканман, онажон.

Ойнага боқаркан, кашф этиб бирдан,  
Ўзим ҳам ҳайрона, лол қолдим бир дам:  
Юзимда сен бўлдинг намоён...

Сарғайган ранг-рўйим, ажинларимда,  
Ажинки, устма-уст саржинларимда  
Сен ўзинг, сен ўзинг...

Оқарган киприклар, тўкилган қошлиар,  
Алданган бокира умид-бардошлар -  
Сен ўзинг, сен ўзинг...

Косасига чўкиб бўлган кўзларда,  
Лиммо-лим хасратга тўлган кўзларда  
Сен ўзинг, сен ўзинг...

Чехра ҳам шунчалар бўларми мазлум?!

Сенга истибодлар бўлдими мазмун,  
О, Ватан, хорланган, хўрланган Ватан?!

24. 07. 2004.

х х х  
х

Кезсанг овул-қишлоқни,  
Қакроқ дала-ёбон күп.  
Берсанг бирон сүрекни,  
Сукут сақлар забон күп.

Тинмаса ҳам эрта-кеч,  
Бири икки бўлмас ҳеч,  
Армони эса ғиж-ғиж,  
Қозонида ёвғон күп...

Йўл етаги эгрида,  
Кўзи тўймас ўғрида,  
Во ажабо, теграда  
Сени отар камон күп...

Зиёли ин-инида,  
Чин қолмаган чинида,  
Қиличлари қинида,  
Эл кўзизда армон күп...

Минбарларда сайрайди,  
Элни мудом аврайди,  
Сайраб, ўзи яйрайди,  
Йўлбошчида ёлғон күп,  
Йўлда эса афғон күп...  
Армон күп...  
Нолон күп...

25. 07. 2004.

х х х  
х

Фақат сен, фақат сен, фақат сен – дардим,  
Оҳларинг билан...

Иссиқ бўйгинангни кўрмоқ истардим  
Боридан баланд.

Бахтингни қўмсарди – нурамас бахтинг  
Бу камсўз қалам.  
Мунғайиб, ўксиниб кўзимга боқдинг,  
Боқарди алам...

Сен талон...

Мен шундан ғамга манзилгох,  
Таъқиқ сатрман...  
Ватан, шу лаҳзада билармисан, ох,  
Үлаётирман...

1. 08. 2004.

x x x  
x

Йўлим жуда кетди торайиб  
марди майдонсиз,  
аҳли иймонсиз,  
шахдам забонсиз...  
Ва яна -  
курмаклар боис,  
ҳадеб қопаверар кўпраклар боис...

Йўлим жуда кетди кенгайиб  
ёлғонлар билан,  
армонлар билан,  
нолонлар билан...  
Ва яна -  
тулликлар билан,  
бизлар ҳеч кутмаган қулликлар билан...

1. 08. 2004.

x x x  
x

Сочлари пахмайган...  
Қўйлаги йиртиқ...  
Холсиз кетиб борар оппоқ ҲАҚИҚАТ.  
Бошин эгиб,  
мени ҳаммадан ортиқ  
Гирён этиб борар оппоқ ҲАҚИҚАТ.  
Унга изн бермай,

у эди толе,  
Иблисга бердилар унинг жойин ҳам.  
Кучим кошки етса...  
Тутмай уволи,  
Кетяпти, изидан чопа қол, болам!

03. 08. 2004.

## **ҚОФИЯБОЗЛИК**

Халқим – етим,  
Ёшли – хатим,  
Қора – отим,  
Художон!

Хурлик – эълон,  
Халқим – нолон,  
Умри – талон,  
Художон!

Халқим – хор-зор,  
Тошди озор,  
Кўксим – мозор,  
Художон!

Халқим – қирғин,  
Совуқ – турғун,  
Қуёш – сургун,  
Художон!

Ғам – фавора,  
Мен – дилпора,  
Мен – бечора,  
Художон!

3. 08. 2004.

х х х  
х

Ҳаётимнинг гул кузагида  
Мени янчар хаёллар – беор.  
Бу зах кунлар елвизагида  
Бўлиб қолди халқимиз bemor.

Унга энди орзудир сароб,  
Дўзахини атайди жаннат...  
Уни бунча айлади хароб  
Қай гўрдаги иблисий «санъат»?

3. 08. 2004.

х х х  
х

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Унга керак итоаткор,  
Менга эса – шижааткор...

Унга – олтин, ҳашам, шухрат...  
Менга эса – бундан ҳайрат...

Унга – йўлнинг текислиги,  
Менга – элнинг тўқислиги...

Унга – эркнинг жиловлари,  
Менга – хурлик сийловлари...

Ана шундай у ила мен,  
Тун ва кундай у ила мен...

4. 08. 2004.

x x x  
x

Сени чизиб юрибман, Ватан,  
бўзчи билганини тўқиган каби.

... Сурат чиқаверар  
кўзлари қизил,

кўл-оёғи боғлиқ,  
тишланган лаби...

... Сени чизиб юрибман, Ватан,  
ўзим истамаган, сезмаган ҳолда  
уйилган қовоғим,  
таранг қош ила...

Оппоқ қоғозимга мўйқалам эмас,  
кўксимга қадалган харсангтош ила...

Тош ҳам йиғлар экан. Мен энди билдим...

4. 08. 2004.

## МЕНИНГ ДАРАХТИМ

Мунажжимлар очиб фол,  
Мени алдашар алҳол.

Мосмас менга бу тақдим,  
Олма эмас дарахтим.

Кўриб қўйинг, ҳалойик,  
Хув ана, сочи ёйик,

Сув бўйига экилган,  
Ғамдан боши эгилган,  
Гуллари ҳам сап-сарик,  
Вужуди тўла оғрик,  
Кўриб теграда макр,  
Кўриб юракларни кир,  
Тутиб туради мотам,  
У – менинг ўзим, зотан...  
Эй мунажжим, билиб ол:  
Дараҳтим-ку мажнунтол...

4. 08. 2004.

## САВОЛЛАР

(парча)

Бахт ўрнига кезса мусибат,  
Кунлар ўтса қаро кийиниб,  
Маънавият бўйи бўлса бад,  
Ва бўлмаса ҳатто куйиниб,  
Халолликнинг жойи қисқариб,  
Тунаш бўлса барча қасб-у кор,  
Истеъододлар муте ва ғариф,  
Фидоликнинг ҳиммати бекор,  
Умид шаъми тугаса тамом,  
Бу – не макон, бу – қандай замон?

Кимда иймон, фазл-у камолот,  
Юрагининг оғриги – миллат,  
Кимга душман саҳв-у сафолот,  
Ҳаётининг ёрлиги – миллат... -  
Қон қусмоқка этилса дучор,  
Ҳукм қаттол ва қатъий бўлса,  
Ва кимдаки Ватан оҳи бор,  
Унга таҳқир одатий бўлса,  
Титроқ кунлар узундан-узун... -  
Бу – не хилқат, бу – қандай тузум?..

4. 08. 2004.

## ТАШХИС

Портлатишди...  
Беркинди қотил...

Бегуноҳни осиши дорга...  
Гувоҳликка ўтганди ботил,  
Қолган эди хукм ғаддорга...

«Бу – ноҳақлиқ», – деганди қай ким,  
У ҳам зумда этилди гумдон...  
Энди ҳамма – ола-кула, жим...  
Энди ҳамма – бесар, безабон...

Умидсизлик эгаллаб ярмин,  
Қолган ярмин босиб қўрқоқлик,  
Юракларга қуриб олди ин  
Олазарак, олакуроқлик...

Қон қусмоқда шу боис Ватан...

5. 08. 2004.

x x x  
x

Бекатманми мен, она,  
Ғамлар менда тўхтайди.  
Портлашлардан вайрона  
Дамлар менда тўхтайди.

Кунлар юпун куздаги,  
Унлар унсиз сўздаги,  
Қаро-қаро кўздаги  
Намлар менда тўхтайди.

Захар-закқум ошида,  
Сузса бўлар ёшида,  
Ваҳший булут бошида  
Жамлар менда тўхтайди.

Қўксим Ватанга тўла,  
Оҳлари мўлдан-мўл-а...  
Шу Ватанини бир йўла  
Ямлар менда тўхтайди...

5. 08. 2004.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Хали у бўлгайдир ғаройиб китоб,

Айланиб бешафқат ғам меъморига.  
Ғиштлар термоқда-ку ҳозирда шитоб  
Кора хотиралар пойдеворига...

5. 08. 2004.

X X X  
X

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Алдов... ёлғон... қон... вабо...  
Йүқ-йүқ, булар йўлмас-ку...  
Одамми у?  
Ажабо,  
Одам бундай бўлмас-ку...

5. 08. 2004.

## **ТАРЖИМАИ ҲОЛНИНГ САВОЛ-ЖАВОБЛАРИ**

- Туғилганинг қайси бир маскан?
- Ватан.
- Касби нима? Ким эрур отанг?
- Ватан.
- Ким сен учун бошсилар, хотам?
- Ватан.
- Ҳеш-акрабо бор эрур, зотан?
- Ватан.
- Хаёлларинг чирмашган маҳзан?
- Ватан.
- Қай кемтиқдан кўзингда мотам?
- Ватан.
- Хуллас, сенга бўлмиш жон-у тан...
- Ватан!

6. 08. 2004.

X X X  
X

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Ёздирмай қаламни,  
Сўзлатмай тилни,  
Ўлдириб бўлди-ку ўн олти йилни...  
Яна нималарни истаркин?

## САВОЛ-ЖАВОБ

- Минг хил таъмир безатаркин шаҳарни нечун?
- Юракларнинг вайронасин ниқоблаш учун...

7. 08. 2004.

x x x  
x

Бевақт қўйган ёмғир...  
Ноодатий ёз...  
Чилла қайноғидан маҳрум саратон...  
Кунлар – нари-бери чизилган қофоз,  
Дебочаси бўлиб тураг яра тонг...

Рўшнолик булутга бўшатмиш ўрин,  
Ёздан кутса бўлар қаҳратонларни.  
Кунлар йўқотгандай иймон, гурурин,  
Кунлар йўқотгандай қаҳрамонларни...

Борки шоҳсупада тураг пул, маснад,  
Элдан тамом қувғин руҳи афиға.  
... Авом давралардан тўқилар ҳасрат,  
Авом чойхоналар тўқир латифа...

07. 08. 2004.

## БЕВА ҚИШЛОҚ

Бўйга етган нилуфар қизлар  
Иффатини солар бозорга.  
Эркаклари кетган иш излаб,  
Қишлоқ куни қолмиш озорга.

Бепарво ой...  
Бепарво қуёш...  
Гўё шунда жами «ҳут-ют»лар...  
Оналарнинг кўзларида ёш,  
Елкасида эса – тобутлар...

7. 08. 2004.

x x x  
x

Тутқичсиз дарпарда...  
Хадсиз йиртиқлар...  
Эси йўқ саркарда...  
Бахти тириқлар...

Урчиди муттаҳам,  
Урчир соқчилар...  
Қолган-күтганни хам  
Ўмармоқчила...

Авомми?  
Бесўқмоқ...  
Кўлида кишан...  
Бошида уртўқмоқ,  
Ўлимга нишон...

7. 08. 2004.

x x x  
x

Дўстларим – ғофил тун ағёри – қуёш,  
Ғамдан адо бўлиб сарғайган кузак.  
Дўстларим – мазлума кўзлардаги ёш,  
Уни қуритай, деб эсган елвизак.

Дўстларим – ғам ямлаб, чорак қолган дил,  
Ва бу дил дардига йиғлаган сатр...  
Дўстларим – тераклар, тургувчи адл...  
Шулар шеър ёзишга ундармоқдадир...

8. 08. 2004.

x x x  
x

Қушим, бас қил сайрокни,  
Этолмассан хуш мани.  
Еб ётар зар тупроқни  
Ичдан чикқан душмани.

Юртда ўлган толега  
Билдириб сен таъзия,  
Қушим, аянч ҳолимга  
Йиғлаб айтгил марсия...

5. 08. 2004

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Күзимни юмаман күрмаслик учун...  
Хаёлга киради...  
Уйқуга чўмаман, хаёлдан тўйиб...  
Тушга киради...  
О, қандай бало бу дўзахий сурат?  
Етмасмиди унга  
Бешарм бўлиб  
Кўшк-у равоқларда туриб олгани?!

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)  
Сен кўкка қўтарган йўлни босаман,  
Йўл босганим сари мотам-азаман...  
Уйим ёнбағрида карнай-сурнайлар,  
Мен эса, босилмас шеърлар ёзаман...

8. 08. 2004.

**ҚИЁМАТ ҚОЙИМ**

Ҳаммаёқда остин-устунлик...  
Мувозанат бозори касод...  
Ўз ўрнини жунжикар тунли  
Сумбулага алмашган асад...  
  
«Биз баҳтли», – деб сўзлайди нолон...  
«Биз эркин», – деб сўзлайди маҳбус...  
... «Равнак» дея аталар талон,  
Кутқу тарҳи тузилар маҳсус...  
  
... Ўзимда ҳам тушкунлик ғолиб,  
Юрга тўлган ҳарб-у зарбдан...  
  
... Ой осмонда йўқолиб қолиб,  
Чиқмасайди қуёш ғарбдан...

9. 08. 2004.

x x x  
x

Кун сайин ошмоқда тантиқ нарх-наво,  
Үнгү сүлга боқмай, бамайлихотир...  
Ошаверар кейин ишрат, кайф-сафо...  
Ошаверар қарғиши, дуоибадлар...

Қадр эса...  
Доно, қадри йўқ қадр  
Кўтаролмай бундан эгик бошини,  
Жарлик томон пастлаб, йўқолаётир...  
Йўқолиб кетмоқда умид мусаффо,  
Иймон, ҳаё, фазл – нархи баландлар...  
Кўзин ерга тикиб, уялар Ватан...

10. 08. 2004.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» турқумидан)

Ўн олти йил ўтди...  
... Мен сенга боқиб,  
Жонга теккан нигоҳ,  
Ваъдаси қат-қат,  
Ўзимдаги тоғ-тоғ  
Сабр ва тоқат,  
Бинафшабўй ишонч,  
Гулчирой умид,  
Тугилмаган қувонч -  
Йўргаклари чит -  
Барча-барчасини юбордим ёқиб...  
... Эндиғи йилимга кирмоқ истайман  
Бутунлай сенсиз...

10. 08. 2004.

x x x  
x

**Толиб ЁҚУБга**

Зарур бирон гап йўқ,  
на бирон хабар,  
на тифнинг ёсуман боқиши,  
на кўнгил бўшатиш хоҳиши...

Барыбир  
мен сизга құнғироқ қиласман...  
Зотан,  
йиғлаб турар экан атргул Ватан,  
буюқ ҳимматнинг -  
майдонга тик тушиб,  
Ватан овози  
бүлаётган сиздай камсұқум мәрднинг  
әшитгім келади хуш овозини...

11. 08. 2004.

х х х  
х

Ватан – сарвқомат, гул ҳидли сулув,  
Оппок манглайида гүзәл тиллақош...  
Ватан – нигохларга жозиба, ғулув...  
Шундан юхоларга бүлмоқда талош...

Юлишди тиллақош, узук, зирагин...  
Топталди, тирналди сутдай сийналар...  
Эди у париваш илхом, тирагим,  
Энди чизмоқ бўлиб, сўзлар қийналар...

Ватан – юраги ох, кўзлари оху...  
Питирлар, сақлашга уннаб орини...  
Ватан – тўнғиздан сўнг ит теккан сулув,  
Йиғлаб кутаётир халоскорини...

12. 08. 2004.

х х х  
х

Дараҳтлар илдизсиз...  
Япроқлар рангсиз...  
Атргул очилған...  
  
Ифор унダメас...  
  
Кўшиқлар шеърсиз...  
Куйлар жарангсиз...  
Бу халқ индамайди.  
Бу халқ индамас...  
  
Бебулут осмоннинг йўқолмиш ойи,  
Лекин эшитилмас ҳайратлар «вой»и.

Лаңзалар – беканот...

Кунлар – савдойи...

Бу халқ индамайды.

Бу халқ индамас...

Сўрайман: «Бу кунлар ўнгимми ё туш?»

Сўрайман: «Айтинглар, сизда борми хуш?»

Наҳот тиллар кесик, оғизлар бўм-бўш? -

Бу халқ индамайды.

Бу халқ индамас...

Бу – қай исқирт бало, қай дўзахий хавф?

Борми бу балони эта олгич даф?

Жовдираб қарайман, дўстлар, тўрт тараф:

Бу халқ индамайды.

Бу халқ индамас...

Менинг-да овозим очолмас эшик...

Оғиз жуфтлаганнинг манглайи тешик...

Зотан, ўтсиз ўчоқ, гўдаксиз бешик...

Бу халқ индамайды.

Бу халқ индамас...

Кўтармоқ машаққат бу кунлар юкин,

Умидлар, илинжлар – тупроқдай кукун.

Ҳали бу кунларга ўқилгай хукм,

Ўшанда бўлишгай тиллари бурро...

Астағфурилло!

12. 08. 2004.

Х Х Х

Х

БУГУН хоқон билар, шоҳ билар ўзин,

ЭРТА ўяр ҳали БУГУНнинг кўзин...

14. 08. 2004.

Х Х Х

Х

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

У қон қақшатмаса маъсум адолатни,

Бошга урармидим, воҳ, мен маломатни...

15. 08. 2004.

Х Х Х

Х

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Сен – чирк-губорсан  
ОНГЛАРДАГИ,  
РУХЛАРДАГИ,  
ҲАМИЯТДАГИ,  
ЖАМИЯТДАГИ...

... Ярақлатиб ювиб қўйсайдим, дейман,  
Қатронласам, дейман, ўнг-у сўлимни...  
Ювишни истайман...

... Юволмаяпман...

26. 08. 2004.

x x x  
x

Юк бўлмай ҳеч кимга бўлайин-да соб,  
Зеро, дунё юкин ўзи беҳисоб...

27. 08. 2004.

## 2005

ЯЛПИЗ КУНЛАРИМ ЙЎҚ, БАРИ БУРГАНДАЙ,  
ҚУЁШ ЮРТИМИЗНИ ЁНЛАБ ЮРГАНДАЙ,  
АЛДОВ БИЗДА МУҚИМ МАКОН ҚУРГАНДАЙ,  
СЕН ҲАМ АЛДАРМИСАН, БИРИНЧИ АПРЕЛ?

x x x  
x

Мен тўлдим яқинлар, йироқлар ила,  
Бутун эмас, бағри қуроқлар ила,  
«Бу – не ҳаёт?» – деган сўроқлар ила... -  
Тўкилмасам бўлмас...

Кўзимга зулмнинг тифи қадалди,  
Бўғзимга тош бўлиб йиғи қадалди,  
Юртимнинг бори-ю йўғи қадалди... -  
Тўкилмасам бўлмас...

Томиримда оқар мақтуллар қони,  
Гўрдадир халқимнинг халқлик мақоми,  
Оҳ, унинг устидан кулар ҳоқони... -  
Тўкилмасам бўлмас...

Халқ, деб фақат ўзин англайди боён,  
Яшаса бўлгани угина шоён,  
Зулмин сарҳадига кўринмас поён,  
Тўкилмасам бўлмас.  
Йўқса ўламан...

1. 01. 2005.

х х х

х

Бор-у йўғи таланганди  
Боғлар қоним сўради.  
Ғам устма-уст қаланганди  
Чоғлар умрим ўради.

Шафақлари буталган  
Уфқлардан толиқдим.  
Бахтбоши, деб аталган  
Дарdboшига йўлиқдим.

Бахт нарида ўйнайди,  
Ташлай, демас кўз қириш.  
... Ёзда иссиқ қийнайди,  
Қишда эса – изғириш...

2. 01. 2005.

х х х

х

Биз кулишни унутдик, дўстим,  
Булутларнинг кўксин йиртгувдай,

Илонларнинг ташлатиб пўстин,  
Гулдураклар хавас этгувдай -  
Кулишларни унутдик, ҳайҳот!

Биз сўзлашни унутдик, дўстим,  
Киритгувдай сомелар жонин,  
Токи бўлиб ўй остин-устун,  
Кўпиртирас дил ҳаяжонин -  
Сўзлашларни унутдик, ҳайҳот!

Биз яшашни унутдик, дўстим,  
Фақатгина ишлайверамиз,  
Узун этиб қабоҳат дастин,  
Куруқ нонни тишлайверамиз...

Йиғла, йиғла, йиғла, Гулчехра!..

2. 01. 2005.

x x x  
x

Сенмидинг чўққида кўзим тушган гул?  
Сенмидинг нигоҳдан шаҳд учган каклик?  
О, сени йўқотиб қўйгач мен буткул,  
Буткул маъшуқангта айландим, ПОКЛИК!

Тентийман хазонрез йўлларни босиб,  
Жизғинак қуёшда куйиб тентийман.  
Истайман висолинг бўлишин насиб,  
Мен сени соғиниб, суйиб тентийман.

Изимдан қолмайди қоп-қора шарпа,  
Зуғм тўла овоз: «Тўхтагил!» – дейди.  
Илондай вишиллаб, ургудай зарба,  
Захарли вужуд-ла: «Мақтагил!..» – дейди...

Йўқ! Йўқ!! Йўқ!!!  
Эй поклик, сени ўпай, деб,  
Ҳазар қилганимча пачоқ орлардан,  
Висолинг соғиниб, айтарим айтиб,  
Ўтиб бормоқдаман илонзорлардан...

4. 01. 2005.

x x x  
x

Ёлғизоёқ чорбоғ оралаб  
Битта-битта оёқ босаман.

Күйишганди мени яралаб,  
Паймонаси түлган косаман.

Фам янчади фурсат ўғири,  
Уст-бошимга түзон куйилар.  
Турфа қушлар чұғур-чұғури  
Менга фарёд бўлиб туюлар...

Ҳаво намчил... Кўзларим намчил...  
Озод боғда эмасман озод.  
Йўллари паст, нурлари камчил  
Куёшдан-да ўқийман фарёд.

Бас-э, етар, хайр-хўш айтиб  
Дилгир оқшом, дили қон боққа,  
Лозим энди хонамга қайтиб,  
Фарёдларни кўчирмоқ оққа...

4. 01. 2005.

x x x  
x

Чўчиб кетдим, бир лаҳза боқиб:  
Сўзларимнинг боши узра ХУТ...  
Таъкиб, таъкиб, КАТТАКОН ТАЪҚИБ...  
Қачон бўлгай бу кунлар унут?!

Нафратимда баланд ҳарорат,  
Ҳасратимда ҳеч туганмас дуд...  
Умид ғорат... Умидлар ғорат...  
Қачон бўлгай бу кунлар унут?!

Корларини соғинтирар қиши,  
Хурлигини соғинтирар юрт.  
Нигоҳларда вайронা боқиши...  
Қачон бўлгай бу кунлар унут?!

Рухиятда синиш, қонаш, лат...  
Умидсизлик қорачиқларда...  
Қачонгача ўқсиб йиғлар-да,  
Кунлар бокар мискин, хижолат...  
Бўлгаймикин бу кунлар унут?

14. 01. 2005.

x x x  
x

Уят уят бўлмай қолди бу замон,

Ёлғон рост ўрнини айлади ишғол.  
Покни нопок атаб, яхшини – ёмон,  
Зулм юрт тўрида ўлтирас хушҳол.  
  
Бомбалар портлайди... Ортида сирлар...  
Менинг вужудимда нафрат қўпади.  
Бир пайт, халқникиман, деган шоирлар  
Энди зулм пойин сархуш ўпади...

20. 01. 2005.

x x x  
x

Сен – борки хаёлим эгаси,  
Уйқуни йўлатмас нолонсан.  
Дарз кетган умидлар чегаси,  
Сен – менга армонсан, армонсан,  
Озодлик!

Оқ қушим, тоқ қушим, орсан-у  
Талонсан, талонсан, талонсан!  
Оҳ, кундош юлқиган ёрсан-у  
Оҳ, бурни қонаган боламсан,  
Озодлик!

Нурлигим, ёлғизим, муродим,  
Макрга, жодуга йўлабсан.  
Мен сени ҳаммага сўровдим,  
Бир туркум бош узра қўлобсан,  
Озодлик!

Гарчи мен – шунчаки бир ирмоқ...,  
Шунчаки чорловчинг бўлмасман.  
Ўлдирмоқ истарлар, ўлдирмоқ...  
Мен сени кўрмасдан ўлмасман,  
Озодлик!

20. 01. 2005.

x x x  
x

Қоқсуяқ қўлимдан, чарчоқ қўзимдан,  
Зарғалдоқ юзимдан келар ғам ҳиди.  
Ғам ҳиди анқийди айтар сўзимдан,  
Мен – алам шаҳиди, ситам шаҳиди...

Нетай, УЛКАН ЁЛГОН сўраверса қон,  
Хар кунги найранглар этса пажмурда...

... Мен – бошдан-оёги армонман, армон,  
Мен – УЛУФ ХҮРЛИГИН соғинган мурда...

23. 01. 2005.

## ДАРАХТЛАР

Хуқуқсиз дарахтлар, махбус дарахтлар...  
Оёклари кишан... Этолмас қимир...  
Сезилмас забонлар, майллар, шаҳдлар,  
Фарёди пинхона яшар бир умр.

Сукутни танийсан, боксанг афтига,  
Бу – не яратгандан беисъён ижод?  
Фақат олсагина бўрон забтига,  
Синар чоғ қарсиллаб, солишади дод.

Десам, буларда ҳам бор экан-ку тил,  
Солар экан фақат жунбушга қатл...

23. 01. 2005.

x x x  
x

Ажаб, қайси иблис китобларидан  
Ўрганиб улгурдик бузмоққа қонни.  
Мана энди макр гирдобрларидан  
Чиқмоққа йўл бўлсин, бузмай иймонни.  
Оқибат – бетизгин ҳар иш, ҳар йўсин,  
Ҳар тутум тобора қинғирлашмоқда.  
Зиёлилар ночор кўришиб ўзин,  
Чекка-чеккаларда шивирлашмоқда.

Улар қабоҳатга букиб бўлган тиз,  
Улар – ақл эмас, ҳасрат ҳоқони.  
Битта мушт бўлмоққа, очмоққа оғиз  
Кўймайди, кўймайди бузилган қони...

24. 01. 2005.

x x x  
x

Бу дийдаси қотган,  
Нафси хакалак,  
Хаёсин йўқотган,

Рухи чакалак,  
Үмарган рутбасин  
Чангаллаб олган,  
Қанча зар тутмасин,  
Зумда ютолган  
Кимсаларга  
Керак эмас шекилли  
Күкраги ғоз бўлган  
Хақгўй забонлар,  
Ҳаё либос бўлган  
Моҳитобонлар...  
Курмак, дейишмоқда  
Иймон ошиғин.  
Керак, дейишмоқда,  
Катта қошибим...

25. 01. 2005

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Мұхабbatни қандайин тиклай?  
Нафрат дарсларини ўқитдинг...  
Гулларимни бўғдинг тириклай,  
Баҳоримни уриб йиқитдинг.  
  
Ҳайрон бўлма, тутса ўжарлик,  
«Жим!..» – десалар, кирмасам сўзга...  
Боиси – сен яратган жарлик  
Чеккасида мен энди ўзга...

25. 01. 2005.

x x x  
x

Мен мерос истайман аввал ўзимга,  
Кейин тонгдай ўғлим, гулдай қизимга  
Улардай иффатли, покиза Ватан!

26. 01. 2005.

x x x  
x

Вой-вой, бу кимсанинг  
Девори баланд.  
Нега? – деб сўрасанг,  
Қилмиши – талон...

Вой-вой, бу кимсага  
Хамма – гўё ёв.  
Нега? – деб сўрасанг,  
Айтари – алдов...

Вой-вой, бу кимсага  
Соқчилар қалқон.  
Нега? – деб сўрасанг,  
Икки қўли қон...

Вой-вой, бу кимсага  
Йўламас уйқу.  
Нега? – деб сўрасанг,  
Талвасада у...

Вой-вой, бу кимсадан  
Кулажак тақдир.  
Нега? – деб сўрасанг,  
Худоси йўқдир...

26. 01. 2005.

х х х  
х

Бу ким? Менми? Мавжудманми? Келмас ишонгим...  
Узилганим ростга ўхшар она заминдан.  
Увоқ-увоқ тўзган гўё бу жисм-у жоним,  
Бирон нима қолдимикин менга хос мендан?!

Кўча ёлғон... Уйлар ёлғон... Фақат ёлғонлар  
Минбарларда, китобларда, кенг бозорларда...  
Ёлғон экиб, ёлғон ўрап экан боёнлар,  
Мен ўзимни йўқотгандай ёлғонзорларда...

Бу ким? Менми? Мавжудманми? Келмас ишонгим...

27. 01. 2005.

х х х  
х

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

На уят, на надомат...  
Қийратгани – адолат...  
Қилар иши – бузғунлик,  
Бузғунлиқда қизғинлик...  
Бориб турган ялмоғиз,  
Қўймас очишга оғиз...  
Дўзахни жаннат, дейди,  
Мақтовни санъат, дейди...  
Қолганлар оми эмиш,  
Уларга соме эмиш...  
Улкан даҳо – биз, дейди,  
Юксак баҳомиз, дейди...  
Биз хайрона бўлдик-ку,  
Уятлардан ўлдик-ку...

27. 01. 2005.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Чўқтирдинг ишончлар кемасин,  
Ширин умидларга ўт қўйдинг.  
Энди бу қалам не демасин,  
Сўзлари минг чуқур, минг ўйдим...

Тугади умидбахш чаманлик,  
Бугун ҳам, эрта ҳам харобат...  
... Сенда бор савдои ман-манлик,  
Сенда бор савдои жаҳолат...

Бизда-чи... жароҳат, жароҳат...

27. 01. 2005.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Қалампир ташладинг кунларимизга,

Дўзахни бошладинг тунларимизга...  
Кет!

Қуёш, ойимизни ўғирлаб қўйдинг,  
Икки елкамизни яғирлаб қўйдинг...  
Кет!

Одамлар инсофга суялар эди,  
Улар инсофини куялар еди...  
Кет!

Бизни ўн икки ой шилади ғўза,  
Шунча ой биз яна тутармиз рўза...  
Кет!

Ўзингча яратдинг тамойил-тартиб,  
Юпун яктаккача олдинг-ку тортиб...  
Кет!

Ёлғонни сув қилиб ичарсан доим,  
Қолсанг, бошлангувси қиёмат-қойим...

Кет! Кет!! Кет!!!

27. 01. 2005.

x x x  
x

Роҳатижон бўлмоғи лозим  
Кунларимнинг оқарди сочи.  
Қариб кетди ўқтам овозим,  
Қадамимнинг йўқдир қулочи.

Лекин кўнгил... Қаримас кўнгил

Мижжасига қўндиrmас уйқу.  
Эзгулик-ла туtingан сингил,  
Ёвузликни қаритмоқчи у...

Иншооллоҳ...

30. 01. 2005.

x x x  
x

Сўзда кишан... Йўлда кишан... Овозда кишан...  
Исмимдаги гуллардан, оҳ, қолмабди нишон...

30. 01. 2005.

х х х  
х

Ўғирланди ёзнинг гул иси,  
Оқ қишиларнинг ярақлашлари.  
Ўғирланди юзлар кулгуси,  
Нигоҳларнинг чараклашлари.

Ўғирланди меҳрли сўзлар,  
Мулозимат, саломлар ҳатто...  
Етти ётга айландик бизлар.  
О, бу – хато, шайтоний хато!

Гўзал эди, ҳаёлар парда,  
Бир-бировга меҳр тутишлар.  
Урф энди кўча-кўйларда  
Танимасга ўхшаб ўтишлар.

Умидларга ёприлди шира,  
Олувларга айланди қўшув...  
Йиглашингдан наф йўқ, Гулчехра,  
Ўғирланган юртнинг ҳоли шу!

30. 01. 2005.

х х х  
х

Мени кўп алдади саратонда ел,  
Баҳорларда ногоҳ қуйилгувчи сел,  
Ҳаддин билмас бўрон – хўп девонадил,  
Сен ҳам алдармисан, биринчи апрел?!

Умрим не йўлларда қолди, адашди...  
Кўзим ёш... Бахтлисан, дея алдашди...  
Ишон, деб, кўксимга нишон қадашди,  
Сен ҳам алдармисан, биринчи апрел?!

Ялпиз кунларим йўқ, бари бургандай,  
Қуёш юртимизни ёнлаб юргандай,  
Алдов бизда муқим макон қургандай...  
Сен ҳам алдармисан, биринчи апрел?!

Мен чўққиман, дея, чохи алдаса,  
Янгининг эскича роҳи алдаса,  
Гадоси алдаса, шоҳи алдаса,  
Сен ҳам алдармисан, биринчи апрел?!

Нигоҳларнинг кўм-кўқ дашти йўқолди,  
Кўнгилларнинг жўмард шашти йўқолди,  
Косасидан сабр тошли, йўқолди...

Сен ҳам алдармисан, биринчи апрел?!

Чув туширмок сенга – мартаба, шараф,

Күймассан ҳолимга бир бора қараб,

Хатто мозоримни майсага ўраб,

Сен ҳам алдармисан, биринчи апрел?!

30. 01. 2005.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Кўрсатди у ношудликда йирикликни,

Тирик юриб, бузди чунон тириклики...

... Ҳазар қилса керак энди ўликлар ҳам...

23. 02. 2005.

x x x  
x

Бахор, дерлар... Куз кўрдим,

Сариқ-сариқ юз кўрдим.

Дийдираган вужудлар,

Жовдираган кўз кўрдим...

Еганларин ёвғонлар,

Кийганларин бўз кўрдим.

Бахтни чорак, нимчорак,

Балони юз-юз кўрдим.

Ишончларни вайронা,

Кўнгилларни муз кўрдим.

Шеър учун, кўшиқ учун

Йифлаб турган сўз кўрдим.

Боиси – юрт тўрида

Юҳо-ялмоғиз кўрдим...

23. 02. 2005.

x x x  
x

Салом берсам, ғамлар алик олади,  
Үқсиб турган дамлар алик олади.

Порлаб яшнагани боқмагай қиё,  
Тугаётган шамлар алик олади.

Үзим каби кемтик, үзим каби танг,  
Бир дунёси камлар алик олади.

Мумтоз күнгли ярим, зукко умри хор,  
Доно боши хамлар алик олади.

Хор-зор билма, ғофил, Гулчехрани сен,  
Минг-минг күзи намлар алик олади...

23. 02. 2005.

## ТҮРТЛИКЛАР

1.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Дерларки, макр-ла алдаб сен бизни,  
Үзни мақтатишга чунон устасан...

... Номинг тилга олиб, халол оғизни  
Харом айламакни наҳот истасам?!

24. 01. 2005.

2.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Үзин қонуний, деб даъво қиласди  
Қонунларни топтаган зотлар.

... Айтинг, юрга қандай даво қиласди  
Захри қотил тўла сизотлар?!

27. 01. 2005.

3.

Қарашлар хотиржам, мамнун қарашмас...  
Онг караш... Рух караш... Тиллар карашмас...

Эй дүстим, ярадор букунда «ох»ни  
Уй-үйда айтишлар ҳечам ярашмас...

4.

## ҚАБР ТОШИМДАГИ ЁЗУВ

Мункайишлар Гулчехрани ўлдирди,  
Энкайишлар Гулчехрани ўлдирди.  
Бу юртни оёғи остида эзіб,  
Кеккайишлар Гулчехрани ўлдирди...

30. 01. 2005.

5.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Үғри баландлатар ҳавозасини,  
Қават-қават этар дарвозасини...  
«Кошки тезроққина ўқишка, – дейман, -  
Харом кунларининг жанозасини».

18. 02. 2005.

19.

6.

Ватан, бағринг диёнатли, гул маъво бўлсин,  
Ватан, сендан тинглашларим дилнаво бўлсин!

Тилаганим сенга, жоним, бахт-у камолот,  
Сенсиз бахтни орзу этсам, нораво бўлсин!

7.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Билмам, уйқунгизда на туш яшайди?  
Кайфингиз бехушми ё хуш яшайди?  
Аммо билганим шу: ул қўнглингизда  
Вайронани севар бойқуш яшайди...

6. 03. 2005.

8.

Кўнглим бутун эмас. Кўр: синиқлардан...  
Хатто руҳга тўлган нур синиқлардан...  
Мен – зил армонларнинг фарзанди гўё,  
Тугилганман гўё хўрсиниқлардан...

7. 03. 2005.

9.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Устозингиз – мен англамас хис,  
Устозингиз – зарга, шонга хирс...  
Мақсадига борми етганлар,  
Устоз бўлса энг жирканч иблис?!

8. 03. 2005.

10.

Қуёш гул-чечакни хўп хандон этгай,  
Бундан гул ўзини хуш андом этгай.  
Тикони ҳам пайдо... Биз эса беғам...  
Беғамлик ғамни, о, минг чандон этгай...

10. 03. 2005.

11.

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Диёнатнинг қўзларин ўйди,  
Адолатни қўй каби сўйди...

Энди бўлса ваҳмга ем у:  
Гўрин четдан ҳозирлаб қўйди...

11. 03. 2005.

12.

Олис-олисларда бирам ширин турар  
ОЗОДЛИК.  
Ўлаётган бўлсам, аник, тирилтирад  
ОЗОДЛИК!

23. 03. 2005.

13.

Айтармишлар: «Ким ўзи у?»  
На Чотқол, на Хисорман.  
Шу тупроқдан яралган-у  
Шу тупроққа нисорман...

14.

### **БИР ЭРКАК...**

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

«Даҳо ўзимман», – деб мудом уқдирап,  
Даҳо кўрса борми, зумда бўғдирап.  
Ох, уруғи сероб, уруғи сероб:  
У одам ўрнига ФИТНА туғдирап...

15.

Етишаман, деб турганда озодликка, хурликка,  
Кўз тегдими бу тупроққа, кўз тегдими бирликка?  
Хотин-қизлар ҳаёсини этишгандай қатлиом,  
Эрларини бичишгандай... Яролмаслар шерликка...

6. 10. 2005.

16.

Исмим кулар, лекин ичим йиғлайди,  
Эҳтимол сўрарсиз: «Нечун йиғлайди?»  
Кулдор авваллари етти ёт эди,  
Энди ўзимиздан учун йиғлайди...

17.

Ғамлар фақат ғамнокни танлар,  
Янчилади рухим гурзида.  
Андижоннинг қонин тўкканлар

Ўлтиришар ҳамон курсида...

18.

Рауф... Шукур... Озод акамиз...  
Қонмабди-да нафси заминнинг.  
Букун йўқлаб, кўзёш тўқяпмиз  
Буюк инсон – Неъмат Аминни...

22. 10. 2005.

19.

Тулки эркин...  
Лочинларнинг зўри ҳибсда...  
Қарға эркин...  
Булбул билан қумри ҳибсда...  
Гулчехра, сен дафтaringга ёзиб қўй шундоқ:  
“Мўматалоқ бу кунларнинг умри ҳибсда...”

20.

Селлар тезобига келиб урилдим,  
Шумнинг каззобига келиб урилдим...  
Энди қувноқ сўзни қандоқ ҳам топай? -  
Элим азобига келиб урилдим...

8. 12. 2005.

x x x  
x

Осмон ғолиб... Булутлар ғолиб...  
Шамол, ёмғир, сел, ўтлар ғолиб...  
Боқишиди мисли файласуф,  
Мен уларга бир умр толиб...

Лол этади доно фикратлар,  
Оғир-босик феъллар, хикматлар...  
Ҳайратларга тушганим тушган,  
Нечоғ дилкаш бунда сухбатлар.

Тан бераман улар ройига,  
Ҳасратларин тўқмас зоега.  
Кези келса, шахтни шахт ушлаб,  
Исьённи ҳам қўяр жойига...

10. 03. 2005.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

У паст экан...  
Айтишгандай, у паст экан,  
Күттаролмай қолди баланд рутбалар хам...

12. 03. 2005.

x x x  
x

Март дийдирап... Тоқат бўлар тоқ  
Қолдиқ қишининг аҳмоқлигидан.  
Сургим келар атрофга шу чоғ  
Олча гулин оппоқлигидан.

Бас яшамоқ диққинаfasлик,  
Зуғмларни доим кечириб...  
Кетмайдими зиқлик, қафаслик  
Йўқликларнинг бағрида чириб...

Орзу сари боссак-чи оёқ,  
Фараҳларда отсак-чи қулоч...  
Эркин-эркин ўйларга шу чоғ  
Тополмасак наҳотки илож?!?

Қачонгача адолат етим?  
Қачонгача қалтирайди ҳақ?  
Зулмларнинг нимталаб этин,  
Наҳот, наҳот бўлолмасак халқ?!

Биз – нотавон, ожизми шунча?..

12. 03. 2005.

x x x  
x

Шомлар кутдим баҳтимни интиқ,  
Уни кутдим яна сахарлаб...  
Юзи чўтири, ияги тиртиқ  
Ул баҳтимни қўйди заҳарлаб.

Ғам ўйллари равон ҳар доим,  
Равон келмас сира баҳт лекин.

Энди хаёл – машғулот жойим,  
Ёшлар сийлар текиндан-текин.

Оҳи ошкор, умиди йиртиқ  
Махзун онлар эгар бошимни.  
... Юзи чўтири, ияги тиртиқ  
Уволига қолсин ёшимнинг...

12. 03. 2005.

х х х  
х

Бу кун чараклаган чақмоқ сўзлар йўқ,  
Бағри ўт, кўзлари чақноқ сўзлар йўқ.

Уларни бозорга солди шоирлар,  
Сотиб, мансаб, унвон олди шоирлар.

Кунлар шеърсиз қолди, ўлди ҳайратлар,  
Ҳаяжон, эҳтирос, шавқ-у ғайратлар.

Иффат шоҳсупага чорланмас энди,  
Одамлар риёдан орланмас энди.

Уларнинг муттасил нидолари – ПУЛ,  
Танҳо топингувчи худолари – ПУЛ!

Тасаввур ногирон, тафаккур майиб,  
Улкан-улкан қалблар қолмиш пучмайиб...

Оҳким, кўринмайди бирон-бир тирак,  
Оҳким, таназзулдан ҳар ён чирпирак...

Боиси – кўзлари чақноқ сўзлар йўқ,  
Ҳавони софловчи чақмоқ сўзлар йўқ...

22. 03. 2005.

## КАЛТАБИНЛИК

Бечоранинг бор на милтиғи,  
На қиличи, на бирон тифи...  
... Отмоқчи лек ётиб қолгунча...

11. 08. 2005.

х х х  
х

Бўзлар менга ўргатишди  
Сипо либос кийишни.

Кузлар менга ўргатиши  
Дилхунларга күйишни.

Тўлкин мудом емиргувчи  
Киргоқларга кетдик, қалб.  
Муттасил мунг симиргувчи  
Қароқларга кетдик, қалб.

Шулар менга шавкат-у шаън,  
Юрагимга ўтишсин.  
Кунларига яролмаган  
Кунларимга ўт тушсин!

6. 10. 2005.

x x x  
x

Ифор-ифор оқ, қизил  
Атргулга суқим бор.

Фигони тизим-тизим  
Шоҳ булбулга суқим бор.

Суқланаман чақмоқнинг  
Қарс-курс эҳтиросига,  
Нигоҳлари чақноқнинг  
Қилич – ихтиросига.

Энг улкан ёвим – фириб,  
Хайхот, қон силқар қалбман.  
Ўксиман туриб-туриб:  
Қилич бўла олмабман...

6. 10. 2005.

x x x  
x

Оҳ, нечоғ истадим, чиқкувдайин жон,  
Суякларим қирс-қирс кетгувдай синиб:  
Кўз олдимда халқим турсин фаровон,  
Юрайин баҳтидан қувнаб, исиниб.

Сим-сим ёшлар тўкиб, қилдим муножот  
Танҳо мусаввирим – яратганимга:  
«Шу халқим кўнглини айлай қол обод,  
Баҳт бер икки кўзни қаратганимга.

Кетсин манглайнинг лати, қашқаси,  
Ғурур ила боқай озод-ҳуримга...»

... Олий илтижонинг бундан бошқаси  
Сифмас, сифмас шу он тасаввуримга...

6. 10. 2005.

## МУСТАҚИЛЛИК МАРСИЯСИ

1.

Баҳорги лойқа сувлар  
Кузда тиниқ тортгайди,

Рўёб топиб орзулар,  
Янгисига йўртгайди,  
Ёзги узун ёғдулар  
Узун суурп тутгайди,  
Оҳким, умринг қайғулар  
Таъқибидан ортмайди,  
Баҳордай муnis халқим,  
Абгор-у унсиз халқим!

2.

Боқмайин қай фаслингга,  
Сен учун талон чиқди,  
Энг аввало азминнга  
Ўч чиқди, кирон чиқди,  
Дўнавердинг мазлумга,  
Еганинг ёвғон чиқди,  
«Мустақиллик келди», – деб  
Суюндинг, ёлгон чиқди,  
Илони тўп-тўп халқим,  
Иблислари кўп халқим!

3.

Кўпди фитна сипоҳи,  
Беркилди тонг дарчаси,  
Сел бўлди кунлар охи,  
Синди орзу арчаси,  
Йўқолди само моҳи,  
Шамс-у юлдуз – барчаси,  
Бўлди қирғин гувоҳи  
Толиблар шаҳарчаси,  
Орзуси обод халқим,  
Муроди барбод халқим!

4.

Бунгача Ўш, Паркентлар,

Фарғона қон қақшовди,  
Бўка, Ўзган... Зар кентлар  
Зор-у гирён қақшовди,  
Оҳдан солиб жар кентлар,  
Ёши уммон, қақшовди,  
Титраб-титраб ҳар кентлар,  
Ҳар хонумон қақшовди,  
Тун-у қуни дуд халқим,  
Бағри хунолуд халқим!

5.

Булар камдай, шўрлик, сўнг  
«Ур-сурчи»га чиқдингми?  
Маломатнинг, хўрликнинг  
Тик буржига чиқдингми?  
«Эмакла... чоп... кўзни юм...  
Ёт... тур-чи»га чиқдингми?  
Кийдиришиб бўлак тўн,  
Террорчига чиқдингми? -  
Ватани нурли халқим,  
Манглайи шўрли халқим!

6.

Матбуотинг ёзарким:  
«Бефаросат, омисан...»  
Сийратингни чизарким:  
«Расволикка сомесан...»  
Ёзар: «Доно юртбошинг,  
Сен – хомларнинг хомисан...»  
Боқсам, сабр-бардошнинг  
Тўлиб кетган жомисан,  
Тақдири ўйин халқим,  
Оғриқли ўйим – халқим!

7.

Оғзингдаги нонгача  
Бир-бир юлиб олдилар,  
Миянгдаги онгача  
Жохил бўлиб олдилар,  
Эътиқод-иймонгача  
Ўчга тўлиб олдилар,  
Танангдаги жонгача  
Итдай улиб олдилар,  
Туркистон, Турон халқим,

Мушфик, ногирон халқим!

8.

Хийла қизиди бот-бот,  
Дашт-у уммон қатли ом...  
Кимда-ким асл шерзод,  
Асл иймон – қатли ом...  
Мард Шавриқ Рўзимурод,  
Эмин Усмон – қатли ом...

Бедодликдан девди дод,  
Сор Андижон – қатли ом...  
Ким ўзи, ох, биз, халқим?  
Ялписи маҳбус халқим!

9.

Бефаросат, бебошинг  
Дўнди бегинг, бойингга,  
Эга чикди күёшинг,  
Эга чикди ойингга,  
Ариқ-арик кўз ёшинг  
Айланди-ку сойингга,  
Сенга фидо ҳар бошинг  
Чиқаверди хоинга,  
Тишлаб қолдинг мум, халқим,  
Йигладим юм-юм, халқим!

10.

Ёшларимни артмоққа  
Мехрибон қўл соғиндим,  
Андухларни отмоққа  
Қарқара йўл соғиндим,  
Шарҳи дилни очмоққа  
Шарҳи булбул соғиндим,  
Етишолмай Широққа,  
Соғиндим, мўл соғиндим,  
Сен учун, она халқим,  
Менга дурдона халқим!

11.

Бас, бас-э, бундай тузоқ  
Йўлларнинг пулсироти,

Эртакдан чиқсан тезрок  
Алпомишлар Фироти,  
Түёғи чақиб чақмоқ,  
Бўла қолсин нур оти,  
Нурли умрингни кўрмоқ  
Борки умрим муроди,  
Бесар, беривож халқим,  
Рўшноликка оч халқим!

12.

Ечса қонли кулоҳни  
Бўларкан-ку, десинлар,  
Элни ғажир суллоҳни  
Ўларкан-ку, десинлар,  
«Истак» номли булоқни  
Тўларкан-ку, десинлар,  
Гулчехра ҳам кулмоқни  
Биларкан-ку, десинлар,  
Жонга яна жон халқим,  
Онам, онажон халқим!

13.

Чехрангдаги кулгунгни  
Кўрмасам, тинчирманми?!  
«Эрк» аталмиш юртингни  
Курмасанг, тинчирманми?!  
Курсанг, кўзга илкингни  
Сурмасам, тинчирманми?!  
Ўпмай озод мулкингни,  
Минг қасам, тинчирманми?! -  
Узун фарёдим, халқим,  
Бахти – муродим, халқим!

14.

Истарманки, изингнинг  
Ҳар сўқмоғи гулласин,  
Нурлантириб юзингни,  
Аллоҳ ўзи қўлласин,  
Чақмоқ этиб сўзингни,  
Жўмардлигинг мўлласин,  
Сенинг баҳтинг қизингни  
Сўнгги йўлга йўлласин,  
Орқамдаги тоғ халқим,  
Бошимда байроқ халқим!

15.

Майитман-у десанг «оҳ»,  
Кафалларни отгайман,  
Яна қайта тубсиз чоҳ  
Азобига беткайман,  
«Уф»ларимнинг баногоҳ  
Давомини тортгайман,  
Бўлсангтина эркка шоҳ,  
Гўримда тинч ётгайман,  
  
Куёшим, ойим, халқим,  
Танҳо хумойим, халқим,  
Бир манглайга битилган  
Икки дунёйим, халқим!

07.10.–29.11.2005.

x x x  
x

Либосини ечиб, ёшини тўкиб,  
Ўйчан эдим, баттар ўйлантирап куз.  
Хеч ким уқа билмас кўнглимни уқиб,  
Мени хайронага айлантирап куз.

Дейди: «Ошкор-ошкор китобдай ўқил.  
Сенинг айтар сўзинг – биргина ҲАҚдир.  
Тўкил, тўкил, тўкил, сарғайиб тўкил,  
Бизга фақат шундоқ битилган тақдир!»

9. 10. 2005.

x x x  
x

Туйгуларга эрди оро  
Шўх «Андижон полкаси».  
Бобуршоҳнинг юрти, зеро,  
Эҳтирослар ўлкаси.

Қийқиришиб, шоҳ ташловчи  
Йигитларни отдилар,  
Халолликка, бахтга овчи -  
Бургутларни отдилар.

Ҳақ исташиб эрди, ўққа  
Нишон бўлди нидоси.

«Чиқсин, – деди ИБЛИС, – йўққа  
Эътиқоди, худоси».

Ёт эмасди, «Атай қилиб  
Кетди, – десанг, – чап-кия...»  
Ўзиники келиб-келиб  
Ўзагини узди-я...

Ўзиники ёвдан баттар  
Зидлигини кўрсатди,  
Ўзиники қутирган хар,  
Итлигини кўрсатди...

Бобуршоҳга Ватан эди  
Эҳтирослар ўлкаси...  
Қонига ғарқ, инграп энди  
Оҳ, «Андижон полкаси» ...

9.10. 2005.

x x x  
x

- Бизлар ўзи киммиз, ҳай?

- Қовурға синдирганмиз.  
Ўзимиз эшак минмай,  
Эшакни миндирганмиз...

- Бизлар ўзи киммиз, ҳай?

- Очолмасдан оғизни,  
Топар-у емай-ичмай,  
Тўйдирамиз тўнғизни.

- Бизлар ўзи киммиз, ҳай?

- Риёлардан задамиз.  
Байроқдорин тополмай,  
Тўзиб юрган тўдамиз.

- Бизлар ўзи ким, ёху?

- Тўйганмиз оҳ-nidодан.  
Кўзларимиз ёшли-ю  
Умидимиз Худодан...

10. 10. 2005.

x x x  
x

Оппоққинам, оқ қушим,  
Аҳволимга боқ, қушим,  
Безиб кетдим дунёдан,  
Бўлгани сиртмоқ, қушим.

Жавдираган элим бор,  
Дилимда минг тилим бор.  
Шафқатсиз бу дунёда  
Яхшиямки, ўлим бор...

18. 10. 2005.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Бу менми -  
Норасо дунёдан тўйиб,  
Расо оламини яратиб олган?  
Бунда олов ва сув бир-бирин суйиб,  
Айро тун-у қунлар уйқаш туролган...

Бу сенми -  
Кибрни қучгувчи тўйиб,  
Кувватлар олгувчи худбин, муз тундан?  
... Расо телбаликлар телбага йўйиб,  
Расо ман-манликлар кулар устимдан...

22. 10. 2005.

## ЎН ОЛТИ ЙИЛНИНГ СИЙРАТИ

Бу йилларнинг қандай экан сархисоб сўзи?  
Кейингилар бирон хушрўй топарми улги?  
Нима ўзи, нима ўзи, нимадир ўзи  
Бу йилларнинг сийратида асосий белги?

Мен нечоғлик хуш белгилар изламай ҳаргиз,  
Бунёд этиб ҳар юракда қиёмат қойим,  
Қўллари қон, кўзи тўйимас, энг маккор иблис  
Бу йиллардан боқаверар кўзимга доим.

Ўйлагандим: «Эрки бўлса миллат дастида,  
Тонглар оппоқ отгувсидир, ниятлар тоза...»  
Бир манфурнинг майли или оёқ остида  
Нобуд бўлган йиллар учун очяпман аза...

8. 12. 2005.

х х х

х

Итқитишди пастларга...  
Қалам олдик дастларга...  
Аёвли бўлмоқ нечун  
Аёви йўқ касларга?!

Қалам – нур кийиш учун,  
Ийдириш, ийиш учун...  
Мен-чи, олдим қўлимга  
Итни ит дейиш учун...

Қалам – поклик масъули...  
Мен – маҳзунлар маҳзуни.  
Айб айлама, набирам,  
Бизлар – зулм маҳсули...

8. 12. 2005.

х х х

х

Олдин кундузларга улаб тунларни,  
Сахаргача бедор бўлардим олдин.  
Энди-чи... Таланган, бўм-бўш кунларни  
Санашдан бўлакка яролмай қолдим.

Ҳайдагим келади сурбет мунгларни,  
Шеър ёзгим келади хуш ният билан.  
Таланган, топталган, бўм-бўш кунларни  
Тўлдиргим келади ҲУРРИЯТ билан...

8. 12. 2005.

х х х

х

Ютоқман, хўп ютоқман,  
Куриёзган бутоқман.  
Неча йилдир, неча йил  
Бир хабарга муштоқман.

Ўтаверар баҳор, ёз,  
Кузак, қаҳратон аёз...

Лекин менинг қаршимга  
Хушхабар чиқмас пешвоз.

Эл яшар ёна-ёна,

Мудом талайди кана...  
Қонхүр умри бунча ҳам  
Узун бўлар экан-а...

8. 12. 2005.

x x x  
x

Тож деб талашганни кўп кўрдик бизлар,  
Тожга муносиби қайдайкин, дўстлар?

8. 12. 2005.

x x x  
x

(«Сиз... Сен... У...» туркумидан)

Этмоқчисан номимни қаро,  
Ташлаб қўйдинг ситамлар аро,  
Тутарсан ҳам оғулар, аммо  
Қарғишларим қолгайдир тирик.

Шеърларим бор – ёдимга ёзиқ,  
Улар – менга тасалли, озиқ.  
Гоҳи шаддот, гоҳида босиқ  
Нолишларим қолгайдир тирик.

Озод нафас мендан бегона,  
Ҳамнафасим – ғамлар ягона,  
Оҳим ўқиб вазмин, халқона,  
Дилхушларим қолгайдир тирик.

Миллатим бор – жафокаш, туйғун,  
Йўлларида турангি, юлғун,  
Зарбларингдан юzlари сўлғин,  
Сарғишларим қолгайдир тирик.

Бўлгаймикин мени йўқотиб?!

8. 12. 2005.

x x x  
x

Ёмғирларга хаёл ила тутаман қулоқ,  
Құлларимдан келари, бу – қофия жуфтлаш.  
Фикрламоқ, ғамдан «үф»лаб, қувончдан қулмоқ,  
Номардларнинг юзларига хаёлан туфлаш...

Қўлларимдан келари, бу – жойнамоз узра  
Йиглаб-ийғлаб, шу тупроққа тилаш рўшнолик.  
Хаёлларда тик ташлашиб ғаддор-ёвуз-ла,  
Ғалабанинг сурурига руҳан ошнолик...

Қизим нимдош халатига солади ямоқ,  
Оғир-оғир сукунатга тўлади хонам.  
Қўлларимдан келари, бу – сени ўйламоқ,  
Мунис халқим, меҳнаткашим, шикаста онам...

9. 12. 2005.

х х х  
х

Осмон бежо. Ерга йўналган  
Ёмғирларнинг тик шалоласи.  
Гўё кўқдан топмиш қўналға  
Мамадали Маҳмуд ноласи.

У Ватанни Куброда ўхшаб  
Севар эди ёрдай, онадай...  
Неча йилки, сиҳати қақшаб,  
Шўрлик ётар хибсхонада.

Шоирларни атовди: «Кўрким!  
Миллат учун сизлар диёнат!...»  
Ўксинади: Абдулла, Эркин  
Қилгани-чун халққа хиёнат.

«Олинажак, берилмайди ҳақ!» -  
Беҳбудийдан бу калом эди.  
Ўртанаар у: оғиз очса халқ,  
Андижондай қатли ом энди...

Бало-қазо қанотин ёзиб,  
Бу ўлкани ямлаб юрибди.

Ўртанаар у: ғамлар тутқазиб,  
Баҳт бу юртни ёнлаб юрибди...

9. 12. 2005.

х х х  
х

Тақдир судралади, шошмайди тақдир,  
Ситам сүқмоқлари узундан-узун.  
Донишманд сўзлари, эҳтимол, хақдир:  
«Қандайин халқ бўлса, ўшандай тузум...»

Кўравериб, бўлди хаёлларим талх,  
Одамхўр, фирибгар, юҳо касларни.  
Сўрамай хаддим йўқ, онажоним халқ,  
Қачон туға қолдинг бундай пастларни?!

Қачон туға қолдинг отабезори,  
Онабезорилар сулоласини?  
Хароми кимсалар мақри, озори  
Юртнинг булғади-ку зилоласини.

Шу боис бизлардан юз бурмиш барор,  
Шу боис ҳуррият очмагай талъат.  
Шикаста Ватаннинг корига ярап  
Алллар ўстирган аёлга лаънат!

10. 12. 2005.

x x x  
x

Оҳанграбо нурларини сочар шон-шуҳрат,  
Шон-шуҳратга ёпишгандан қочар шон-шуҳрат...

10. 12. 2005.

x x x  
x

Ғаройиб мишишлар кезар юрт аро:  
«Ҳар ойда қонини янгилармиш шоҳ...»

Нима қилсам экан мен мотамсаро?  
Ўзимни майдонда ёқсамми, валлоҳ?!

Нима қилсамки мен, оғироёқли  
Аёлларнинг жуфти топширмасин қон?  
Тахтиравонидан телба сиёқли,  
Нима қилсамки мен, йиқилсин ҳоқон?

Жуда оғир яшаш, истибдод туйиб,  
Бесамар ўйларга бойланиб қолмоқ...  
Жуда осон хозир телбадан куйиб,  
Қип-қизил телбага айланиб қолмоқ...

10. 12. 2005.

х х х

х

Паҳлавон йўқ. Ерга тегиб бўлган кураклар.  
Куйишмас ҳам ситамларнинг йириклигига.  
Ловулламас, тутаб ётар гулхан юраклар,  
Кўплар яшар, шукур қилиб тириклигига.

Тўрт фаслининг тундлигидан хўрсинади ер,  
Қуёш ўзбек боши узра хуноб юрибди.  
Қай гармсел, бу ўлканинг паноҳиман, дер,  
Қай сел эса, бу ўлкани тунаб юрибди...

11. 12. 2005.

х х х

х

Энди эҳтиёж йўқ эҳтиросларга,  
Энди юрак торин бўлмайди чертиб...  
Истеҳзоли боқиб оқ қоғозларга,  
Ёзган шеърларимни ташлайми йиртиб?!

Мухаббат либосин отмиш бу дамлар,  
Қаровсиз мамлакат, керак, деркан, нон.  
Шеърни нима қилсин гадой одамлар?!

Шеърни нима қилсин руҳлар ногирон?!

Осмон – оддий гумбаз...  
Шавқ эмас гулхан...  
Шеър ёзмай қўйганнинг билгани билган...  
... Шеърлар ўқишимайди, ёзишмайди ҳам,  
Ундан таскин топиш ҳисси сўйилган...

11. 12. 2005.

## **Ён дафтардан қайдлар**

1.

Аллоҳ бандасига энг олий ажри мукофотни ҳам, энг кучли жазони ҳам фарзанд орқали берса керак. Яратганим, ишқилиб, фарзандларим иймон-диёнат, халоллик, сабр-қаноат, меҳраш-шафқат, тинимсиз меҳнат йўлларини тутгувчилар бўлишсин. Иншоаллоҳ!..

2.

“Мухаббат” – мен севган ёзувчи Абдулла Қаххорнинг энг сўнгти асари. Одамларга улкан муҳаббатини ташлаб кетди бу улкан ёзувчимиз...

3.

Замона зайдига юрган истеъдод – бугунники. Юрмагани эса – келажакники...

4.

“Турмуш” сўзи “Тур, мушт” /тур, мана сенга мушт/ иборасидан олинган бўлса керак.

5.

Ниманидир илғай олиш учун одам доимо бирқадар беором бўлиши керакка ўхшайди.

6.

“Улуғ халқ” дейдилар. Улуғ халқ йўқ. Улуғ қалблар бор, холос. Улуғ қалблар эса, катта-кичик ҳар бир миллатда топилади. Миллатнинг кушандалари эса, ўз қатл пичоқларини биринчи галда ўша улуғ қалбларга санчишга интилишади. Ҳамма ерда... Ҳамма вақт...

7.

Сукунатинг – менга оғир жазойинг...

8.

Менинг ноҳақликдан бўлак душманим, муҳаббатдан бўлак қувончим, Аллоҳдан бўлак дўстим йўқ, эй азиз дўст!

9.

Муҳаммад Солихнинг сайлов кампанияси... Мен унинг ишончли вакилларидан бириман... Туман, шаҳар, вилоят партия раҳбарларининг зимдан бузғунчиликлариiga шоҳид бўлиб, ўйляяпман: нега шундай партия аъзосиман-а?! Даҳшат-ку!..

10.

Фитна – қатлдан ҳам ашаддийроқ...

11.

Менинг халқым... Камроқ кулиб, кўпроқ йиғлаганлар... Мен эса, одамларнинг кўпроқ табассумли бўлиб, иложи борича йиғламасликларини истайман... Нима қилсам экан-а?!

12.

Ёлғон – катта ички душман. Очкўзлик, харомхўрлик, субутсизлик – катта ички душман... Кошкийди, дилни шу иллатлардан тозалаш – ҳар кимнинг биринчи галдаги одамийлик вазифаси бўлса... Айниқса, балиқ бошидан сасимаса...

### **13. УЛКАН КЕМТИКЛИК**

У ўзини ўта етук ҳисоблайди. Тўғри, унда ҳамма нарса бисёр – пулга сотиб олиш мумкин бўлган ҳамма нарса: амал, данғиллама уй-жой, кўш-кўш машина... Факат фахмдангина Аллоҳ сикқан... Одамларни тушуниш, уларга меҳр бериш фаҳмидан... Одамлар уни одам ҳисоблашмайди. Буни ўзи билармикин-а?!

### **14. ТАНИШ ВОСИТАСИ**

Қўли, истеъоди ета олмайдиган нимарсаларга ИБЛИС дегани макри орқали етаркан. Тавба!.. Бемалол таниб олса бўларкан-ку ҳаётдаги ИБЛИС ва ИБЛИСЧАларни...

### **15. ҲАДСИЗ САВОЛЛАР**

Ажабо, халқимиз тақдири масаласини нега халқнинг ўзи хал қила олмайди? Конституциянинг деярли ҳамма моддаси нега факат ҳукуматга хизмат қиласди? Халқнинг мискин овози нега хорижий радиолардагина унча-мунча эшитилади-ю, ўзбек оммавий ахборот воситалари эса ҳукумат мақтоби билан овора? Нега халқ ўзига ёқмаган раҳбарларни олиб ташлай олмайди? Нега дардманд овозини чиқаришга қўрқади? Биз ўзи кимлармиз? Қандай жамиятда яшаяпмиз?..

### **16. АНДИШАСИЗЛИК**

Қашшоқлик, нопокликни бошдан кечираётганимизнинг ўзи камлик қилипти чофи. Радиони буранг... Телевизорни қўйинг... Газеталарни очинг... Мақташ-мақтанишлар, пашшадан фил ясашлар, йўқни бор қилиб кўрсатишлар тонгимизга нонуштадай, пешинимизга тушликдай, оқшомимизга кечки овқатдай кириб келяпти. Бостириб... Андиша қилмай... Ҳижолат тортмай...

### **17. ТАМАЛ ТОШИ**

“... Келажаги буюк давлат”, – дейдилар. Агар чиндан-да шундай бўлса, ўша буюкликтининг тамал тоши бугун кўзларга ташланиши жоиз эмасми?! Тамал тоши қашшоқлик, юлғичлик, пораҳўрлик, худосизлик бўлган мамлакатнинг эртаси қандай бўларкин-а?!

## 18. ҲАМОН ШУНДАЙ

СССР даврида бизни фақат хорижий капиталистик мамлакатларнинг ҳаётига танқидий кўз билан қарашга ўргатишганди. Бориб қўриш орқали эмас, балки ўзларининг уқтиришлари бўйича... Ўз ҳаётимизга назар сола олмасдик. Ҳаддимиз сиғмасди. Таъзиқ зонаси эди у... Ҳамон шундай...

## 19. ҲАММА БАЛОНИНГ БОШИ

Яшаш – қалбни зиё билан зийнатлаш, ҳалол меҳнат қилиш... Яшаш – яхшилик кўрсатиш ва яхшилик қўриш... Зоро, минг-минг йиллик ақида, тамойил шундай. Лекин ёмонлик тобора урчиб бормоқда. Нега? Иллат қандай зоҳир бўляпти?  
Афсуски, бизнинг ўзбек жамиятида бу каби мантиқий саволларга жавоб излашга йўл қўйилмайди. Ҳамма бало шунда...

20.

Қўл тегиши билан ифор сочувчи  
Райхон бўлсам эди шу халқим учун...

## 21. УРУҒЛАР

Одам нималардан яралган?

Менинг назаримда, унинг қон-қонида муҳаббат-у нафратнинг, ростлигу ёлғоннинг, чидам-у бетоқатлиликтининг, поклигу иймонсизликнинг, хулласи, борки инсоний фазилат ва қусурларнинг уруғларидан бор. Имкони топилиши, иқлими етилиши билан ҳаммаси ҳам гуллаб-яшнаши мумкин.

Эҳтиёт бўлайлик. Ўзимизда нималарни ўстираётганимизни тез-тез сарҳисоб қилиб турайлик. Ёмонликнинг уна бошлаган нишларини дархол юлиб таштайлик. Зоро, гўзал ҳаёт айни шу тарзда яшовчилар билан гўзал. Мунофиқлар билан эмас... Ишончларга тупурувчилар билан эмас... Кимки бугунги ишончга тупурса, эртанги адолат унинг ўзига тупуаркан. Ишонмаяпсизми?.. Андак сабр қилинг. Кўрасиз ҳали...

22.

У ўз назарида буюк... Чиндан ҳам шундайга ўхшайди. Макрда, ёлғонда, ўзига бино қўйишда, бечораларни қон қақшатишда буюкка ўхшайди у... Қабиҳликнинг буюги...

23.

Хар қандай тубанликнинг боши – ХУДОСИЗЛИК. Худосизнинг қалбини ҳар қандай чиркинликлар бемалол ва осонликча забт этаверади... Атрофимизга қарасак, бунга мисоллар ошиб-тошиб ётиби.

Худосизлик бизни қон қақшатяпти-ку, ХУДОЖОН!

24.

Яхши асар ҳамма вақт янги бўлганидай, ҳукуматнинг яхши фаолияти ҳам ҳамма вақт халқнинг димоғига ифор, кўксига виқор, сўзига охор тўлдиради.

Халқимиз эса, ИФОРни, ВИҚОРни, ОҲОРни жуда-жуда соғиниб қолган кўриняпти... Махкамаларнинг эшикларида... Мардикор бозорларида... Хориж йўлларида... Ахлат қутилари олдидা...

25.

Талантнинг талантсиздан, ҳақнинг ноҳақдан, дононинг жоҳилдан бўлак душмани йўқ. Бўлмас ҳам...

Қайда ҳаёт бенур, албатта -  
Билингизки, РАЗОЛАТ тахтда...

26.

Ҳалол бўлмаслик, менинг назаримда, одамнинг ўзига ўзи кишан уришидай бир гап. Негаки, ҳаром бу кун бўлмаса, бошқа бир кун албатта “тешиб чиқади”.

Хозирги ўзбек ҳаромхўрлари эса, қўл-оёқларида кишан бўла туриб ҳам, телевизорга чиқиб олиб: “Мен жудаям ҳалолман”, – дейишади. Улар гўё икки оёгини бир этикка тикиб олиб: “Мен соппа-согман”, – деяётган тентакка ўхшашади. Тентакни эса, бир қараашдаёқ билиб оласиз...

27.

Уни мақтадилар... Тўғрироғи, гумашталари ёрдамида мақтатаверди ўзини. Ўйладики, мақтовлар унинг обрўсига обрў, шухратига шухрат қўшади...

Уни мақтаганлари сари одамларнинг синчиков нигоҳлари унга қўпроқ қадалди. Ҳар бир айтар сўзини тарозига соладиган, ҳар бир босар қадамини кузатадиган, ҳар бир ҳатти-харакатини баҳолайдиган бўлиб қолишиди... Оқибатда одамларнинг ундан ихлоси колди. Бутунлай...

У эса, ҳамон ўзини мақтатади...

**28. БИР ТАНИШИМНИНГ АЙТГАНЛАРИ**

“Оқ кучлар” мухолифатни муттасил коралаб келяпти, “қора кучлар” атаб...

Күряпман: “оқ кучлар” халқни талаб, бойигандан бойияпти. Гердайгандан гердайяпти.

Қонунларни ҳам ўзига мос slab бўлди, сайловларни ҳам... Халқни бир тийинга олмайди. Улар халқни ўзига хизматкор ҳисоблади...

Күряпман: “оқ кучлар” халқни кафангадо қилди. Фақат бугина эмас. Бўғзидағи айтар сўзини ҳам, кўксидаги эркка иштиёқи-ю кўзларидағи умид учқунларини ҳам тортиб олиб бўлди.

“Қора кучлар” эса “оқ кучлар”нинг бундай жирканч қилмишларини ошкора айтиб, авом кўзларини очишяпти, холос.

Э, бор-э, ўша “қора кучлар” қаторига қўшилганим бўлсин!

## Қатралар

### АЁЛ

Эрта билан беш-олтита учлик ёздим. Улардан бири шундай эди:

Дейишади: “Бўлгани ғам, бўлгани жафо...

Дунё қаттол. Дунё совук. Дунё бевафо...”

... Кўрсат, аёл, шу дунёнинг муҳаббатлигин...

Ўзимга танаффус эълон қилиб, айвон деразасига бордим. Тирсакларимни дераза раҳига қўйиб, ташқарига тикилдим. Паға-паға булутлари астагина сирғалаётган осмон мовийдан-

мовий. Баҳорий дарахтлар күмкүқдан-күмкүк.... Бекиёс гўзаллик... Энтиқдим...  
“Су-у-у-т!..” – деган овоз эшитилди. Таниш овоз... Учинчи қаватдан пастга қарадим: бир пайтлар биз сутига мижоз бўлган Зебо... Бўстонлиқдан... Тўрт боласи борлигини, эри колхозчи эканини айтганди...

Ана, у бақувват таёқдан ясалган қўлбола обкашини икки букилиб, елкасидан оляпти...  
Обкаш ўртасига юмшоқ мато ўралган... Елка қийилмасин учун... Обкашнинг икки учидаги икки илмоққа хайҳотдай икки қопчиқ осилган... Ичи тўла сут-қатиқли идишлар... Мен ердан узолмасам керак-ов...

Қорайиб, унниқиб кетган Зебо /исми унга гўё киноя билан қўйилгандай/ обкашини юклари устига қўйди, қопчиқлар ичидан сут тўла икки елим идишни олди-да, йўлагимизга кириб кетди.

“Биринчи қаватдаги ижарада турган туркларга бўлса керак...” – ўйладим ўзимча...  
Зебо қайтиб чиқди. Қўлидаги бўш идишларни обкаш қўйилган қопчиқлардан бирига солиб, оғир юкни яна икки букилиб, елкага олди. Оғирлигидан йиқилай-йиқилай деб, йўлга тушди...

Хозиргина ёзганларимни эсладим: “Кўрсат, аёл, шу дунёning муҳаббатлигин...”  
Хижолатда қолдим... Шўрлик аёл... Мен айтмасам-да, бевафо дунёга кўрсатиб турибди у муҳаббатлигини... Икки букилиб... Майишиб... Адоиي тамом бўлиб... Зеболигини йўқотиб...

27. 05. 1999.

## БАДГУМОН

У “Оқ уй” олдида доктор Хайдер очлик эълон қилганини эшитиб деди:

Ким ҳам қуритарди ўз тинкасини,  
Ютиб ўлтиргандир таблеткасини...

Газетада “Пахта тоннаси ошадими? Биз қаршимиз” деган мақола  
босилиб чиқди. У муаллифларга ишора қилиб айтди:

Худбинлик ин қурган булар барида,  
Қаҳрамон бўлмоқчи эл назарида...

Кечки пайт у мириқиб телевизор кўраётган эди, қўнғироқ бўлиб, устозининг вафоти хабарини айтишди. Телефон гўшагини қўйгач, ғудрланди:

Кўймабман қўнғироқ симини узиб...  
Мени ҳам йикмоқчи, оромни бузиб...

... Ҳукумат алмашди. У телевизорга чиқиб деди:

Насибамиз бус-бутун келди,  
Мана энди юртга кун келди...

... Кўп ўтмай шу кимсанинг кўксига қаҳрамонлик нишонини тақиб қўйишиди...  
1988 – 2002

## “УНДАЙ БЎЛСА, ГАЗНИ БОСИНГ”

Йўлда кетяпмиз. Кўзим йўл четида машина итариб кетаётган аёлга тушди. Эркак рулда...

- Машинангизни тўхтатсангиз, – дейман рул тутган акамга. – Анови бечораларнинг, – мен ташқарига ишора қиласман, – бензини тугаб қолибди шекилли. Озгина берайлик.

Акам машинани секинлатиб, чекка йўлакка ўтдилар, лекин тўхтатмадилар.

- Агар ҳозир уларга “Биз бера қолайлик бензинни”, – десам, мени ё кулфатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлган савдогарга, ё эси пастга йўйишади, – дедилар акам.

- Ундай бўлса, боса қолинг газингизни... – мен ўз соддалигимдан лол эдим...

1998 й.

## “БОЙВУЧЧА”

Икки аёл марказий кўчаларнинг бирида кетишарди. “Ман-ман” деган амалдорга тегишли шоҳона дўконга бурилишди улар. Харидор йўқ хисоби.

Моллар эса кўзни қамаштиради...

Аёллардан бири нарҳ қофозига миллионлар ёзилган люстрага ишора қилди:

- Мана шу менинг залимга мосга ўхшайди. Сиз нима дейсиз, ўртоқжон?

“Ўртоқжон” бўлса, люстрага тикилганича жим эди.

- Майли, ўйлаб кўрармиз, – деди люстрага “ишқи тушган” аёл дугонасининг қўлтиғидан тутаркан. Кейин у мебелларни кўздан кечира бошлади. Қимматбаҳо чинниларга ўтди. Ўн икки кишилик чой сервизининг олдида туриб қолди.

Мана шуниси жуда ёқяпти.

Дўкон сотувчиси аёлларга яқинлашди. Кўздаги ўтни кўриб, кўнгилдагисини ҳам ловуллатишга тушди:

- Охиргиси... Олинг. Пулингиз ўзингиз билан кетади. Хурсанд бўласиз.

- Олмасам бўлмайди. Ўзиям жуда чиройли экан. Майли, хўжайним билан албатта келаман, – аёл шундай деди-да, мамнун ҳолда дугонасини қўлтиқлаб, дўкондан чиқди.

- Пулинг йўқ-ку... Ростдан олмоқчимисан, Нилу? – кўзларини катта-катта очиб сўради дугона.

- Вой, олишга йўл бўлсин... Ўзимни би-и-и-р хурсанд қилай, дедим-да. Бир бойвучча бўлгим келди-да, – хандон ташлаб кулди аёл.

- Беш дақиқали бойвуччами?! – жилмайди дугона...

1996 й.

## ЎЧ

Эшик қўнгироғи жиринглайди. Икки болакай баб-бараварига қичқиришади:

- Ур – ра! Адам келдила.

Ишдан уларнинг гоҳ адалари, гоҳ аялари биринчи келишади. Ота аввалроқ келса, эшикдан кириши билан биринчи айтадиган сўзи шу бўлади:

Аянг уйдамила?

Она барвақтроқ келса, унинг ҳам биринчи сўрови шундай бўлади:

Аданг келдилами?

Бугун аёл олдинроқ қайтганди. Кела солиб, болаларига тайинлади:

- Адангга: “Аям ҳали келмадила”, – денгла... – Ўзи эса, ечина солиб, ошхонага ўтади. Ошга уннаб кетади...

Эшик қўнгироғи жиринглайди. Яна болаларнинг шодон қийқириқлари... Яна ўша эски

савол:

- Аянг келдилами?
- Йўқ, ҳали кемадила...
- Э... – дейди адалари. Унинг овозидаги маъюсликдан ошхонадаги аёл хузур қилиб жилмаяди, лекин турган жойидан қимирламайди.

Ота ичкарига сўзсизгина кириб, уй кийимларини кияди. Болаларига нималардир дейди, нималарнидир сўрайди, сўнг емакхонага ўтади. Диванга чўкиб, жимгина газета вараклай бошлайди. Аёл оҳистагина эшик тиркишидан мўралайди: эрининг юзи тунд, боши газетага эгилган... Аёл яна мамнун жилмайиб қўяди. Ошхонага ўтиб, гуруч юва бошлайди. Крандан шилдираб туша бошлаган сув эрни зийрак торттиради. Ошхонага чиқади. Юзи ёришиб кетади:

- Кебсиз-ку...
- Бир ўнимни олий, дедим-да, – хандон ташлайди аёл.
- Қанака ўч?
- Мени ўн йил кеч топганингиз учун...

Эр хотинини беозоргина бағрига босади. Овозсизгина ўпади...  
1980 й.

## СТОЛ УСТИДА ҚОЛГАН НОМА

Ўғри ўз услуби билан эшикни очиб, ичкарига кирди. Ташқаридан кўргани – кўркам дарпардага яна бир бор қараб қўйди. Сервантдаги чиройли идишлар ичидан қимматбаҳосини топмади. Чойнакларни, гулдонларни ағдариб кўрди. Қутичадаги тақинчоқларни диван устига ағдарди: ҳаммаси энсақотар лаш-лушлар бўлиб чиқди. Магнитофонга қаради – алмисоқдан қолганлигини кўриб, юзини бурди...

Ётоқхонага ўтди. Шкафдаги оппоқ ғилоф, чойшабларни бирма-бир ағдарди. Сандиқ устидаги текис тахланган кўрпачалар тахини шоша-пиша бузиб, нимдош, лекин тоза гилам устига ташлади. Сандиқ ичини титди. Трюмо ғаладонини тортди...

Сўнгти хонага ўтди. Шифтга етган жовонлардаги китобларни ағдар–тўнтар қилди... Ёзув столини титкилади.. Устига тўр тўқилган, ичидаги бир дона атргули бўлган шиша гулдонга энсаси қотиб қаради. "...Хурмат билан мактаб ўқувчиларидан" деган ёзувли зарҳал қаламдондан ручка олди. Стол устида турган оқ қофозга кўлқопли қўли билан шоша-пиша шу сўзларни ёзди-да, икки қўли бўш ҳолда уйдан чиқиб кетди: "Оббо, усти ялтироқ, ичи қалтироқлар-э!..."

1986 й.

## ТЎҒРИ БЕЛГИ

Йўлда кетяпман... Хаёлимда яна нарҳ-навонинг ошгани... Сезиб қоламан: оғзим очиқ... Ичимда ўзимга ўзим танбех бераман: "Кап-катта одам кўчада оғзини очиб юрса-я... Уят-э..." Дарров лабларимни жуфтлайман. Кейин хаёл йўлга, одамларга кўчади. Хаёл минг хил кўчаларга кириб чиқади... Йўлда кета туриб, яна сезиб қоламан: оғзим тағин очиқ... Яна юмаман... Бирордан кейин оғзимнинг очиқлигини яна сезиб қоламан...

Қаердадир ўқигандим: оғзини очиб юрувчи одамнинг ё бурни касал, ё ичи тўла гап... Айтмаса бўлмайди...

Худога шукур, бурним соппа-соғ... Ичим эса... нечогли түғри-я ўша ёзганлари... Ахир ичим тўла хасрат-ку... Айтмасам ўламан... Ақалли оила аъзоларимга... Ақалли дўстларимга... Ақалли ҳавога... Ақалли қоғозга... 30. 1X. 2004.

## ЭЗГИНИК

Аёлни тинглай туриб, эзилиб кетдим. Бошига ташвиш тушибди. Не-не маҳкамаларга бош урибди. Лекин мушкули осон бўлмабди...

- “Моҳият” деган газетага учраб кўринг-чи, – дедим аёлга. Негаки, айни ушбу газетада халол одамлар ишлаётганини билардим. Газета манзилини аёлга ҳижжалаб тушунтира бошладим... У мени тингляяпти-ю, хаёли бошқа ёқда... Ниманидир айта олмаётгандай... Охири дилидаги тилига кўчди:

- Ўша “Моҳият”га ҳам пора бериш керакми?

Мен гапиролмай қолдим... Муштипар аёл... Не-не маҳкамаларга учраб, келган хулосаси шундай бўлибди шекилли...

Мен баттар эзилиб кетдим...

25. X1. 2002.

## ИСТАК

Йигит шофёрликка ўқияпти. Эндинга рул ушлай бошлади...

“Мен машина хайдаб, кўчага чиққанимда, қани энди машина тугул, хатто бирон одам зоти учрамаса...” – деб қолди у...

... Баъзи давлат арбобларининг хатти-ҳаракатлари айни ўша шофёрликка ўқиётган йигитни эслатяпти менга. Бундайларнинг майли бўйича, сиёсат кўчасидан фақат уларнинг ўзлари юришса... Бошқалар йўламаса... Қариб-чуриб, куч-қувватдан қолганларидан кейин эса, ўғил-

қизлари ўринларини эгаллашса...

Ажабо!.. Оёклари XX1 асрда-ю, истаклари эса XY11 – XY111 асрларда-я... Тавба... 2000 й.

## СЕҲРЛИ СЎЗ

Сехрли сўз Мартабани мақтади. Мартаба ҳам ҳузур қилганидан Сехрли сўзга тўн кийгизди... Қимматбаҳосидан... Кўпчилик олдида...

Сехрли сўз эриб кетди. Мартабани қучоқлаб, тўн тутган кўлларидан

ўпди. “Отам дерман” дея, баҳтиёрликдан кўз ёшлари тўқди...

Сехрли сўзнинг сехри ҳам, сўзлиги ҳам қолмади шундан кейин. Кўз ёшлари билан бирга тўкилиб кетганди улар ҳам ...

2001 й.

## **ҚҰРҚУВ САЛТАНАТИ**

Чумоли уларни битта-битта еювчи очофат қүшдан, қүш полапонини ўмарувчи илондан, илон уни иккига бўлиб ташлаши мумкин бўлган кетмонли дехқондан кўрқади...

Дехқон ерининг кичик амалдор томонидан тортиб олинишидан, кичик амалдор катта амалдорнинг назаридан тушиб қолишдан, катта амалдор “ўз аризасига мувофик” лавозимидан кетиб қолиш хавфидан кўрқади...

Атрофда қўрқув салтанати...

Нега Худодан қўрқиши масикин-а?

2002 й.

## **“ЎЙИН”**

Деразанинг бир табақаси очик. Стол устида гўшт майдалагичдан ҳозиргина ўтказилган қийма... Очик деразадан кирган пашша гўштга ёпишади. Еганича ейди. Энди bemalol келган ерига чиқиб кетса бўлади.

Пашша ўзини деразанинг ёпиқ табақасига уради. Визиллайди... Ўзига эътиборни қаратмоқчими? “Мен ташқаридаги озодликни севаман”, - демоқчими?.. Лекин очик деразага эмас, балки ойналисига уряпти ўзини... Аслида ташқарига чиқмоқчи эмасдай... Ичкари маъқулдай... Негаки, бунда ширин егулик бор...

Ажабо, ҳеч ким назарга илмайдиган пашшада ҳам шунчалик “ўйин” борми, а?  
1989 й.

## **ШУНИ ИСТАГАНДИНГИЗМИ?**

Худа-бехуда бақириб, зуғм қилиб, сўкиб, сиз ўйлайсизки,  
мулозимларингизга кучингизни, кимлигингизни кўрсатмоқдасиз... Ўйлайсизки, шундай қилсангиз, “так” десангиз, қўлингизга қўнадиган бўлишади...  
Янгишасиз... Атрофдагилар сиздан йироқлашиб бўлганлар. Зимдан сизни кўрарга кўзлари қолмаган... Ич-ичдан ўлим тилаяптилар сизга...  
Айтинг, шуни истагандингизми, амалдор афандим?!

2001 й.

## **АНТИҚА ОДАМ**

У ҳамма нарсадан жирканади. Ҳамма нарсада микроб бор, деб ўйлайди. Қовун-тарвузни совунлаб ювганидан кейингина каржлайди. Узумнинг устига шақиллаб қайнаб турган сувни оқизгачгина, ейишга тушади.

У факат пулдан жирканмайди... Борки микроблар уяси бўлган пулдан... Уни ҳузур қилиб

санайди. Шу пул санаган қўллари билан бемалол нон ушатаверади...

У – шунаقا антиқа...

2001 й.

## АРСЛОН

Арслон одамларга ириллади.

- Золимсан, – дедилар. Шундайларга ташланди. Тилка-пора қилди.

- Конхўрсан, ваҳшийсан, – дедилар. У эса қонхўрлигини давом эттирди. Охири эпини қилиб, уни қафасга солдилар.

Конхўр, ваҳший арслон эндиликда ҳаммага тамоша, холос.

03. X11. 2001.

## КЎЧАЛАР

Бу кўчалар бизники эмас. Ундаги эшиклар олдида камсукум райхонлар ифор сочмаяпти.

Уларни гўё серҳашам, кибор, тиконли атргуллар йўлатмаётгандай...

Бу кўчалар бизники эмас. Улар тўла дабдаба... Фиштин бинолар шоҳона... Дарвозалар шоҳона... Улар ортида эса, андаккина шарпага ҳам ириллайдиган қўппаклар...

Бу кўчалар бизники эмас. Кетдик... Эшикларида райхонлар ифор сочган, итлари йўқ, бағри очик, камтар кўчаларга кетдик...

03. X11. 2001.

## “У ОДАМ БЎЛЛОМНАДИ”

У бола эди. Тенгдоши бошқа бир тенгдошини уриб, бурнини қонатди.

Бекордан-бекорга... У чидаб туролмади. Кичкинагина, ожизгина бўлса-да, зўравонга ташланди... Унинг ҳам бурнини қонатди...

Кечга томон воқеа тафсилотидан хабар топган онаси болани эркалаб: “Ўзимнинг ҳақгўйимдан ўргилай... Худога шукур... Одам бўларкансан...” – деди...

У мактабга борди. Дафтарлари “беш”ларга тўлиб кетди. Ўқитувчилари мақтаб, бошқаларга намуна қилиб кўрсатадиган бўлишди: “Ичингизда мана шу ўртоғингиз одам бўлади...”

... У университетни имтиёзли битириб, ишга жойлашди. Жонини жабборга бериб ишлади. Тиним нималигини билмади. “Билмайман” деган сўзни билмади. Лаганбардорлик нима, пора нима? – билмади... Пора олаётгандарини сезиб қолса, чидаб туролмади...

- Ковушини тўғрилаб қўйиш керак, – дейишди ишхонасидагилар орқаваротдан... Ва у... сирам кутмаганида, чўнтагидаги “пора” билан “қўлга тушиб”, ҳанг-манг бўлиб қолди...

- Одам эмас экансиз-ку, – дейишди ҳамкаслари.

Одам эмаслар ичидан одам бўла олмаган эди у – КАТТА ҲАРФЛИ ОДАМ...

20. X1. 2002.

## **КУЮК ҲАҚИҚАТ**

Кутубхонада бир олим билан гаплашиб қолдим. Гап айланиб-айланиб, ҳозирги сиёсатга кўчди. Олим деди:

- Ат-Термезий, дейишяпти... Замаҳшарий, дейишяпти... Булар яхши... Лекин ўликларни тирилтириб, тирикларни ўлдиришяпти... Келажаги буюк эмас, келажаги куюк давлат... Мустақиллик эмас, уста қуллик...

Ғалати бўлиб кетдим... Куюк ҳақиқат ичимни куйдирганди...

2002 й.

## **ЎХШАШЛИК**

Мен, ўзбек телевидениесини кўрмайман, десам, ёлғон бўлар. “Ахборот”ни, ҳокимларнинг ишдан олинишига бағищланган “навбатдан ташқари кенгаш”ларни, Олий Мажлис сессияларини кўраман. Шулар бошланиши билан уйимдагилар: “Боғчангиз бўляпти, кўринг...” – дейишади...

Залга факат “фидойилар” йигилган бўлади. Ҳаммасининг кўлида қоғоз-қалам... Кимdir тинимсиз гапиради... Залдагилар бош кўтармай ёзишади... Дикқат-эътибор билан... Бирон сўзни ҳам қолдирмасликка ҳаракат қилаётгандай...

Ана шундай кезлар рус сиёсатшуноси, собиқ партия арбоби Александр Яковлевнинг “Хотира гирдоби” /”Омут памяти”/ китобидаги бир гап ёдимга

тушаверади. Унинг ёзишича, Брежнев то партиянинг бош котиби бўлгунига қадар, у ишлатган қайд дафтарчалари, столусти тақвимлари сақланиб қолган экан. Хрушчевнинг ҳар бир чиқишидан кейин Брежнев у ер-бу ерга: “Бағоят гўзал”, “Қандай ажойиб фикрлар” деб ёзиб қўяркан.

Кейин маълум бўладики, аслида Брежнев Хрушчевни хуш кўрмаган.

Лекин маҳсус хизмат ходимлари унинг ёзиб қўяётган “қайдлар”ини “катта”га етказишиларини у доимо назарда тутар экан.

“Ўзбек катталари”нинг атрофидагилар ҳам худди Брежневга ўхшашмасмикин-а?!

2002 й.

## **ҲАҚИҚАТ**

Таниқли рус файласуфи Николай Бердяев “Рус ёзувчиларини гўзаллик эмас, балки кўпроқ ҳақиқат қизиқтиради”, – деб ёзганди.

Ўзбек ёзувчиларини-чи?! Ҳарҳолда ҳақиқат бўлмаса керак. Негаки, кейинги ўн йиллар ичida ҲАҚИҚАТ кўзларга айниқса мотамсаро, айниқса ғарип, айниқса ташландиқ кўриняпти...

Ўзбек ёзувчиларини кўпроқ амал, унвон, мукофотлар қизиқтиради шекилли...  
2004 й.

## **“ТАЛАНТЛИЛАР”**

Ўзбек ёзувчиларининг 1991 йилда бўлиб ўтган сўнгги, X съездидаги ижодкорлар иккига бўлинишди...

Съезд довруқли, ҳаяжонли, тариҳда кўрилмаган кўтаринки бир руҳда ўтаётганди. У Ўзбекистон Компартиясини “қонундан ташқари” деб эълон қилиши керак эди. Бу ҳақда наманганлик публицист, шоир Абдулла Жалил “Ўзбек халқига мурожаат” ўқиган, зал уни гулдурос олқишилар билан қабул қилганди...

Албатта, съезд об-хавосининг бундай тус олиши кимларгадир ёқмаган. Улар партия яккаҳокимлигини сақлаб қолишини исташган. Натижада улар бир гуруҳ “лаббайчи” ёзувчилар ёрдамида катта кучга айланиб улгурган ёзувчиларни иккига бўлинишди...

Фикрлар бўлинди... Қизғинлик бўлинди... Йиғин йўналиши бошқа ёққа бурилди. Охирида эса, боши берк кўчага кириб қолди. Съезднинг фаолиятини яна бир ойлардан кейин давом эттиришга қарор қилинди. Шу орада ўзларини “талантлилар” деб эълон қилганларнинг “Адиллар уюшмаси” тузилди...

Шундай қилиб “талантлилар” аслида компартияни сақлаб қолдилар...  
Компартия эса тез орада ХДП /Халқ демократик партияси/ номини олди...

Эҳ, сиз, “талантлилар”, “талантлилар”!..

1991 й.

## ЭВРИЛИШ

Мен билган шоир-ёзувчиларнинг жуда кўплари ўзгариб туришади...

Ҳокимият тепасидаги ўзгаришларга қараб...

10. X1. 2001.

## НАВБАТИ БИЛАН...

Яқин-яқингача учта хорижий радио ўзбекча эшииттиришлар берар эди: “Америка овози”, “Озодлик”, “Би-Би-Си”.

Тингловчиларнинг эътирофича, “Америка овози” анчайин дадил ҳисобланарди. Шунданми, у айниқса кейинги йилларда доимо бўғиларди. Одамлар эшитолмасди. Эшиитмагач, тингловчиларини йўқотди радио. Оқибатда фаолиятини тўхтатди.

“Америка овози” бўғилаётган кезлар бошқа радиостанцияларни бемалол эшитса бўларди. Энди эса, бўғилиш навбати “Озодлик”ка келиб етди. Уччала тўлқиндаги овоз фириллагани фириллаган... Оқшомгиси ҳам, тонггиси ҳам... Энди унинг ҳам тингловчилари йўқолса, ўзи эса беркилишга маҳкум бўлса керак...

Кейин эса навбат – “Би-Би-Си”га...

01. X1. 2004.

## ЎҒРИЛИК

“Дом”ларда ўғри кўпайди. Қаватларга кираверишдаги эшик қулфини ўғирлашарди.

Йўлакларга ўрнатилган электр ҳисоблагичларни ўмаришарди. Ҳатто эшик ёнига қоқилган, кўчадан келганда, эшик очиш олдидан кўлдаги халтани осгувчи илгичларгача... Эшик ортига

– ерга ташланган оёқ артиладиган палосчаларгача...  
Бирин-кетин содир бўлаётган бу воқеалардан хабардор келинчак эшик ортига қўйган янгиана ахлат челакчасини дарров ичкарига олди:  
- Буниям ўғирлашмасин тафин...  
Келин сўзларини эшитиб, қайнона изтироб чекди:  
- Қандай кунларга қолдик, а?..  
13. 1X. 2004.

## АГАР БАРМОҚЛАР КЕСИЛСА...

Қаюмjon боғ ховлисига кетаётганди, автобус ўриндиғида ўтирган ёнидаги одам ундан сўради:

Олимларнинг дачалари қаерда? Биласизми?  
Қаюмjon бошини қимирлатиб, “биламан” ишорасини қилди-да, савол берувчига юзланди:  
Кимники керак эди?

Сўраган одам айтди...

Ие, йўлимииз бир экан-ку, – деди Қаюмjon. Шу билан сухбат ўз-ўзидан бошланиб кетди.

Манзил сўраган одамнинг айтишича, у излаб бораётган олимнинг дала ховлисига ўтри тушибди. Нима қўлига илинса, кўтариб кетибди...

Қаюмjon учун бу гап янгилик эмас эди. У ҳатто дала ховлиларнинг атрофига тортилган тўр сим “деворлар”гача, уйларнинг эшик-деразаларигача ўғирланаётганини айтди.

- Илгари ўғриларнинг бармоғини кесиб, тўғри қилишган экан-да, – деди меҳмон.

Шу пайтгача индамай келаётган ёндаги учинчи йўловчи бу гапни эшитиб, чидаб туролмади чоғи:

- Агар бармоқлар кесилгувдай бўлса, амалдорларнинг ҳаммаси бармоқсиз қолади-ку, – деди.  
Бошлар тасдиқ ишорасини қилиб, лабларга енгил жилмайиш тўлди...

13. 1X. 2004.

## ШИКАСТА ҚАЛБ

Неъматжон пенсияга чиққанидан кейин тўтилар боқа бошлади. Кўнгил хуши учун... Зерикиб қолмай, деб... У чойхоналарни хуш кўрмайди. Гап-гаштакларга майли йўқ...

Кушлар – Неъматжоннинг овунчоғи... Кунига бир марта овқат бериб қўйса бўлгани...

Қолган пайтларда эса, уларни кузатади. Тўр қафас ичра учиб-қўнишларидан, ғаройиб хатти-ҳаракатларидан завқланади...

Неъматжон кўрдики, тухумини янгиана ёриб чиқкан полапонлардан бирининг бир оёғи қийшиқ... Неъматжон уни мол докторига олиб борди. Оппок сочли қариянинг қилиб юрган бу ишидан доктор мийигида кулиб деди:

- Мен ҳеч қачон кушларни даволамаганман...

Неъматжон врач қабулидан ўқиниб чиқди: “Бир оғиз маслаҳатини аяди-я... Бечорага раҳми келмади...”

Уйига келиб, Неъматжон полапонга баттар эзилди: ҳаттоки онаси ҳам қарамайди-я унга...  
Бемехр...”

Неъматжон ногирон полапонни бир неча кун пипеткада овқатлантириб юрди. Сал ўзини тутгандай кўринди. Барibir бошқа кушларга қўшилмайди... Йўлатишмайди...

Охири бўлмади. “Бундай bemexрликни, ноҳақликни кўравергандан кўра, қушчани қўйиб юбориш керак, – деб ўйлади Неъматжон. – Умри билан берган бўлса, яшаб кетади. Куни битган бўлса, кўздан йироқда ўлади...”

Неъматжон қушчани ховлига олиб чиқиб, учирив юборди. У бўғотга кўнди. Қаёқдандир томда пайдо бўлиб қолган мушук ўзини қушчага отди...

Неъматжон турган ерида тошдай қотиб қолди. У йигларди...

13. 1X. 2004.